

ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВ

# Ўнги Бекат



РОМАН

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«ЕШ ГВАРДИЯ» нашриёти

Тошкент — 1976

Романнинг воқеаси Бекат қишлоғида кечади. Сўнгра, асар қахрамонларининг ҳам ҳаётида хоҳ етишилган, хоҳ етишилмаган манзиллар борки, уни ҳам «бекат» деб атагим келади.

Қолаверса ижодда, изланишда ўзимнинг ҳам келиб тўхтаган бекатим — бу.

Хуллас, «бекат» номи рамзийдир.

Энди нима дейишим мумкин? Асар китобхон учун ёзилади. Китобхон асарни қабул қилса, ёзувчи меҳнатим зое кетмапти, дейди.

Муаллиф.

X  $\frac{70303-555}{356(06) - 76}$  53—76

© «Ёш гвардия» — 1976



1

Афгон шамоли кеча тинган бўлса ҳам, ҳамон салқин тушмаган, қум ўртасидаги асфальтда шигиллаб келаётган «экспресс» автобус ичи дим, деразалардан гармсел кирар эди. Автобустагиларнинг аксари чўл одамлари бўлгани учунми, уларга иссиқ унчалик билинмаётганга ўхшар, бироқ термизлик икки кишини жуда бетоқат қилган эди.

Улар эр-хотин. Содик билан Мунира. Орқада ўтиришибди. Эрталаб сиполик қилиб автобусга кейин киришган эди, шу жойга эга бўлишди.

Содик тўладан келган, дагал сочлари қора мой суртилгандай йигит. У хўмрайиб ўтирибди, ҳатто беҳол кўринади. Мунира эридан уч ёш кичик, йигирма саккизда. У ҳам тўладан келган, лекин бодомқо-

воқ жувон. Унинг юзига синчиклаб боққан киши тагин аллақандай нарсани сезади, «бошқа юртнинг одами бўлса керак», деб ўйлайди.

Мунира эридан фарқли ўлароқ деразадан олис саксовулзорларга қарайди, ичкарига учиб кирган жизилловиқни тутмоқчи бўлади. Ён-веридаги йўловчилар билан гаплашади.

— Содиқ ака, қовоғингизни очиб ўтиринг, бўлган иш бўлди-кетди. Энди бошимизга тош ёғсаям шу ёқда яшаймиз. Нимани ўйлаясиз? Менга қаранг.

Содиқ илжайиб, қовоғини керди.

— Мен ўйласам арзийди, — деди Мунира. — Сизнинг иш жойингиз тайин. Меники номаълум.

— Бекор гап, — деди Содиқ. — Қишлоқ мактаблариди ҳамма вақт иш бўлади.

— Айтасиз-да.

Кун тушдан ўтганда олисида чала битган ғиштнинг иморатлар, новча қранлар кўринди. Текис қумлоқда бир-бирига чалкашиб кетган машина излари кўпайди. Йиртиқ камера, шиша синиқлари.

Автобус тоққа яқин Бекат районига кириб борди.

Бекат кўринишда Термиз атрофидаги районлардан қолишмасди. Асфальт йўлда тўрт машина юрса бўлади. Йўл ёқасида ёш-ёш чинор дарахтлари. Китоб магазини. Уч қаватли универмаг. Гулзор. Лениннинг ҳайкали. Унинг нари томонидаги тўрт қаватли, деразалари кенг-кенг иморат райком — ижрокомнинг биноси.

Автобус бекатга етиб айланди, тўхтади. Йўловчилар бир нарсадан қуруқ қоладигандек, эшикларга интилишди.

Содиқ билан Мунира энг кейин тушиб, бетон айвон остига ўтишди.

— Юринг! — Содиқ чамадонни кўтариб олди. — Бу ёққа.

У хиёбонга тушиб, тут дарахти соясига борди. Чамадонни қўйиб, йўл ёқасига чиқди. Иккита «Жигули» машинаси ўтиб кетди. Содиқнинг кўтарилган қўли ҳавода қолди.

— Содиқ ака, бировдан сўрайлик. Шу атрофда бўлса керак, — деди Мунира.

Содиқ лабларини ялаб, чамадонга қаради.

— Буни ўзингиз кўтариб юрасизми?

— Эсимдан чиқибди.

Чамадон ичидаги нарсанинг учдан икки қисми — Муниранинг тарихга оид китоблари. У: «Бошқа нарсаларни кейин опкетармиз», деб, эридан ҳам яширинча китобларни солиб олган.

Йўлдан «Москвич» ўтиб кетди. Содиқ қўлини кўтара олмай қолди.

— Такси остановкаси бўлармикан бу ерда?

— Бордир.

— Бари бир бизга такси тегмайди. Эрталаб кўрдингиз-ку, одамларнинг автобусга қандай ёпирилганини.

— Рост.

— Мабодо бирон танишингиз учраб қолса, унда бўлак гап.

— Бу ерда менинг танишим нима қилади.

— Чигатойга яқин-ку бу ер?

— Содиқ ака... Чигатой қаёқдаю Бекат қаёқда.

— Биттасиям тўхтамайди-я? Мана, сизнинг мақтаган Бекатингиз!

— Мен Бекатни тарихий жой бўлгани учун мақтаганман. Бир замонлар бу ердан ипак карвонлари ўтган.

— Зўр жой экан.

Шунда йўл четидан секин юриб келаётган «газик» машинаси буларга етганда тормоз берди. Лекин яна жилиб, бир оз нарига борди-да, тагин тисланиб қайтиб келди.

Эшикдан юзи сергўшт, кўзлари кичкина бўлса-да, ловиллаб турган, йигирма беш ёшлардаги шляпали йигит бошини чиқарди:

— Йўл бўлсин, меҳмонлар?

Содиқ югуриб машина олдига борди.

— Жон ака... ука, бизни милицияга обориб қўйинг, хафа қилмаймиз. Шаҳрингизда мусофирларга машина бўлмас экан.

— Унақа эмас,— йигит ортига бурилиб эшикни очиб юборди.— Киринглар.

Содиқ чамадонни олиб келди. Орқа ўриндиққа жойлаштириб, хотинини ҳам шу томонга таклиф қилди. Узи шофёрнинг ёнидан жой олди.

Шофёр йигит камгап эди. Кўзларини қисиб нуқул олдинга тикилар, у ёқ-бу ёқдан ўзига салом берган кишиларга зўрга бош ирғаб улгурар эди. Содиқ унинг оддий шофёрлардан эмаслигини фаҳмлади. Унга одоб билан ўгирилиб:

— Бу дейман, Афғон шамоли бу ерларгаям етиб келадими?— деб сўради.

— Сурхонда у шамол етиб бормайдиган жой йўқ,— деди сирли шофёр.— Уйи куйсин бундай шамолнинг! Бутун мевани қоқиб кетади. Пишмаган меваларни оёқ ости қилади, фалокат!.. Пахтакорларнинг ҳам шўри бу. Ҳозир-ку унчалик билинмас, лекин баҳорда қақшатади. Ернинг намини олиб кетади, чигитни қайта экишга тўғри келади.

— Ғалати!— деди Мунира.— Бу шамолнинг қандай пайдо бўлиши номаълум-а?

— Э, ким билади. Афғон чўлларидан келади. Амударёдан ўтиб бизниям бетинч қилади.— У Мунирага қараб қўйди.— Шу афғон қўшнилариимиз ҳам бизга ўхшаб ихота дарахтларини кўпайтиришса, менимча, бунчалик бўлмас эди.

Содиқ мийиғида кўлди.

— Яхши таклиф.

— Буям бир гап-да.

— Кечирасиз, бу машина кимга қарашли? Ўзингизникими?

— Давлатники. Лекин, ўзимизники десак ҳам бўлади.

— Сўраганнинг айби йўқ, ўзлари нима иш қилдилар?

Йигит танглайи қотгандек, қуруқшаган лабларини ялади. Бир қўлини рулдан олиб, кўксини сийпади.

— Бизнинг бу районга биринчи келишимиз,— деди Содиқ йигитга тобора қизиқиб.— Шунинг учун ҳамма нарса бизни қизиқтиради, дўстим.

— Ўзларингиз Термизданми?

— Ҳа, зуваламиз шу тупроқдан.

— Ака, мен совхоз директориман. Ҳе, чўлда бир совхоз бор. Унинг номиям Бекат. Асли Бекат ўша. Кейин район ҳам шу номда юриб кетган.

Йигит «қаноатландингизми?» дегандай Содиққа кулимсираб қўйди.

— Унда танишиб қўяйлик,— деди Содиқ унга қўл узатиб.— Исминим Содиқ, фамилиям Аббосов. Шу милицияларингга «Детский отдел»нинг бошлиғи бўлиб келяпман.

Директор унга зеҳн солиб қаради, чеҳраси хийла очилди:

— Уктам Умаралиев.— Содиқнинг қўлини лўппи панжалари билан қисиб қўйди.— Бу киши янгамизмилар?

— Шундай. Мунирахон.

— Яхши. Янгамиз ҳам ишга келяптиларми?

— Ҳа. Бу киши ўқитувчи,— табассум қилди Содиқ.— Тарихчи. Тарихчи бўлгандаям унақа-бунақасидан эмас.

Мунира ноқулай аҳволга тушиб, қимирлаб қўйди.

Умаралиев бош ирғаб, машинани тезлатди. Муюлишга етганда бир қиз билан бир йигит йўлни кесиб чиқишди. Йигит таққа тўхтади, қиз олдинга интилди-ю, бирдан тисланиб, йигитга ёпишиб олди.

Содиқ ҳам, Мунира ҳам кулишди. Уктам эса қизга ўткир тикилиб, лабларини қимтиди.

Содиқ Уктамнинг хатти-ҳаракатини зимдан кузатиб борарди. Қиз билан йигит орқада қолиб кетгач, сўради:

— Улар сизга мабодо танишмасмиди?

— Йўқ. Биттасини бировга ўхшатдим.— У Содиққа қаради.— Ака, мана, сиз орган одами экансиз. Айтинг-чи, нима учун баъзи кишилар уйда хотини, боласи туриб яна бошқаси билан юради? Янга, биз ҳаммамиз оилали одамлармиз...

Содиқ бурнини тортиб қўйди.

— Сабаблари ҳар хил бўлади,— деди у дудмол қилиб.— Лекин ҳар қандай сабаб ҳам ўшандай одамни оқлай олмайди! Тўғрими? Шундай. Бунақаларга ҳатто статья бор. Чунки бу нарса бировнинг турмушини бузишга олиб боради.

Уктам унга ялт этиб қаради, хўмрайди. Бир оз жим кетди. Кейин алланечук жаҳл билан сўради:

— Ўша қизнинг, айтайлик, жувоннинг ўзи ўша

одамни ўз ҳолига қўймаса-чи? Бўлади-ку шунақалар ҳам?

— Унда ҳам йигит киши ўзини тутиши керак.

Мунира ўриндиқда алланечук кичрайиб ўтирар, суҳбатга қўшилмас эди. Содиқ ҳозир бўлиб ўтган гапни хаёлан таҳлил қилишда давом этди.

«Бир сири бор», деб ўйлади у юраги гуп-гуп уриб ва шу ерга келганигача ўзини диққат қилган, эртанги кунини қоронғи қилиб кўрсатган сабабнинг тағига етгандай бўлди.

У кунни кеча Сариқамиш районида ОБХСС бошлиғи бўлиб ишлаётган эди. Таниш дўкончини қўлга тушириб, ундан ўлжа ундирган пайтида ўзи қўлга тушди — қўлга туширган одам ички ишлар бўлимидан бўлгани учун ишни бости-бости қилишга Содиқнинг кучи етмай қолди. Ёлвориб амакисига борди.

Амаки — амаки экан, жиянини қутқарди. Лекин «тагин шундай бир иш қилганингни кўрсам, ўзим сенинг изингни қуритаман!» — деди. Фавқулодда Бекат район милициясидаги «Болалар бўлими» бошлиғи ўрни бўш экан. Содиқни бир амаллаб ўша жойга жўнатди.

Содиқ ўшанда қўлга тушмаганида, Сариқамишда бир кун ҳам турмас эди: Самарқандга кетарди. У ерда Шоҳиста унинг йўлига бир йилдан бери кўз тикиб ўтирибди, ахир.

Содиқ хотинидан ажралиш режасини ҳам тузиб қўйган, тўғрироғи, бу ҳолатни тайёрлаб қўйган. Шунинг учун унга бир оғиз: «Хайр, Мунира. Энди менга жавоб бер!» — дейиши кифоя.

Уларнинг бошқа-бошқа одам эканликлари уйланганларидан кейин бир йил ўтмай аён бўлиб қолган.

### 3

Ажабо! Ҳозир Содиқнинг оёғи тагидан ўлжа чиқиб қолди. Ёнида ўтирган киши кимсан, совхоз директори экан. Албатта, у бой-бадавлат бўлиши керак. Бунинг устига, сўзларидан маълум бўлдики, аллақандай айби бор...

Содиқ бу ишнинг тагини ковласа, мақсадига ета-  
дигандек туюлди.

— Дўстим, гапирмай қолдингиз? — деди Содиқ. —  
Районингизни таништирмайсизми?

— А-а. Район.. мана шу. Янги район! — У қарс  
этказиб рулга урди. — Одам дегани баъзан жуда бач-  
кана бўлиб кетади-я? — У Содиқдан жавоб кутма-  
ди: — Калланинг қатигини чиқарадиган масалалар  
ҳаётда озми? Кечирасиз, бу ерда таниш-билишларин-  
гиз борми? Турар жой?

Содиқ жилмайиб бошини эгди. Жуда уялиб кетган  
кишидек:

— Бизнинг олдимиздаги энг катта масала шу! —  
деди.

— Ҳм. Меҳмонхонага борамиз денг?

— Ким билсин.

— Бўпти. Сизлар кириб чиқинглар. Мен кутиб  
тураман. Кейин бир маслаҳат қиламиз-да. Чамадон-  
ларинг оғир экан, машинада турсин. Менга ишона-  
сизларми?

— Э, э!

— Келиб қолдик.

Содиқ Мунирани эргаштириб, цемент ариқдан ўт-  
ди. Уктамга жилмайиб қўйиб, сариқ темир дарвоза-  
дан ичкарига кириб кетди.

Уктам йўлнинг у бетидаги чойхонага ўтиб бориб,  
гужум остига ўтирди. Уни кўриб, самоварчининг ўзи  
югургилаб келди:

— Хизмат, директор бобо?

— Кўк чойдан битта бўлсин.

— Бошқа нарса керак эмасми?

— Ҳозирча...

Уктам ўзига қўшни «Партия XXIV съезди» сов-  
хозига бормоқчи бўлиб идорасидан чиққан эди.

Биринчи бўлимнинг ўн олти гектар пахтаси ғов-  
лаб кетган, унга оддий терим машинаси кира олмас,  
(қўлда териб олиш учун ишчи кучи йўқ) қўшни сов-  
хознинг директори Тўрабой Жўраев эса нуқул  
ипак пахтадан эккани учун терим машинала-  
рини ҳам шу пахтани теришга мослаштирган — яъни  
инженерлари билан реконструкция қилган машина-  
лари худди Уктамнинг ғовлаб кетган ғўзалари ичига

бемалол кира оладиган бўлганди. (Ипак пахтанинг бўйи оқ пахтанинг бўйидан баланд).

Ўқтам «газик»ни тез ҳайдаб йўл ёқасига қоқиб қўйилган таклик тепасидаги «Партия XXIV съезди» лавҳасига етганда Жўраевга рўпара бўла олмаслигини севди ва машинани шитоб билан ўтказиб кетди.

Бир кўнгли райондаги бирон раҳбар билан келишиб, ўша орқали шу масалада Жўраевга қўнғироқ қилдирмоқчи бўлди. Лекин райком биносига етганда бу фикридан ҳам қайтди.

Мана, автобуслар бекатидан бир кружка пиво ичгани келаётганида термизлик меҳмонларга учради.

Ўқтам ҳозир мунглиниб чой ичар экан, «Шу мусофирларга бир яхшилик қилсам-чи,— деб ўйлади.— Мендан нима кетди?»

#### 4

Катта, кенг ҳовлида ҳеч зог йўқ эди. Содиқ чап тарафдаги навбатчилар хонаси деразасидан мўралади. Стол, стул, диван, телефон... Аммо ҳеч ким йўқ. У дераза остидаги пояси ерга бетонланган скамейкага ўтирди. Мунира ҳам ўтириб, эрига гина назари билан қаради.

— Нима?!— ўшқириб юборди Содиқ.— Шу одамдан ҳам шубҳа қиляпсизми?

— Мен сизни ўйлайман,— у ерга қараб гапирди.— Унинг совхоз директори эканини билгач, муомалангиз ўзгариб қолди.

— Яхши бўпти!— Содиқ шундай деб сукутга толди.— Менга ишонинг, ўтган ишга саловот,— деди.

Шунда уйча муюлишидан рангпаргина навбатчи билан пешанасига доғ тушган қиз чиқиб келди.

— Бормисизлар?— деди Содиқ ўрнидан туриб.— Навбатчихонаниям бўш қолдиришар экан-да, сизларда! Ҳозир бир ёқдан телефон бўлиб қолса, ким жавоб берарди?

Навбатчи йигитнинг ранги баттар оқариб кетди:

— Виноват, виноват.

— Айбдормиз, денг! Шеф ўзидами?

— Бошлиқни айтяпсизми? Тошкентга кетган.

Бу ёғи қандоқ бўлди? Амакиси унга: «Милициянинг начальнигига тайинладим», деган эди.

— Ҳим-м, ўрнида ким бор?

— Замлари. Абдушокир ака.

Содиқ хўрсинди.

— Сиз ўтира турунг, — деди Мунирага. — Ҳозир... Қани, мени бошланг!

Навбатчи рўпарадаги оппоқ, баланд иморатга қараб йўргалади. Йўлакдан ўтиб, чап қўлдаги эшикни очди. Ичкарига бош суқиб, ўзини тортди:

— Марҳамат.

Бошлиқ ўринбосари Абдушокир Ғиёсов ёши қирқлардан ошиб қолган, кўп йиллардан бери шу соҳада ишлаётган бўлиб, кўринишда оғир карвон, эринчоқ, аммо ўз ишини пухта биладиган киши эди.

Ўтган куни бошлиқ Тошкентга кетар экан, Ғиёсовни чақириб: «Аббосовнинг жияни келади. Ўзи, яхши боламас, деди... Балки уч-тўрт кун синармиз. Лекин ўзига билдирманг», деган эди.

Абдушокир Ғиёсов, «амакисики яхшимас депти, бу ёғи маълум», деб, Содиқни сиртдан ўрганишга бошлаган, кеча оқшом ҳам Термиз билан, сўнгра Сариқамиш милициясидаги танишлари билан гаплашган. Содиқнинг феълү атвори, қилмиш-қидирмишларини ипидан игнасигача билиб олган эди.

Лекин табиатан кўнгли очиқ киши бўлгани учун Содиқни кўриб, ўрнидан турди. Стол ёнига чиқиб, у билан кўришди. Креслога таклиф этди.

— Раҳмат, — деди Содиқ. — Шеф кетиб қолган эканлар-да?

— Ҳа. Алпомиш кетиб, ўрнида Барчиной қолган, деяверинг. Яхши етиб келдингларми? Келинниям опкелган бўлсанг керак?

Содиқ унга ўйчан тикилди:

— Буниям биласизми?

Ғиёсов бундай демаслиги керак эканини севди, лекин бўлган иш бўлган эди.

— Менинг ўрнимда ўзинг бўлганингдаям қўлингга келадиган одамнинг у ёқ-бу ёғини суриштирган бўлардинг.

— Рост.. — Содиқ чўнтагидан ҳужжатларини олиб узатди. — Кўрасиз?

Ғиёсов бош ирғаб, ҳужжатларни пошмасдан қараб чиқди.

— Хўш, катта келгандан кейин буйруқ чиқарамиз,— деди,— хўпми?

— Раҳмат. Кечирасиз, бизга жой масаласи нима бўлар экан?

— Ана шу ёғи чатоқ!— Ғиёсов ростини айтди:— Бир ой, ярим ой меҳмонхонада туришларинг керак бўлади. Мени бошқа нарса ўйлатяпти: сентябрь ойи яримдан ўтди... Аёлинг ўқитувчи-я?

— Ҳа.

— Бугун эрталаб маориф билан гаплашсам, мактабларда бўш жойлар қолмаган, деди. Бошқа ишда ишлаб турадимми?

Содиқ бош қимирлатди:

— Сиз ҳамма нарсани билибсиз-у, лекин унинг феълини суриштириб билмабсиз, ака.

Абушокир ака кулимсиради.

— Бизга жавобми?

— Ҳа. Энди бўлимингга бораверишинг мумкин. Ҳозир мен қўнғироқ қиламан. Меҳмонхонага ям қўнғироқ қиламан.

— Энди, бу ёғини ўзимиз бир амаллармиз. Кечирасиз, бизнинг бўлимда улов борми?

— Олдинги ҳамкасбингдан қолган мотоцикл бор. Сен иримчи эмасмисан?

— Биз иримчиликдан кейин туғилганмиз.

— Жуда соз... Отанг ҳалиям дўконга қоровулми?

— Қоровул.

«Саводсиз, ўқимаган. Шу менга бошлиқ,— алам билан ўйлади Содиқ.— Мен эсам олий маълумотли юрист».

Чойхонанинг орқасидаги боғдан район партия комитетининг идеология бўйича секретари Шодиқул Жониқулов ижрокомнинг иккита ходими билан чиқиб келди. Чойхона олдида тўхтаб, пештоққа қарашди ва чойхоначига ранги ўнгиб кетган алвонни кўрсатиб, нимадир дейишди.

Уктам уларни кўриб ўрнидан турган эди, ўзлари қарагунча чорпоя қошига суяниб тураверди.

— Э, директор! — деди Жониқулов.

Ўқтам илдам бориб у киши билан кўришди.

— Чой ичиб ўтирибсизми?

— Ҳа. Шундай... ўзим ҳам сизга бир масалада йўлиқмоқчийдим, Жониқулов ака.

— Шундайми? Биз мана, ўртоқлар билан байрам тайёргарлигини текшириб юрибмиз. Қаранг, чойхоначи ўтган йилги шиорни қоқиб қўйибди.

Ўқтам секретарнинг ҳурмати учун пештоқдаги алвонга қараб қўйди.

— Хўш, ишлар қалай энди, ўртоқ директор? Пахтанинг мазаси йўқ-ку? Ё бир сиригиз борми? Сезоннинг охирида гумбурлатасизми?

— Йўқ, Шодиқул ака...

— Ана шунинг учун ҳам вақти келганда жавоб берасиз.

— Ҳа, албатта.

Секретарь тажангланиб, ҳамроҳларига қараб олди:

— Жуда ажойиб одам-да, ўртоқ Умаралиев! Ҳой, ўн эшакка юк бўладиган пахтагиз бор. Шуниям эплотмайсиз-а? Хўп, майли... лекин совхозни боғзорга айлантираман, деган ваъдангиз қаёққа кетди? Мева ҳосили ҳалиям ўша-ўша!

— Йўқ, унчалик эмас.

— Боғни нега кўпайтирмайсиз?

— Боғ бўляпти... Фақат эски боғлар бизни орқага тортяпти.

— Баҳона! Уша боғлардан ўттиз йилдан бери мўл-кўл ҳосил оламиз. Келиб-келиб сизнинг даврингизда камҳосил бўлиб қолдимми?

— Ҳа, ўртоқ Жониқулов. Менинг давримда камҳосил бўлиб қолди.

— Сизни маҳмадоналикка директор қилишган. Шундай пайтда, ўртоқлар... ўртоқ Қосимовдан ҳам хафа бўлиб кетасан киши. Шундай доно, зукко одам!.. Ҳайронман. Майли. Ҳали яна гаплашамиз!

— Хўп.

Ўқтам чуқур нафас олиб, қайрағоч танасига суянди. Жониқуловнинг кетидан алам билан қараб қолди.

«Мақтанчоқ!», деди. Бироқ шу оннинг ўзида унинг сўзларида ҳақиқат борлигини ҳам тан олди.

Ҳа, боғдан тушаётган ҳосил ҳам паст. Тўғри, икки-уч йилдан кейин Ўктам янги ўтқазган кўчатлар ҳосилга кирса, совхознинг бир томонини кўтариб кетади. Лекин даҳшат шундаки, у вақтгача эски боғлар тамом ҳосилдан қолиши мумкин.

## 5

Милиция дарвозасида Содиқ кўринди. Ўктам бўш пиёлага чақасини ташлаб, йўлни кесиб ўтиб борди.

— Ишлар битдими?

— Битди, дўстим, — деди Содиқ. — Энди меҳмонхонага бориб жойлашишимиз қолди.

Улар яна машинага киришди. Беш минут ўтмай, бир қаватли, эшиги қизил бўёққа бўялган меҳмонхонага етиб боришди.

Меҳмонхона мутасаддиси — шапка кийган, арманига ўхшаш, «райис» лақабли киши зинапоё пастида кутиб турган экан.

— Келинглар, келинглар, — дея ичкарига бошлади. — Афсуски, гостинца миз эски. Янгиси энди қуриляпти.

У узун йўлакнинг охирига етиб, ўнг қўлдаги бир эшикни очди. Меҳмонлар қатори Ўктам ҳам ичкарига кирди.

Хона паст, бозорга очиладиган деразасининг бир кўзига қоғоз ёпиштирилган, ҳавоси бўғиқ, ачиган нон, пайпоқ ҳиди келар, лекин сим каравотларга янги гулдор кўрпалар солиб қўйилган эди.

— Шўримиз қурсин, — деди Содиқ.

Ўктам йўлакка қайтиб чиқди.

— Кетдик. Бу хонангизга ўзингиз кириб ётинг! — У Содиқнинг тирсагидан ушлаб тортди. — Хафа бўлманг. Бизнинг совхозга кетамиз. Жой топилади. Дачамиз бор. Уй беришгунча ўша ерда ётиб турасизлар. Янга, нега ҳайрон бўласиз? Ораси узоқ эмас, ўн километр. Шаҳар ҳисобида ўн остановка деган сўз.

Ташқарига чиқишгач, Мунира эрига қараб олиб, ўз мулоҳазасини айтди:

— Майли-ю... Лекин Содиқ акамга қийин бўлади-

ми, дейман. Органнинг иши шунақақи, истаган вақтида чақириб олишади.

Содиқ хотинининг гапларига гўё қўшилгани ҳолда:

— Лекин, — деб кулимсиради, — менга мотоцикл берадиган бўлишди.

— О! Унда ҳаммаси жойида, — деди Ҳктам.

— Кечирасиз, — Мунира яна тайсаллади. — Мен ҳали маорифга киришим керак... Улар менга шу ердан иш беришса, унда албатта шу ерда бўлишимиз керак.

— Назаровга киришингиз керакми?

— Сиз танийсизми у кишини?

— Э, у киши бизнинг домла-ку!

Ҳктамнинг дафъатан кайфи чоғ бўлиб кетди: собиқ ўқитувчисини анчадан бери кўрмаган эди.

— Ҳктамжон, мен сизларга бир гапни айтмадим, — деб қолди Содиқ. — Бизнинг шефимиз ўша айтган одамнинг билан Мунираҳон тўғрисида гаплашган экан. У киши, бўш жой йўқ, депти.

Ҳктам машина эшигини очди:

— Марҳамат! Хотиржам бўлинглар!

Маориф идораси. Ҳктам унинг эшиги олдида машинани кўндаланг қилиб тўхтатди:

— Бир минутга.

Энди Муниранинги юзига қон югурган, лабларида табассум пайдо бўлган эди.

— Содиқ ака, бу йигит чиндан ҳам олижаноблик қиляптими, жуда галати экан-ку? — деди.

Содиқ ўриндиққа ястаниб олди:

— Хотинбой, одамнинг ичини билиш қийин... Ҳе, энди ёрдам беряптими, майли. Лекин бир ҳисобда қишлоқда яшаганимиз ҳам тузук, шаҳарда сиқилиб кетдик-ку, ахир.

Ҳктам у ёқда, хонама-хона юриб, Назаровнинг кабинетига етди. Лекин кабинет берк экан. Орқасидан келган киши:

— Нима гап? — деди-ю, бақириб юборди: — Ҳктам ака, сизмисиз?

Бу йигит Ҳктамдан кейинроқ мактабни битирган эди.

— Яхшимисан, ука? Шу ерда ишляпсанми?

- Методист.
- О! Домла қани?
- Домла...— Методист Уктамнинг қулоғига шивирлади: — Ўзингизнинг совхозингизга кетган. — Сўнг Уктамнинг кўзига тикилди. — Сабабини билмайсизми?
- Э, гипертон қўзғаб қолдимиз?
- Балли.
- Ҳа-а. Шамшиддиновда унинг давоси бор! — Уктам жилди-ю, яна ҳамсуҳбатига қаради. — Бари бир Шамшиддинов яхши одаммас.
- Йигит кўзини сузди.
- Уктам бошини сарак-сарак қилиб жилди:
- Хайр, ука.

## 6

Улар райондан чиқиб, кун ботарга йўл олишди. Бийдай чўл. Ҳаво иссиқ. Йўл адоқларида сароб.

— Уктамжон, совхозингиз янги қурилган совхозларданми?

— Йўқ, ака. Районда битта эски совхоз бўлса, уям бизники бўлади.

Орқада ўтирган Мунира деразадан теваракка тикилиб, алланарсаларни ўйлаб борар эди. Бирдан сўраб қолди:

— Уктамжон, нега энди сизнинг совхозингиз ҳам Бекат деб аталар экан? Бирон сабаби борми?

— Сабаби...нима десам экан, эски жой-да у ер! Кўлиям қадимги кўл. Уйлариям. Уйларини... янгилаб оляпмиз. Э, у ерда кўп ғалати одамларни учратасиз. Худди жўрттага йиғилганга ўхшайди. Ўзбек деганингизнинг неча уруғи бўлса, баридан бор. Чиғатой дейсизми, Қатагон дейсизми, Юз дейсизми? Бор. Лекин кўпчилиги қўнғиротлар. Яна, уруғи номаълум одамлар ҳам кўп. Ўзи-ку, уруғ деган гап Бекатда йўқ. Қари-қартаглар билан ўтириб қолганингизда эзлашади-да.

— Чиғатой ҳам бор дедингизми?

— Бор... Ўзингизниям уларга яқинлигингиз борми дейман?

Содиқ кулди:

— Тус чигатой-ку янгангиз.

— А-а... Эл кўп экан-да.

— Ҳа,— деди Мунира.— Лекин, Уктамжон, бир замонлар бизнинг чигатойлар «ўзбек» номида юрмаган. Ушанда ўзбек сўзи ҳозиргидек кенг маънода ишлатилмаган. Ҳозир ҳаммаси бир бўлиб кетди.

— Ўзи тағиям битта бўлса керак-да?

— Албатта. Уктамжон, номлар ўзгараверар экан. Бир замонлар, мелоддан аввал, айтайлик, шу сурхонликларни тоҳирийлар деб аташган, кейин бақтрлар бўлган. Кейин кушонлар номи берилган. Ундан кейин турк, деб юритишган. Бир қанча вақт чигатой номида ҳам юрган. Ҳозирги номи ўзбек. Номлар ўзгараверар экан. Гап моҳиятда.

Уктам унга елкаси оша такилиб қаради:

— А, уруғ деган гапларга нима дейсиз?

— Буюм эскитдан қолган. Масалан, Ҳиндистонни олинг, энг қадимий ўлкалардан бири. Лекин уруғ, элат деганлари ҳалиям бор уларда.

— Ҳа-а.

«Газик» йўл бўйидаги «ГАИ» пости яқинидан ўтди. Содиқ билан Уктам бир-бирига кўз уриштириб олди. Сўнг тагликка ўрнатилган «Партия XXIV съезди» деган ёзув келди.

Уктам машинани секинлатиб, ёзув ортига назар ташлади.

— У ёқда нима бор, Уктамжон?— сўради Содиқ.— Совхозми?

— Ҳа,— тўнғиллади Уктам.— Зўр совхоз бор.— Сўнг Мунирага ҳам қараб олди.— Жўраев деган кишини эшитганмисизлар?

— Қулоғимга чалинган,— деди Мунира

— Машҳур механизатор у киши! Область советининг депутати! Машинада фалон минг тонна пахта терган. Шоймардон Қудратовлардан кейин чиққан. Уша киши шу совхозда директор! Ҳозир, Содиқ ака, давр-давр механизатор билан чўпонники бўлиб қолди. Ди. Механизаторларнинг ўзидан беш-олтита совхоз директори чиқди.

Мунира жилмайди:

— Бу жуда яхши-ку, Уктамжон?

— Ҳа, албатта яхши. Айниқса пахтакор совхозларга ўшандай ўзининг ичидан чиққан кишилар раҳбар бўлиши керак.

— Уктамжон, сизнинг совхозингиз пахтакор эмасми?

— Пахтакор деса ҳам, пахтакор эмас, деса ҳам бўлади. Виздаги пахта буларнинг битта бригадасининг пахтасича ҳам келмайди. Бизда бошқа нарсалар бор. Эски жой-да! Битта одамнинг хўжалигига ўхшаб қолган. Озгина чорва бор, озгина полиз пахта, боғ, теплица. Эндиги совхозлар қурилмасидан буруноқ асосий соҳаси белгиланади. Мана шу совхоз ҳам шундай! Ҳозир миллионер бўлиб кетди.

— У! Зўр экан,— деди Содиқ.

Уктам ғамгинлик билан бош ирғади. У ҳам совхози Жўраевникидек бадавлат совхоз бўлишини истайди. У ҳам райкомнинг мажлислари, конференцияларида президиумда ўтиришни истайди.

Лекин совхоздаги қирқ гектар олмазорни нима қилсин?

У олмалар урушдан аввал экилган. Ҳозирда уларнинг аксари қариган, касалланган. Кўп жойларда олма туплари сийраклашиб қолган

Уктам уларни парвариш қилиш, ҳосилини кўтариш учун нима ишлар қилмади? Одамларини ҳам олиб ўша ерга ташлади, қўлда битталаб дори септириб чиқди. (Дарахтлар вақтида тартибсиз экилгани, бир жойда чангалзорга ўхшаб, бошқа жойда яйдоқ адирдаги яккам-дуккам саксовулга ўхшаб ўсгани учун машинада дори сепишнинг иложи йўқ эди.)

Уктам юзлаб олма дарахтларининг қуриган ва қурий бошлаган шохларини кестирди. Танаси касалланганларини ҳар хил усуллар билан даволатди. Лекин бари бир нафи кам бўлди. Бундай аҳволда гектар бошига белгиланган планни бажаришнинг ўзи бўлмайди, албатта. У ўйлай-ўйлай янги-янги боғлар барпо қилиш фикрига тушди. Бунинг учун эса янги ерлар керак унга.

Райкомдан, район қишлоқ хўжалик бошқармасидан комиссия чақириб, эски олмазорни кўрсатди.

Улар тўрт гектар ердаги олмани «брак» қилиб кетишди, холос.

Уфқ йўлнинг адоғига туташдек кўринади. Унда бунда тўп-тўп бўлиб ўсган явшан ва исириқнинг қувраб қолган шохлари. Қуёш ҳам муаллақ тўхтаб қолгандек. Жануб томонда сийрак туман кўринади.

## 7

Бекат қишлоғи ҳақиқатан ҳам эски, айни чоғда янги жой. Эски гузари Кампирқўл яқинида, янги тушаётган йўлнинг бериғи бетида. Шимолроқда кунчиқар уфқини тўсиб, баланд Ажинатепа қўнқайиб туради. Тепанинг атрофини шўра ва кўзтиканлар босиб кетган. Ен бағирларида хайригуллар солланиб туради, беҳисоб сўқмоқлар унинг белини камардек ўраб олган.

Ўзбекистоннинг ҳар бир бурчагида ҳам одамлар ёт навар билан қарайдиган «ваҳм жойлар» бўлади. Уларнинг бири — эски тегирмон, бошқаси қари ёнроқ, яна бири суви қуриб қолган қудуқ ёки эски кўприк. Уша қишлоқда қандай ваҳимали гап бўлса қишлоқ қариялари ўша хосиятсиз жойлар билан боғлашади.

Ажинатепа ҳам Бекат учун шундай жой.

Лекин қишлоқ болалари парво қилмай, тепага бемалол чиқиб боришаверади, сигир-бузоқларини ўтлатиб, чиллак ўйнашади, қувраб қолган янтоқларни тўплаб гулхан ёқишади.

Тепадан жануброқда, юз қадамлар нарида Кампирқўл ястаниб ётади. Кўлнинг соҳилларини тўқайзорлар қоплаб олган. Бир вақтлар тўқайда ёввойи тўнғизлар ҳам кўп бўлган, лекин кейин қирилиб кетган. Ҳозир унда чиябўрилар бор, тунлари йиғлоқи боладек овоз чиқаришади.

Баҳорда ва кеч кузада кўлга ғоз, ўрдаклар учиб келади.

Кўлнинг бўйида битта эски кулба бор. Унда Исоҳок чол деган мўйсафид ёлғиз келини билан яшайди. Улар уйдан этакда совхознинг полизи.

Полиз адоғида ўтган йили ўтқазилган олма да-

рахтлари — Уктам икки йиллик кўчатларни Денов субтропик боғидан келтириб ўтказдирган эди. Келаси йил ҳосилга киради.

Боғнинг бир тарафида — совхознинг бедапояси, сабзавот экиладиган майдонлари...

Эски гузарнинг туташ еридан совхознинг эски олмазори бошланади. У чўзилгандан чўзилиб, Сувсизтоғнинг ўнгирларигача боради.

Уктам қачон ўша боққа ораласа, ёдига туғилган қишлоғи Бошчорбоғдаги қадим боғлар тушади. Азим туп олмаларнинг энкайиб туришлари, сув чиқмайдиган бетдаги дарахт баргларининг қуруқ шалдирашлари киши хаёлини маҳзун этади. Доимо боғ ичида қағ-қуғ этиб учиб юрадиган қарғалар, гала-гала чуғурчиқлар ва майналар бу маконга сирли бир ёввойилик бахш этадики, битта тўнғак устига беихтиёр ўтириб, атрофга узоқ назар солгинг, узоқ-узоқ хаёл сургинг келади, киши.

Қишда, бу «вахм боғи» оппоқ қор билан бурканганида, Сувсизтоғдан бўрилар ҳам тушиб келади. Тонг саҳарда оппоқ қорда уларнинг чуқур ботган изларини кўрасан. Диконглаган қуёнлар пайдо бўлади. Тулки кўпаяди. Қайси йилиям қиш қаттиқ бўлганда, боғ ичи какликларга тўлиб кетганини эслашди бекатликлар.

Қишлоқнинг янги гузари бошқача. Катта, кенг йўллар. Гиштин, баланд иморатлар. Совхознинг касалхонаси, почта, магазин, ҳаммом ва бошқа маъмурий бинолар.

Уктам Бошчорбоғда агроном бўлиб юрган эди. Бир куни райком секретари у ишлаётган колхозда бўлди ва ўзига Уктам ҳамроҳ бўлгани учун ундан колхоз келажаги ҳақида кўпроқ сўради.

Ушанда Қосимов агроном болани ёқтириб қолган экан. Орадан икки ой вақт ўтиб, Уктамни бирдан райкомга чақиришди. Нима гап? «Тасдиққа борасиз!» Уктам Термизга жўнади, ундан Тошкентга йўл олди. Қишлоқ хўжалик министри ўринбосари ҳузурда бўлди ва чўлдаги Бекат совхозига директор бўлиб қайтди.

Ғайратли йигит тезда совхозни қўлига олиб, унда мавжуд тармоқларни бир текис ривожлантиришга

киришди, бироқ совхозида пахта майдонларининг камлиги, бунинг устига, ўзи институтнинг боғдорчилик факультетини битиргани, болалигидан боғни, боғбонликни севгани учун совхозни боғдорчилик совхозига айлантириш фикри унинг хаёлини чулғаб ола бошлади.

Уктам район раҳбарларига совхозида боғни кўпайтириш имкониятлари кўп экани, пахта майдонларига қараганда, боғлар кўпроқ майдонни ишғол этгани ҳақида сўзлаб, «совхоз — боғдорчилик совхозига бўлиши керак», деб дангал айтди.

Лекин шундай қила олдимиз?

Устига устак, у Бекатнинг Эски гузарини кўришга кўзи бўлмади. Ижрокомга чопиб, райкомга чопиб, облфинотделга югуриб, анча-мунча маблағ ундирди, қурилиш материаллари олди.

Бу ёқда совхознинг иқтисоди паст, давлатдан қарздор бўлишига ҳам қарамай, типовой уйлар солишга кўришди.

## 8

Уктам меҳмонларни идораси олдида тушириб, ичкарига кириб кетди. У ерда ҳеч кимни тополмай, қайтиб чиқди.

— Юринглар! — ўзи меҳмонларнинг чамадонини кўтариб олди. — Марҳамат, бу ёққа.

Каштан дарахти соясига кўмилган оппоқ идора ортида антиқа бир боғ бўлиб, у ҳамма вақт ўткинчиларни ҳайратга солар, ҳатто Бекатнинг ёшлари ҳам баъзан таажжубга тушишар эди.

Баланд-баланд арғувонлар! Танаси қучоққа сиймайдиган дублар, гўзал каштанлар, яна Россия ўрмонларида ўсгувчи аллақандай дарахтлар.

— Бу қанақаси бўлди? — деди Мунира. — Россиянинг бир бурчагини кўчириб опкелганмисизлар?

— Инқилобдан аввал экилган дейишади, — тушунтирди Уктам. — Бир яҳудий бой эккан экан. Революция бўлиб, ўзи қаёққадир кетган. Боғи қолган эмиш.

Муниранинг кўз олдига Тошкентнинг «Инқилоб

хиёбони» келди, собиқ Туркистон генерал-губернаторининг роҳат боғчаси — ҳозирги пионерлар саройи хаёлида гавдаланди.

У ердаги дарахтлар ҳам Россиядан келтириб экилган. Хўш, айтайлик, Тошкентда генерал-губернатор яшабди, ўзининг боғини ерлик халқ чорбоғларидан фарқли қилиш учун ўшандоқ дарахтзорларни бино қилибди. Бу ерда-чи? Бу ерда не мақсадда бу боғ бунёд қилинган?

Бу сўроққа тарих жавоб қилади. Унинг шаҳодат беришича, Сурхон-Шеробод чўлларини ўзлаштириш ҳаракати кеча бошланган эмас. Чор ҳукумати ҳукмронлиги даврида ҳам бу чўлларни ўзлаштириш учун ҳаракат бўлган. 1915 йилда подшо Николайнинг махсус топшириғи билан инженер Ананьев бошлиқ бир гуруҳ кишилар бу чўлларга келади. Уларни ўзлаштириш мумкинми эканини текшириб кўришади ва тезда подшо номига хат битиб, ўзлаштириш жуда мумкин эканини, ҳатто бу чўлларда етказиладиган мева, сабзавот билан бутун Россия ҳарбий қўшинларини таъминласа бўлишини ҳам ёзишади.

«Уша яҳудий чол ўша корчалонлар билан келиб, бир умр қолиш ниятида бу дарахтзорларни бино қилмаганмикан?»

Мунирада шундай фараз туғилди. Уни айтувди, Уктам гангиб:

— Йўғ-э! — деди.

— Опангизнинг сўзларига ишонинг, — деди Со-диқ. — Ҳали таништирдим-ку сизга?

— Қизиқ, — деди Уктам. — Чўл ўзлаштиришни, демак, ўша вақтлардаям билишар экан-да? Бизда-чи, ўзимизда-чи?

✓ — Бизда ер ўзлаштиришни, Уктамжон, бундан икки минг, уч минг йил аввал ҳам билишган, — деди Мунира. — Тарихда бир китоб бор, — давом этди у. — «Овесто» дейдилар уни. У мелоддан аввалги уч мингинчи йилларда яратилган, баъзи боблари тўрт мингинчи йилларда яратилган, дейишади. Уша замон анъанасига кўра китоб озгаки айтилган, ёзув пайдо бўлганидан кейин китоб ҳолига келтирилган. Уша китобнинг бир бобида: «Янги ерлар очиб, далаларга катта-кичик наҳрлар олиб чиққан халққа шон-ша-

рафлар бўлсин!» дейилган. Бир сурасида айтилган гап бу. Муқаддас ҳисобланган у сура. Ер, сув, ҳаво илоҳийлаштирилган-да ўша замонда.

Улар йўлда тўхтаб қолишган эди.

— Жуда қизиқ!— деди Уктам ҳаяжон билан.— Ер, сув, ҳаво илоҳийлаштирилган!.. Содиқ ака, зўр гап-а! Ахир, биласизлар-ку, бу масалалар ҳозир ҳам кўп олимларнинг бошини қотиряпти. Ерни олиб кўринг, ерни... тупроқни! Биз унга нуқул қимёвий ўғит берамиз. У бориб-бориб нима бўлади? Касал бўлади. Ахир соғ одам ҳам ҳадеб дори ейверса, бир куни у дорилар тешиб чиқади-ку? Соғ одам овқат ейиши керак. Ернинг овқати маҳаллий ўғитлар ҳисобланади.

— Чамадонни менга беришг,— деди Содиқ.

— Йўқ, йўқ,— Уктам бурилиб йўлида давом этди.— Бу гапларингиз тиллага арзийди, янга. Уша китоб борми ҳозир? Кутубхонадан топса бўладими?

— Йўқ,— кулимсиради Мунира.— У китоб Эронда. Визда французчадан русчага таржима қилинган баъзи боблари бор. Эронийлар бу ерларни босиб олганда, у китобниям олиб кетишган.

— Нимани олиб кетишни билади-я!— У тагин бурилиб тўхтади.— Чўл ўзлаштирганга шон-шараф дейилган бўлса, одамлар билишаркан.

— Уктамжон, боя эслатдим-ку. Мелодимизнинг бошларида кушонлар империяси деган бир империя ўтган шу тупроғимизда. Ўша даврларда мана шу Сурхон-Шеробод чўллари обод-гулистон бўлган. Ана, қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган даштларда антик шаҳар харобалари топилмоқда, атрофида зовур излари бор, шаҳарларда водопровод бўлган, сопол қувурлар чиқмоқда. Булар нимани кўрса-тади?

Уктам Мунирага тикилди.

Ҳа, шунга ўхшаш гаплар унинг ҳам қулоғига чалинган. Ҳатто Катта Шеробод канали бир замонлар сувга тўлиб оққан сунъий наҳр ўзани яқинидан ўтаркан, деган гапниям эшитган. Лекин эътибор қилмаган.

— Опажон, сизга раҳмат,— деди Уктам.— Мен энди сизларни бу ердан қўйвормайман.

Боғнинг адоғи гиштин девор бўлиб, ундан кичкина эшикча очилган эди. Уктам ичкарига кириб:

— Мана, бизнинг дача. Совхознинг дачаси!— деди.

Меҳмонлар ҳам кириб, атрофни бир зум томоша қилишди. Рўпарада тўртбурчак ҳовуз. Бурчакларда экилган ёш чинор дарахтлари ҳовлига ғалати бир салқинлик бериб, шилдираб турибди. Ҳовуз сатҳида барглар сузади. Сувнинг таги кўкиш — бақатўнилар қоплаган.

Ҳовузнинг нариги бошида кичкина чайла, сўри. Ундан ўнг тарафда болохонали баланд, оқ иморат. Унга сарғиш ёғоч зинадан чиқилади. Чап тарафда, анча наридаги тиканли дарахт остида атрофи ойнаванд қилиб ишланган шийпон.

— Қалай?

— Яхши,— деди Мунира.— Жуда!

Содиқ нари-берига синчиклаб назар ташлади. Шунда ойнаванд шийпоннинг эшиги очилиб, оқ яктак кийган, оппоқ соқоли кўксига тушган, пакана қария чиқди. Уни кўриб, Уктам:

— Э, брат!— деди.— Бизнинг отахон!

«Отахон» хотинчалиш юриш билан пилдираб келиб, меҳмонларга салом берди, юзига фотиҳа тортди. Сўнг Уктамга илжайиб боқди:

— Хизмат, тақсир?

— Сўрига жой қилинг!— деди Уктам.— Мени ҳеч ким сўрамадими?

— Йўғ-а.

— Нимангиз бор?— Уктам чамадонни кўтариб жилди.— Холодильник бўшаб қолмаганми?

Чол йўлда қайрилиб тиржайди.

— Йўқ-йўқ. Ҳамма нарса бор.

— Ҳозир тезда бир димлама ясайсиз.

— Хўп бўлади.

— Эминов келмадими?

— Кўринмадилар.

Уктам ўйланиб олға жилди. Чамадонни сўри тагига қўйиб, чолнинг тўшанчи солишини кутаркан, негадир Эминовни «эски боғдамикан?» деб ўйлади.

Чунки кеча кечаси наряддан кейин ҳам уни олиб қолиб, «Уша боғни бузсак-чи?» деган, партком секретарининг қути учиб: «Йўқ-йўқ, бу нарсани зинҳор ўйламанг. Оқибатини биласиз-ку?» деб, Уктамни кўча муюлишида узатаётганда ҳам, ҳалиги фикрни хаёлдан чиқариб ташланг, балки катталар билан келишиб, қўшни совхоздан беш-ўн гектар ер олиш мумкин бўлар, мазмунида гап қилган эди.

Уктам бирдан кулимсиради. Эминов ҳозир боғда нима қилади? Унинг дарди ҳозир пахтада-ку.

Мунира билан Содиқ ҳовуз бўйида тўхтаб ўзаро гаплашар эди.

— Биллиардга қалайсиз, биллиардга?— деди Содиққа.— Ана, шийпонда биллиард бор!— Сўнг ошхонага кетаётган чолни кўрсатди.— Лекин биллиарднинг пири шу одам.— Эр-хотиннинг таажжубланганини кўриб, тушунтирди:— Чолнинг бошидан кўп воқеалар ўтган... Бу чол кўрмаган жой қолмаган. Россиянинг ҳамма бурчакларини кезиб чиққан. Айтишларича, ўша ёқларда бир-иккита хотин ҳам олган. Ёши қирқдан ошганда Бекатга келиб уйланган. Ҳозир учта арслондек ўғли бор.

— Унда бадавлат экан!— деди Содиқ.

— Қайдам!— Уктам ижирғанди.— Бу айниган. Сафардан қайтиб келиб, шапкани дўппига, костюмни чопонга алмаштиргани билан бари бир ўзгармаган. Ичади. Ҳа, ичади! Қайтмайди!— У яна ижирганиб, ошхонага қараб олди.

— Балки унинг ҳам бир ўйлагани бордир,— деди Мунира.— Ёшини яшаб, ошини ошаб бўлган бўлса, ичса нима қипти?

— Энди,— Уктам чайналиб қолди,— мен кўрган чоллар бу бобойнинг ёшига етганда, анча сипо бўлиб қолгич эди, охиратнинг ғамини еб дегандай...

— Тўғри,— деди Содиқ.— Чол бўлгандан кейин чоллигини қилиши керак.

Мунира кулимсираб қўйди.

— Қани, дастурхонга марҳамат! Ана, умивальник!— Уктам ўйланиб, қўшимча қилди:— Агар йўлда чанг бўлдик десангизлар, тепада душ бор.

— Душ кейин бўлар,— деди Содиқ.— Лекин,

Ўқтамжон, совхозингиз ҳақиқатан ҳам мақтаса арзийдиган жой экан.

— Э, ҳали кўраверасизлар!

Ўқтам бирдан бурилиб, сўрининг у бошига ўтди. Кичкина сандиқ устидан телефон апаратини тортиб, трубкани олди:

— Алло. Коммутатор. Бодомгул, сенмисан? Мени ҳеч ким йўқламадими? Эринг қаерда? Уша пахтани ўзи териб берар эканми? А? Битта совуқ тушсин, кейин гаплашамиз. Бизнинг партком қаерга кетди? Агар мени сўраса, бу ёққа улаб юбор. Дачадаман... Тўхта! Врачнинг уйини ол!

Бу вақтда маориф мудирини Қодир Назаров совхоз касалхонасининг бош врачини Шамшиддиновнинг чорбоғида, уйи орқасидаги баланд ёнғоқ остида, сўрида ухлаб ётар, семиз юзи онда-сонда тиришиб, бўғиқ ёввойи овоз чиқарар эди.

Врачнинг бешинчи синфда ўқийдиган ўғли Шамшод уни қитиқлаб уйғотди.

— Ҳа-ҳа! Э, во-е,— маориф мудирини ҳансираб туриб ўтирди.— Ҳазилинг... из қурсин, болам!

— Сизни чақиряпти.

— Дадангиз келдимиз?

— Телефонга чақиряпти.

— Дадангиздан дарак йўқми?

— Йўқ.

Назаров гарданини уқалаб, чорпоядан тушди. Туфлисини кийиб, боғичларини боғламай, Шамшодга ҳамроҳ бўлди. Иморат олдидаги ишком остига етишди. Назаров трубкани кўтарди.

— Э, болам, сизмисиз? Етибман-да шу ерда... У-ў, уни сира сўраманг. Бошимни буролмайман денг. Бу гепиртоғ ҳароми мени олиб кетмаса, деб қўрқаман... Нима? Узи йўқ-да! Касалхонасидаям йўқ. Борайми ҳозир? Ҳа, топиб бераман десангиз, оёғимни қўлимга олиб югураман... Йўқ, машина бор. Болам, бу замонда машинасииз юриб бўладими? Хўп. Бу ерда ўтириб ҳам нима қилдим. Тўғри дачага бораврайми?

Назаров трубкани жойига қўйди:

— Э, олло!

Рангпар бола кулимсиради:

— Сиз ҳам оллога ишонасизми?

— А? Қачон? Ол... а, ол-а, дедим. Шунақа гап бор, бўтам! Онангни айт, хўшлашай бўлмасам.

— Мениям мактабга ташлаб ўтасизми?

— Мактабга... йўлим чап-ку? Йўлим чап.

## 10

— Айтмоқчи, Содиқ ака, янгамизга ўзимизнинг мактабдан иш топсак ҳам бўладими?

Мунира эрига ялт этиб қаради.

Содиқ дафъатан табассум қилди:

— Агар иш бунақасига айланиб кетадиган бўлса, мен нияям дердим.

Мунирага ҳам бу жой хийла ёқиб тушган, совхознинг доли-гули, одамшаванда директори ҳам маъқул бўлган эди. Бироқ:

— Кўрамиз-да,— деди.— Иложи бўлса, райондан иш топсам яхши бўларди.

— Ҳа, энди унақа бўлса-ку...

Эшикча орқасида энгил машина сигнал берди. Уктам ирғиб туриб у ёққа йўналди ва: «Бошқа киши бўлса-чи,— деб ўйлади.— Катталардан биронтаси келган бўлса. Иш қолиб, маишат қилиб ўтирибсан, дейдими? Оббо!.. Иккита мусофир билан икки соат гаплашиш ҳам мумкин эмасми?»

У бориб, жаҳл билан эшикни итарди.

Бирпасдан кейин маориф мудирини қўшилган кичкина давра дастурхон атрофида жам бўлиб ўтиришар эди.

Уктам Назаровга Содиқни таништирди.

— Детский отделга бошлиқ бўлиб келдим, денг?— чордона қуриб ўрнашиб ўтирди Назаров.— Хўп иш бўпти-да! Йўмасам, бирга ишлашар эканмиз. Раҳма-ат!— У Уктамга назар ташлади.— Аввалги бошлиғини билармидингиз? Одилов деган киши эди. Кўп камсуқум одам эди, боёқиш.— У Содиққа тикилди.— Нима бўлиб ўлган экан? Сиз аниқ биласизми?

— Мен ҳам чала-чулпа эшитганман,— деди Со-

диқ.— Энди, бизнинг амакимиз ўша ёққа бормасанг бўлмайди, деб туриб олдилар, бўлмасам юристга иш қаҳатми, ота?

— Амакингизни балки биларман?

— Билсангиз керак, Аббосов-да.

— Э, ички ишлар бўлимининг каттасими?

— Ўша киши. Касбимни қўлимдан оласан деб бизни ўқитган ҳам ўша киши.

— А-аа. Аббосов денг! Жуда ҳурматли одам у киши. Бизлар ўртоқ Аббосов қачон генерал бўлар эканлар, биздан ҳам битта генерал чиқсин, деб дуо қилиб ётибмиз.

— Раҳмат, домла. Мен бу дуойингизни у кишига етказаман.

Уктам унга илкис қаради:

— Бу ёғини айтмаган эдингиз-ку, Содиқ ака?

— Энди,— камтарлик билан жилмайди Содиқ.— Узлариям директор эканларини... а?

— Ҳо!— Уктам кулиб юборди.

Маориф мудирини дастурхонга зеҳн солиб чай-қалди:

— Хўп бир улуғ одамларнинг жияни билан ўтириб қолган эканмиз, Уктамбек, қани, меҳмонларга анавиндан қуйинг. Фақат биз ҳисобдан ташқари! Биз ичадиганимизни ичиб бўлдик. Сиз яхшими, қизим? Бу киши сизга ким бўладилар, оғажон?

— Оиламиз.

— Э, раҳма-ат. Буни қаранг-а! Районга келиб хўп иш қилибсизлар-да. Қани, дастурхонга қаранглар! Таом маҳтал бўлмасин. Қизим нима иш қилдилар?

— Бу киши ўқитувчи эдилар,— деди Содиқ.

— Нега «эдилар», дейсиз?— Назаров шундай деб, дудуқланиб қолди, тушунди: «Демак, бу ишсиз? Бунга иш топиш керак бўлади... Э, Ғиёсов шуни айтган экан-да, бугун саҳарда? Ана холос! Ўзим қўлга тушибман-ку?»— Ҳа-а,— дея гапини улаб кетди у.— Бу гапингизда жон бор экан, ўғлим! Энди келаси йилгача «эдилар» бўлиб турадилар. Келаси йили ўзим чақириб, ишни ҳозирги замон феълига кўчираман. Шундоқ бўлади-да? Ё бошқа режаларингиз борми?

— Бошқа режа ҳозирча йўқ,— деди Содик — Балки Мунирахоннинг ўйлагани бордир?

— Йўқ, домлажон,— деди Мунира.— Мен фақат... ўқитувчилик қилсам дейман. Агар Бекатда иш топилмаса, биз Содик акам билан келишамиз, балки мен аввал ишлаб турган мактабимга борарман.

Содик тумшайди:

— Ҳа, энди шундай қилишга тўғри келади. Эр-хотин бир йил бўлак-бўлак яшаса, ҳеч нарса бўлмас.

Назаровнинг юраги сиқилди. Бўйинини сийпалади ва миқ этмай ўтирган Уктамга: «Мени нима балого гирифтор қилдинг?» дегандай қаради.

Уктам бошини кўтарди:

— Домла, янгамизга иш топиб берасиз! Бошқа гап йўқ,— деди.— Гапингизга қулоқ солмайман.— Сўнг қизишиб кетди.— Сиз бу кишини танимайсиз. Балли! Лекин лоф бўлсаям айтаманки, опамиздақа тарихчи районингиздаям йўқ... Хўп. Ярим соат гаплашайлик, ўзингиз ҳам билиб оласиз.

Мунира қизариб четга қаради. Назаров чой ҳўплаб йўталиб қолди:

— Мен сизнинг сўзларингизга ишонаман, ўғлим.

— Ишонсангиз, бўлди-да.

— Айтайлик...

— Домла, Қувватбеков билан гаплаша олмай-сизми?

— Қувватбеков билан?!

Маориф мудирининг ранги ўчиб, юрагида бир ни-ма чирт этиб узилгандек бўлди.

«Охири ўша мени ўлдиради».

Маориф мудирининг билан шу совхоздаги «Маҳмуд Қошғарий» мактабининг директори орасида эски жанжал бор, у узоқ йили Қувватбеков районга келиб мактабни қайта қуриш режаси билан Назаровнинг ҳузурига кирганда бошланган.

«Уша мактабдан илон чиққан эмас,— деди Назаров.— Уттиз йилдан буён болалар ўқийди у ерда».

«Энди ўқимайди,— деди Қувватбеков.— У ерга болалар тугул безориларни қамаб қўйсангиз ҳам турмайди!»

Сўнг, Қувватбеков мактабда синф хоналарининг

камлиги, фан кабинетларининг йўқлиги ҳақида гапирди. Ниҳоят: «Наҳотки тахта поли ҳам бўлмаган, туңука печка билан исийдиган синфда болаларни ўқитиш мумкин бўлса. Шу кунда-я!» деб идорадан чиқиб кетди.

Қувватбеков тўғри райком секретарининг қабулида бўлибди. Ижроком раисига борибди. Облононинг қурилиш бўлимига ҳам учраб, министр ёрдамида мактабни қайта қуришга маблағ ажраттирибди.

Назаров бу нарсани билгандан кейин жуда мулзам бўлди: «У одамнинг кимлигини эшитувдим-ку? Фалсафа фанлари кандидати! Гапига кўниб, шу ишга ўзим бош қўшсам бир нима бўл қолардимми?»

Назаров Қувватбеков билан алоқани тиклаш учун баъзи мактаблар ремонтига ажратилган қурилиш материалларидан унга жўнатди.

Алоқа яхши бўлди деганда, яна бузилди...

Сўнг Назаров Қувватбеков билан қачон тўқнашмасин, енгилди. Оқибат, уни кўрганда, рақиб талаб ташлаган какликдек писиб, ўзини ожиз сезадиган бўлиб қолди.

— Ўғлим, мен Қувватбековдан илтимос қилишим мумкин, — деди Назаров. — Бироқ бир нарса чиқишига кафиллик бера олмайман.

## 11

Дача эшигидан кириб келган совхоз партия ташкилоти секретарини қўриб, Назаров бирдан енгил тортиб кетди.

— Энг муҳими шундаки, — гапида давом этди у Мунирага юзланиб, — Қувватбеков унақа-бунақа директорлардан эмас, ҳа. — У ўрнидан қўзғалаётган Ўктамга ҳам қараб олди. — Агар шу илтимосингизни, районда идорамда айтганингизда, мен албатта марказдаги бирон мактаб директори билан гаплашардим.

Эминов Ўктам билан кўришди. Унга маъноли тикилиб қўйиб, меҳмонлар билан сўрашди ва Назаровга:

— Э, домлажон! — деб қучоғини очди.

Назаров сўридан тушмоқчи бўлди. Эминовнинг ўзи бориб, уни қучди. Юзига тикилиб:

— Яхши, яхши,— деди.— Ҳалиям отдайсиз!— Сўнг яна меҳмонларга бетланди.— Сизлар яхшимиз сизлар? Яхши ўтирибсизларми?

— Раҳмат,— деди Содиқ.

— Булар бизнинг меҳмонлар!— Эминовга қарамай хитоб қилди Уктам.— Жуда азиз кишилар... Утиринг ўзингиз ҳам.

— Хўп-хўп, Уктамжон, ўтиринг.

— Э, мен бир оз тикка турай!— У тумшайиб нари кетди. Ошхонада куйманаётган қарияга нимадир демоқчи бўлди-ю, изига қайтиб, Эминовнинг устида тўхтади:— Омон ака, Қувватбеков ҳозир мактабга битта тарих ўқитувчисини ола оладими?

Эминов чўтир юзини силаб, тердан ҳўл бўлиб кетган патила сочларини бармоғида тараган бўлди.

— Билмадим,— деди.— Лекин у кишининг тарихчиларидан биттаси бўшроқ. Айнобиддинни айтяпман. Эҳтимол, шунинг ўрнига олиб қўйиши ҳам мумкин. Бироқ бу нарса аввало...

Назаров Эминовнинг тиззасига уриб, жилмайди:

— ...аввало, ўзингизга боғлиқ, қизим!

Мунира кўзларини пирпиратди.

— Сиз гапиринг, сиз!— деди маориф мудир Эминовга.— Мунираҳон қизим, бу киши ҳам бир вақтлар Қувватбековнинг қўлида ишлаган.

— Гап шундаки, у киши...

— Сизлар гаплашиб ўтиринглар, мен ҳозир келаман!

Уктам меҳмонларнинг ўзига хижолат чекиб қарашаётганини сезмагандек, дачадан чиқиб кетди.

Қувватбеков мактабни қайта қуриб бўлгач, ҳаммани ҳайратга солиб, ўз ўқитувчиларини районо, райком ва облоно вакиллари ҳамда баъзи бир мутахассис муаллимлар олдида ўз фанлари бўйича имтиҳон қилади, уларга бир қатор саволлар беради ва жавоби қаноатсиз ўқитувчининг... жавобини беради.

Ушанда Эминов ҳам, гарчи ўз фани адабиётдан берилган саволларга қаноатли жавоб қайтарган бўлса-да, ўз ихтиёри билан мактабдан кетади.

— Нега энди сиз ҳам кетдингиз? — сўради Мунира.

— Киши ўз ўрнида бўлгани тузук.

— Ана шунақа директор у! — Назаров гўё суҳбатга яқун ясади. — Энди менинг аҳволимни тасаввур қилиб кўринглар-чи?

— Тушундим, — деди Мунира. — Умуман, ундай директор ҳар жиҳатдан ҳам мақтовга лойиқ...

Энди суҳбатга Содиқ ҳам аралашди:

— Кечирасизлар, мен бир нарсани тушунолмаяман. Айтишларингча, ўзи фалсафа фанлари кандидати бўлса. Ундай одам Термизда, ёки Тошкентда бўлмай, бу ерда нима қилиб юрибди?

Ушандоқ одамнинг Бекат маорифига кириб иш сўрашидан дастлаб Назаров ҳам ҳайрон бўлган, ҳатто унга шубҳа билан қараганди.

Кейин билиб олдики, Қувватбековнинг касал хотинига чўлдаги — мана шу ердаги Кампиркўл ёқиб қолибди; улар ота юртлари Ола Чопон қишлоғига Бекат районидан ўта туриб райком секретари Қосимовнинг уйига тушганда, (Қувватбеков Қосимов билан дўст экан) Қосимов машина бериб, айланиб келинглари депти, эр-хотин чўлда айланиб юриб, Кампиркўл бўйига бориб қолишганда, бемор аёлга кўл манзараси ёқибди, шунда Қувватбеков Термиз пединститутидagi ишини ташлаб, шу ерда қолишга қарор қилган экан.

— Энди, уларнинг ўзаро муносабати бошқа масала, — деди Эминов. — Маврида келса, эшитарсизлар.

— Ҳа, у томони бизга дахлсиз, — деди Назаров ҳам. — Умуман, ўртоқ Қувватбековнинг феълү атвориға тушуниш қийин, а, Омонжон?

— Унда менга нима қилишни маслаҳат берасизлар? — сўради Мунира.

— Маслаҳат шулки, у кишининг ўзига бир йўлиқасиз! — деди маориф мудирини. — Омонжон айтган ҳақиқат тарихчиси бўшроқ бўлса, ўрнига сизни олишимиз ҳеч гапмас!

Мунира эрига қаради.

Содиқ ўйчан эди; битта директор тўғрисида шунча гап-сўз бўлгани унинг гашини келтирганди.

— Ҳа, насиба шу ерда бўлса, қолармиз. Бўлмаса кетармиз,— тўнгиллади у ва маориф мудирига мурожаат қилди:— Тақсир, районда иш топиш мумкинми?

— Районда ҳам... Сентябрьнинг ўртасида бир мактабдан иш сўрашнинг ўзи қизиқ-у, лекин ҳаракат қиламан,— деди Назаров.

Уктам қайтиб келди. У баттар тажанг эди.

— Эминов!— уни ҳовуз бўйига имлади. Эминов меҳмонлардан узр сўраб, борди. Уктам чайлага орқа ўгириб олди.— Мен жуда хижолат бўлдим-ку, Омон ака? Хаёлингиз қаёқда?

— Эшитяпман.

— Жўраевнинг совхозига ўтолмадим. Бўлмади...

Эминов жимиб, ҳовузга қаради.

— Керак эмас ўшанинг машинаси!— бирдан зарда қилди Уктам.— Ҳали пахта очилганиям йўқ. Подадан олдин чанг чиқармайлик. Менга қаранг, Қувватбековдан илтимос қилсак, ўқувчиларини тагин беш-ўн кунга берадими?

Эминов Уктамга қаради, ёқасидан ушлаб ёлворди:

— Сира-сира бу нарсани ўйламанг!

— Хўп. Анавиларнинг ишини нима қилдик?

Эминов чайлага қарамоқчи бўлди.

— Қараманг!— деди Уктам.— Бўлар иш бўлди. Улар гаплашяпти... Қувватбеков билан ўзингиз гаплашасизми?

— Булар сизга ким бўлади ўзи?

— Аммамнинг болалари бўлади!

— Қолишадими бу оқшом?

— Бўлмасам-чи.

Улар бир-бирига тикилиб қолишди. Бу қарашда битта маъно бор эди: булар меҳмон, демак, иккови-дан бири уларни уйига таклиф этиши керак.

— Уктамжон!

Назаров сўридан тушмоқда эди. Уктам билан Эминов бурилиб, унга томон юришди.

— Энди мен қайтсам, отам,— деди у.— Биз меҳмонлар билан келишиб олдик. Бу ерда келинимизнинг ишлари тўғри бўлмаса, районда иш топиб бериш менинг гарданимда.

— Яхши,— деди Уктам.— Омон бўлинг. Сизниям овора қилдик.

— Сиз меҳмонлар билан қолинг.

— Булар энди меҳмон эмас,— Уктам сўридан қўзғалаётганларга кулиб қаради.— Янга, хижолат бўлманг! Содиқ ака, ҳамма иш жойида бўлади. Эминов, сиз гаплашиб ўтира тулинг.

Уктам маориф мудирини кузатиб қайтди.

...Назаров «Москвич»га ўтиргач, Қувватбеков билан гаплаша олмагани, бунга жураъти етмаганидан хафа бўлди.

Сўнг «ўлса, тезроқ ўлсайди шунинг хотини», деб ўйлади-ю, машинани жилдириб бўлмай, ўз ўйини рад этди: «Йўқ, бировга ўлим тилаш яхши эмас, ўзи кечирсин!»

Айтишларича, Қувватбековнинг хотини Сабоҳат ўлиб қолса, Қувватбеков бу ерда бир минут ҳам турмас эмиш, ҳатто Термизга ҳам бормай, тўғри Тошкентга, фалсафа институтига кетармиш.

## 12

Уктам жаҳл билан трубкини кўтарган эди, Эминов унинг тиззасига туртди:

— Уктамжон, хаёлимга бир гап келди,— деди жилмайиб.

Уктам трубкини жойига қўйди.

— Бу кеча меҳмонлар биз бирга бўлишадия?

— Ҳа. Бу кеча гурунг қиламиз,— деди Уктам ва ичида: «Наряддан кейин бораман уйга. Унгача Эминов буларни овунтириб туради-да», деб ўйлади.— Айтмоқчи, бизнинг уйда бўласизлар, Содиқ ака! Жиндак... Бизнинг кулбани ҳам кўрасизлар,— кулимсираб Мунирага қаради.— Аёлимиз бор... Домфакни битиряпти. Хўш, нима демоқчийдингиз, Омон ака?

— Ҳим-м,— томоқ қириб давом этди Эминов,— энди, сизнинг уйда ўтирамизми, бизнинг уйдами, фарқи йўқ. Фарқи йўқ-ку, лекин битта иш қилсак.

— Хўш?

— Қувватбековни ҳам айтсак-чи?

Уктам сергак тортиб кетди.

— Қувватбеков... келармикан?— шундай деб, меҳмонларга тушунтирди:— Аёли оғир касал. Утиришларга бормайди у одам.

Эминов лабларини ялади:

— Аёлининг феълини биламан. Яқинда борганимда, акангизни кўнглини кўтаринглар, жуда зерикиб кетди бечора, деган эди.

— Бўлмасам ўзингиз таклиф қиласиз-да?

— Мен партком секретари бўлсам, сиз директорсиз, Уктамжон.

— Ёўпти!— Уктам манглайини силади.— Эртага ўқувчилари теримдан қайтиши керак-а?

— Бунга келишганмиз.

— Яхши.

— Уктамжон, у одамни таклиф қилишдан мақсадим... айтмадим ҳали.

— Ҳа-я.

— Ўзларингга маълумки,— табассум билан бошлади партком секретари,— ўтиришда ҳар хил мавзуда гап очилади. Менимча, Қувватбековнинг ўзи ҳам тарихни билишда унча-мунча ўқитувчидан қолишмайди. Демак, шу мавзуда ҳам гап очилиши мумкин... Шунда, опамиз ўзларини бир кўрсатиб қўйсалар, ёмон бўлмас эди.

Уктам кулиб, Эминовнинг елкасига урди.

— Мунира опа, қалай?— шундай деб ўзи ҳам қизарди.— Узр энди... Биз совхоз директори бўлсак ҳам, мактабларга катталик қилолмас эканмиз.

Мунира тагин эрига қаради. Содиқ бурнини тортиб қўйди, у нотаниш директорга нисбатан кўнглида адоватга ўхшаш ҳисни туйди.

Бироқ Уктамнинг уй-жойини кўриш, унинг қанча давлати борлигини билиш имконияти туғилгани унга жуда маъқул тушди:

— Олам гулистон!

Ярим соатдан кейин Уктам меҳмонлардан қайта-қайта узр сўраб, ишга кетди. Меҳмонларни зериктирмай, бир-икки соат айлангириб келиш учун Эминов дачада қолди.

...Содиқ болохонадаги айрим ҳужрада кийим-бо-

шини алмаштирар экан, хотинининг бу ерда ишлаб қолишини истамаётгани, бу совхозга аниқ бир мақсад билан келганига қарамай, ўзи ҳам шу тобда айнаб турганини идрок этиб, гангиб қолди.

«Нега уни рашк қияпман? — тажанг бўлиб ўзидан сўради. — Нега энди? У бари бир менга хотин бўлмайди. Қайтага унинг шу ердаги мактабда ишлаб қолиши яхши эмасми? Демак, бу ерни қанча ёқтириб қолса, шунча соз! Ажралиб кетишим тагин ҳам енгил бўлади...»

Бу ўйларидан кейин Содиқнинг кўнгли жойига тушди, иложи борича Муниранинг бу ерда қолишига розилик билдиришни дилига тугди.

Шунда Уктамнинг ҳали дачага келаётганларида, «сизларни бу ердан ҳеч қаёққа юбормайман!» дегани ёдига тушиб, тек қолди: Уктам бутунлай олиб қолмоқчими буларни?

Олиб қоладиган бўлса, демак, уй беради! Совхозда уйдан бошқа нима бор.

«Унда янаям яхши бўлади, — ўзи билан ўзи сўзлаша бошлади Содиқ. — Яхши бўлади. Одамларини кузатаман... Албатта, ҳар бирида ҳам битта гап бор. Бунинг устига, одамлари содда — бу кўриниб турибди, меласага айрим ҳурмат билан қарашади... Уктам ҳам ахир, Уктамдек совхоз директори ҳам ҳурмат кўрсатяпти-ку менга? Тўхта, нега у бунчалик олижаноблик қияпти? Битта сири бор-ов. Ё, ўша гапмикан? Ҳар ҳолда бу боланинг милиция билан битадиган ишкали бор. Бўлмасам нега бизни бу ерга олиб келиши керак? Меҳмон қилиши керак? Мунирани ишга жойлаштириш учун қанчалик диққат бўляпти?»

Мунира душда ювинмоқда эди.

У қайтиб чиқиб, йўлак деразаси олдида тўхтади, тащқарига қаради. Эминов ҳовузнинг у бетида ошпаз чол билан гаплашиб турарди.

«Яхши одамлар, — ўйлади у. — Яхши. Қишлоқ ҳам яхши! Кошки шу ерда қолсам эди. Дарвоқе, Содиқ ака бу ердан ҳам кетамиз, деб қолса-чи?»

Мунира иккиланмасдан қарор қилди: у кетамиз деса, ўзи қолади.

Лекин анави мактабга жойлаша олсайди!

Қувватбеков ўша тарихчиси билан Мунирани ёнма-ён қўйиб, савол-жавоб қилдирадиган бўлса, Мунира ўзининг ғолиб келишига ишонди: у ахир дарс бериш учун тарихни ўқимаган, у тарихни билиш учун ўқиган, шунинг учун ўқияпти ҳам! Тарих унинг вужудига моддий бир нарсасдек сингиб, жонли бир бўлагига айланиб қолган.

Ниҳоят, эр-хотин ташқарига чиқишди.

### 13

Қодир Назаров «Москвич»ни касалхона дарвозаси қаршисида тўхтатиб, кабина ойнасини тушириб ўтирарди. Соатига қаради: уч.

«Иш ҳам қолиб кетди», русса билан ўйлади у ва ёдига таниш ўй тушди: Қувватбеков шу ерда яшаб қолса, унинг жойини олади. Бу турган гап... Ўзи ишбилармон, ҳаракатчан. Райкомда фалсафа тўгарагини ҳам олиб боряпти, ман-ман деган муаллимлар ундан сабоқ олади, жумладан, Назаровнинг ўзи ҳам.

Нега Назаров ишга қизиқиб кетиб, биронта аспирантурага киришни ҳам ўйламапти? Фан кандидати бўлса, ҳозир тили ҳам узун бўларди.

Йўқ, Назаров келаси йил маорифдан кетади. Нақ олтмишга қиради. Ишдан кетади. Обрўйининг борида этагини йиғиштиргани маъқул.

У хўрсиниб, қабарик деразага қаради: шунча йил мактабларда, маорифда ишлаб битта ҳам унвон ёки нишон олмади-я!

«Ўзим аҳмоқман, — алам билан ўйлади у. — Ўша рўйхатларда ўзимниям кўрсатишим керак эди. Мана, менинг ярим меҳнатимни қилмаган муаллимлар ҳам — республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи!»

Шунда касаллиги ёдига тушиб, баттар хафа бўлди: «Бу қандай ноҳақликки, район маориф бўлимининг мудури оддий бир касалхона врачини кутиб сарғайиб ўтирса?»

Тагин, ундан хуфия дори олса?

Бекат касалхонасининг бош врачси Қамариддин Шамшидиновнинг отаси машҳур табиб ўтган. Айтишларича, Туркменистон, Тожикистон томонлар-

даям у табибнинг мухлислари бўлган. Қамариддин донгдор табибнинг ўглигина эмас, шогирди ҳам экан. Ота фарзандига жуда кўп дориларни яшаш йўллари-ни ўргатиб кетибди.

Назаров илгарилари бу ёш докторнинг шунақа ҳунари ҳам борлиги, ман-ман деган профессорлар даво тополмаган касалларни ўрнидан тургазиб юбора олиши ҳақида кўп лофларни эшитар эди-ю, ишонмасди. Бурноғи йили бирдан қон босими ошиб, ётиб қолди. Хайрият, бурнидан кўп қон кетди, агар бурундаги вена томири ёрилиб қон оқмаганда, у тўппа-тўғри мияни ишғол қилиб, Назаровни аспаласопилинга обкетар экан.

Назаров дардига докторлар шифо топиши мушкул эканини англагач, Бекат қаердасан, деб йўлга чиқди.

Шамшиддинов уни совуқ қабул қилди. Лекин суҳбат чоғи қарияни ёқтириб қолди ва уйига, ундан кичкина ҳужрага олиб кирди.

...Деворларнинг бўш жойи йўқ, ҳар хил гиёҳлар осиб қўйилган, хона омихта ҳидга тўла эди.

Шамшиддинов тўгарак стол орқасига ўтиб, ердан битта қопни кўтарди-ю, яна жойига қўйди. Кираве-ришда турган шкафни очиб, колбалардан бирини олди. Чайқатиб, устига сув қуйди. Тиндиргач, ярим стакан сузиб, Назаровга берди.

Назаров тахир, чучмал суюқликни ичиб юборди — ҳайҳот! — ярим соат орасида кўзи чарақлаб очилиб кетгандек бўлди!

Боягина катта бошини зўрға кўтариб турган эди, энди ундаги вазминлик ҳам йўқ бўлди.

Мана, икки йилдирки, касали қўзғади дегунча Назаров бу ёққа чопади.

Касалхонанинг катта темир дарвозасидан қоровул чиқди.

Назаров жаҳл билан стартёрни босди. Қоровул тўхтади. Назаров дераза ойнасини туширди:

— Врачни кутяпман, врачни! — деди. — Келадими, келмайдими?

— Э, у киши мактабга кетган-ку, — деди қоровул. — Мактабда бўлиши керак. Шошилишда кетиб қолдилар.

— Оббо, мен бўлсам...

Назаров Шамшиддиновнинг уйида ўтириб, касалхонага уч марта қўнғироқ қилган, трубкани олган кишилар: «Билмаймиз», деб жавоб беришган эди.

Бу вақтда сийрак сочини силлиқ тараб олган врач Шамшиддинов билан ўрта бўй, миқтигина, бурни узун, кўзлари кичкина Қувватбеков мактаб олдидаги майдон четида туришар, уларнинг суҳбати адо бўлган, энди сўнги гапларини айтиб хўшлашмоқда эдилар.

— Уғлингиз яхши тарбия топса, биздан ҳам кўра ўзингизга яхши,— деди Қувватбеков. «Казбек» тутатиб, турникда айланаётган болага қаради:— Бизни унутиб юборишади бари бир... Тўғриси-да! Биз ҳам кўп ўқитувчиларни унутиб юборганмиз.

Шамшиддинов ғамгинлик билан бош ирғади.

— Бўпти,— унга қўл узатди Қувватбеков.— Ўзингизни одамлар орасида қандай тутасиз, хотингиз билан нималарни гаплашасиз, бизни қизиқтирмайди. Лекин боланинг олдида одамга ўхшаб гаплашиш керак!

— Ўқитувчининг юзига қараб гапирганими айби?

— Шамшиддинов, бир соатга яқин шу тўғрида гаплашдик, хаёлингиз мижозларингиздами?

— Мижозларимда эди десам, қаноатланасизми?

— Сиз билан гаплашиш қийин! Хайр. Айтган гапларим ёдингиздан чиқмасин. Бола ўқитувчини ҳурмат қилмаса, унинг сўзига қулоқ солмайди. Шунинг учун Шамшоднинг ўзлаштириши паст.

— Хўп,— деди врач.— Мен одамларга нисбатан унда ҳурмат уйғотишга ҳаракат қиламан.

— Бу бошқа гап.

Қувватбеков кескин бош ирғаб, йўлкага чиқди.

Шамшиддинов уни мактаб эшигидан кириб кетгунигача кузатиб турди. Сўнг истеҳзоли кулимсираб, хиёбонга тушди.

Хиёбон четидаги ариқда сув шалдирайди, бетида хазон-япроқлар оқади, кўчада одам сийрак, куннинг

тафти қайтган бўлса-да, ҳавода кишини диққат қиладиган бир ҳовур бор.

Шамшиддиновнинг юрагида дарди кўп.

Унинг машҳури олам бўлган табиб отаси ўлими олдида бир чақага зор эди. Холбуки у ўз умрини одамларни даволашга бағишлаган, ундан минг-минглаб кишилар миннатдор бўлиб кетишган. Лекин содда чол фақат дори ясаш, гиёҳлар йиғиш учун тоғма<sup>1</sup> тоғ кезиш ва Ибн Сино асарларидаги кўкатларнинг ўзбекча номларини топиш ҳақида ҳам ебдию бир кунни ўлим тўшагида ётиши, ана ўша пайтда ҳечқурса, беш-ўн сўм-пули ёнида бўлиши кераклиги ҳақида ўйламапти.

Отаси ўлаётганда Қамариддин ТошМИнинг учинчи курс студенти эди. Етиб келди. Қўшнилардан қарз кўтариб, отанинг хайру худойисига ишлатди.

Институтни битирганидан кейин икки йил давомида қарз узди.

Уша кезларда унинг хаёлида ғалати бир фикр ярқ этди: у текинга даволамайди. Майли, касалхонага келишсин, медицина илмининг энг сўнгги ютуқлари билан даволашга мажбур. Бироқ табобатдан даво истаб уйига келса, ундан бир нима ундириши шарт.

Токи ўзи ҳам ўлим тўшагида ётганда, отасининг ҳолига тушмасин, ўғли Шамшод бировдан қарз кўтармасин.

Мана, йиллар ўтди.

Қамариддин данғиллама участка солди. Чорбоғини гуллатди. Кассага пул қўйди.

— Кассага пул қўйди-ю, назарида, энди ҳаётини ўзгартириши керакдек туюлди...

— Э, отам-э, отажоним-э! — машинадан тушиб, уни қарши олди Назаров.

Қамариддин бир қарашдаёқ қарияни узоқ куттириб қўйганини пайқади, унга раҳми келди: «Икки шиша дори бераман, — деб ўйлади. Шуни ўйлади-ю, икки шиша дорини ичиб бўлгач, тагин орадан бир ой ўтмай ялиниб келишини эслади. — Буткул давола-сам-чи? Унда қопдаги қонтепарнинг ҳаммасини бир ўзи еб қўяди».

— Кечирасиз энди, — деди Қамариддин. — Сал

ушланиб қолдик. Мени больницага обориб қўйиб,  
ўзингиз бизникига ўтаверинг, орқангиздан етаман.

— Отам, мен тушда келиб эдим.

— Ҳечқиси йўқ. Ярим соат кутасиз.

— Хўп.

## 14

Ўктам машинасини идора олдида бир тўхтатиб,  
сўнг икки ёнида хонадонлар жойлашган яхлит пай-  
кал бошига етди.

«Газик»ни ўтлоқда қолдириб, пахтазорга оралади.  
Ўқариқдан ҳатлаши ҳамон итузумни силкитиб юбор-  
ди. Ундан дув кўтарилган митти чивинлар Ўктам-  
нинг афтига ёпишди. Ўктам сўкинди, бўйни, чакка-  
сига шап-шап уриб, бир нечасини эзиб ташлади.

У йўлдан чиқиб, жўякка тушди. Бир неча қадам  
юрмай, гўё чангалзор ичига кириб қолди. Чўнқайиб  
чаноқларга тикилди. Ажаб, сўппайган танада беш-  
ўнта чаноқ канадек ёпишиб турибди. Пахтаси лўппи  
бўлиб очилган. Лекин юқори шохлардаги кўсаклар  
ҳали «тишининг оқини» ҳам кўрсатмаган. Биттаси-  
нинг бўғзидан митти пахта кўруниб турарди. Ўктам  
уни юлиб олди. Чаноқларни кериб очганди, тўртала  
чаноқдаги пахта ҳам шилдираб ерга тушди.

У ҳайрон бўлиб, у ёқ-бу ёққа қаради. Сўнг алами  
келди, тепиниб, ғўзаларга оёғи чалишиб, сўқмоққа  
чиқди.

«Падарига лаънат ўшандай агрономни!» — деди.

Кейин ўша агрономнинг жавобини бериб юборган-  
ни учун афсус қилди. «Ё мендан совхоз директори  
чиқмайдами?» дея олға жилди.

Ўктам келгунигача Бекатнинг бош агрономи бор  
эди. Лекин унинг мутахассислиги пахтачиликдан бў-  
либ, айтишга арзимайдиган пайкаллардан мўл-кўл  
ҳосил етиштирар эди. Пахтачилик агрономи... Ҳамма  
бало шунда! Шунинг учун ҳам у анави ёқдаги қирқ  
гектарлик боққа қарай олмаган, балки қандай парва-  
риш қилишни ҳам билмаган.

Баҳорда гапдан гап очилиб, «Сизнинг жойингиз  
бу ермас!» деб қолди. Ўктам. Агроном Ўктамга шун-

дай алам билан қарадики, назаридан «шу ёш бола менга катталиқ қиладиган бўлдими?» деган маънони англаш мумкин эди. У индамай идорадан чиқиб кетди. Бир ҳафтадан кейин «мени бўшатинг», дейилган ариза конвертда келиб, Уктамнинг қўлига тушди.

Уктам аризага имзо чекиб юборди.

Шундай қилиб, етти ойдан буён унинг совхозида бош агроном йўқ. Уктамга боғ илмини биладиган агроном керак, унақаси топилмайди. Боғдорчилик техникумини битириб келган иккитасини иккита бўлимга берди.

Уктам ҳозир сўқмоқда гангиб, пайкал адоғидан бир нима топадигандек бўлиб борар экан, ўша агрономни бевақт жўнатиб юборгани учун яна ачинди.

Ҳечқурса бир йил турса бўларди, бир йил! Унга-ча бу ердаги пахтани Жўраевга ўтказиши мумкин эди ёки катталар билан келишиб, тоқзорга айлантдириб юборарди.

Бу, ўн олти гектар пахта ҳам ўша йигит кетгандан кейин расво бўлди.

Уктам деҳқонларга маслаҳат солганда ҳам бунчалик бўлмасди. Қарадики, пахтанинг бўйи чўзилмаяпти. Институтда пахтачилик ҳам умумий тарзда ўтилмайдими, бу соҳада бир қадар тасаввурга эга бўлган Уктам бўлим мудирига: «Азотдан бериб кўринг-чи», деди. Зоотехника техникумини битирган Отақул Бобоқулов Уктамнинг айтганини қилди. Ҳақиқатан ҳам бир ҳафтада гўзаларнинг бўйи чўзилиб қолди. Уктам бундан мамнун бўлиб: «Э, ўзимиз ҳам биламиз... Яна бердиринг, ҳеч нарса бўлмайди!» — деди.

Натижа шу бўлдики, пахта бўйга куч бериб, ғовлаб кетди. Деҳқонларнинг чилпиши ҳам иш бермади.

Уқариқ пайкал ўртасида иккига бўлинган. Уктам шу ерга етганда, юрагини аллақандай сирли ваҳима қоплаб келаётганини сизди: «Расво қилдим... Биров масала қилиб кўтарса борми, онамни кўрсатишади. Жўраевга ўхшаган биттаси сал кўпиртурса, пахтанинг душмани дейишлариям ҳеч гапмас!»

У, совуқ тушганда очилади, деб ўзини овутиб келарди. Энди бир илож қилишга қарор берди. Шунда

негадир яна Жўраевнинг совхозига ўтиши лозимдек туюлди. «Нима, агрономлари билан гаплашаманми? Кулги қилади!»

Шундай деб, ўз-ўзидан хафа бўлиб кетди; ўзини ночор, такаббур ҳис этди. Изига қайтиб келар экан, хаёлини тағин анави ёқдаги қирқ гектарлик олмазор банд этди.

Бироқ машинага киргач, бошқа ишлар ёдига тушди: янги боққа бориши керак, олма узишяпти. Олчалар нима бўлди? Машиналар пунктга вақтида қатнаётими?

Шунда учинчи бўлимда бузилиб қолган иккита комбайнни эслаб қолди: «Тузатишдими? Ҳаромилар, маккага сув қуйишибди. Қачон ўришади?» Ниҳоят, иккинчи бўлимда пахта тераётган мактаб ўқувчиларини эслади, уларга ҳам бир йўлиқиши керак. Эртага мактабга қайтишади, бир оғиз раҳмат дейиши керак.

Дарвоқе, Исҳоқ чол билан гаплашиши керак эди-ку? Уни янги уйга кўчириши лозим. Йўл қурилиши бошлиғи тағин кўзини ола-кула қилиб келади, «Сиз йўлга қаршимисиз?» дейди.

Машина олдидан иккита қўзи кесиб ўтди. Уктам Сувсизтоғда боқилаётган чорвасини эслади: «Ўша ёқда ўт мўл. Яна бирон ой юрсин».

Сал юрмай, унинг ёдига бошқа нарсалар тушди. Қўтонларнинг ременти бошланган. Уларни ҳам айлаиб кўриш керак.

Совхоз директори шундоқ бўлар эканки, маълум бир ишни қиламан деб чиқади-ю, йўлакай кутилмаган ишларга тўқнаш келавериб, кўзлаган манзили ёдидан кўтарилиб ҳам кетар экан.

Шундоқ бўлди. Уктам марказга етганида, чойхона ёнида тик туриб яхна чой ичаётган таниш бир кишини — район аэропортининг бошлиғини кўрди. Уктам ишга келган йили агрономи шу одам билан гаплашиб, пахтага дори септирганини хотирлади.

«Шиғ» этказиб машинага тормоз берди.

— Салом, ўртоқ Галанов!

Аэропорт бошлиғи Бекаат районининг эски одамларидан. Самолётга чиқадиган одам борки, барини танийди. Район билан Термиз орасида эса тўрт киши-

лик ЯК-12 самолёти қатнайди. Уктамни шошилинич суратда Термизга чақирганларида, у Галанов билан келишиб, икки марта самолёт чақиртирган эди.

— Э, директор!— деди сариқ қария.

Уктам унинг тирсагидан олди ва бир сўз демай, чойхона ортидаги буфетга тортди. Йигирма минутлар чамаси вақт ўтиб, улар буфетдан олма тишлаб қайтиб чиқишди.

— Бир ҳафтадан кейин, ровно бир ҳафта!— деди аэропорт бошлиғи.— Унгача биз келиб, ерингизни кўрамиз. Санинспекциядан ҳам одам бўлиши керак! Уч кун аввал радио орқали одамларга хабар бериш лозим, правильно. Чунки пахтага дори сепгандан кейин минимум бир ҳафтагача ариқдан сув ичмаслик керак. Ҳатто моллар ҳам пайкалга яқин йўлмаслиги керак.

— Ҳаммасини болаймиз!

— Есть!— деди Галанов.

Уктам кутилмаганда полизга қараб йўл олди. Лекин йўл ёқасидаги ёлғиз чинор тагига етганда, тажангланаиб тўхтади. «Уф... Узиш керак алоқани, узиш керак!— деди зарда билан.— Яхши эмас! Чол пайқаб қолса, нима деган одам бўламан? Мирзаражабнинг юз-хотири йўқми? Бу аҳмоқ хотинга айтишим керак, ўзини тийсин...»

Уктам изига қайтиб келаётган эди, йўл ёқасида юк машинаси тўхтади. Кабинадан соқоли ўсиб кетган, кўзлари чуқур йигит тушди, кузов тагидаги илгичдан пақир олиб, ариқ бўйига чўнқайди.

Уктам унинг орқасидан бориб, елкасидан ушлади:

— Итариб юборайми?

Йигит секин қаради.

— Майли, итариб юборинг, ака.

Уктам ўзини тортди:

— Кечқурун идорага кел!

— Гапингиз бўлса, ҳозир айта қолмайсизми?

Уктамнинг лунжларида без бўртиб чиқди:

— Мендан нега аразлаб юрибсан?— деди. Кейин унинг ёнига келди. Пешанаси тиришиб, аянчли тус

олди. Алам билан шивирлади: — Сиз авлиё бўлдингиз-у, биз «пуф сассиқ» бўлдикми?

— Ким сизга шунақа деяпти, ака?

— Биладан сени! Нега «газик»ни ташлаб кетдинг? — У юк машинасига ишора қилди: — Шуни ҳайдаяпсанми? Бир сўм маош олмайсан!

— Э, Уктам ака-е! Менга деса, осмондан ташлаб юбормайсизми?

— Гапни айлантирма! Эртадан бошлаб «газик»ни ҳайдайсан, бўлдимми?

Шофёр миқ этмади.

Уктам чимирилди:

— Менинг одатимни биласан-а?

Шофёр хўрсинди:

— Биладан, ака. Ҳалиги гапни айтгандан кўра, бир мушт урсангиз яхши бўларди. — У лабларини қимтиб, йўл адоғига қараб олди. — Мен, мен... — деди тиграб, — сизни деб, ҳурмат қилганимдан бу ерда юрибман. Бўлмасам, итим адашиб келганим бу совхозга? Кетаман Кенагасга!

Уктам бўшашиб, унинг билагини қисди:

— Хафа бўлма, бир оз қизишдим, — деди. — Энди... йигитчилик экан. Менга қара! Хатолик кимдан ўтмайди, ука! Уша иш учун ўзимам хижолатман. Нима қилиб қўйганимни ўйласам, ўзимдан нафратланаман. У ёғини билавер.

— Унақа бўлса, алоқани узинг!

— Узганман.

— Бекор гап.

— Хўп, мен буни сенинг олдингда исботлайман...

Оқшом идорага кел! Ҳа, айтганча, бугун уйга беришинг керак. Бир-иккита меҳмон бўлади. У-бу илгга қарашасан.

— Майли.

— Пункт тўхтатмай оляптими мевани?

— Бугун яхши.

— Албатта боргин. Қолган гапни кейин гаплашаверамиз, хўпми?

—...

Эминов бошчилигида Мунира билан Содиқ Кампиркўлни ёқалаб ўтиб, Ажинатепага яқинлашиб қолишган эди.

— Кечаси чивин кўп бўладими, ўртоқ Эминов?

— Жуда. Лекин меҳмонларни чақмайди,— кулимсиради Эминов ва номаълум томонларга қаради: — Ўзи табиат қизиқ, ҳамма нарсани бир-бирига мутаносиб қилиб яратган.

Содиқ жиддий тортиб кетди.

— Тўғри айтасиз,— деди.— Жамиятда ҳам шунақа. Ўғри бор, бузуқилар бор. Уларга қарши курашувчи милиция, прокуратура органлари ҳам бор...

Мунира, чамаси, бошқа мулоҳаза айтмоқчи эди, қафтларини бир-бирига уриб кулиб юборди:

— Лекин жуда доно гапни айтдингиз, Содиқ ака! Содиқ гапим хато чиқдими, дегандек қизарди.

— Йўқ, гапнинг онасини айтдингиз,— деди Эминов.— Сиз мутаносиблик қонунининг жамиятдаги кўринишини айтдингиз, Содиқ ака. Эътироф этиш керак, жуда чиройли қилиб айтдингиз. Мен бошқа нарсани гапирмоқчийдим.

— Хўш?

— Мана, чивинни олайлик. Мунира опа, шу чивин ҳам керак экан-да.— У меҳмонлар сиқилишмай юрсин учун сўқмоқдан чиқди.— Мана шу Кампиркўл-чи? Унинг соҳилларида, кўрдингизлар, беҳисоб қамишзорлар бор. Чолларнинг айтишича, бу кўл бир замонлар жуда ҳам катта бўлган. Хуллас... айтмоқчи бўлган гапим шуки, кўп жойларда ботқоқликларни қурутдик, йўқ қилдик. Кейин маълум бўлдики, кўплаб зарарли ҳашаротлар ана ўша ботқоқликларда яшар экан. Қамишзорларга ўт қўйилгандан кейин нима бўлди? Жами ҳашаротлар дувиллаб ўзини пахтага урди, бошқа экинзорларни ўзига макон қилди. Биз қанча зарар кўрдигу қанча наф кўрдик? Ҳайрият, олимларимиз вильтга ҳам чидамли пахта навларини етказишяпти. Бўлмасам, пахтакорнинг ҳам ҳоли хароб бўларди, Айтмоқчиманки, табиатга қўл тегизганда, ўйлаброқ иш кўриш керак. Унинг мувозанат қонунини бузмаслик керак экан. Мен сизларга

яна бир мисол айтаман: одамни олайлик! Одам ҳам табиатнинг маҳсули! Қаранг, қандай мукамал! Иккита кўзи бор, иккита оёғи бор, битта боши бор. Ҳеч ҳам ортиқча ери йўқдек!

— Тўғри, жуда тўғри!— деди Мунира.— Афсуски бу қонунга амал қилиш қийин.

— Қийинликка қийин.

— Бу қандоқ тепа бўлди энди?— сўраб қолди Содиқ.— Жуда баланд-ку?

— Баланд,— деди Эминов.— Буни бизда,— меҳмонлардан узр сўрагандек бўлиб изоҳ берди:— Ажинатепа дейишади. Эскитдан қолган ном, йўмасам бу ерда жин-ажина нима қилсин.

Мунира тепадан кўз узмай қолган, уни ўзига таниш аллақандай тепаликларга ўхшатмоқда эди.

— Кечирасиз, жин-ажина йўқ дедингизми?— сўради у.— Саробга ишонасизми?

— Саробга...

— Ишониш керак! Профессор Толстов Хоразмга археологик экспедицияси билан борганда, ғалати бир нарсанинг гувоҳи бўлган. Қарасак, деб ёзади у билан ҳамроҳ бўлган журналист, йироқда бир неча оқ чодир турибди. Битта самолёт ҳам бор. Худди ўзигизникига ўхшайди. Кейин билсак, у сароб экан. Мен ўша журналист ёлгон нарсани ёзган, деб ўйламайман. Ёки яқинда «Известия» газетасида ўқиб қолдим. Байкал кўлида балиқчилар сузиб юришса, рўпараларида поезд ўтиб кетаётганмиш. Сувнинг устида, ҳавода! Шуни газетага ёзишган экан. Олимлар бу нарса оддий сароб, дейишди. Байкалдан қирқ километр нарида поезд йўл бўлиб, балиқчилар кўл ўртасида мўъжиза кўрган чоғда, у ёқда поезд ўтиб кетаётган экан.

— Ҳим-м, бундан чиқди, бу тепа ҳақида тўқилган афсоналарда ҳам жон бор экан-да?

— Қанақа афсоналарда? Афсоналар ҳам борми?— сўради Мунира.

— Бўлмасам-чи? Баъзи чоллар тепага чиқиб борсам қирқин қизлар давра олиб ўйин тушаётган экан, мени ҳам ўртага тортди, дейишганини ўзим эшитганман.

Мунира кулимсиради:

— Қизиқ... Кечирасиз, демак, бу тепанинг номи Ажинатепа?

— Ҳа.

Муниранинг эсига Эски Термиз вайроналаридан четда, Амударё бўйида жойлашган Қоратепа тушиб кетди.

Мунира Термизда ўқитувчи бўлиб ишлаган чоғида, ўз ўқувчиларини бир неча марта Эски Термизга саёҳатга олиб борган, будпарастларнинг ўша Қоратепа остидаги ибодатхонасига ҳам олиб тушган эди.

«Қоратепа,— ўйлади у.— Ахир мусулмон дини ўлкамизга кириб келгандан кейин бутхона қолдиқлари ҳам кўмиб ташлангач, Қоратепа номи берилганку унга? Яъни, одамларни бир замонлар ҳукмрон бўлган будпарастлик динининг саждагоҳидан ҳам ҳайиқтириш учун унга шундай ном қўйилган. Умуман, кушонлар давридан қолган кўпгина ибодатхона ва шаҳар вайроналарига шунақа ёмон отлиқ қилувчи номлар берилган!»

— Қизиқ, Ажинатепа денг?

— Ҳа.

— Илтимос, бу тупроқ тепами, ёки қум тепами?

Эминов кулимсиради:

— Ҳозир ҳам баъзилар унинг кавакларидан тупроқ олиб, тандирга ишлатади.

— Демак, бу тупроқ тепа?

— Албатта.

Мунира атрофга аланглаб, бошқа бундоқ тепани кўрмай, ҳаяжони баттар ошди: «Тупроқ тепа... Атрофда бўлса, қум тепалари! Тупроқ тепа! Демак, буни одамлар яшашган!»

— Ўртоқ Эминов, шунинг устига чиқсак бўладими?

— Жуда бўлади-да,— деди Эминов.— Усти томошали жой!

Содиқ боришга эринди, лекин аёлининг раъйини қайтаргиси келмади: «Майли, кўрсин...»

Назаров Шамшиддиновнинг дарвозасидан чиқар экан, қўлидаги ғижимланган ўн сўмликни врачнинг чўнтагига солмоқчи бўлди. Врач индамай турди-ю:

— Олинг қўлингизни. Бўлмасам йиртиб ташлайман,— деди.

Назаров унга мўлтираб қаради:

— Нега энди...

— Пулни чўнтагингизга солиб қўйинг.

— Хўп-хўп.

Маориф мудири ўн сўмликни киссасига солиб, дарвозадан чиқди. Машинасига ўтириб, врачга яна гамгин қаради. Қамариддиннинг унга раҳми келди. Бироқ кишида раҳм-шафқат қўзғатадиган бундоқ башараларни ёқтирмас эди. Бош ирғаб орқасига бурилди.

## 16

Мунира тепа устида шериклари билан узоқ кезди. Ҳар тарафга қаради. Эминовдан ўзига керакли саволларига жавоблар олди. Лекин тепа тўғрисида нималарни ўйлади, нима фикрга келди? Ҳамроҳларига айтмади.

У айтмаган эса-да, қувноқ, ҳаяжонли чеҳрасини кўрган Содиқ билан Эминов Муниранинг ичида сирли, кишини қувонтирадиган гаплар борлигига шубҳа қилмас эди.

Улар тепаликдан қайтиб туша бошладилар.

— Уртоқ Эминов, сиз Чигатойда бўлганмисиз? — сўради Мунира эрининг тирсагидан ушлаб.

— Чигатойда? Тоғдагисидами?.. Йўқ. Мен асли термизликман. Чоллар тили билан айтганда,— кўлимсиради у,— биз юзларданмиз.

Мунира чимирилди:

— Юз? Уруғ номи-а?

— Ҳа... лекин энди уруғ деганида ҳам маъно қолмади.

— Бироқ тарихни билиш учун бу нарсалардан ҳам хабардор бўлиш зарар қилмайди.

Улар тепани камардек ўраб ўтган сўқмоқларни зинадек босиб пастга тушишди. Содиқ ўгирилиб, яна тепага қаради, бош чайқаб қўйди. Сўнг оёғи қўй қумалоғида сирғалиб кетиб, анча нарига бориб қолди.

— Эминов, совхоз ишчилари бадавлат яшаса керак-а? — деди.

— Узига яраша,— жавоб берди Эминов.— Лекин ҳар хил одам бор. Масалан, совхозда чўпонларни пулдор, дейишади...

— Нега?— унга тикилди Содиқ.— Ўғринча қўйи борми?

— Ўғринча қўйи ҳам бўлиши мумкин. Бироқ даромади ҳам катта-да. Кейин меҳнати ҳам оғир!

— Ҳа, бу томони бор.

Улар кўзтиканларни четлаб ўтишаркан, тиканлар орасида тарвуз палагини кўришди. Унда бир неча хомак жингиртоб бўлиб ётарди.

Мунира кулимсираб, тарвузларни эрига кўрсатди. Содиқ жилмайиб қўйди. Эминов уларга эътибор берди:

— Полизням кўрасизларми? Полизни?— деди ва жавоб кутмай,— борамиз!— деб, йўл бошлади.

Бир машина юргулик тошлоқ йўлнинг бир учи шимолга — тоғларга кетар, бир учи жанубга йўл олар эди.

Бора-бора ўнг қўлда Кампиркўл қолиб кетди. Йўл ёқасидаги қари чинор тагидан ўтишди. Уюб қўйилган шағал тўплари ёнидан юриб, янги кенг асфальт йўлга тушдилар.

Бу йўл ҳам кесиб ўтилди, полиз ёқасига чиқишди.

Кичкина чайла.

— Чолимиз йўқ-ку?— деди Эминов у ёқ-бу ёққа аланглаб қараркан.— Омборга кетибдими? Қаранглар, полизни қоқ қилибди. Узиям антиқа чол-да!— Шундай деб, меҳмонларни жўякка бошлади. Бирон-та қовун ёки тарвуз топиб, уларга едирмоқчи. Бунинг гаштига етар нарса борми?— Марҳамат!— Хитоб қилди у.— Излаб кўрайлик-чи, бизгаям бирон нима қолдиришгандир.

— Яхши, яхши,— деди Содиқ ҳам қувониб.— Мунира, кетдик!

Улар иккита тарвуз, қишга сақланадиган битта «тиркиш» қовун топишди. Содиқ қовунни қўлида салмоқлар экан, Эминовга қаради:

— Узоқ туради-я, бу?

— Жуда! Ишонасизларми, шу полизнинг қовунига селитра берилмаган. Ҳақ гап... Исҳоқ ота бўлга-

нида, ўзи айтиб берарди. Ҳали унинг уйи яқинидан ўтдик. Ҳе, четда бир эски иморат қўнқайиб турган эди-ку?

Албатта, қандайдир чолнинг уйю унинг қаерда қўнқайиб тургани эр-хотинни қизиқтирмас эди. Шундай бўлса-да, бир-бирига савол назари билан қараб олишди.

— Яхши чол,— Эминов тарвузни ёриб, меҳмонларга улашди: — Селитра солинмаганини ҳозир биласизлар! Марҳамат!

Тарвуз ҳақиқатан ҳам ширин эди.

Қайтаётиб, Эминов тагин Исҳоқ чолдан сўз очди:

— Дачадаги Барот бобони кўрдинглар-а? Ушанинг юз фойиз акси. У ёғини билиб олаверинглар! — Йўлга чиқишди. Эминов меҳмонларни овутиш учун яна чол ҳақида сўзини давом эттирди: — Кўрсангиз ҳайрон бўласиз! Доимо икки қўли кўксида. Кишига ботиниб қарай олмайди ҳам.

Содиқ кулимсиради:

— Сизга қариндош бўлмайдими ўзи?

— Йўқ, йўқ,— унинг фикрини тушуниб кулди Эминов.— Сираям... Умуман, Мунира опа, Бекатимизда ўтроқ, қадимдан яшаб келаётган одам йўқ дейман! Чунки қайсисидан сўраманг, таги шу ерликмисан деб, йўқ дейди. Энг қадимги одамларидан бири шу Исҳоқ чол бўлса керак. Уям, айтишларича, бир замонлар Сирдарё бўйларида келиб қолган.

— Эшитяпсизми?— деди Содиқ Мунирага.

— Бўлиши мумкин,— деди Мунира.— Элатлар ҳамма вақт жойларини алмаштириб туришган. Айниқса кўчманчилари. Утлоқда ўт қолмаса, молини ҳайдаб бошқа яйловга кетаверган.

— Лекин чолнинг ҳикоя қилишига қараганда, уларни ёв қувган эмиш... Мен ўзи билан шахсан бирикки марта суҳбатлашдим-да, битта масала юзасидан. Шунда гапириб қолди.

— Буям бўлиши мумкин,— деди Мунира.

— Кечирасиз, Омонжон, чолнинг битта ўзи турадими ўша уйда?

— Йўқ. Келини билан туради. Уғли ҳарбийда. Яқинда келади. Келиниям яхши аёл. Ана ўша кели-

ни ҳам бу ерлик эмас. Тоғдан. Чамамда, Уктамжоннинг қишлоғидан бўлса керак.

Содиқ дафъатан ҳушёр тортиб, партком секретарига қаради. Секретарь Бекатнинг ўтроқ одами бўлмаган чоғи, деган фаразини исботловчи тағин битта мисол айтганидан мамнундек эди.

Улар янги тушган типовой уйларни ҳам томоша қилиб, дачага етиб борганларида, қош қорая бошлаган эди. Эминов уларни ичкарига бошлаб кириб, буларга қарашиб туришни чолга тайинлади-да:

— Мен ҳозир келаман. Идорада чироқ ёниб турибди, Уктамжон шу ерда бўлса керак,— деб изига қайтди.

## 17

Содиқ сўрига ўтирди ва кутилмаганда, ўзини жуда чарчагандек ҳис қилди. Шунда ёрдамчисига йўлиқмай бу ёққа келгани ёдига тушди.

«У идорадамикан?» деб ирғиб турди.

Содиқ шу туриши ва шу ҳаракати билан бояги Содиққа ўхшамас, энди у жиддий, милиция одами эди. Трубкини кўтариши билан нозик аёл овози келди:

— Коммутатор эшитади.

— Салом. Районни олиб бўладими? Олиб бўлса, милициянинг детский отделини сўранг!

— Хўп,— деди телефончи қиз. Содиқ унинг шошиб қолганини сезиб ичида завқланди, чўнтагидан сигарета чиқарди. Бир қўлида гугурт чақиб, сигаретани тутатди. Орадан икки минут ўтмай, қизнинг овози эшитилди: — Жавоб бермаяпти!

— Раҳмат.

Содиқ трубкини аппаратга қўйди. Мунира болохонага чиқиб кетган эди. Сўрининг у тарафида қўл қовуштириб турган Барот чол жилмайди:

— Чой ичадиларми, меҳмон?

Содиқ унга ўтқир тикилди.

— Чойниям ичармиз,— деди.— Қани, биллиардхонани бир кўрсатинг, санъатингизни бир томоша қилай.

— Хўп.

Чол Содиққа эргашиб борди. Шийпон зинасига етганда, қария олдинга ўтиб, эшикни очди, ичкарига кира солиб чироқни ёқди. Шипдан осилган катта лампочка ўртадаги зангор мато сирилган биллиард столини ёритди.

Барот чол бурчакка ўтиб, бир жуфт кий келтирди.

— Марҳамат.

Содиқ биттасини олиб бармоғида силади. Салмоқлаб кўриб, қарияга боқди:

— Бу ерда кўп ўйин бўлиб турадимми?

— Энди... меҳмонлар келишганда,— деди Барот чол.— Бўлак вақтда ўзимиз...

— Битта ўзингиз ўйнайсизми?

— Эрмак-да бу.

— Шунинг учун роса ҳавосини олганман, денг?

— Энди... ўзимизга яраша.

— Ота, сиз ичар экансиз! Менга жуда ёқиб қолдингиз. Менинг отам ҳам сизга ўхшайди... Бу дунёда андак ўйнаб-кулиб қолиш керак, тўғрими?

Чол ишшайди.

— Хўш?— Содиқ стол четига суянди.— Уктамжон билан алоқаларинг яхшими?

— Раҳмат, раҳмат,— деди Барот чол.— Ҳовлини сотганимдан кейин, мени шу ерга йиғиштириб обкелдилар.

— Тушунолмадим?

— Ҳовлимиз бор эди-да. Катта ҳовли. Бола-чақалар уй-жой қилиб чиқиб кетишди. Битта ўзим ҳайҳотдек ҳовлида қолдим. Кейин яхши бир одамга сотдим.

— Бу ерда нима иш қиласиз?

— Шу... сизларнинг хизматингиздамиз...

— Яхши. Буям яхши иш. Бола-чақаларингиз райондами?

— Районда.

Содиқ бу ерга бекор келмаган, у қариядан Уктам ҳақида, унинг дачага кечаси биронта аёлни олиб келиш-келмаслиги ҳақида сўрамоқчи эди. Чолнинг сергак кўз қарашидан бу саволига рост жавоб ола олмаслигини туйди.

— Бўпти, ота! Ҳали яна гаплашамиз,— деди.—

Бизни Ўктамжон уйига айтган. Кеч келсак керак...  
Ҳар ҳолда шу ерга келиб ётсак керак. Кечаси узун,  
бемалол гурунглашамиз!

У ташқарига чиқиб, чолнинг ҳам чиқишини кут-  
ди. Кейин тирсагидан тортиб, қулоғига шивирлади:

— Ҳалигидан пана жойга олиб қўйинг... оқидан.  
Газаги билан. Иккаламиз маишат қиламиз.

Чол ялтоқланиб жилмайди.

## 18

Ўктам тўрдаги столнинг ортида хўмрайиб ўтирар,  
ён томондаги стулда совхознинг донгдор чўпонлари-  
дан бири Қурбонберди бошини қашиб мингиллар эди.

Чўпонни кўриб, Эминов ҳайрон бўлди: тогдан  
тушиб келибди! У ёқда тинчликмикан?

— Хўп, хотинингни қўй!— деди Ўктам дўқ қи-  
либ.— Эр-хотиннинг жанжалидан бўлак ишлар ҳам  
бор-ку, дунёда. Қачон совуқ тушар экан? Шу ёгини  
айт. Миша бобонг шу тарафини ҳам айтдимми?

Қурбонберди новча, барваста йигит. Қалта қош-  
лари пастга қараб ўсган. Юз тузилишию ифодасида  
шундай бир нима борки, унга қараган киши беихтиёр  
«дашт боласи», деб ўйлайди.

— У тарафини айтмади,— деди чўпон.— Қиш  
вақтли тушади, чўлга энаберинглар, деди. Шу.

— Эшитяпсизми?— деди Ўктам Эминовга.— Қиш  
вақтли тушар экан. Тавба! Бу қанақа об-ҳаво бўлди?  
Сизнинг хабарингиз йўқми?

— Мен ҳам ҳозир эшитиб туришим.

— Уф.— Ўктам трубкани юлқиб кўтарди.— Ал-  
ло, менга райкомни ула! Қосимовни. Улайвер.

Бирпасдан кейин Ўктам биринчи секретарнинг бў-  
ғиқ-вазмин овозини эшитди.

— Менман,— деди Ўктам.— Кечирасиз, безовта  
қилдим. Об-ҳавони сўрамоқчи эдим...— У бир лаҳза  
жим бўлиб қолди.— Сводканинг мазаси йўқ, дейсиз-  
ми?.. Кечирасиз, менинг ёнимда бир чўпонимиз ўти-  
рибди. Ҳозир Сувсизтоғдан тушиб келибди. У ёқда  
битта фельдшер чол яшайди, эшитгандирсиз? Миша  
бобо... Ҳа, ўша об-ҳаво бюроси. Ўша айтибдики, бу

Йил қиш вақтли тушади, молларни чўлга ҳайданглар, депти. Шунга ҳайрон бўлиб...

Райком секретари ким биландир гаплашиб чалғиди, шекилли, Уктам трубкани қулоғига босганича бир фурсат кутиб туриб қолди.

Сўнг бўшашиб, трубкани жойига қўйди. Пешанасини силаб ўтирди. Уф тортиб, Эминовга юзланди:

— У чолнинг гапи ростга ўхшайди. Учинчи бўлимнинг бошлиғини топтиринг менга! Гўрда бўлсаям етиб келсин. Шошманг, зоотехниги билан келсин. Ҳой, сантехнигиям келсин! Ҳаммаси келсин!

Уктам стулга ястанди: энди меҳмонлар ҳам қолиб кетди. Эҳтимол, соат ўн биргача идорадан чиқмайди, эҳтимол, соат биргача. У ёқда Қосимов трубкани қўйиб қўйди. Демак, ё ўзи яна телефон қилади, ё Уктам сўроқлаши керак бўлади: ҳар қолда у одамнинг ҳам жаҳли чиқди-ёв.

Қурбонберди ҳайкалдек қотиб ўтирарди.

Уктам унга лабларини ялаб қаради:

— Ҳар йили макка экич эдинг, бу йил қалай?

— Экканман,— деди чўпон.

— Қаерда?

— Тоғда. Оқсувнинг бўйида. Эски бир юлғунзор бор. Шунини ҳайдатиб экканман.

Уктамнинг томоғига бир нима тикилди. Бу бақувват, қўпол чўпоннинг пешанасидан ўпиб олгиси келди. Сигарета тутатиб, бир зум унга тикилди: меҳнаткаш йигит бу. Ҳар йили совхознинг емига қаноат қилмай, ўз ёнидан уруғлик олиб, маккажўхори эктиради. Қиш чўзилиб кетиб одамларнинг хусусий моллари оч қолганда ҳам, буники тўқ бўлади.

Давлатнинг молини ўзиникидек билади. Нафсиламири, бундан фойда ҳам қилади-да! Унта қўйни қишдан омон чиқарса, битта қўзи устама мукофот олади. Қўлида уч юз бошга яқин майда мол бор.

Шунинг егани ҳалол! Халқ хўжалик виставкасининг тилла медали ҳам бунга она сутидек ҳалол!

— Қурбон дўстим,— унга энди тамом бошқа оҳангда мурожаат қилди Уктам.— Аёлингни талаби нима ўзи?

— Ғиштин иморат сол, дейди-да. Капада турмайман, дейди.

— Лекин унинг гапида жон бор-ку, ошнам?

— Э, директор бобо. Биз дашт одами. Бизга ўтов тузук. Худо урсин!— йигитнинг юзи заррача ўзгармаган бўлса-да, овози титради.— Шу денг... тўрт девор ичига кирсам, бўғилиб қоламан! Юрагим торс ёрилай дейди. Нима қилай энди? Иморатга кўчгим келса, подахона ёнидаги типовойга кириб олмасмидим?

— Ҳа, ўшанга кириб олсанг бўларди.

— Йўқ, бобо, бизга тўғри келмайди.

— Хўш, унда хотинингни кўндир?

— У кўнмаса қайтай?

— Унда қийин экан... Бўпти, ҳозир Эминов келади. Унга айтаман. Эртага уйингга бориб, аёлинг билан гаплашади. Ҳарҳолда сенинг манфаатингни ёқлаймиз. Эшитяпсанми? Яхшилигинг учун! Шунинг учун сен ҳозир уйга бориб, қўтанни қишга тайёрлаш гамида бўл. Хўпми? Хўш, эртага эрталаб, теварак-атрофда мол еса бўладиган тиканли жойлар борми, бало-баттар борми, ҳаммасини кўриб чиқ. Мен ҳозир райкомлар билан гаплашаман. Аҳвол шундай бўлгандан кейин улар ҳам бизга ёрдам қилишади. Эҳтимол, райондан ҳашарчилар чиқишар. Уқдингми?

— Хўп, ҳозир партком бобога учрайинми?

— Ана, ўзиям келяпти шекилли.

Йўлакда эшитилаётган қадам товуши тинди. Эшик очилди. Биринчи бўлимнинг бошлиғи Отақул Бобоқулов кўринди.

— Мумкинми, Уктам ака?

Уктам унга қараб тураверди: ўн олти гектар говлаб кетган пахта шуники! Тоғ ёнбағрига бориб туташган қирқ гектарлик олмасор ҳам шунинг бўлимида.

— Нима?— деди Уктам.— Нима ишингиз бор?

Бобоқулов ерга қараб, этиги учи билан полни чизди.

— Эшикни ёпинг!— деди Уктам.— Йўқ, бу ёққа келинг!— Бобоқулов ичкарига кирди.— Тўхтанг! Карамни нима қилдингиз?

— Топшириб келяпман. Бир бўлаги бозорга чиқади.

— Яхши тушдими ўзи?  
— Сводкани обкелдим.  
— Беринг.— У сводкани олиб, ёнига қўйди: бундан кўнгли тўқ.— Боғда... Эски боғда нима бўляпти? Олма қолдими?

Бўлим мудир катта очилган кўзларини Уктамга тикди:

— Ахир... олмани териб, топширдик-ку?  
— Бир донаям қолмадими?  
— Унда кечки олма йўқ. Бари эрта пишар!  
— Баттар бўлинг!

Уктам хўрсиниб, стулга суянди: шунақа! У олма-зорда бир туп семиретка ҳам йўқ.

— Бобоқулов, эртага менга бешта одам топиб берасиз. Соат еттидан кечикмай Кампиркўл бўйига етиб келишсин, ўзингиз бирга келасиз! Техникаям келади. Қамиш ўриш керак. Тушунарлими? Ҳозир бўлса...— Уктам тажангланиб, чўпонга қаради.— Қурбон, сен Эминовнинг кабинетига бор. Уша ерда бўл. Мен унга тайинлайман.— Қурбон чиқиб кетгач, Бобоқуловга боқди.— Э, Отақул ака-е,— деди.— Мени куйдирдингиз-да. Гапирманг. Уйингизда биронта улоқ топиладими?

Бўлим бошлиғининг чеҳраси ёришди:

— Топилади. Бир эчки бор.

— Қарзга... шуни бизнинг уйга обориб ташланг. Итолмасга айтинг, сўйсин. Ҳозир мен Майрамгулга айтаман!

Шунда Уктам шаҳарлик меҳмонларни тамом унутиб қўйганини эслади. Бобоқулов нимадир демоқчи бўлиб, дудуқлана-дудуқлана чиқиб кетгач, Уктамнинг ўзи ҳам ирғиб туриб, эшикка йўналди. Бироқ чиқаётиб, яна изига қайтди: Қосимов қўнғироқ қилиб қолиши мумкин.

Эминов дачага қайтиб келганида, меҳмонлар зиёфатга боришга тайёр бўлиб, сўри пастиди курсиларда ўтиришар, болохонанинг деразаси яқинига қўйилган телевизорни томоша қилишар эди.

Партком секретари кечикиб қолгани учун узрини айтди, сўнг жилмайганича болохонага кўтарилди. Барот чоя унинг кетидан қараб турарди: партком бо-бо у ерга бекорга кирмади. Борсин-чи. Бирон гапи бордир.

Чол ҳам жилмая-жилмая ҳовузнинг у тарафидан айланиб ўтиб, залга кириб борди.

— Содиқ ака,— деди Мунира.— Буларни жуда ташвишга қўймадикми дейман? Менга қаранг, чиндан ҳам Уктамжон билан танишлигингиз йўқ-миди?

— Қизиқмисиз!— деди Содиқ.— Ҳар нарсадан гумон қилаверар экансиз-да! Ўзлари яхши одамлар экан... Умуман, бу ернинг одамлари менга ёқпти. Сизга-чи?

— Жуда!

— Содда одамлар-да,— деди Содиқ чимирилиб.— Қанийди, бир умр мана шулар орасида яшасанг.— Йўталиб олиб, мунгли овозда давом этди:— Кўнги-ларни кенг буларнинг. Кишиларни... шаҳар тор қилиб қўядими дейман-да, а?

Мунира унга аллақандай ички қувонч билан боқиб турарди. Кулимсиради.

— Билмадим. Чунки, шаҳардаям яхши одамлар тўлиб-тошиб ётибди.

— Энди, шу... доимо ўйлаб-ўйлаб, ҳар тарафни ҳисобга олиб гапирар экансиз-да, хоним!

— Кечирасиз.— Мунира «бир гапдан қолди».

— Йўлда шу Уктамдан ҳам шубҳаланган эдингиз.

— Ҳа.

— Ҳим-м, сариқ атлас кўйлагингизни кийсангиз бўларкан.

— У гижим экан.

— Майли.

Эр-хотин яна телевизорга тикилишди. Унга докторлар тўғрисида фильм кўрсатилмоқда, овози ҳам секин эшитилар эди. Содиқ экрандаги ижобий қаҳрамонга диққат қилди. Оқ халатли киши костюм кийган бир йигитга нимадир деб қаттиқ гапирди.

Содиқ хотинига ялт этиб қаради. Унинг ёдига нотаниш Қувватбеков тушган эди. Қаради-ю, ҳозир бо-

радиган зиёфатларида ўша одамнинг бўлишини ҳам эслади ва негадир вужуди аллақандай тиришиб кетди: «Агар ўшанга қизиқиб қолса бу... Шундай қилиб кетаманки, бир умр шарманда бўлиб қолади!»

— Бир нима демоқчимисиз? — сўради Мунира.

— Йўқ. Шу кўйлагингиз ҳам тузук экан.

Мунира хўрсинди. Бирдан кўнгли суст кетиб, эрининг елкасига бошини қўймоқчи, «Сиз яхши одам бўлишингиз мумкин. Танги, мард одам бўлишингиз мумкин. Бунинг учун ёмонлардан узоқ юришингиз керак... Ўз соҳангизга тегишли адабиётларни ўқишингиз керак. Ахир, сиз юристсиз! Жуда улуғ, обрўли юрист бўлишингиз мумкин. Вақти келиб, китоблар ёзишингиз мумкин. Сиз ахир, ҳақни ҳаққа, ноҳақни ноҳаққа ажратадиган кишисиз!» демоқчи, ялинмоқчи бўлди.

Сўнг: «Эҳтимол, ўйлаб кўргандир? Боши деворга тегди-ку?» деди-да, ўзини тутди.

Болохонада Барот чол столини тўғриламоқда эди. Чунки Ўктам Эминовга меҳмонларни бирон соатдан кейин уйга олиб боришни тайинлаган, токи, уйдагилар тайёргарлик кўриб улгуришсин.

— Яхши, — деди Эминов. — Энди сиз узатгандаям ичманг. Хўпми? Яхшимас.

— Хўп, — деди чол.

Барот чол ичкиликка ўрганиб қолган. Ҳар куни кам деганда, бир шиша вино ичмаса, туролмасди. Чунки ичмаган куни болалари ёдига тушарди, ўзининг дачада дастёр бўлиб юришидан нафратланиб кетарди.

Ичса, ўзидаги бу жунбушга маҳтал туйғулари босилар, улар ўрнини гунг, кар — аллақандай шўх ва бепарво бир туман босарди.

— Ярим соат гаплашиб ўтира турайлик, унгача машина етиб келади, — деди Эминов меҳмонларни залга бошлаб кириб.

— Оббо, — деди Содиқ. — Бизни роса сийлаяпсизлар-ку, Омонжон!

— Биз меҳмонни соғиниб қолганмиз. Ишонинглар. Совхозимиз катта йўллардан чап-да. Ҳадеганда меҳмон келавермайди. Айниқса сизларга ўхшаган табиқ меҳмонлар.

— Сиз ҳақиқатан ҳам адабиётчи бўлгансизми? — сўради Мунира стулга ўтириб. — Ота, сиз ҳам келинг.

— Йўқ, у кишининг ишлари бор, — деди Эминов. — Таомга қарасийлар... Ота, битта кўк чой қилиб келинг. Ё, Содиқжон ака, анавиндан қилиб тура-мизми?

Содиқ учун бари бир эди.

— Бўлаверади, — деди ва аёлига қараб қўйди. — Бунақа одамлар билан ичсанг, маза қиласан!

Мунира табассум қилди.

— Сизларга ҳозир битта янгиликни айтишим керак, — деди Эминов. — Биз ҳозир Уктамжон билан маслаҳат қилдик. Модомики, районда сизларга маъқул тушадиган жой бўлмаса, бизда яшаб туравера-сизлар.

Содиқ кулиб юборди:

— Шу дачада-я?

— Хоҳласаларинг шу ерда, — деди Эминов.

Мунира сездики, партком секретари мулозамат қиляпти.

— Йўқ, — деди у. — Бу ерда туropolмаймиз, Омонжон. Нон-насибамиз шу ерда бўлса, бирон кулба то-пилар...

Содиқ сергакланди.

— Ҳа, албатта! — деди.

— Хўш, омонлик учун!

Улар қадаҳ кўтаришди. Содиқ билан Эминов яримлатди. Мунира қадаҳ четини лабига тегизиб, столга қўйди.

Барот чол катта чойнакда чой келтирди, столнинг у бошига қўйиб, қўл қовуштирди.

Эминов унга бир қаради, у тушунмади — кетмади. Томоқ қирди, чол кетмади. Партком секретари-нинг жаҳли чиқди:

— Ота, ўтирсангиз ўтиринг!

Энди чол партком секретари овозидаги зардани седи:

— Йўқ, бошқа хизмат бўлмаса, мен чиқиб, да-мимни олай, — деди.

— Ҳозирча хизмат йўқ.

Чол кетди. Ҳар ҳолда соқоли кўксига тушган бир қариянинг бу гап-сўзи ва хатти-ҳаракати меҳмонлар-

га ҳам таъсир этган эди. Бир нафас мулзам бўлган-дек жим қолишди.

Тинчликни Содиқ бузди:

— Бу дачаларинг ҳам жуда катта экан... Кечирасиз, Омонжон, Уктамжоннинг уйлари олисдами?

— Унчалик олисда ҳам эмас.

— Пиёда борсак ҳам бўлар экан-ку унда?

— «Газик»нинг бир жойи бузилган экан... Ҳозир совхозда енгил машинадан битта, ҳа. Бизникининг ҳам рессори синган.— Эминов бирдан ғамгин кулимсиради: — Катталар ҳам машина беришмаяпти.

— Нимага? Алоқаларинг ёмонми?

— Йўқ... Енгил машиналар зўрроқ совхозларга кетяпти. Ҳа, майли. Бизнинг ҳам елкамизга офтоб тегиб қолар. Қани, таомга қаранглар. Бу меваларнинг ҳаммаси ўзимизда етилган, Содиқ ака.

— Рост, рост. Омонжон, сизни Термизда кўрмаган эканман-да?

— Биз болаликда чиқиб кетганмиз.

— Термиздаям уй-жойларинг бўлса керак?

— Йўқ, йўқ бўп кетган.

— Кечирасиз... Уктамжон Бошчорбоғда туғилганми? У ёқда кимлари бор?

— У ёқда ёлғиз отаси бор. Етмишдан ошиб қолган... Узлари боғбон! Жуда нуроний мўйсафид,— Эминов кулиб давом этди.— Уктамжон ҳам ўша киши туфайли боққа меҳр қўйган-да, отам менинг кафтимга туфлаган, деб юради.

Содиқ хотинига қаради.

— А-а, тагида бор экан-да?

Мунира ҳусайни узумдан олди:

— Кечирасиз, Омонжон, битта одобсизлик қиламан. Уктамжон боғни... боғ илмини яхши биладиларми?

— О, Уктамжоннинг қўлига битта токқайчи бериб, боққа қўйинг! Ош берманг, нон берманг, дарахтни кўрсатинг! Шунақа.

— Ундай бўлса, жуда яхши.

Эминов бошини эгди.

— Уктамжоннинг планлари кўп-у, лекин амалга ошириш қийин бўляпти-да.

— Нима, масалан?

— Энди... келинлар, бошқа гаплардан гаплашайлик. Дарвоқо, Мунира опа, мендан адабиётчи-мидингиз, деб сўрадингиз. Ҳа, адабиётни яхши кўраман ҳалиям. Менимча, ўз қадрига етадиган ҳар бир киши адабиётни севиши керак.— Эминов фавқулодда жиддий тус олди, чамаси, у ўз эътиқодини айтмоқда эди.— Адабиёт энди... халқимизнинг бойлигида, опа! Хўш, санъатнинг бошқа турлари ҳақидаям шундай дейиш мумкин. Одамлар, халқ, миллат деганимиз ўз адабиёти, санъати билан халқ. Тўғри-масми?

— Тўғри айтасиз,— деди Мунира.— Тўғри.

Содиқ Эминовга ўйчан тикилди.

— Адабиётни ҳамма ўқиши керак, деб ҳисоблайсиз-да?

— Албатта, ўқиса ёмон бўлмасди, деган фикрдаман.— Сўнг кулди у.— Лекин бир умр адабиёт нима-лигини билмаган кишилар ҳам жуда яхши яшаб юришибди.— Эминов Содиқнинг китоб ўқимаслигини пайқаб қолди, уни ҳам бир қадар оқлашга ҳаракат қилди.— Бунинг устига, адабиётнинг кўчасидан ўтмаган шундай одамлар борки, минг йил китоб ўқиган кишилардан ҳам ақллироқ, одилроқ, виждонлироқ бўлади. Бунақасиям бор.

— Ана бу фикрингизга қойилман,— деди Содиқ.— Ушанақалар бор. Мен сизга бошқа бир мисол айтишим мумкин. Сарикамишда битта ўқитувчи бўларди. Утакетган зиёли одам! Кўзойнак тақиб юради. Бадий адабиёт деган жойда томдан ташлайди ўзини. Кўп ўқиган, лекин жудаям содда эди. Анчайин нарсаларни эшитганда, оғзини очиб ўтирарди.

Эминов Мунирага қаради. Бир қадар очиқ сўзла-масдан иложи йўқлигини сезди.

— Бўлиши мумкин,— деди майинлик билан.— Лекин, Содиқ ака, менимча, соддалик инсоннинг қусрига кирмайди, нима дедингиз?

Содиқ ҳушёр тортиб кетди.

— Ҳа, ҳа,— деди шошиб.— Мен ҳам буни нуқсон деб гапирганим йўқ.

— Бу бошқа гап. Яна биттадан қуяйми?

— У ёқда чулдираб қолмасак...

— Бу ернинг ҳавоси тоза, йўқ қилиб юборади.

Ниҳоят, Эминов кетиш пайти бўлганини тусмоллаб соатига қаради ва кулиб туриб, энди пиёда йўлга чиқишларини айтди.

Барот чол дача эшигини очиб, уларни кузатди. Лекин эшикни бекитаётиб, ўзи ташқарига чиқиб кетди. Эминов бурилиб қаради:

— Ҳа?

— Бу ёққа... ёпаман деб, у ёққа итарибман.

Барот чолнинг кайфи бор эди.

Эминов ҳали келган йўллари билан меҳмонларни кенг майдонга олиб чиқди.

Унг қўлда клуб биноти. Унинг олдидаги жайдари косагуллар барқ уриб очилиб ётар, унда-бунда жуфт-жуфт йигит-қизлар кўринар эди.

Улар йўл ёқасидаги хиёбонга тушганда, бир тўп йигитларга тўқнаш келишди, улар бирдан тўхтаб, ёрилиб йўл беришди ва бирваракайига «салом», дейишди. Ўтиб кетишгач, Эминов:

— Мактаб ўқувчилари, — деди. — Пахтадан қайтишибди.

— Шунча кеч қайтишадими? — сўради Мунира.

— Кечирасиз, сизларда ўқувчилар пахта терадими? —

Эминов қафти билан юзини силади.

— Илтимос қилган эдик.

## 20

Қувватбеков мактаб ўқитувчиларига келган кўмирни тақсим қилиб, уй-уйига жўнатди. Кейин мактаб қоровулнинг кулбасига мўралаб: «Тайёр бўлдимиз?» деди. Чол бирпасдан кейин Қувватбековнинг кабинетига бир коса чучвара билан битта оби нон олиб кирди.

Қувватбеков диванда ўтириб овқатланди.

Чол косани олиб, Қувватбековга хўрсиниш билан қарай-қарай чиқиб кетди.

Қувватбеков мактабдан кеч чиқди. Одатдагича жадал юриб, уйига йўл олди. Кимлардир унга салом берди, у алик олди. Янги тушаётган йўлдан кесиб ўтар экан, четда эски баллонни ёқиб, устига керосин сепишаётган йўл қурувчиларни бир оз томоша қил-

ди. Сўнг адоқларга кўз ташлаб: «Энди Термиз яқин бўлади», деб ўйлади.

Сартарошхона яқинидан ўтди. Тор кўчага кирди. Кўпдан бери юриб ўрганиб кетгани тошлоқ кўчада ҳеч нарсага қоқилмай, Иқлима опанинг эшигига етди. Эшик қия очиқ эди. Ичкарига бош суқди.

Айвонда болакайлар орасида ўтириб телевизор кўраётган Алишер ирғиб турди:

— Хола, хайр!

Қувватбеков папкасини қўлтиғига қисиб, Алишерни кўтариб олди. Юзидан ўпиб, уйдан чиқиб келаётган аёлга қараб турди. Иқлима опа келиб, синиқ жилмайди:

— Келдингизми? Ухладилар... Ҳозир чиқдик биз ҳам,— деди.— Овқат тайёр, опа.

— Еб келяпман, раҳмат, опа.

Сабоҳат бир ҳафтадан бери овқатдан қолган, овқатнинг ҳиди ҳам уни безовта қиларди.

Албатта, Қувватбековнинг ўзи,— у Тошкентда ўқиб юрган чоғларидаёқ таом пиширишни ўрганиб кетган,— бир пиёва тайёрлаши мумкин, унинг ҳиди Сабоҳат ётган хонага етиб келмаслиги ҳам мумкин эди. Лекин Қувватбеков аёли томоқдан қолиб ётгани ҳолда, ўзининг бир нима пишириб еб ўтиришини истамасди.

Қувватбеков Алишерни кўтарганича, даҳлизда туфлисини ечиб, Сабоҳат ётган ётоқларига кирди. Алишерни тушириб, хотини ёнига борди.

Бемор оппоқ чойшаб устидан ташланган зангори жун адёлга ўраниб ётар, унинг илгариги гавдасидан фақат суяклари қолган, кенг қовоқлари тортилиб алланечук юпқаланган, аслида катта бўлган кўзлари тагин ҳам йириклашган, чеҳрасида беҳоллик аралаш чуқур аянчли бир ҳолат қотиб қолган эди.

У лабини ялади:

— Келдингизми?

Қувватбеков хотини устига энгашган эди, Алишер орага суқилди:

— Қочинг,— деди.

Сабоҳат қуруқ чўп бўлиб қолган қўлини чиқариб, ўглининг бошини силади.

— Мен ечиниб келай,— Қувватбеков папкасини олиб, кабинетига қараб кетди.

Кабинети кенггина, тўрда хотини, боласи ва ўзининг сурати. Ён томонда иккита шкаф, ичида китоб. Дераза пастида катта ёзув столи, ёғоч кресло.

Қувватбеков стол ёнида тўхтади.

Ўтган ҳафта Шамшиддинов Термиздан чақирган профессор ҳам Сабоҳатнинг куни битиб қолганини айтиб, «парҳез тутиш ҳам бефойда», деб кетган.

У шундай демаганда ҳам Қувватбековга бу нарса аён.

Бу нарса бундан ўн йил бурун, Қувватбеков университетнинг студенти, Сабоҳат Низомий пединститутига кирган йилиёқ уч берган эди. Сабоҳатнинг томоғида без пайдо бўлиб қолди. Қувватбеков уни ТошМИга олиб борди. У ерда кекса доктор текшириб, Сабоҳатга ҳеч нарса демади-ю, Қадрбекни кабинетга олиб кириб: «Ракнинг бези бўлиши керак, олдираман деб юрмасин!» деди.

Кутилмаганда без йўқолиб кетди. Бир куни яна пайдо бўлди. Кейин гоҳ ўзини кўрсатиб, гоҳ гумдон бўлиб, ҳар гал ҳам Сабоҳатнинг кўнглига гоҳ қувонч, гоҳ ғашлик солиб юрди.

Сабоҳат унақа-мунақа касални касал демас, лекин касал бўлса бирданига ётиб қоладиган, ёки унча-мунча семинарларга тайёрланиб юрмас, бироқ бир ўтирса, бир неча ойлик дарсини тайёрлаб турадиган қиз эди.

...Узоқ йили Алишер шамоллаб қолиб, Сабоҳат уни касалхонада олиб ётганида, ҳамжонасидан «беимни олдирдим, ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетдим», деган гапни эшитган экан. Касалхонадан чиқиши ҳамон шу тўғрида гап очди: «Жуда жонимга тегди, олдирмасам бўлмайдиганга ўхшаяпти, Қадрбек ака!» деди.

Қадрбек ҳай-ҳайлаб, бу нарсани ҳатто хаёлига ҳам келтирмаслигини уқтирди.

Сабоҳат андак қўрқди-ю, бироқ энди қароридан қайтмади.

Қадрбек Тошкентга семинарга борган куни, у касалхонага ётди.

Орадан икки йил ўтди.

Унда инжиқлик пайдо бўлди. Бир куни паршонхотирлик билан Термизда ўзига ҳаво етишмаётганидан шикоят қилиб: «Жойимизни алмаштирсак-чи?» деди.

Улар ана шундан кейин Кампиркўл бўйига келиб қолишган эди. Ҳаво ўзгарганиданми, Сабоҳат бир неча ой ўзини яхши ҳис қилди. Мактабда ўз фани — тилдан дарс бериб юрди. Ниҳоят, яна нафаси қиса бошлади. Бир ой совхоз касалхонасида ҳам ётиб чиқди. Мана энди, бир ҳафтадирки, у овқатдан ҳам қолди.

Каравоти пастида доим иккита кислород ёстиқчаси тайёр туради. Нафаси бўғилганда, ўзи олиб, кислороддан шимиради.

Албатта, ўзининг касали нима эканини Сабоҳат яхши билади.

## 21

Қувватбеков кийим-бошини алмаштириб, бугунги газета ва журналларни олиб, аёли ҳузурига қайтди.

— Сабожон, «Шарқ юлдузи» оп келдим.

Сабоҳат унга ўйчан тикилиб ётар эди. Хаёли бошқа ёқда бўлгани учунми, эрининг сўзини эшитмади.

— Сабожон, ўзингни қандай ҳис қиляпсан? — У ён-верига қидириниб қаради. — Ана, апельсин бор экан...

— Қадрбек ака, — деди Сабоҳат.

Қувватбеков ҳушёр тортди, хотинининг овози бошқача чиқди.

— Ҳа.

— Ростини айтинг, мен ўлгандан кейин уйлана-сизми?

Қувватбеков бу гапнинг маъносини идрок этмаёқ атрофига аланглади.

— Алишер йўқ, опаникига жўнатдим, — деди Сабоҳат.

Қувватбеков унга тикилиб қолди. Кўзлари алла-нечук зўриққандек қизарди, чеҳрасини ҳақорат қилинган кишига хос аянчли маъно қоплади. Бошини ҳам қилиб, синиқ кулимсиради:

— Сен мени ҳайрон қолдирыпсан.

— Бу нарса менга керак!

Қувватбековни Сабоҳатнинг гапидан ҳам кўра, уни айтиш тарзи ҳайратга солди яна: жиддий гапиряпти бу! Жуда ҳушёр, соғ одамга ўхшайди.

— Сабоҳат,— деди Қувватбеков.— Сен менга фақат хотин эмассан... Ҳаётимнинг бир бўлагисан. Мен сени фақат хотин деб билганимда, билмадим, сени деб Тошкентни ташлармидим? Термизга келишим ҳам гумон эди. Бу ерга келиб, бу қишлоқда тентираб юрмас ҳам эдим.

Сабоҳат лабини қимтиб, шифтга қаради.

— Мени афв этинг.

— Сен менга шундай бачкана саволларни берма.

— Майли... хўп... бу бачкана савол бўлсин,— деди Сабоҳат энди майин, дилкаш оҳангда,— лекин мен кетганимдан кейин сиз умрингизни тоқ ўтказмайсиз-ку? Тўғрими? Алишер учун ҳам битта меҳрибон аёл керак.

— Алишер...

Қувватбеков: «Алишерни Ола Чопонга жўнатаман», демоқчи эди. Тилини тийди: бундоқ дейиши Сабоҳатнинг ўлими муқаррар эканини унга айтиш, ёхуд у ўлмаёқ режа тузиб қўйганини ошкор этиш бўларди.

— Хўш?

— Сабоҳат, бугун жуда бошқачасан.

Сабоҳат яна шифтга боқди: «Балки онамга қўшиб, қишлоққа жўнатар?»

Бирдан безовта бўлди, нафаси сиқилди. Қувватбеков унга кислород ёстиқчасини тутди. Аёл сўриб-сўриб нафас олди. Ниҳоят, кўзларини юмиб қолди.

— Қадрбек ака, биламан, мен ўлсам, сиз Тошкентга қайтиб кетсангиз керак... Ҳовлини Баҳодировга ташланг. Воёқишнинг бу ерда жойи бўлмагани учун бола-чақасини Сарисийедан опкелолмай юрибди!

Қувватбеков ҳайрон бўлди: дарҳақиқат, унинг ўзи ҳам шу қарорга келиб қўйган.

— Лекин Алишерни тоғда қолдирманг... У ўқиши керак! Тошкентга опкетиб, мактаб-интернатга беринг. У ўқиши керак.— Сабоҳат кўзини очди.—

Кошкийди, у тилчи бўлса,— деб шивирлади.— Менда материаллар кўп. Уларни ишлар эди, саралаб бойитар эди. Тилшуносликда бир умрга етадиган иш бор... Ҳа, майли. Нима бўлса, пешанасидан,— у ҳазин кулимсиради.— Ҳар ҳолда сиз билан мендан қочиб кетмайди.

— Бу гапинг тўғри,— деди Қувватбеков.

— Айтмоқчи, ҳозироқ унинг қулоғига қуйинг. Одам туғилар экан, бари бир ўлади. Биров барвақт кетади, биров кеч кетади... Унга маслаҳат беринг. У кўп куймасин, касалга чалиниб қолади.

— Сабоҳат, нима бўляпти сенга?

— Қадрбек ака,— у эрига ўпка назари билан тикилди.— Ўзингизни соддаликка солманг. Сизга ярашмайди. Биласиз, менинг уч-тўрт кунлик умрим қолди.

Қувватбеков таъсирланиб кетди, миясидан ғалати бир хаёл ўтди: ўзи ўлими олдида қандай ҳис этар экан ўзини? Сабоҳат сингари хотиржамлик билан гапириб, фикр-ўйларини бемалол сўзлаб ўтирармикан?

— Яна нимадир демоқчи эдим...

— Чарчадинг.

Сабоҳат деворга қаради-да, сассиз йиғлаб юборди.

Қувватбеков туриб, унинг кифтини силади, ўпди — сочларидан, юзларидан, қўлидан ўпди ва ўзининг ҳам кўзларидан ёш оқиб кетаётганини сезмади. Бирдан деразага ўгирилди:

— Э, худойим!— деди.— Оламда ўлиши керак бўлган одамлар камми?

Каравот ғижирлади. Қувватбеков Сабоҳатга қаради:

— Мени кечир... сени бир нима бўлади, деб бу гапни айтганим йўқ. Одам ночор қолганда, худо дейди-ку?

Сабоҳат билинар-билинемас жилмайди, жимиди. У бахтли! Унинг мана шундай вафодор эри бор! Бунақа эр ҳар қандай аёлга ҳам насиб қилавермайди.

Шунда шодликданми, боши айланиб кетди. Кўзларини юмди: қизалоқлиги ўтган қишлоғи, бодомзор! Ерлар ям-яшил. Бодомлар оппоқ гуллаган. Бирининг йўғон шохига арғимчоқ солинган. Сабоҳат унда учяпти. Шамол унинг ҳарир кўйлагини ҳилпиратади.

Бодом шохи ҳам солланяпти. Бутоқлардан оппоқ пушти гуллар дув-дув учади!

Пастда... Қадрбек. Кулиб қўлини кўтаради: «Шох синиб кетади!» деб ҳайқиради.

Сабоҳат Қувватбеков билан турмуш қурган йили Ола Чопонга боришган, ўшанда у, ўзининг энг суюкли жойи — бодомзорга ҳам эрини олиб борган ва атай шохга арқон ташлаб арғимчоқ ясаган, учган эди.

«Энди ҳаммаси тугади,— беихтиёр ўзи билан ўзи сўзлаша бошлади Сабоҳат.— У бодомзор ҳам қолади. Бодомзор Сабоҳатини қайтиб кўрмайди. У ерда бошқа кизалоқлар ўйнайди».

Сабоҳат бирдан эрига ҳаяжон билан тикилди:

— Мени қаерга қўясизлар?— шундай деб, мурдасини Ола Чопонга олиб борилиши кўп қийинчиликлар билан боғлиқ эканини фаҳмлади ва: «Бари бир эмасми? Мен... бу ерниям яхши кўраман-ку?» деб ўйлади. Сўнг эрининг алам билан тикилиб турган кўзларига боқиб кулимсиради: — Ҳазиллашдим. Ҳазил.

Бекат туни.

Айниқса ой чиққанда гўзал бўлади. Ой кўл устига энкайиб ўтади. Сувнинг сатҳи ялт-юлт этади, баъзи жойларига бўйра ёйиб қўйилгандек. Шамол шилдиратган қамишлар ичида ҳашаротлар сайрайди. Хилват сўқмоқларда чиябўрининг қораси кўринади.

Қамишларнинг попилтириқлари гўё салом бергандай пасайиб, кўтарилади — аллақандай бўйни узун қуш ниманидир чўқиб, яна бошини кўтаргандай туюлади.

Бекатнинг боғларида майналар чуғурлайди. Биров ҳайқирса ёки кесак отса, дув-дув кўтарилиб, бошқа дарахтларга қўнишади. Дарахтлардан шитиршитир этиб барглар тўкилади.

Кампирқўлга қўйилаётган Оқдарё бўғиқ шовиллайди. Унинг қирғоқларида ёввойи толлар қорайиб туради. Улар таги хилват. Соҳилдан берироқда кўчма вагон. Унинг яқинида йўл қурувчиларнинг гулхани.

Орқа тарафда Ажинатепа уфқни тўсиб гунгуро бўлиб туради.

## 22

Мунира, Содиқ ва Эминов боши берк кўчанинг адогига етишди. Партком секретари қийшайиб турган баланд дарвозани итарди, дарвоза қаноти овоз чиқармай очилди.

— Марҳамат.

Иморатнинг пештоқида катта лампочка порлаб турар, тўғрига кетган цемент йўлканинг икки тарафидаги чиннигуллар анвойи рангда товланарди.

Йўлкага ва дарвозадан кирган ердаги кенггина майдончага қалин қилиб сув сепилган.

Бир неча минутдан сўнг улар ошхона рўпарасидаги қари тут остида стол теварагида қур тутиб ўтиришар, булар ёнида Бобоқулов қўл қовуштириб турар эди.

— Тўғриси айтинг, сиз айтганингиз — Ойнакўл! Бу — Кампиркўл. Нега адаштирасиз? — деди Эминов.

— Э, партком бобо, — деди бўлим бошлиғи ичдан хўрсиниб, — мени ажува қилманг. Қўнғиротнинг асл юрти шу бўлади! Қайси бирови қўнғиротни Қорақалпоқдан келиб қолган, деди. Жунғор деган халқ ҳужум қилганда, қўнғирот ўзбеклари бу ёққа келиб жойлашган эмиш. Жунғор дегани бир мингу етти юзинчи йилда Қорақалпоққа ҳужум қилган! Бизнинг қўнғиротлар бўлса, Амир Темир замонида ҳам шу тупроқда жавлон уриб юрган! Тўғизлардан бек чиққан, биласиз-ку? Темир буларга катта имтиёзлар берган.

Суҳбатга Мунира аралашди:

— Кечирасиз, гапларингизда жон бор, лекин бир нарсани унутманг: қўнғирот уруғи қозоқларда ҳам бор, қорақалпоқда ҳам, ўзбекларда ҳам. Мана, юзларнинг вакили ўтирибди, — Эминовга ишора қилди у. — Юз уруғиям кўпчилик туркий халқларда бор, қозоқларда бунинг уч хили бор. Бизнинг юзлар этник жиҳатдан қозоқ юзларидан тамомила фарқ қилади.

Давра Эминовга қаради, унинг қирра бури, андак туртиб чиққан ёноғи, хиёл қийиқ кўзларига зехи солди.

Дарвоза аста тақиллади. Итолмас югуриб бориб очди ва Шамшиддиновга эргашиб қайтди.

Эминов ўрнидан ирғиб туриб, врачни меҳмонларга таништирди.

— Қишлоғимизнинг зиёлиларидан, — деб кўшимча қилди.

Шамшиддинов ҳеч кимга қўл бермай, фақат бош ирғаб саломлашди ва Бобоқулов орқага сурган сугла аста ўтирди.

Ниҳоят, Эминов меҳмонларни врачга таништирди. Қамариддин Мунирага анча-мунча қаттиқ тикилиб, Содиқнинг касб-корини эшитгач, унга хаёлчан боқди.

— Хўш, домла, яхшимисиз? — сўради Эминов ундан.

— Тузук, — жавоб берди Шамшиддинов. — Иш кўп, касал кўп. Уктамжоннинг ўзи қаерда?

— Кеп қоладилар.

— Сиз болалар бўлимига бошлиқ бўлиб келдингизми?

— Шундай бўп қолди, — деди Содиқ кулиб. — Бир кинода бир киши: «Биз жанобларининг отган ўқларимиз», дейди. Биз ҳам катталар нима буюрса, шуни қилишга мажбурмиз. Сиз ТошМИни битирганмисиз?

— Шундай. Қани, олиб ўтиринглар. — У Эминовга қаради: — Яна келадиган меҳмонлар борми?

— Яна... Қувватбеков келсалар керак, — деди Эминов. — Уктамжон телефон қиламан, девди.

— Ҳим-м.

— Шунинг аёли қандай ҳозир?

Врач тишида гўшт қолгандек, лунжини учирди.

Давра аҳли унга эътибор билан қараб турар эли. Оғир бир сўлиш олиб, бир-бирига зимдан кўз ташлашди. Врач йўталиб қўйиб, чўнтагидан «ВТ» снгаретаси чиқарди.

— Кечирасиз, у кишининг аёлларига нима бўлган? — сўради Мунира.

Врач сигарета тамакисини эзиб:

— Рак у,— деди.

— Рак?!

Врач бош ирғаб, сигаретани лабига қистирди.

— Ҳа, энди,— Эминов чойнакни олдиға тортди,— боёқишнинг касали оғир.— У яна врачға ўғирилди.— Умид йўқми?

Врач бош чайқади, сигаретани сўриб тортди. Сўнг меҳмонлар билан бир-икки соатдан бери ўтириб, танишиб қолган кишидек:

— Ишонинглар, мен умримда касал кўриб, бунақа бардошли касални кўрганим йўқ,— деди Жуда ноёб аёл... Ўз фанини ҳам яхши билади, Омонжон.

— О!— Эминов иккала қўлини тирсакдан букиб кўтарди.— Унақа тилчи!.. Кўрганим йўқ. Рост, рост, — дея Мунирага қараб бош ирғади:— Жуда зўр-да! Э, биз ҳам,— у истехзоли жилмайиб, Бобоқуловга қаради,— ўзимизни ўзбек деб юрамиз. Асл ўзбек ўша бўлади! Тилимизнинг жонкуяри... Шунақа янги сўзларни айтади, уларнинг келиб чиқишини таҳлил қилиб берадики, ёқамни ушлаб қоламан. Рост, ўртоқлар! Мен ҳам адабиётчиман. Унча-мунча китоб кўрганман... Э, у аёл антиқа! Мунира опа, ғалати урф-одатларимиз бор-а? Сиз яхшироқ биласиз. Бу соҳада ҳам Сабоҳат билимдон эди.— У кимнидир қидиргандек орқа-ўнгига қаради.— Йўқ, бу ердагилар ҳам садр тушишни билишмаса керак.

— Нега?— деди Мунира.— Уни садр тепиш ҳам дейишади. Зикр тушиш деб аташ ҳам мумкин. Мен кўрганман.

— Кўргансиз? Қаерда?

— Тоғда. Чиғатойда кўрганман.

Ошхона тсмонга кетаётган Итолмас бурилиб қаради: Чиғатойда? Чиғатой Кенагасга яқин қишлоқ. Эминов қошини учуриб, қўлларини ёзди.

— Чиғатойда!..— деди.— У киши туғилган қишлоқ Ола Чопондаям бу одат бор.

— Хўш? Гап нимада энди?

— Сабоҳатхон ўша одатга қизиқарди-да. Одатгаям эмас, ашуласига... ашуласини жуда яхши, дейди! Шундайми, янга?

Муниранинг аъзоларидан мадор кетгандек, вужу-дида ёқимли ҳорғинлик ҳис қилди.

У садр тушиларни кўп кўрган! Чиғатойда қайси хонадондан ўлик чиқса, ўша ҳовлида аксари келин-чаклардан иборат хотин-халаж холироқ бир жойда садр тушишар — қур тутиб айланишар, тўхтаб-тўхтаб чапак чалишар, ўртада эса, айтувчи аёл марҳумнинг сифатларини қўшиқ қилиб куйлар эди.

Қўшиқнинг сўзлари ҳам, оҳанги ҳам эшитувчиларни зир титратади, йиғлаган ҳам йиғлайди, йиғламаган ҳам.

Аллақайси бир мотамда бир кампирнинг айтган ашуласидан икки сатри ёдига тушиб кетди:

«Бел бойладим пўтасиз,  
Бола боқдим отасиз...»

Муниранинг хаёлидаги у манзара фавқулодда бошқа нарса — фикр-мулоҳазалар билан алмашинди. Дарвоқе, у одат қайси замонлардан қолган?

Меҳмонлар, мезбонлар ҳам ундан гап кутишар эди.

— Ашуласи яхши... У одатнинг ўзи жуда эски одат бўлиши керак, — деди Мунира. — Хато қилмасам, оташпарастилик динига сажда қилган замонларимиздан қолган. — Муниранинг фикри тиниқлашди, китобларда ўқиган, қачонлардир салмоқлаб кўрган мулоҳазалари хаёлига кела бошлади.

Лекин Муниранинг бу мулоҳазасиёқ даврадагиларга маъқул бўлди, улар гўё садр тушиш одатининг тагига етгандек ҳис қилишиб, бир-бирларига қарашди.

— Қизиқ, — деди Шамшиддинов кулимсираб. — Уша удум ҳозир расмдан чиқиб кетган-да, а?

Суҳбат мавзуи ўзгарди. Бироқ тарихчи аёлнинг фикри ёди истеъмолдан чиқиб кетган ушбу одатда бўлиб қолди: «Оташпарастилик динининг пайғамбари Сиёвуш ҳисобланади... Сиёвуш ўлиб тирилувчи қаҳрамон! Ахир, Фарғона ўйинларининг кўпчилиги маъносини Сиёвуш билан боғлашади-ку? Масалан, «Оқ-

сатма» усулини... Оқсатмада ўйнаш ёки чолғу ча-  
лиш — Сиёвушнинг оти оқсамасин деган маънони  
англатади-ку?»

Мунира анча-мунча мулоҳаза қилгач, тагин боя  
айтган фикрига келиб тақалди: садр тушиш ўша  
қадим оташпарастлик билан боғлиқ!

Шундай деб, ўзига ўзининг гаши келди: нега  
оташпарастлик деяпман нуқул? Ахир, бу одатни  
оташпарастлик дини кашф этмаган-ку? У одат қа-  
димдан бор бўлган, дин эса уни ўз қаноти остига ол-  
ган.

Аёлнинг хаёли яна чалғиди. Келинларни тўй  
оқшоми ўтдан сакратишлар, Хоразм ўйинларидан би-  
рида раққосаларнинг жинчироқ кўтариб рақс ту-  
шишлари, ҳайитларда мазорда шам ёқиб келишлар  
унинг ёдига туша бошлади.

Ниҳоят, бу борада бир тўхтама келгандек ҳис  
қилди ўзини ва хурсанд бўлиб кетди. Шу ерга келга-  
ни, шу стол теварагида ўтиргани учун ҳам хурсанд  
эди.

«Анави аёл... яхши аёл. Уни кўришим керак! —  
деб кўнглидан кечирди ва у аёл туғрисида бошқа  
нарсани кашф этди: — Эминов уни зўр тилшунос,  
деди! Рост экан. Зўр бўлмаса, ўша ўлиб кетаёт-  
ган маросимга, унда айтиладиган қўшиққа қизиқа-  
димми?»

Содиқ Муниранинг тиззасига қаттиқ туртди. Му-  
нира аланглади. Тепасида Уктамнинг хотини Май-  
рамгул турар эди.

Майрамгул ўрта бўй, кулча юзли, лекин нигоҳ-  
лари маъюсгина аёл. Бундай аёлга бир бор қараган  
киши ҳам: «Ҳақиқий она, вафодор хотин», деб ўйла-  
ши мумкин.

— Келинг, ўтиринг, Майрамой, — деди Мунира  
ёнидаги бўш стулни кўрсатиб ва ўзи ҳам қўзғалмоқ-  
чи бўлди.

Майрамгул унинг елкасидан қучиб кулди:

— Зерикмай ўтирибсизми, опажон?

— Раҳмат, жоним... Жуда яхши ўтирибмиз. Ях-  
ши гурунг бўляпти. Ўтиринг ўзингиз ҳам.

— Мен ҳозир келаман. — Майрамгул Муниранинг  
елкасини силаб қўйиб, ошхонага кетди.

— Яхши жувон!— деди Мунира унинг ортидан қараб.— А, ўртоқ Эминов?

Партком секретари салмоқ билан бош ирғади.

Содиқ чимирилиб, иморат пештоқидаги лампочкага тикилди. Томоғини қириб, Эминовдан сўради:

— Уктамжоннинг бундан бўлак уйлариям борми? Совхоз директорининг участкасига ўхшамайди-ку бу?

Эминов жилмайди:

— Рост, Содиқ ака. Ухшамайди. Лекин,— Бобоқулов билан врачга қараб олди,— булар айтсин, бошқа бошпанаси йўқ...— Сўнг аллақандай лаззатланиб:— Уктамжон шунақа,— деб қўйди.

## 24

Қувватбеков трубкани қўйиб, Сабоҳатга қаради.

— Ҳа?— деди Сабоҳат.— Умаралиев чақирдимми? Қадрбек ака, сиз келишингиздан олдин ҳам қўнгироқ қилиб эди. Боринг, жон Қадрбек ака. Жиндек яйраб келинг.— Сўнг эрига аллақандай мунис назар билан боқди:— Мени деб давралардан ҳам воз кечдингиз.

Қувватбеков хўрсинди: ҳа, у давралардан, зиёфатлардан ҳам воз кечиб кетган.

Бирон зиёфатга борса, худди бегона кишидек омонат ўтиради. Тўғри, баъзан кутилмаганда бирон қизиқ нарсага берилиб, бир неча дақиқага жўшқин, шўх улфатга айланади. Сўнгра аста-секин жиддий тортади ва нигоҳинигина эмас, бутун вужуди, борлигини одатдаги сирли парда қоплайди, у оғир, бир қадар совуқ одамга айланиб қолади.

— Қадрбек ака, боринг.

— Нимага?— деди Қувватбеков.— Нима қизиги бор? Ичкилик бўлади, майда-чуйда гап-сўзлар. Бунинг устига, Уктамни унча... ёқтирмайман. У яхши директор эмас. Қандайдир енгил, ҳовлиқма болага ўхшайди.

— Ҳар ким ҳар хил бўлади,— деди Сабоҳат паришонлик билан,— биров бировга ўхшамайди. Дунё-

нинг қизиги ҳам шундадир. Лекин, Қадрбек ака, сиз ўтиришга боринг... борасизми? Боринг!— У энди аллақандай буйруқ оҳангида гапирди.— Шамшидинов ҳам ўша ерда бўлса, унга айтинг, бир келсин.

Шундай деб, у эрига аллақандай ҳадиксираб тикилди. Бироқ эрининг қиёфасида ўзи ўйлаган нарсани кўрмади шекилли, юмшади.

— Хўпми? — деди табассум билан.— Бу оқшом вақти бўлмаса, эртага келсин.

Қувватбеков қўлларини кўксига қовуштириб турди:

— Майли,— деди лоқайдлик билан.— Айтаман. Айтаман, жоним... Ё шу кеча ўзим бирга олиб келайми?

— Бу кеча келмасин. Эртага келсин.

— Сен зерикиб қолмайсанми?

— Сизнинг озгина бўлсаям қувнаб ўтирганингизни кўз олдимга келтириб ётаман. Э, ҳаёт яхши! Боринг, Қадрбек ака.

Қувватбеков борганида, Уктам энди келиб ўтирган экан.

— Э, домлажон! — деб уни қарши олди. Кўришиб, столга бошлади.— Сизни қанчалик яхши кўришимни билсангиз эди. Марҳамат! Уртоқлар, бу киши қишлоғимизнинг энг улуғ одамларидан бири.

Давра аҳли ўрнидан туриб кетган эди. Шамшидинов даврада ўтирганида, одатда, ҳар қандай кишини ҳам қўзғалиб қарши олавермайди.

Ҳозир у ҳам ўрнидан турди.

— Кечирасизлар, мен кеч қолдим.— Қувватбеков эшонларнинг ҳар биттасига бош ирғаб салом берди. Ўтириб Уктамга қаради:— Уктамжон, мен ўзи даврабоп одам бўлмасам керак...

Уктам унинг елкасини силаб, меҳр билан боқди. Қўлини кўксига қўйиб, таъзим қилган бўлди. Сўнг шошмасдан Содиқ билан Мунирани таништирди.

— Опамиз... ўқитувчи эканлар. Мунира опамиз.

Қувватбеков унга қаради:

— Ҳали мактабга жойлашмадингизми?

Мунира таърифини эшитгани бу одамнинг ҳар

бир хатти-ҳаракатини эътибор билан кузатиб турарди.

— Йўқ,— деди шошиб.— Энди келдик-ку ўзимиз.— Сўнг кулимсираб эрига қараб олди.— Ҳар ҳолда... ишсиз қолмасак керак?

— Энди қийин.— Қувватбеков Эминов узатган чойни олди.— Қийин. Мактабларда бўш жойлар бўлиши гумон. Маорифга учрамадингизми?

Мунира безовталанди, гоҳ Уктамга, гоҳ эрига кўз ташлади:

— Учрашдик ҳам,— деди.— Тўғри айтдингиз, бўш жой йўқ экан. Яна ким билади...

Партком секретари Уктамнинг ҳам пиёласига чой қўйиб, алланечук бепарволик билан гап қотди.

— Ҳамма мактаб директорлариям-ку, Қадрбек ака, сизга ўхшаб иш тутса, мен аминман, Мунира опамиз зўр бир мактабнинг тарихчиси ўрнини олиши турган гап!

Қувватбеков пиёлани столга қўйди:

— Сиз тарихчимисиз?

Мунира шунчаки «ҳа» дейиши бу одамни қаноатлантирмаслигини тусмол қилиб:

— Ҳа, мен тарихчиман,— деди.— Бир вақтлар археологияга ҳам қизиққанман. Мана, Содиқ акам биладилар... Бизнинг факультет тарих-археология факультети эди. Университетда ўқиганман.

— Биламан,— деди Қувватбеков,— учинчи курсдан икки гурпуага ажратишади. Биз ҳам ТошДУни битирганмиз, бунга анча йиллар бўлиб кетди.— У дафъатан кулимсираб Шамшиддиновга қаради:— Мундай гапирмай ўтирибсиз, ўртоқ врач? Қалайсиз? Айтмоқчи...— Бугун врачга тайинлаган гапларини у ўғлига етказган ё етказмаганини сўрамоқчи эканини пайқаб қолди. Ҳозир бу тўғрида сўрашни лозим топмади.— Гапиринг...

Уктам вақтни бой бермай, Қувватбековнинг тирсагидан аста ушлади.

— Бизда бир фикр бор, Қадрбек ака. Агар меҳмонларга қишлоғимиз ёққан бўлса, уларни олиб қоламиз. Ҳа!— деб бирдан хитоб қилди.— Қизиқ-да... районнинг катталари буларни чақирган! Мана, Со-

диқ акани чақирган. Энди бўлса, меҳмонхонада турасизлар, дейишади. Шуям гап бўлди-ю! Меҳмонхона дегани шаҳарга ярашади.

Эминов секин бош ирғади.

— Бу гапингизга мен ҳам қўшиламан,— деди Қувватбеков.— Совхозингизда нима кўп, уй кўп. Булар шу ерда яшаб, бемалол районга қатнаб ишлаши мумкин.

Содиқ алланечук гижинди. «Афуски, аёлимиз... шу ердаги мактабга, сизнинг мактабингизга жойлашса бўларди», демоқчи бўлди-ю, негадир шундай дегиси келмади.

Шамшиддинов секин Қувватбековга ўгирилди:

— У киши қалай?

Қувватбеков тамшанди, жиддийлашди.

— Биласиз-ку,— деди ва ўзи ҳам унга юзланди.— Айтмоқчи, сизни сўради. Бир келиб кетсалар, деди. Вақт топиб борсангиз, яхши бўларди. Эртага.

Шамшиддинов бир нафас тек қолди.

— Майли,— деди... Бироқ ичида хайрон бўлди: «Нима демоқчи? Профессор кетгандан кейин, мен билан хайрлашган эди-ку? Ҳатто «энди овора бўлиб келиб юрманг, Қамар ака», деганди ҳам. Бир гапи бор!»

У суҳбатни бўлиб, Қувватбековдан сўради:

— Узини қандай ҳис қиляпти? Янги гаплар айтдими?

Қувватбеков елка қисди-ю, шу заҳоти гангиб қолди:

— Ҳа. Анча-мунча гап гапирди. Қизиқ гаплар ҳам айтди... Бу тўғрида кейин гаплашамиз. Қани, меҳмонлар, олиб ўтиринглар. Эминов, нега жимсизлар? Ичкиликни ташладингларми?

Эминов кулиб ўрнидан туриб кетди. Мунирага шампань, қолганларга арақ қуйилди.

Мунира Қувватбековга зимдан боқиб: «Оғир одам, оғир», деб ўйлар эди.

Ичкарида телефон жиринглади. Уктам чопис кетди. Ким биландир гаплашди: «Ҳа, ҳа. Индинга ҳашарчилар келади. Далада овқатланади-да!» деди. Сал ўтмай, телефон апаратини кўтариб чиқиб келди, супа четига қўйди.

— Хизматчилик, — деди. — Бобоқулов, даврани советманг... Дўмбира қани?

Бўлим бошлиғи тиржайди:

— Уйда, э-э, уни қўйинг, — деди.

— Оп келинг, — буюрди Уктам. — Ишни-ку қойил килмаяпсиз! Ҳеч бўлмаса, дўмбирани эшитайлик, — шундай деб ўз гапидан завқланиб кетди. Ўтирар-ўтирмас Итолмасга хитоб қилди: — Гўшт пишдимми? Опке!

Ошхона олдига чиқиб турган Итолмас ичкарига қайтиб кирди.

Энди Мунира уй бекаси ошхонада бўлгани ҳолда, ўзининг бу ерда эркаклар орасида ўтиришидан бир оз хижолат тортди. Бироқ Қувватбековнинг гап-сўзларини эшитишни истар эди: бу одамнинг қизиқлиги ўз йўлига, лекин Муниранинг шу ерда «Маҳмуд Қошғарий» мактабида ишлаб қолиши шу одамга боғлиқ.

— У ёқда нима гап? — Эминов Уктамдан секин сўради.

— Қўяверинг, — деди Уктам. — Иккинчи бўлимдан. Дарвоқе, қишнинг вақтли тушуви рост экан! Эшитдингларми, ўртоқлар, бу йил қиш вақтли тушар эмиш.

Шамшиддинов тумшайди.

— Касалхонанинг ремонтталаб жойи бор эди.

Қувватбеков ҳам ўйланди-ю, бугун ўқитувчиларга кўмир тарқатганидан ичида қаноат ҳосил қилди.

— Бўлиши мумкин, — деди у. — Ҳозир об-ҳавога ишониб бўлмайди.

Эминов қадаҳларга яна ичимлик қўйди, факат Қувватбековнинг қадаҳи устига шишани олиб бориб қайтарди, сўнг стулига ўтириб, Мунирага қаради. «Ҳозир бир гап гапираман, қулоқ беринг», дегандай бўлди.

— Кадрбек ака, ўтган йили уйингизга кирганим-да, столингизда битта ҳайкалчага кўзим тушган эди. У нимади ўзи? Жуда эски эди-я?

Эминов бугун Ажинатепадан тушиб келаётган пайтида, Қувватбековнинг столида ганчдан ясалган кичкина ҳайкалчани кўргани, Қувватбеков хотини билан сайр қилиб юрганида, тепа яқинидан топиб олганини айтмоқчи бўлганди. Бироқ Муниранинг ўзи Ажинатепа тўғрисида ҳеч нарса демагани учун, у ҳам бу тўғрида гап очмаган эди.

Қувватбеков Абу Наср Форобийнинг «Озод шаҳар одамлари» китобида баён қилган ғоялар Сарбадорлар ҳаракатига дастуриламал бўлгани ҳақида илк ишини ёзаётганида, Ўрта Осиёнинг, аниқроғи, Ўзбекистоннинг мелоддан аввалги тарихига ҳам қизиқиб қолиб, ўша давр манбалари устида уч ой ўтирган, у тўғрида бир қадар тасаввурга эга бўлган эди.

Ушанда у мелодимизнинг дастлабки асрларида Ўзбекистоннинг жануби ва бир қанча шимолий об-ластлари «Бақтрия шоҳликлари» деб аталмиш давлат қаноти остига киргани, ўша кезлардаёқ бу ўлканинг ўзига хос санъати ва маданияти бўлгани, у маданият ва санъат кушонлар империяси даврида мисли кўрилмаган даражада юксалганини билиш билан қаноатланмай, Тошкент музейларида бўлиб, у замонлардан қолган санъат обидаларини ҳам ўз кўзи билан кўрган эди.

Ана шунинг учун ҳам у селнинг оқавасидан топган ҳайкалчаси кушонлар империяси даврида ясалган бут эканига шубҳа қилмаган ва уни музейга топшириш ҳақида уйламаган ҳам, бунақа ҳайкаллар Термиз музейида ҳам сероб эди.

— Ё адаштирдимми? — деди Эминов.

Қувватбеков кулди.

— Адаштирганингиз йўқ. Меникида кўргансиз. Нега у нарсани ҳозир эслаб қолдингиз?

— Шу, ўзим... — Эминов сир бой бермади. — Бугун биз Мунира опамиз, Содиқ акамиз билан Ажинатепага чиққан эдик, мана, тарихчимиз тепага жуда қизиқиб қолдилар... а, Мунира опа?

Мунира гангиб қолди: булар қанақа ҳайкалча тўғрисида гапиряпти?

Агар у бутнинг ҳайкалчаси бўлсаю Ажинатепа яқинидан топилган бўлса, унда наҳотки Ажинатепа ҳам Эски Термиздаги Қоратепага ўхшаш чиқади?

Унда наҳотки бунинг тагида ҳам бутпарастрлар ибодатхонаси бўлса?!

«Йўқ, йўқ,— деди у.— Бутпарастрлар ибодатхонаси бўлиши асло шарт эмас. Уша даврдан қолган оддий бир қасрдаям бут ҳайкали бўлиши мумкин. Чунки у вақтларда кичкина бутчалар ҳар бир хонадонда бўлган. Худди зардушлик дини ҳукмрон замонларда хотин худосининг ҳайкали хонадонларни безаб турганидек».

Қувватбеков Мунирага қаради: бу тарихчи аёл... Эминовнинг мақташига қараганда, тарихни дуруст билса керак. Лекин Ажинатепа деяпти Эминов...

— Шунақами?— деди Қувватбеков Мунирага.— Тепага қизиқиб қолдингизми? Унинг нима қизиқ жойи бор экан?

Мунира қаяжонини босиб олди ва тепа тўғрисида хаёлига келган гаплар — фаразларини шошмасдан тўкиб солди. Давра аҳли унга диққат қилиб қолган эди, гапини охиригача эшитди ва Уктам ҳам, Шамшиддинов ҳам ҳайрат билан Қувватбековга қарашди.

Хотинининг топқирлиги, даврани оғзига қаратгани Содиққа ёққан эса-да, гаши келди: ўзининг олдида хотини жуда кўтарилиб кетди-да.

— Қоратепани кўрмаганман,— деди Қувватбеков.— Афсус...

— Кечирасизлар, мен мутахассис эмасман,— яна сўзида давом этди Мунира.— Лекин мен яна бир нарсага аминман: мелоддан аввал тупроғимизда жуда кўп каналлар қазилган, сунъий сув омборлари бўлган, шундай экан...

— Хўш?

— Кампиркўл ҳақидаям ўйлаб қолдим-да. Ахир, ўйлаб кўринг, ўзи чўлнинг ўртасида, атрофда бошқа кўл йўқ. Бунга дарёча келиб қуйилади. Мен биламан, бу атрофдаги ерлар ҳам бир замонлар яхши ўзлаштирилган бўлган. Шундоқ экан, наҳотки шу кўл ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлган бўлса? Наҳотки, унинг пайдо бўлишида одамларнинг ҳиссаси бўлмаса?

Давра учун бу гап ҳам навбатдаги янгилик эди.

— Жуда қизиқ ку! — деди Уктам. — А, ўртоқлар? Биз ўзи қанақа ерда яшаб турган эканмиз!

Эминов Мунира билан фахрланиб ўтирар эди.

— Кечирасиз, сиздан бошқа бир нарсани сўрасам...

Мунира янгитдан ҳаяжонга тушиб, эрига қараб олди. Содиқ ўйчан бир қиёфада бошини эгди, «жавоб бераверинг», дегандай бўлди.

— Мактабимизнинг номи «Маҳмуд Қошғарий». Мактаб битгандан кейин бу номни қўйиш фикри менинг хотинимдан чиққан эди, кейин ижроком катталари ҳам маъқуллашди. Хуллас, Сабоҳатнинг айтишича, туркий халқларнинг илк луғати — Маҳмуд Қошғарий ёзган «Девони луғатит турк» экан...

Мунира қувнаб бош ирғади:

— Ҳа. Лекин яхши луғатлар, — давом этди у салмоқ билан, — менимча, икки юз, уч юз йилда бир марта бунёдга келади. Бинобарин, Маҳмуд Қошғарийнинг бу фундаментал луғатидан аввал ҳам кичкина луғатлар тузиш ҳаракати, шубҳасиз, бўлган. Масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор: луғат тузиш анъанаси бизда жуда қадимий, адашмасам, арабларнинг грамматикасини ҳам дастлаб бизникилар тузиб беришган.

— Кечирасиз, туркий тил деганда мелодимизнинг бешинчи асрларидан кейинги давр кўзда тутиладими?

— Мени синаяпсизми, ўртоқ Қувватбеков?

Давра аҳли буларнинг баҳси маъносини тушуниб етмаган эса-да, сергакланиб бир-бирига қарашди.

Қувватбеков кулимсиради.

— Кейинги маълумотларга қараганда, Урта Осиёда турк тилининг пайдо бўлишини мелоддан аввалги биринчи-иккинчи асрлар билан, ўша гуниллар, кушонларнинг ғарбга ва жанубга силжишлари билан боғлашяпти. Бу менга маълум... Сизнинг эътирозингиз йўқми? — Қувватбеков Мунирага тикилди. — Фаҳимча, гунилларнинг бир тармоғи булғорлар, бир шохи моварлар, аниқроғи, оварлар бўлса, улар ҳам келиб чиқиш жиҳатидан турклар?

— Ҳа, — деди Мунира. У Эминов айтгани — Қувватбековнинг қадим замон тарихларидан ҳам анча саводли эканига иқрор бўлди. — Бошқа саволингиз

бўлмаса, сизнинг фикрингизга қўшимча қилишим мумкин. Яқинда дунё олимларининг кушонлар империяси санъатига бағишланган симпозиуми бўлиб ўтди. Ушанинг материаллари орасида шундай фактлар борки, биз айтган ўша кушонлару туркларнинг Ўрта Осиёга кириб келишидан аввал ҳам бу ерларда турк тилида сўзлашувчи халқлар яшаган. Эҳтимол ўшанда уларнинг номи ўзгача бўлган.

— Яна битта савол: ўшаларни ҳам ҳозир ўзбек номида юрган элатларнинг авлодлари, десак бўладими?

— Бўлмасам-чи?!

— Сиз яхши тарихчи экансиз,— деди Қувватбеков.— Бу ерда туриб қоладиган бўлсангизлар, эртиндин бизнинг мактабга боринг. Гаплашамиз. Эҳтимол, сизга «Қадамги дунё тарихи»дан беш-ўн соат дарс олиб берармиз.

Қувватбеков чўнтагидан «казбек» чиқарди. Бирини лабига қистирганда, Шамшиддинов зажигалкасини ёқиб тутди. Қувватбеков папиросни тутатиб, унга: «Раҳмат» деди ва тикилиб қолди. Шамшиддиновнинг «Сабоҳат янги гаплар айтмадими?» дегани яна хотирига тушган эди.

Шунда Уктам шарт этказиб тиззасига урди-да, Қувватбековнинг кифтидан қучди:

— Кечирасиз,— деди.— Яшанг, домла!

Қувватбеков унга ҳайрон бўлиб қаровди, Эминов чап қўлини кўкрагига босди.

— Қадрбек ака, жича қуйсам,— деди у.— Ҳеч нима бўлмас... ўртоқлар менга қўшилишса, шу қадаҳни сиз учун кўтармоқчиман.

Қувватбеков ўзини орқага тортди:

— Сиз ғалати экансиз. Нега энди мен учун? Омонжон, яхшимас. Мени яхши кўрасиз... бунга ишонаман. Лекин бу нарса учун қадаҳ кўтаришингиз шарт эмас. Мана, меҳмонлар учун ичайлик!

«Ичайлик» тилидан чиқиб кетган эди. Қадаҳини секин олиб тутди, яримлатиб олди.

— Шунисигаям раҳмат!— деди Уктам.

Содиқ жим, кўзлари киртайиб, Қувватбековга тикилар, чаккасидаги пайлари бўртиб чиққан эди. «Ярамас, ҳар ҳолда тузук одам», ўйлади у ва қадаҳини кўтарди:

— Мен ҳам сиз учун ичаман, ўртоқ Қувватбеков!— деди.

Гап-сўзга фақат Шамшиддинов қўшилмай қолди: «Одамларнинг ҳар хил ташвишлари бор. Қувончлари бор,— ўйлар эди у.— Оддий одамлар. Бири тарихни ўйлайди, бири халқни, бошқаси тилни. Лекин шуларнинг ҳаммасида ҳам бир эътиқод бор...»

Қувватбеков қадаҳни кўтариб, бир қултум ичди.

Меъдаси қизиб, вужудига сархуш қилувчи бир тўлқин таралди. Суҳбат асносида унинг чеҳраси очила бошлади.

Уни кузатиб ўтирган Мунира бир пайт қараса, Қувватбеков ўзгариб қолибди: нигоҳида ёшларга хос шўхлик, жўшқинлик. Қўл ҳаракатлари ҳам тез. Гўё ўзини қоплаб турган сирли қобиқдан ярқ этиб ёруғликка чиққандек.

Эминов Ажинатепа устидан теварак-атроф кафтдагидек кўриниши ҳақида гапира бошлаган эди, Қувватбеков унга ўгирилди:

— Рост,— деди.— Атроф барала кўринади. Омонжон, қамишлардан учадиган тўзигоқлар бор-ку, ўшалар менга жуда ёқади-да. Болаликда бизга айтишар эди, қулоғингга тўзгизоқ кирса, кар бўласан, деб.

— Узоқ йили Кампиркўлга ғозлар кам тушди-я?

Қувватбековнинг хаёлида ўтган йили кўл устидан учиб ўтган бир гала ғозлар гавдаланди. Улар узун бўйинларини чўзиб, оҳиста ғақ-ғуқ деб жанубга ўтиб кетишган эди.

— Бурноғи йили қишда ҳаво исиб кетди-ку!— суҳбатга қўшилди Бобоқулов.— Шунда жонивор ғозлар ҳам адашибми, Сурхон бўйларига қўнибди. Ноинсоф овчилар, худо берди, деб роса қирибди.

Қувватбеков унга қаради, ёдига бошқа нарса тушиб кетди: оққушлар! Ғалати одати бор-а шу қушларнинг?

Жуфтидан биттаси ўлиб қолса, иккинчиси осмонга кўтарилиб, ўзини қоя тошларга келтириб урар экан. Бу қанақа вафодорлик? Ақлсиз паррандаларда! Табиатнинг қонунлари қаттиқ. Табиатнинг тожи бўлган одамзодгина у қонунларга чап беради. Алламабало нарсалар билан ўзини оқлайди. Шунинг учун инсон ҳаётида кўп нарса нисбий...

— Қадрбек ака, қовурдоққа қаранг.

Қувватбеков ҳушёр тортиб, дастурхонга қаради. Қизариб пишган гўштга боқиб, иштаҳаси очилди. Бироқ шу дақиқадан бошлаб у камгап бўлиб қолди, сўнг устма-уст кўк чой ичди.

Ниҳоят: «Ичкилик ёмон нарса,— деб ўйлади.— Одамни ўзгартириб юборади!»

У бирдан соатига қаради:

— Мен энди тураман,— деди.— Узр. Бормасам бўлмайди. Яхши ўтиринглар,— у Содиқ билан ҳам хўшлашди:— Сиз билан яхши гаплашолмадик, на-сиб бўлса, ҳали кўп гурунглашамиз. Сиз эса,— у Му-нирага қаради,— вақтингиз бўлса, эртага ўтинг биз-га. Битта тарихчимиз бор... Хўп, хайр. Йўқ, Уктам-жон, кетаман энди. Эртага яна учрашамиз-а?

— Ҳа,— деди Уктам яйраб.— Шийпонда. Сизга раҳмат, домла!

— Лекин,— у кўрсаткич бармоғини кўтарди,— эндиги йилларда мактаб болаларидан умид қил-манг.

Уктам бир нафас тек қотди, сўнг:

— Албатта. Мен аллақачон буни ўйлаб қўйган-ман!— деди.

Уни Эминов билан Уктам кўчагача узатишди. Итолмас «газик»ни тислантириб чиқараётган эди, Қувватбеков:

— Йўқ. Пиёда бораман,— деди.— Ҳаво яхши.— Хўрсиниб, Эминовга кулимсиради.— Оғзимдан ҳиди кетсин. Раҳмат.

Қувватбеков уйига келганида, Сабоҳат Алишерни эркалатиб ётар, лекин боланинг кўзларида ёш қотиб қолган эди.

Қувватбеков хўмрайди.

— Гапирдингми?

Сабоҳат кулимсираб бош ирғади:

— Ҳа, ўғлим ақлли. Тушунди. А, Алишер?

— Йўқ... Сиз ўлмайсиз...— Бола йиғлаб юбориб, онасига интилди.— Йўқ... Ада, опамга қаранг, нима деяптилар? Унақа демасинлар!

Қувватбеков секин чўнқайди:

— Уғлим, мен отанг бўлсам, менинг гапимга ишон.— Уғлини ўзига қаратди:— Опанг ҳамма вақт биз билан бўлади. Сен опангни қанчалик яхши кўрсанг, мен ҳам бу кишини шунчалик яхши кўраман. Сен катта бўласан, кейин тушунасан.

Сабоҳат лабларини қимтиди.

— Раҳмат, Қадрбек ака,— деди.— Шамшиддиновга айтдингизми, бор эканми уям?

— Айтдим.

— Кейин сиздан бир илтимос: эртага Ола Чопонга одам жўнатсангиз, энамни олиб келишса. Отам қолаверсин. Энам холаларимниям ола келсин...— У сўниқ жилмайди:— Соғинибман, Қадрбек ака.

Бу гап ҳам Қувватбеков учун янгилик эди: Сабоҳат овқатдан қолгандан бери ўқитувчиларнинг ҳам келиб кўришига рўйхушлик бермас эди.

— Яхши,— деди Қувватбеков ундан кўз узмай.— Лекин, Сабожон, қарашларинг ҳам, овозинг ҳам бошқача, а?

Сабоҳат қуруқшаган лабларини ялади:

— Ҳа,— деди.— Ундан кейин, Қадрбек ака, Бойбўри деган ўқувчим бор-ку, ўнинчида. Эртага ўшаниям менинг олдимга бир юборинг.— У жимида, тагин эрига ҳадик билан боқди.— У шеър ёзади. Шеърларидан ўқиб беради менга.

Қувватбеков кутилмаганда юраги завққа тўлаётганини сизди. Хотини тузалапти, чамаси! Мана, кўриниб турибди-ку?

— Хўп,— деди Қувватбеков.— Сабо, бирон нима ейсанми?

Сабоҳат қошларини керди:

— Едим,— деди.— Едим. Ана, апельсин идиши бўшаб қолди. Едим.

— Хайрият-э!.. Бўлмасам мен ярим соат ишлайин.

— Ишланг.

— Бу ерда ўтирсам, чекаман.

— Биламан...

— Фақат Алишерга... а?

Сабоҳат бош ирғагандек ҳаракат қилди.

Қувватбеков кабинетига борди. Электр лампочкасини ёқиб: «Тузалапти,— деди ўзига ўзи ҳаяжон би-

лан.—Лекин...» У шунда бутун вужуди билан бошқа сирли нарсани ҳис этди.

Утира олмай, ташқари чиқди. Сабоҳат ётган уйдан дуторда чалинган «Жигарпора» куйи эшитилар эди. Қувватбеков енгил тортиб кетди: «Радиони қўйипти. Илгари ёмон кўрарди».

## 27

Барот чол кайф қилганда, боши оғиб Исҳоқ чол-никига ёки қишлоқ мазорининг гўркови Ёлдор қария-никига бориб қолади.

Эминов меҳмонларни олиб кетгач, чол залга кириб, улардан қолган ичимликдан ҳам отиб олган, сўнгра биллиардхонага кириб, бирпас соққаларни шақиллатган, ниҳоят, меҳмонларнинг зиёфатдан қайтишига ҳали анча вақт борлиги учун Исҳоқ чолнинг уйига жўнаган эди.

— Э, оқсоқол!— деди у, Исҳоқ чол айвонга чиқариб, кўрпачага ўтқазгач.— Сени истаб қоламан. Яхши кўраман сени.— Сўнг бурилиб, ўчоқ бошида куйманаётган Насибага қаради.— Сиз тузукми, келин?

Насиба унга қараб қўйди, жавоб бермади. У Барот чолни ёмон кўрарди: «Пиёниста, аҳмоқ чол», деб юрарди.

— Хўш, қария, қалайсан энди?

— Худога шукур қилиб ўтирибман,— деди Исҳоқ чол.

Исҳоқ чол баланд бўйли, елкаси чиқиқроқ, калта, эчки соқол қўйган, ёши ҳам етмишдан ошиб кетган қария. Кампири бундан олти йил бурун қазо қилган. Чол жума, ҳайит кунларида мазорга бориб, кампирнинг қабрини зиёрат қилиб келади.

— Ҳа, худога шукур қилиб ўтиравер,— деди Барот чол.— Қовунполиз қалай? Оқлаб бўлдингми? Мундай йўқламадинг ҳам бизни? Иккита кўкчани қўлтиғингга қисиб борсанг, давлатинг камайиб қолмас эди.

Одатда шундай бўлади: баъзи киши ичиб, кунини маишат билан ўтказиб юрганда, ичмай, ўзича фақиргина бўлиб юрган кишилар унинг кўзига ёмон кўри-

нади, пайтини топса, уларни чимчиб ўйиб олгиси келади.

— Сизга атаганим бор,— деди Исҳоқ бобо.— Қирқма қовунлардан олиб қўйганман.

— Яша!.. Яшашни биласан... Йўқ,— у дўстига тикилди.— Билмайсан. Сен ҳам ўласан. Шунин биллиб қўйки, жаннат деган гаплар — бекор! Бари ёлгон! Осмонда Кўҳиқофлар бор, дегич эди — уям ёлгон! Азроил, Жаброил, Хизр — булар ҳам бекор гап. Ёлгон бўлмаса, Гагарин осмонга учармиди? Америкаликлар билан бизникилар Ойга бориб қўнармиди? Сен ўйламайсан! Мен ўйлайман... Мен дунёни кўрдим. Ўйна, кул! Маза қил. Шу қолади!

Исҳоқ чол хомуш ўтирарди.

— Барот,— деди у ҳам билан,— бировнинг турмуши бировга андоза бўла олмайди-ку?

— А-а, бундан чиқди, мени ёмон кўрасан?

— Мен ҳеч кимни ёмон кўрмайман.

— Менга қара, сен умрингда биров билан уришганмисан?

— Уришишни ҳам ёмон кўраман.

— Вот масала қаерда. Лекин,— қўлини кўтарди Барот чол.— Уйингга ёв бостириб келса, мисолга айтяпман, унда нима қиласан?

— Шу гапларнинг нима кераги бор.

— Керак. Сен қўрқоқсан!

— Хўп, биз қўрқоқ,— жилмайди қария.— Ахир, кимдир қўрқоқ бўлиши ҳам керак-ку?

— Йўқ! Сен вообше қўрқоқ одамсан. Қани, мени бир сўкиб кўр-чи ҳозир. Сўколмайсан! Мен сўкаман. Хоҳласам...

Айвоннинг у бошидан қадам товушлари келди, пақир ағдарилиб тушди. Супурги кўтарган Насиба чоллар қошида пайдо бўлди.

— Туринглар, супураман! — деди.— Туринг, Барот бобо! Ҳе,— у тўнғиллаб, нари-берига супурги тегизди.

Барот чол Насибага анқайиб қараб қолган эди.

— Адабинг шуми? Қариларга ҳурматинг шуми? — деди.

— Гапирманг! — силтаб ташлади Насиба.— Одоби билган одам гапирсин-да. Нима бу? Қачон қара-

манг, маст бўлиб келиб, бу кишини мижгилайсиз!  
Нима қилди бу одам сизга? Киши деганиям шунақа  
безбет бўладими!

Барот чол каловланиб, ўрнидан турди:

— Исҳоқ, бу келининг нималар деяпти?

Исҳоқ чол ҳам қўзғалди:

— Келин... келиним ёш... Уртоқ, ўзинг тушуна-  
сан-ку?

— Бугундан бошлаб менга ўртоқ эмассан!

— Яхши бўпти!— деди Насиба.

Барот чол гижиниб қўйди: қанийди, бу келинча-  
кининг бирон айбини билса! Ҳозир шунақаям бо-  
ларди!

— Хўп, майли,— дея олди у.

Супадан гандираклаб тушди. Ғузапоя ғарами ёни-  
га бориб қолди. Тошга қоқилиб, уй орқасига ўтди.  
Рўпарасида шағал уюми, цемент қувурлар қалалиб  
ётарди.

«Номард», деб пўнғиллади у.

28

— Ота, энди шу одам билан гаплашманг!— деди  
Насиба Барот чол кетгач.

Чол маъюс бош ирғади. Лекин кўнглида ўртоғига  
ачинди. «Юрагида бир дарди бор... Бекорга ича-  
димми?»

— Ота, хўпми? Гаплашмайсизми?

Чол кулимсираб қўйди.

— Ота, нимага шунақасиз-а?— Насиба ҳаяжон-  
ланиб, кўрпачага чўккалади.— Отажон, ўтиринг!  
Менга айтиб беринг, нимага бунақасиз?

Исҳоқ чол елкасини қисди, супа лабига ўтирди.  
Сўнг қаршисида уфқни тўсиб, шовуллаб турган қоп-  
қора қамишзорга ҳорғин қаради:

— Болам, негалигини ўзим ҳам билмайман.  
Ўзим сезаман, Баротнинг гаплари ўзимгаям ботади.  
Лекин...

Насиба қайнатасини яхши кўради. Уни оламдаги  
энг покиза ва ҳалол одамлардан деб билади. Шунинг  
учун айниқса тунги учрашувдан қайтиб келганда,  
эзилади: шундай одамни оёқ ости қилаётганидан  
ўкинади. Шунда: «Билсайди, мени уриб қайдасай-  
ди!» дея орзу қилади.

Бу чол нақадар содда, хокисор, меҳнаткаш.

Энг ёмони шуки, чол келинига ишонади. Уни биров билан кечаси саксовулзорга хуфия чиқиб келиши мумкинлигини икки дунёда ҳам тасаввур қила олмайди.

У келини тўғрида гапирганда, «битта ўғлим иккита бўлди», дейди.

— Отажон, сизда бир сир бор! — деди Насиба.

— Менда қандай сир бўларди, отанг айлансин. Сир йўқ. — У тагин қамишзорга тикилди, сўнг овози аллақандай бўғилиб чиқа бошлади: — Бобом айтгич эди, бир замонлар бизнинг элат Сир бўйларида яшаган экан. Кейин уларга аллақандай ёв ҳужум қилибди. Элимиз қочибди. Лекин андак жангари эканми, пайт пойлаб тагин ёв устига юриш қилибди. Ёв кўпчилик, элимизни тагин қувлабди. Шу қувлашда чўли-биёбонларга чиқариб қўйибди. Элимиз ўз ерини қайтиб олиш учун тагин куч жамлаб ёвга қарши борибди. Бу сафар ҳам енгилиб қочганида, ёв уни бигта қолдирмай қириб ташлашга қасд қилган экан. Қарийб шундай бўлибди ҳам... Кейин, элимизнинг қолган-қутганларини оқсоқоллар бир ерга жамлаб: «Энди ёвга қарши боришни ўйламанглар. Энди, қўлларинг кўксингларда бўлсин. Шунда омон қоласизлар», дейишибди.

Чол жим қолди.

Бу ёқда Насиба чол таърифлаган воқеаларни аниқ-аниқ манзараларда хаёлида гавдалантириб ўтирар эди. Қайнатасининг сўнгги гапини эшитиб, тош қотди:

— Шундай қилиб, сизлар қўлларинг кўксингларда бўлиб қолдимиз?

Чол елкасини қисди.

— Билмадим. Ҳарқалай раҳматли бобом ҳам бировга озор етказмаган киши эди. Отам раҳматли ҳам.

Насиба унга яқин сурилди.

— Ота.

— Э, болам, — чол бўғилди, — шу нарсалар баъзан ўзимга нашъа қилиб кетади. Юрагим жунбуш қилади. Баротга ўхшаганларнинг гапини эшитиб ўтириш у ёқда турсин, қорасини ўчиргим келади.

«Қандай даҳшат!— ўйлади Насиба.— Даҳшат бу.  
Бу фожиа... Элатнинг фожиаси!»

— Отажон!— Насиба унинг елкасини силади.—  
Жоним отам.

Чивин кўпайди. Кампирқўлнинг аллақаерида  
чиябўри «йиглади». Енгил шамол ботқоқ ҳидини  
олиб келди. Ғўзапоя қаттиқ шитирлади. Айвон устун-  
лари орасидаги дорга ташлаб қўйилган сочиқ тебрана  
бошлади.

— Электрниям узиб кетишди, ота.

— Ҳа, майли.

## 29

Барот чол дачага қайтиб келганидан кейин, бир  
соат чамаси вақт ўтиб, кўча эшиги ортида «газик»  
сигнал берди. Чол директорнинг машинасини овози-  
дан таниб, ирғиб турди.

Итолмас меҳмонларни қўйиб:

— Хайр. Эртага келаман. Ўзим сизларни обориб  
кўрсатаман,— деб хўшлашди.

У қайтиб чиқар экан, чолни имлади.

Чол билан эшик орқасига ўтди-да, уқтирди:

— Буларга яхши қаранг, хўпми? Хўжайин  
тайинлади.

Чол унга маъносиз тикилиб турарди, бош ирғади.  
Итолмас машинани тез қайтариб олди. Йўлкадан  
ҳайдаб кетди.

Баланд дарахтлар учидаги зағча ва майналар бе-  
зсвта бўлган, чуғурлашиб бошқа шохларга учиб ўтар  
эди. Машина чироғи дарахтлар танасини лоп-лоп  
ёритиб, клуб томонга бурилди-ю, ғойиб бўлди.

Барот чол ҳамон эшик оғзида беҳол турарди.

Ичкарига қайтиб, меҳмонларнинг ёғоч зинадан  
кўтарилаётганини кўргач, ҳаллослаб йўргалади.  
Улар билан изма-из чиқиб борди ва тегишли хона  
эшигини очиб берди.

Эр-хотин чолга раҳмат айтиб, ичкарига киришди.  
Чол залдаги стол ёнига бориб бир оз кутди. Сўнг  
ташқарига чиқиб, газга чой қўйди, сўнг ҳовуз бўйи-  
да нари-берига юра бошлади:

«Аттанг. Исҳоқдан айрилдимми?»

Содиқ билан Мунирага ажратилган хона кенгинана. Шифти баланд, деразалари катта. Иккита ёғоч каравот бир-бирига яқин қилиб қўйилган. Улар ўртасида кичкина стул, стулнинг ўтиргичи дераза остидаги катта ёзув столи тагига кириб турибди.

Содиқ ширакайф ҳамда тажанг эди.

Мунира эрига қарай-қарай, шкаф биқинида ечинди. Сўнг кулимсираб каравот томонга пилдиради, кўрпани очиб шоша-пиша кириб олди.

Содиқ унинг тирсиллаган билаги, юпқа ҳарир кўйлагини ёраман деб гурган қуймучларини кўрди. Хотинининг ҳануз бузилмаган аъзоларини кўз олдига келтириб: «Бу тузук,— деб ўйлади.— Шу ерда қолса, ўшанга тегадими? Унинг хотини ўлаётган бўлса... Мунирага ҳамма вақт шунақанги одамлар ёқади!»

У бошини эгди. Кутилмаганда ўзини бахтсиз ҳис қилди. Бир дақиқа хаёлга толиб, худди ўша Қувватбековдек бўлгиси келди. Одамлар ўзига ҳурмат билан қарашса! Унингдек тарихий мавзуларда ҳам гаплашиб ўтирса... Чиқаётганида, ўзгалар иззат-икром билан кузатишса, унга бўлган ҳурматлари, муҳаббатларини бекитишмаса!

Содиқ ўрнидан туриб кетди: «Менга нима?.. Бу бўлса, менинг таъбимдаги хотин эмас. Бу бошқа».

Мунира қўлларини боши остига қўйиб ётар, кўзлари хумор-хумор сузилар эди.

У шу тобда чиндан ҳам бахтли эди, қанча одамларни кўрди. Ғалати, бир-бирига ўхшамайдиган одамлар! Партком секретари ҳам яхши. Уктам ҳам, унинг хотини ҳам. Қувватбеков! Бунақа одамлар битта-иккита бўлади.

Кўнгли очиқ, самимий одамлар!

Мунира наҳотки шу ерда яшаб қолади? Уша «Маҳмуд Қошғарий» мактабида дарс беради?

Қувватбековнинг ўлаётган аёли ҳам танҳо жувон экан!

Ажаб! Кичкина бир қишлоқда шунча қизиқ одамлар... Бу қишлоқнинг тарихи қанчалар улуг! Гўё бутун ўтмиш шу ерда омукта бўлгандек. Янги замон! Инқилобдан аввалги даврлар! Утмиш... Ажинатепа! Содиқ унинг устига келди.

— Нимани ўйлаяпсиз?

— Кўп нарсани, жуда кўп нарсани! — деди Мунира ва сурилиб, ёнидан жой берди.

— Ҳа, аммо-лекин яхши жойга келиб қолдик, — деди Содиқ ва Мунирадан эртага ажралиб кетади-ю бу кеча сўнгги марта у билан бўладигандек, гайри табиий куч билан ёнига кирибоқ ўзига қаратди, қучиб шундай қисдики, аёлнинг кўзлари катта очилиб кетди.

— Нима бўлди сизга? — деди қўрқиб.

Содиқ кулди:

— Илҳом келди.

— Илҳомингиз ҳам бор бўлсин. Қўйворинг. Садист бўлиб кетасиз-а, баъзан.

— Нима қипти? Хотинимсиз.

Мунира унинг бағридан чиқиб, кўрпани очди, чуқур нафас олди.

— Ҳа, хотинингизман. Фақат хотинингизман, холос.

Содиқ чалқанча бўлиб олди.

— Аслида-ку, сен ёмон аёл эмассан.

— Чанқадим. Сув ичиб келай.

Мунира кийиниб, йўлакка чиқди. У бу кеча эри билан ётмаслигига ишонар эди.

### 30

Уктам чопонига ўраниб супада ёнбошлаб олган, хотини келтириб қўйган қатиқдан ҳўплаб эрта қилинадиган ишлар ҳақида ўйлар эди.

Ўйлади, ўйлади. Ҳамма нарсга ўзига аниқ, манзиллар ҳам тайинли бўлиб кўринди. Шунда хаёли оғиб, тоғ бағридаги олмазорни эслади-ю, бирдан чордана қуриб ўтирди. «Кестираман. Йўқ қиламан!» Шундай дейиши билан хаёли Деновга бориб кўргани субтропик боққа ўтди: олманинг навлари кўп у ерда. Битта ўрикнинг юз ўн тўрт нави бор, анжирдан ўттиз тўрт хил.

Қошиқ-товоқларни ювиб бўлган Майрамгул ҳимарилган енгини тушириб, чой олиб келди. Супа четига илиниб ўтирди.

— Қалайсиз? Кўп ичдингизми?

— Э, ичкилик нима! — деди Уктам. — Бошқа нарсани ўйлаяпман, Бошчорбоғда трамойи деган олма нави бор-а?

Майрамгул жилмайди.

— Утган йили ўзингиз бир яшик оп келган эдингиз.

— Ҳа. Қандай ширин олма! Сақласанг, ёзни ўтказиб янаги кузгача туради! — У қизишиб, хотинига гап уқтира кетди: — Биласанми, агрономияда ҳар хил масалалар бор. Шулардан биттаси — қишга чидамли, узоқ турадиган мева навларини яратиш. Узумниям ўша туридан кўпроқ экиш керак. Отангни боғида «осма» деган узум нави бор эди...

— Ҳа. Беш-тўрт кундан кейин бизниям йўқлаб қолсалар керак.

— Саодатни бекор бериб юбординг-да, хотин. Соғиндим. Уни оп келиш керак.

— Қизиқ одатларингиз бор-а, туриб-туриб бирдан лов этасиз.

— Э-э. Бўлганим шу. Меҳмонлар хурсанд бўлишдими? Менга айниқса Мунира опа ёқди. Қара, қандай саводли! У аёл кўп ўқиган, — у муғомбирона жилмайди. — Энди бизнинг қишлоғимизда яшайди улар! Қишлоқда маданиятли, саводли одамлар қанча кўп бўлса, шунча яхши. Менинг учун ҳам... Фалон кишининг совхози, дейди бу ерни.

Майрамгул табассум қилди.

— Лекин хотини ўқимаган экан, демайдими?

— Энди, ўзинг... хотинжон... Ахир, биласан-ку? Хоҳласанг, ҳозир ҳам ўқишинг мумкин. Ҳа, сиртдан кириб ўқийверасан.

Майрамгул тотли хўрсинди:

— Йўқ. Сиз ўқидингиз — бўлади шу. Мен болаларга қарайман. Ишлаяпман, — қошини сузиб кулди у. — Боғча мудираси! Кичкина иш эмас бу. Сизга маош ҳам келтириб беряпман.

— Ҳа, сен ҳамма вақт менга маош келтириб бергансан.

Уктамнинг отаси қариб қолган, у институтга кирганида, пулдан қарашиб турадиган кишиси йўқ эди. Майрамгул колхозда қолиб ишлай бошлади. Отаси-

дан япиригча Уктамга пул юбориб турарди. Холбуки ўшанда улар қачон турмуш қуришни келишиб олишмаган ҳам эди.

Дарвоза орқасида машина тўхтади. Тирқишдан чироқ нури тушди. Итолмас кириб йўлкада тўхтади. Уктамга кўзи тушди-да, илдамлади.

Уктам унга тикилиб турар экан, «Машинани ташқарида қолдирди. Олиб кетмоқчи!— деб ўйлади ва жаҳли чиқиб кетди.— Мен у билан учрашишим керак-ку? Хайрлашиш керакми, йўқми? Бекордан-бекорга гаплашмай кетиб бўладими! У ўзи... жинни».

Уктам чопони ўнгирини босиб, ўрнидан турди. Хотинига суяниб қаддини тиклади:

— Ҳа, обориб қўйдингми? Хафа бўлишмадимми мenden, кузатиб келмади, деб?

— Йўқ. Жудаям хурсанд!— деди Итолмас.— Сиздан миннатдор. Э, Уктам ака, ҳар қандай директор ҳам сиз қилган ишни қилмайди.

— Машинани оп кетасанми?

Итолмас Уктамга ўйчан тикилиб, супага чўкди.

Уктам аёлига қаради:

— Бор. Қовурдоқдан қолган бўлса, опке. Итолмаснинг қорни оч.— Аёли ошхонага кириши билан ўзи Итолмаснинг ёнига ўтириб олди.— Яна хўмрайиб олдингми? Ахир, айтдим-ку орамиз очиқ деб?

Шофёр бола унга беҳол қаради:

— Акажон, мен сизни ўйлайман.

Уктам ҳозир чинор остига бориб, икки марта сигнал берса-чи? Насиба чиқиб келади. Улиб қолсаям чиқиб келади! Уни машинага солиб, ё саксовулзорга, ё анҳор бўйидаги токзорга олиб кетади.

Уша ерда бафуржа гаплашиб, уни инсофга чақиради: менинг бола-чақам бор, ўзим коммунистман, дейди. Сенинг ҳам куёвинг бор, яқинда ҳарбийдан келади. Қайнатанг яхши одам, дейди.

Агар у йиғласа, «нега лола сайрида кўз қисдингиз?» деса, Уктам нима дейди? «Ҳа, энди, ўзинг ҳам кулимсираб қарайвердинг. Менинг кайфим бор эди. Кўз қисиб юборибман-да!» дейди-да. Кейин, «адир орқасидаги бодомзорда учрашганда, нега сени севаман деддингиз?» деб сўраса-чи? Ундаям ростини айта-

ди: «Ўзинг тутиб, мени севасизми?» дединг. Мен ҳам севаман, деб юбордим-да...»

«Насиба ғалати.— Уктам Итолмасни тамом унутиб, унинг хаёлига берилди.— Эси йўқ десам, балодай эсли. Лекин қандайдир... Ғалати...»

Майрамгул лаганда совиб қолган қовурдоқни келтириб қўйди. Уктам ҳушёр тортди.

— Ол,— деди Итолмасга.— Ё, қиттак отасанми?

— Биласиз-ку?

— Қўйсанг-чи. Ҳозир ўрганмасанг, қачон ўрганасан. Майрамжон, ҳалигидан қолгани бўлса, опке, жоним. Сен мендан хавотирланма. Мен ичкиликка ружу қўйган одаммасман. Кўп ичадиган кишини ўзим ёмон кўраман.

Майрамгул ярмига тушган «коньяк» шишаси билан иккита пиёла олиб келди. Уктам ўзига жиндак-кина, Итолмаснинг пиёласини тўлатиб қуйди.

— Ол!

Итолмас Уктамга қаради.

— Ичсам, машина бу ерда қоладими?

Уктам қизариб кетди.

— Жуда ўзинг ҳам бўлганингча бўлган экансан-да! Майрам, менинг костюмимни олиб чиқ.

— Қаёққа?

— Э, кўрмайсанми, қиш тушар экан... Эрта-индин совуқ тушади. Саҳарлаб қамишзорга одам қўйишимиз керак. Қамиш ўрадиган машиналар қай аҳволда ҳозир, худо билади. Ҳозир бориб хабар олиб келай! Ҳим-м, нимага қараб турибсан? Менга ишонмайдиган бўлиб қолдингми? Итолмас, мен билан бирга борасан. Ичма уни!

Аёл эрига бир нафас тикилиб турди-да, илдамлаб уйга кириб кетди.

— Ҳозир мен билан бирга борасан,— шивирлади Уктам.— Ҳозир уни чақираман. Кўзингни олдида хўшлашаман. Бўптими? Тур ўрнингдан. Бензин қуйиб келдингми?

— Ҳа.

— Бор, машинани қўш!

Итолмас секин бурилди, орқасидан биров куч билан торгаётгандек базўр қадам ташлаб дарвоза томонга кетди.

Уктамнинг жаҳли чиқди: «Сволючь! Шуям менга ишонмайди. Қайси гўрдан ўшанга илашиб қолдим? Ўзим аҳмоқ».

— Майрам!

— Ҳозир.

Уктамнинг ўзи ичкарига кириб борди. Залда хотинига йўлиқди. Унинг қўлидан шими билан костюмини олар экан, бирдан юраги аллақандай бўлди: «Шуниям алдадим. Боёқиш. Менга ишонади. Билиб қолса бир секунд ҳам турмайди!»

У апил-тапил шимини кияр экан, Насиба билан алоқасини буткул узиб келганида, хотини билан муносабатлари тагин ҳам қуюқлашадигандек туюлди. Назарида, ўша билан алоқаси турмушларига киши билмас заха етказиб тургандек эди.

У кийиниб бўлди-да, хотинини қучоқлаб ўпди:

— Жоним, бир соатда қайтиб келаман.

Майрамгул унинг пинжига тиқилди. Уктам аёлининг елкасини силади ва ҳайрат билан бир нарсани кашф этди: хотини ҳамма вақт мана шунақа, муте! Насибадай эҳтиросли эмас. Ундай ёпиша қолмайди, ҳиссини қитиқламайди. Балки шунинг учун ҳам у билан ўзи орасидаги аллақачон узилиши керак бўлган риштани узмай келаётгандир?

## 31

«Йўқ, хотиним яхши!— деб ўйлади Уктам машинага ўтиргач.— Менга меҳрибон! Боламни боқса, меҳмонимни кутса, уйимни чиннидек тоза қилиб ўтирса. Яна ишласа!..»

Итолмас машинани йўлга туширди. Уктам:

— Чапга!— деди.— Тўғрига ҳайда энди. Ҳозир йўл ёқасидаги чинор остига борамиз.

Итолмас жим кетди. Асфальтга тушгач, тўнгиллади:

— Мендан хафасиз-а?

— Нега... хафа бўламан?— Шундай деб ўзи ҳам жимиди. Итолмасга бурилиб олди:— Ўзи, бу ишни бас қилишим керак эди, ука.

— Ҳуктам ака, ҳозир ажраласизми ундан?

— Қизиқмисан! Уйқудан қолиб, нимага боряп-миз бўлмасам?— Яна олдинга тикилди.— Ҳузимгаям таъсир қилиб кетди. Янганг яхши аёл... Эшитса, билмадим, нима бўлади.

Итолмас машинани тезлатди-ю, чинорга яқинлашганда, тўхтатди:

— Ака, мен қоламан.

— А?

— Ушанинг юзини кўришга тоқатим йўқ. Бир вақтлар уйдан туз еганман. Яширмайман... Мирза-ражаб билан ошна эдик.

— Э, гап бу ёқда де?

— Йўқ, фақат бундаям эмас.

— Бўпти.

— Тушайми?

Ҳуктам негадир унинг тушиб қолишидан ўзининг хурсанд бўлаётганини пайқади.

— Ҳой,— Ҳуктам унинг елкасидан тутди.— Менга қара.

— Нима?

Ҳуктам ғалати бўлиб кетди: «Бу бола ҳам менга ишонади. У билан маишат қилиб келиб, «бўлди, орани уздим», десам ҳам ишонади».

— Итолмас, ҳозир нима қиласан?

— Идоранинг олдига бориб ўтираман.

— Яхши йигитсан, ука... Майли. Мени кутиб ўтир! Натижасини айтаман. Натижа мен айтгандай бўлади.

Шофёр пастга тушиб, унга мўлтираб қаради. Ҳуктам сурилиб, шофёр ўриндиғига ўтирди. Эшикни ёпиб, калитни буради.

— Ишондинг-а менга?

— Ака, мен сизга ҳамма вақт ишонаман.

Итолмас изига қайтиб кетди.

У аёли туриб, бошқа хотинларга ёмон кўз билан қарайдиган кишилардан нафратланади. Шунинг учун Ҳуктамнинг Исҳоқ чолнинг келинига айланишиб қолганини, «газик»ни уйда олиб қолиб, уникига боришини пайқагач, «бу машинани наҳс босди, мен миянолмайман...» деб кетиб қолган, гараждаги бузуқ юк машинасини эплаб ҳайдаб юрган эди.

Уктам чинор тагига етди. Машинани кўндаланг қилиб қўйиб, сигналга қўл тегизди-ю, қўлини тортди. Деразадан бошини чиқариб, у ёқ-бу ёққа қаради. Ҳеч ким йўқ. Фақат чинор шохида қушлар патир-путир қиялпти.

## 32

Насиба чолнинг «янги уйга кўчамизми?» деган сўрогига жавоб бермаган эди. Кейин ҳам жавоб бера олмади, лекин кўнгли ғаш бўлди.

У ҳамон ўз хонасида, дераза пастида уйқуси келмай ётар эди.

Бу хилват кулба, абваламбор, қўл бўйида мунгайибгина туриши билан унга ёқади. Совхоз одамларининг булар янги уйга кўчмаётгани учун айрича кўз билан қарашларидан ҳам у завқланади. Шунинг учун саҳарлаб далага ёки боққа отланар экан, аллақандай мағрурлик билан кулбадан чиқади.

Кулбанинг унга тагин,— энг муҳими шу бўлса керак,— ёқишига сабаб — бу ернинг Уктам билан учрашувига қулайлиги.

Уктам машинасини йўл бўйида тўтатиб, иккита қисқа сигнал берса бас, Насиба дераза оша айвонга тушади. Уй орқасига ўтган киши бўлиб, ғўзапоя тагида бир нафас серрайиб туради, сўнг баланд ўсган ёввойи супургиларни паналаб йўлга ошиқади.

Уктам!.. Унинг севгилиси, ошиги! Улар ажойиб фаслда, айни баҳор гуркираган чоғда Бошчорбоқнинг кунчиқар томонидаги Ифортпепада учрашишган. Сўнгра тепа ортидаги аччиқ бодомзор ичида бир-бирига севги изҳор қилишган.

Машина сигнал беряптими? Ҳа. Сигнал! Ана, икки марта. Уша! Уктам уни кутяпти!

Насиба каловланиб туриб кетди. «Ун кундан бери учрашмади, бир уришаман», дея тимирскилаб рўмолини излар экан, бирдан тек қотди. Қулоқ солди. Жимлик. Чолнинг уйдан ҳеч қандай шарпа эшитилмайди.

«Боёкиш,— кулимсиради у.— Ҳеч нарсени билмайди. Бежабар. Қайтиб келиб, «почтага борувдим,

опам билан гаплашдим», десам, «мендан ҳам салом айтдингизми?» деб сўрайди. Шўрлик. Лекин,— у эзилиб кетди:— Бу нарса қачонгача давом этар экан? Тўхтатиш керак...»

У шундоқ деб ўйлаган бўлса-да, қўли, оёғи ҳаракатда эди. Деворни ушлаб бурчакдаги тошойна ёнига борди. «Тройной» одеколондан кафтига қуйиб, бўйнига, юзига суртди, сўнг кафтларини бир-бирига ишқаб, мамнуният билан бир он жим турди. Кейин эшикка яқинлашиб, тагин қулоқ солди.

Уртада даҳлиз бор. Чол нариги хонада.

Насиба эшикни аста итарди. Эшик ўлгур ҳам гиж этди. Насиба лабини тишлаб, аста қўлини узатди, бўсаға ортидан шиппагини олди. Эшикни тагин зичлади.

Шиппакни кийгандан кейин ҳам дераза қошида бир оз турди. Ниҳоят, дераза қанотини очиб, аста бошини чиқарди, оёғини чиқарди ва шип-шип юриб, уй биқинига ўтди.

Ана, машина! Чинор тагида.

Насиба тезроқ бориши керак. Тагин у...

Агар Ўктам кетиб қолса, унга бир умр қарамасликка қасд қилиб ариқчадан ҳатлаб ўтди.

— Ўктам ака!

— Келинг. Кириг.

Насиба кира солиб унинг бўйнига осилди:

— Мени согинмадингизми?

— Уф.

— Ўктам ака, сизга нима бўлди?

Ўктам машинанинг кичкина чироқларини ёқиб жилдирди.

— Ҳамма вақт бир хил бўлиб туравермайди-ку, киши,— деди.— Чол... ухляптими?

— Чолга ишингиз бўлмасин.

Ўктам хўрсинди. Асабланиб бардачокни очди. Сўнг киссасини кавлади. Сигаретаси йўқ. Ана, холос! Итолмас идоранинг олдида, ўша ёққа борсинми? Йўқ. Бу билан тезгина хайрлашади. Кейин уйга қайтиб маза қилиб чекади.

Насиба миқ этмай қолган эди. «Газик» янги ту-

шаётган йўл билан жанубга қараб кетди. Бора-бора қум тўшалган жойга етди. Қумнинг тагида мой бор. машина юрса чирпирак бўлиб кетади.

У «газик»ни йўлдан чиқариб, ҳашарот ўлдирадиган дорининг қиди анқиб турган ажриқзордан ҳайдади. Тағин йўлга тушириб олди.

Теплица қурилаётган жойга етганда, бирдан чапга бурди. Тупроқ йўл билан боғ тарафга кетди. Бетон устунлар орасидаги симларга кўтарилган тоқлар тигиз ўсган, ўртадан кетаётган машина чироғини ёт кўздан пинҳон тутар эди.

Ана, каллакланган тут. Уктам машинани тут тагида тўхтатди. Эшикни очиб чиқди. Машина ортига ўтиб, багаждан эски адёлни олмоқчи бўлаётганини пайқади-ю, оёғини ерга маҳкам босди, сўнг сув бўйига йўл олди.

Насиба ҳам машинадан тушди, эшикка суяниб туриб қолди.

— Уктам ака!

— Э,— Уктам секин юриб, унинг олдига келди.— Насиба,— қизнинг билагидан ушламоқчи бўлди. Бироқ Насиба қаттиқ силтанди. Уктам қўлини тортди. Мақсадини дангал айтмоқчи бўлди-ю, унинг ловиллаб турган кўзларига боқиб, бутун вужуди алланечук илиб кетаётганини ҳис қилди. «Йўқ... ўзимнинг хотиним тузук,— деди ўзига-ўзи.— Бу билан бўлиб, обрў ололмайман!»— Насиба,— деди у энди анча майинлашиб.— Мен ўйлаб кўрдим. Бир ерга ўтирайлик... Адёлни оп чиқайми? Ҳозир.— Адёлни сув бўйига тўшади ва номаълум ҳаяжон қонини кўпиртиргани ҳолда ўтирди.— Эҳ, сигарета йўқ! Ўтиринг.

— Йўқ!— деди Насиба унинг тепасида тўхтаб.— Нима бўлди сизга?

— Ана, ана шуни айтмоқчиман-да,— унга пастдан тикилди Уктам ва шаҳд билан билагидан ушлаб тортганди, Насибанинг ўзи истадими ёки дафъатан шундай бўлдими, у Уктамнинг тиззасига ўтириб олди.

Уктам эса уни бағрига босиб, бўйнидан ўлганини билмай қолди. Шунда Насибанинг ҳам титроқ қўллари унинг бўйнига чирмашди.

Энди Уктамни ҳеч нарса тўхтатолмас эди.

Кейин, у ўзидан нафратланиб сув бўйига кетди. Насиба анчагача қўзғолмади. Сўнг у ҳам туриб, бошқа тарафга йўналди. Уктам қайтиб келганида, Насиба ҳамон йўқ эди.

Уктам у ёқ-бу ёққа қаради. Насиба ой сутдек ёритиб турган соҳилда, тол кундаси устида ўтирарди.

Уктам беихтиёр кулимсиради: унинг ўтириши чиройли эди. Намжун ажриқни юмшоқ босиб тушиб борди.

Насиба энди унга қарамади ҳам. Қўлларини тиззаси кўзига қўйганича сувга тикилиб ўтираверди.

### 33

Насиба кўпда ўзини ўзи тушунмай қолади. Мана шундай сокин сувга ғамга ботиб қараб ўтирар экан, бундан олам-олам роҳат олади.

Сув унга алланарсаларни ҳикоя қилаётгандек туюлади. Қулоғига эса жимжит сув шовиллаб эшитилади. Хаёлан шу битта «шовиллаш» сўзини идрок этиши билан қалбида ғалаён туради: тасаввурида шовиллаган сирли ўрмонзорни кўради. Шунда юлдузлар ҳам чарақлаб кетади,— ҳаво бузуқ, кўкни булут қоплаган бўлса ҳам унга юлдузларга тўла бўлиб кўринади осмон!

Сўнгра бу нарсалар орасида унинг севиклиси намоеён бўлади: у аллақандай гўзал, чиройли. Таъсирчан, мард, тоғларни талқон қиладиган йигит! У ким? Мана икки йилдирки, у шахс Уктам сиймосида аксини топган. Уктам унга кўп ҳам ўхшамайди. Лекин Насиба нима қилсин?

— Насиба?

Насиба унга оғир қаради:

— Нега авзойингиз бузуқ? Нима... бўлдимиз?

— Нима «бўлдимиз»?

— Бўлдимиз деяпман?

Уктам бошини эгди, юраги сиқилди.

— Насиба, сиз назаримда, ё вақтидан илгари туғилгансиз, ёки кеч туғилгансиз.

- Бу нима деганингиз?
- Бошқаларга ўхшамайсиз.
- Нега ўхшашим керак?
- Ахир...

— Мени тушунмайсиз! — Уктамга чақчайиб тикилди: — Сиз умрингизда китоб ўқиганмисиз? Уқиган бўлсангиз ҳам, уқмагансиз.

Ўктам ҳеч нарсага тушуна олмади.

Насиба кўп китоб ўқиган. Айниқса қишлоқда.

Китоблар ичида унга айниқса севги саргузаштлари тасвир қилинган, киши дегани «қалбига қулоқ солиши» кераклиги ҳақидаги китоблар ёқар, улар бўлмаганда, ишқий шеърлар ўқир ва бирдан-бир орзуи ўша асарлар марказидаги маъшуқа қизлардек бўлиш эди.

Бу истак унда қачон туғилди? Билмайди. Билгани шуки, ўша китоблар ва шеърларни ўқиб бўлгач, Бошқорбоқ қишлоқлари четидаги адирга чиқар, олис уфқларга, адир бағридан илон изи бўлиб тушиб кетган сўқмоқларга боқар, назарида, ўша томондан ажиб бир барно йигит қўлида бир даста ёввойи гул билан чопиб келадигандек эди.

Гоҳо хаёл қизни Тургенев қаҳрамонлари яшаган қадимий гўшаларга етаклар, ҳайҳотдек бедалоя ортида аслзоданинг оппоқ устунлари йўғон, оққушдек уйи кўринар, лекин шу заҳоти у: «Йўқ, улар эксплуататорлар, ёмон!» дер, хаёлдан бугунги кунига — адир устига қайтар, тагин ўзининг замондош ёш ёзувчилари ёзган асар воқеаларига шўнгир, назарида, у китобларнинг қаҳрамонлари унинг тутган йўлини маъқуллаётгандек бўлар эди.

Лекти кейин?.. Кейин у ўзининг бу хаёлларидан кулар ҳам эди: бачканалик, хаёлпарастлик бу.

Ҳозир ҳам у, Уктамни ўйламай, совхоз ёки рўзгор юмуши билан банд бўлган чоғларида тамом ўзгариб қолади: яъни атрофидаги қиз-жувонларнинг бирига айланади; ўшалардан баъзи бирларига ўхшаб унинг ҳам эри ҳарбийга кетган.

Насиба ўзининг мана шу кайфияти устида ўйлаб, сарҳисоб қилганда, ўзидан шу қадар нафратланадики! Кимдир... унинг сирларини фош этиб, аллақаяқларга ҳайдаб юборишини хоҳлаб қолади!

Анҳор ҳамон жимгина оқади. Сувга тушган ой нури жилваларда синиб, титраб йўқ бўлади. Нариги соҳил қоронғи.

Аллақаердан бойқушнинг ҳаяжонли сайраши эшитилиб қолди.

Насиба шошиб Уктамнинг тирсагидан ушлади, унга қўрқув билан тикилди-ю, бўшашди: «Нега! Бойқуш — қуш-да. Мени еб қўядими? Пахта тераётганда кўп кўрганман. Кесак отганман!»

Уктамнинг қўлини қўйвориб, энди унга бошқа кўз билан қаради:

— Нима бўлди сизга, Уктам ака?

Жувоннинг овозидаги хотиржамликдан Уктам ҳам жиддий тортиб:

— Мен кўп ўйладим, Насиб,— деди.— Орани узмасак бўлмас экан.— У Насибага тик қаради:— Менинг хотиним бор... Болам бор. Мен уларни ҳурмат қиламан. Тўғри, аёлимнинг нуқсонлари йўқ эмас, лекин биз одаммиз... Жон Насиба, сиз билан ўтган мана шундай дамлар ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди. Сизга раҳмат! Сиз мендан ҳеч нарса талаб қилмадингиз... Мен ўйлаб кўрдим. Яқинда эрингиз ҳам келади.

«Эрим... ўша менинг эримми?— ўзидан сўради Насиба.— Ҳа, эрим. Ҳафтада хат ёзади. Мени соғинган. Мени яхши кўради. Мен нега уни ёқтирмайман?»

Насиба Бекатдаги атлас тўқиш фабрикаси қизлари билан бу ёққа пахта чопиғига келганида, Мирзаражаб унга сиртдан ошиқ бўлиб, узоқ вақт қийналган, сўнгра отасига ёлворган эди: «Ўшани оберасиз. Йўғасам, уйланмайман!»

Исҳоқ чолнинг ўғлини уйлаб, унинг тўй-тамошо-сини кўришдан ҳам ортиқ орзуси борми?

Тезда қишлоқ қарияларидан уч-тўрттасини йиғиб маслаҳат қилди. Насибаларнинг уйига уст-устига совчи бўлиб бора бошлади. (Ушанда Насиба опаси билан турарди). Кунларнинг бирида рози бўлди.

— Насиба, гапларим тўғрими?

Насиба Уктамга тикилди-ю, боши айланиб кетди: «Шу... менинг севгилимми?»

— Мен тушундим,— деди у кулимсираб.— Узи шундоқ бўлиши керак эди. Қайси ошиқ-маъшуқлар бирга бўлибдики, биз бирга бўлардик.

— Уларнинг йўриғи бошқа, бизники бошқа.

— Уктам ака,— Насиба анҳорга тикилди.— Энди мен бу ерда қандай яшайман?

— Тушунолмадим.

— Бу ердан кетишим керак энди.

— Насиба! Буни сира ўйламанг.

Уктам ўрнидан сапчиб турди. Насиба ҳам ўрнидан турди... Турди-ю, тағин анҳорга боқди. Уктамни лол-ҳайрон қолдириб:

— Хайр, анҳор!— деди.— Шовуллаган азиз сув! Мен энди кетаман бу юртдан. Жуда йироқларга кетаман. Яна кўришамизми, йўқми, ҳеч ким билмайди. Лекин мен сени сира-сира унутолмайман!

Уктам кўзлари киртайиб, аллақандай қўрқув билан унга боқиб турарди. «Худо ҳаққи, шу аёлнинг бир шариги етмайди», деб ўйлади.

— Насиба.

— Кетинг, йўқолинг!— деди Насиба.— Сиз менга бегонасиз! Бевафо!..

— Бўпти... Қишлоққа обориб қўяйин.

Насиба ҳеч нарса демади.

«Бу жинни қачон қишлоққа боради? У «ёқда қайнатаси уйғониб кутиб ўтирган бўлса! Буни ташлаб кетиб бўлмайди».

Уктам ғайри табиий шиддат билан Насибани даст кўтариб олди. У қаттиқ типирчилади. Бироқ тағин бўшашиб, йигитнинг бўйнидан қаттиқ қучди. Уктам уни олиб келиб ўриндиққа ўтқазиб қўйди. Узи у томондан айланиб ичкарига кирди.

«Газик»нинг митти чироқларини ёқиб, келган йўлидан ҳайдаб кетди.

Чинор. Уктам «газик»ни тўхтатди. Насиба тушди. Уктамга қарамоқчи бўлдию жадаллаб қолди. Супургилар қошига етганда, бир тўхтади. Кейин шошилмай юриб уйи тарафга кетди.

Уктам машинанинг катта чироқларини ёқиб, асфальтга туширди. Идорасига етавериб, йўл ўртасида турган шофёрини кўрди. Тўғри унга ҳайдаб бориб, босаман деганда тўхтатди.

— Утир,— деди Уктам синиқ жилмайиб. У ўтирди.— Уйи куйсин йигитчиликниям,— хўрсинди Уктам.— Мен ўзи одам бўлмайман. Кимлигимни унутиб қўяман. Совхоз директори!— У қўлини кўтариб қўйди.— Халқнинг оқсоқоли деган сўз бу! Мен ҳар жиҳатдан уларга ўрнак бўлишим керак. Қилган баъзи ишларим эса... Энди бўлди.— Уктамнинг томоғи бўғилди.— Бўлди, дўстим! Иккинчи марта бунақа ахлатни емайман.

Сўзининг давомини ичида айтди: «Бошқа йигитларга тўғри келар балки. Лекин мени партия-ҳукумат «ўз нафсингни ўйла», деб бу ерга қўйган эмас. Шу нарсани истасам ҳам, ўзимни тийишим керак!»

Уктам анча енгил тортди. Дарвозаси ёнида машинадан тушиб, Итодмас билан хайрлашгач, «У нима қилар экан,— деб ўйлади.— Кетиб қолса... Наҳотки битта оиланинг бузилиб кетишига сабаб бўлсам? Йўқ! Бунга йўл қўйиб бўлмайди!»

## 34

Содиқ уйғонганида, Мунира йўқ эди.

У туриб керишди-ю, кеча хотини билан орасида ўтган гап-сўзларни эслади. Бир оз қизиққонлик қилганига иқрор бўлди. «Яхшиямас... шунақа пайтда!»

Ваннадан чиқиб, дераза ёнида тўхтади. Кун ёйилиб кетибди. Ҳовуз бўйидаги чинор барглари зарҳал суви югуртирилгандек товланар, қушлар шўх-шўх чуғурлашарди. Лекин теварақ-атрофда аллақандай сокинлик, хотиржамлик бор.

«Аҳ, қишлоқ яхши!» Содиқ орқасига қайтмоқчи бўлди-ю, ойнаванд шийпон олдига тўкилган ҳазонларни супураётган Барот чолни чақирди:

— Ота! Салом бердик,— деразага энгашди у.— Бизнинг хотинни кўрмадингизми? Қишлоғингизда шўх йигитлар йўқми?

Чол илжайиб, кўча тарафга ишора қилди.

Содиқ ҳам беихтиёр ўша тарафга қаради. Шунда кеча чол билан, ўтиришдан кейин суҳбат қилишга келишганини эслади. «Э,— деди. Сўнг гижинди:— Бу қитмир чол бари бир ҳеч нарса айтмасди!»

У зал ўртасидаги стол қошига қайтди. Нонушта учун ҳамма нарса муҳайё эди. Пиёлаларга қуйиб қўйилган чойдан бирини олиб ҳўплади. Битта олма тишлаб: «Иш,— деб ўйлади.— Ишга боришим керак. Ғиёсов кеча мени сўрагандир. Бу ердалигимни билса, ҳайрон бўлади албатта».

Эшик очилди. Бир даста дуб япроғини бандидан гулдастадай қилиб ушлаб олган Мунира кирди. Унинг чеҳраси очиқ, кўзларида ёшларга хос қувноқлик бор эди.

— Турдингизми? — деди у қувнаб. — Томоша қилиб келяпман. — Мунира стулга чўкди: — Болалар молларни подага ҳайдашди. Уктамжонниям кўрдим, машинасида ўтиб кетди. Мени пайқамади.

Содиқ энгил хўрсинди:

— Соат ҳам еттидан ошяпти. Мен ҳам ишга кетишим керак.

Эр-хотин бир-бирига тикилишиб қолди. «Эрталаб сизларга уй кўрсатамиз, дейишганди. Ростмиди шу гап?» деган маъно бор эди уларнинг қарашида.

— Кеп қолишар,— деди Мунира.

— Ҳа.— Содиқ бирдан кулимсиради.— Шу ерда қоладиган бўлдикми энди?

— Келишдик-ку? — кулимсиради Мунира ҳам.— Мен ҳам бир-икки соатдан кейин мактабга ўтиб келаман.

— Сиз билан яна савол-жавоб қиладими, ё бўлдими?

— Билмадим.

— Ишқилиб, омадингизни берсин.

— Раҳмат.

Бу пайтда Уктам жўхориная орқасидаги кўчатзорда ҳансираб чопиб борар, йироқда иккита сигир ёш кўчатларни қайириб емоқда эди.

— Ҳе, эганг ўлиб, эгасиз қол! Падарига лаънат эгангни! Сенларни боқиш қўлидан келмаса, совхозга топшириб қўймайдими?

Сигирлар кирган жойлари четда қолиб, сим деворга бориб урилди. Изларига қайтганда, Уктам уларга

етди. Кесак отиб, ура-ура кўчага чиқарди ва ҳар тарафга ночор аланглаб қаради.

Кўчатлар орасидан Итолмас ҳам югуриб келмоқда. У ариққа тушиб кетган шекилли, тиззасигача лой эди.

— Ҳайда буларни!— деди Уктам шофёри етиб келгач.— Бўлимнинг идорасига обориб, гаражга қамаб қўй!

Итолмас сигирларни қайтариш учун чопди. Лекин улар бирдан шаталоқ отиб қочиб қолишди, сўқмоқни чангитиб, этакка тушиб кетди.

Итолмас бари бир уларни қайтариб келиши керак!

Уктам ўзича сўкина-сўкина боққа қайтиб кирди. Мол кемирган кўчатларни излаб топди. Оббо, бир кўчатни синдирибди-ку ҳаром қотгурлар!

Уктам кўчатни авайлаб турғазди: «Бу расво бўпти... Бу катта дарахт бўлар эди. Гуллар эди. Мева қилар эди!»

У кўчатни жойига ўтқазиш учун кўп ҳаракат қилди. Лекин кўчат тагидан синган экан, қаддини тутиб тура олмади.

Ниҳоят, Уктам уни тортиб танасидан ажратиб олди-да, худди шу билан бировни урадигандек бўлиб, тагин кўчага чиқди.

Муюлишда от кишнади. Ҳадемай етиб келди. Эгарда иккинчи бўлим бошниги Абдукарим Раҳмонов ўтирар эди.

— Инсофингизни бўри есин!— деди Уктам.— Воғда қоровул борми ўзи?

Раҳмонов отдан тушди. Уктам билан кўришди.

— Уям... теримга чиққан.— Дам кўчатга, дам сим тўрнинг йиртилган жойига қараб воқеани тушунди у.— Подачига тайинлайман, молини бошқа ёқдан ҳайдаб ўтади.

— Қачон хина қўйишни биласиз! Бугун ўқувчиларга жавоб берасизми?

Раҳмонов ҳеч нарса демади.

— Бугун улар мактабга қайтади!— Қатъий таъкидлади Уктам.— Қолганини ўзингиз териб топширасиз...

Раҳмонов Уктамга тепадан бир қаради, йўл адо-  
ғига тикилди.

— Нега жавоб бермайсиз?

— Вақтингиз бўлса,— тўнғиллади у,— пайкални  
айланиб кўрайлик.

Уктам елкасини қисди. Ариққа ташлагани кўчат-  
га кўзи тушиб, мол эгасини тагин сўкди. Раҳмоновга  
қарамай, кўчатзор оралаб кетди.

— Мен пайкалга ўтаверайми?

Уктам орқасига қарамай, бош ирғаб қўйди.

Баҳорда Уктам билан Раҳмонов орасида шундай  
гап бўлган эди. «Уртоқ Умаралиев, агроном кетиб,  
аҳволимиз танг бўлиб қолди. Лекин менга қўйиб  
берсангиз, гектаридан қирқ центнер ҳосил тушириб  
бераман. Шарт шулки, машина термаслиги керак.»—  
«Унда, унда қўлда териб оламизми?»—«Ҳа, фақат  
қўлда теришга тўғри келади!»

Шундан кейин Уктам бошқа ишларга чалғиб кет-  
ди. Бу орада Раҳмонов чигит экишни тугаллади. Уша  
мавзуда тагин бир гап очилганда: «Уктамжон, энди  
бўлган иш бўлди», деди бўлим бошлиғи.

Яқинда, теримга тушиш олдида Уктам Раҳмонов  
билан икки пайкални оралаб кўриб, қатор оралари  
жуда ҳам тор бўлгани учун терим машинаси кира  
олмаслигига иқрор бўлган, сўнгра Эминов билан мас-  
лаҳат қилиб, Қувватбековдан ўн кунга ўқувчиларини  
сўрагани.

## 35

Уктам «газик»ни ҳайдаб пайкал бошига етмай  
туриб, у ерда отини боғлаётган Раҳмоновни кўрди.

Бўлим бошлиғи Уктамга тутзор ортини кўрсатиб,  
ариқдан ҳатлади. Уктам ҳам машинадан тушиб, унга  
эргашди.

Раҳмонов олдинда, Уктам орқада, иккита пайкал-  
ни кесиб ўтиб, бошқа карта бошига чиқишди.

Уктам ҳайрон бўлиб тўхтаб қолди: «Бу ерда...  
жўяк қани? Жўяги йўқ-ку бу пайкалнинг? Қандай  
қилиб сув ичди бу? Қизиқ? Лекин оппоқ очилиб  
ётибди!»

— Раҳмонов, мен... нима бу?— деди у.

Бўлим бошлиғи осилиб тушган қовоғи остидаги кўзларини пирпиратиб қўйди.

— Сиз хотиржам бўлинг. Мен ёмон иш қилганим йўқ.

— Лекин... агротехника қоидалари қаерга кетди? Бу ерга чигит сепилганми?

— Сепилган,— деди Раҳмонов.— Сепганмиз, Уктамжон.

— Сизга Ҷ-р нима бўлганми ўзи?

— Уктамжон, мана кўриб турибсиз, пахта кўп! Ҳосил мўл. Сизга яна нима керак? Тўғри, терим машинаси туша олмайди бу ергаям. Буни бошда келишганмиз.

— Мен лекин... бунақа қиласиз, деб ўйламаган эдим! Нега бунақа пайкаллар борлигини менга айтмадингиз?— У бўлим мудирига ўнгланиб олди.— Буни район катталаридан биттаси кўриб қолса, нима дейди?

— Уктамжон, вақтида халқимиз шунақа қилиб чигит эккан, лекин беш-олти центнердан ҳосил кўтарган, бунинг сабаби бор...— Раҳмонов пайкалга ишора қилди:— Энди, бу ёққа қаранг, неча туп кўчат бор шу ерда? Юз минг тупми? Йўқ, бу ерда гектарига беш юз мингтадан чигит тушган!— Уктам энкитиб кетди. Раҳмонов кўлини кўтариб қўйди:— Қизишманг. Сабр қилинг... Агар ўн гектар ерга шунақа қилиб чигит эктиргансан, деб сизни айблашса, ўшаларни менга рўпара қилинг, ўзим жавобини бераман.

— Ҳа, жавобини берасиз-а. Директорнинг ўзи рухсат этган, дерсиз!

— Йўқ, Уктамжон. Мен сиз билан пахтани қандай териб олишни маслаҳат қилганман. Негаки, бунақа пайкалга кирадиган машина бизда йўқ ҳали.

— Ушанақа машина борми ўзи?

— Ҳозирги техниканинг олдида уни яратиш ҳеч гапмас.

— Мен ҳеч нарсани тушунмаяпман, менга туншунтиринг!

— Мана, шу ерда беш юз минг туп гўза бор. Сиз уруғлик чигитни кўп сарф қилибди, деб ўйламанг. Чигитни ўзим топганман. Хуллас, энди мулоҳаза қи-

либ кўринг: ҳар бир гўзада кам деганда бешта-олти-та кўсак бор. Қаранг, ҳаммаси очилган. Иккинчидан, шу пахтага биз бор-йўғи икки марта сув бердик, негаки тигиз экилгани учун ернинг нами ҳавога кўтарилиб кетмади. Уғит ҳам кам тушди. Бунинг яна битта фазилати шундаки, агар шунга мос терим машинаси бўлса, бир марта теришда оқлаб чиқади... Тушунайсизми? Ҳосил ҳам етарлича, қирқ центнердан тушади!

Уктам унга гангиб қараб турар эди.

— Йўқ... Ҳар ҳолда бу ишингиз хаёлпарастлик, — деди у. — Тезда буни териб олиб, кўздан пана қилиш керак.

— Териб оламиз, Уктамжон. — Раҳмонов жўякка тушди, пуштага ўтирди. Ердан кесак олиб ушата бошлади. — Хаёлпараст дедингиз-а?

— Ҳа-да!

— Сиз ўзингиз хаёлпараст эмасми?

— Мен?

— Сизниям ўйлаб юрган нарсаларингиз кўп, Уктамжон. Менга келсак, мен ҳақиқатан ҳам хаёлпарастман. Айбим шу. Шунинг учун кўп урилдим, сурилдим. Лекин одам бўлмадим. Йўғасам менинг мақсадим ҳам пахтакорнинг хизматини енгил қилиш. Менда бошқа ҳеч қанақа орзу-истак йўқ. Отам раҳматли шу пахтада ишлаб ўлиб кетди. Сувчи эди.

— Шу ишингиз янгиликми энди?

— Бир ҳисобда эскилик. Лекин ҳозирча амалга ошмайдиган янгилик. Мана, тажриба учун уч пайкални шунақа қилиб эккан эдим. Сиз ҳам мени тушунмаясиз-а? — Раҳмонов ўрнидан турди: — Майли, келаси йил сиз истагандай қилиб эктираман. Орасини тўқсону тўқсон қилиб, ҳатто квадрат-уялаб экишим ҳам мумкин. Вақтида гўзанинг баргини туширадиган заҳарли дорилардан ҳам септираман. Айтганингиз бўлади.

Уктамнинг боши говлаб кетган эди.

— Яхши! — деди. — Хафа бўлманг. Пахтакорнинг меҳнатини енгиллатиш ҳақидаги гапингиз ёқади. Лекин бу ишларни олимларга қўйиб бериш керак.

Уктам «газик»ни ҳайдаб, Кампиркўл томонга бо-  
раётган эди, тўхтаб турган «МАЗ» машинаси каби-  
насидан чувак юзли бир киши қўлини чиқариб қи-  
мирлатди.

Уктам тормозни босди. Ҳалиги киши кабинадан  
чиқиб келди.

— Бу қанақаси бўлди, ўртоқ директор? Нима,  
сиз йўл қурилишига қаршимисиз? — У йиғиб юрган  
экан, бирданига тўкиб солди: — Ижрокомнинг қаро-  
ри бўлса! Узи, бош пландаги йўл бўлса! Иккинчидан,  
бу йўлда сизнинг машиналарингиз ҳам юради. Тер-  
миз билан орангиз бир қадам бўлиб қолади!

Уктам тиржайиб сурилди. Йўл қурилиш бошлиғи-  
нинг тирсагидан ушлаб тортди:

— Келинг, бу ёққа кирилинг.

Уктам шундай деб, юраги зирқираб кетди: ҳозир  
тўғри Исҳоқ чолнинг уйига борадими? Унга янги  
иморатга кўчиш тўғрисида ўзи гапирадими?

Насиба нима қиларкан?

Абдуллаев Уктамнинг ёнига кириб ўтирди. Эшик-  
ни қарс этказиб ёпди:

— Директор ука, ростини айтсам, шу қишлоқ  
менга ёқмади,— деди.— Жудаям тоши оғир экан.  
Ирим қилдим.— У чайқалиб сўзида давом этди:—  
Бу ерга кўчиб келган кунимиз битта бульдозер кўл-  
га тушиб кетаёзди. Хўп, ўзингиз ўйлаб қаранг, уйи  
йўлга тушган битта чолни кўчириш ҳам шунчалик  
қийин бўладими? Чолингиз ҳам худди менга ўча-  
кишгандай, а?

— Парво қилманг, ҳамма иш жойида бўлади.

— Ука, чолингиз бир йил кўчмай ўтирсаям мен-  
га зарари тегмайди. Йўл кетаверади. Лекин комиссия  
келганда, ишимизни қабул қилмайди. Чунки чол-  
нинг уйи нақ ариққа мўлжалланган жойда!

«Нима бўлса, пешанамдан кўрдим», ўйлади  
Уктам.

Насиба кўл бўйидан қайтиб келиб, уйга кирди.  
Хонасида гангиб тураркан, нимадир емоқчи бўлди.

Лекин иштаҳаси йўқ! Худди ҳозир полизга бориб, қайнатаси билан хайрлашади-ю, район, қаердасан, деб жўнаб қоладигандек.

Деворнинг бир тарафида миждарга илинган кўйлақларига тикилди. Одми шойи кўйлагини шарт олиб, эгнидаги ранги ўнгиб кетган атлас кўйлаги устидан кийди. Бошидан рўмолини отиб ташлаб, қозикдан катта шол рўмолни олди-ю, иккиланиб яна жойига илиб қўйди. Ерда ётган пешанабоғини ўраб, шиппагини оёғига илди.

Супадан тушар экан: «Ҳе, номард!» деди.

Кўчага чиқиб илдамлади. Ёнидан йўл қурувчиларнинг бульдозери ўтди. Кабинада ўтирган сочи узун йигит унга кўз қисди. Насиба ердан тош олгунча бульдозер узоқлашди.

Полиз. Чайла. Палаклар. Улар устида гала-гала чуғурчиқлар. Исҳоқ чол йўқ эди.

Насиба сўрига ўтирди ва нима учун кечанинг ўзидаёқ кетиб қолмаганига қайрон бўлди. Мулоҳаза қилиб, кетиши учун чолни уйғотиши лозим эканини эслади: у чолни уйғотмади-ку? Қайтангга чол уйғониб қолмагани учун ичида хурсанд бўлди.

Насиба уйга қайтиб келганида, қайнатаси супа лабида хомуш бўлиб ўтирар эди.

— Ҳа, отажон? — деди Насиба. — Қаерда эдингиз?

Чол хўрсинди:

— Омборга бордим. Қовунни тортиб топширмагандик. Шунинг килограммини билиб келдим. — У келинига жилмайди. — Планни ошиғи билан бажарибмиз. Бригадир ҳам хурсанд.

— Жуда яхши бўпти-да.

— Кейин йўл қурувчиларнинг қўноғига бордим.

— Уларда нима ишингиз бор?

— Э, болам, — Исҳоқ чол келинига мунгайиб боқди: — Кеча ҳеч қанақа шарпа эшитмадингизми?

— Йўқ...

— Чамамда, биров келди. — Чол майдон адоғидаги атрофи чипта билан ўралган қўрага қаради: — Молимиз ҳам йўқ-ку, тавба. — У тагин келинига юзланди: — Молниям чўпонларнинг қўлидан оп келиб қўйиш керак эди. Мирзажоннинг ҳам келар вақти

бўлди. Бугун қандай кун? А-а... Чўпонлар ҳам тогдан келади энди. Ҳали қалдирғочларнинг паст учаётганини кўрдим. Бу қишдан нишона, қизим.

— Отажон, бошқа нарсани гапирётган эдингиз.

— Ҳа, шу денг,— чол яна алланечук гужанак бўлиб олди.— Оёқ шарпасини эшитдим. Чиқсам, йироқда бир машина кетиб қолди! Тавба, дедим. Бу ким бўлди? Уйимга келиб кетган киши ким? — У яна Насибага қаради: — Болам, сиз хавотир олманг! Энди милтиқни ўқлаб ётаман... Кеча сал кечикиб чиқдимми, дейман-да. Йўғасам, уни таниб олган бўлардим.

— Нега кечикиб чиқдингиз, қўрқдингизми?

Чол илжайди.

— Унчалик эмас... Лекин шу пиёнистанинг қадами ёқмади! Бир кўнглим тагин ўша қайтиб келди-ми, деб ўйладим.— Чол бошини эгиб олди: — Болам, сиз ёш нарсасиз. Ёмон одамлар бор. Илгарилари ҳар хил гаплар бўлгич эди.

— Қачон?

— Ҳе, илгари. Бировлар қасдман бўлиб, заифларнинг сочини кесиб кетарди. Аёл кишини ёмонотлиқ қилиш учун ёмон одам ҳунар кўрсатади-да. Бугун кўп хаёлларга бордим. Охири, йўл қурувчилардан биронтаси келган, деб ўйладим... Одамнинг оласи ичида бўлади, болам. Бундан ташқари, йўл қурувчиларнинг ҳаммасини ҳам яхши одам, деб бўлмайди. Бир-иккита сочи узун болалар бор, кўзидан қўрқасан, киши.

— Биттасини мен ҳам кўрдим!— энтикиб кетди Насиба.— Гапингиз рост.

— Балли. Улар бугун бу ерда бўлса, эртага бошқа ерда... Шунинг учун бошлигини излаб бориб эдим, уям директорни қидириб кетган экан.

— Совхоз директориними?

— Ҳа-да. Болам, менга қаранг. Шу ердан кўчмасак бўлмайдиганга ўхшайди. Биламан, сиз мени ўйлаяпсиз. Ҳақиқатан ҳам мен бу жойни яхши кўраман. Ота-боболарим ўтган жой бу... Кампиркўл жуда азиз кўл! Табаррук кўл. Кеча баъзи гапларни айтиб бердим-ку. Ушанда бизнинг эл шу кўл бўйига келиб, кўним топган экан. Суви чучук, балиги мўя. Жуда муқаддас кўл дейишарди буни.

Насиба ўрнидан иргиб турди:

— Отажон, сиз кўчаман, дейсизми? Бўпти.

— Э, раҳмат, қизим.— Чол ҳам ўрнидан турди.— Аммо-лекин партком бобога шу гапни айтсак, у кишиям тоза хурсанд бўлади-да. Биласиз-ку, қанча гапирган эди.

— Отажон, мен нима қилай ҳозир?

— Чой-пой ичдингизми? Йўғасам, сиз чой қайнатиб туринг, мен идорага бориб келай. Ё ўзларининг... доротделнинг каттаси келишини кутамизми?

Насиба жойига ўтириб қолди: энди нима бўлади? Янги иморатга бориб яшайдими? Борса... бир-икки кун туриши керак. Бир-икки кун! Унгача ўрганиб, яъни, Уктамсиз ҳаётга кўникиб қолса-чи?

Йўқ, бу тўғри келмайди! Насиба севгилисидан айрилди! Муҳаббати барбод бўлди. Бу ёқда, эрига хиёнат қилди! Қайнатасининг юзига оёқ қўйди.

Дарвоқе, бу қандай яхши одам-а! Қаранг, келинидан гумонсирашни хаёлига ҳам келтирмапти.

Чол келинининг кутилмаганда ўтириб олганидан ҳайратланиб, ўзи ўчоқ бошига кетаётган эди.

— Отажон!— деди Насиба.— Нега мени уйғотмадингиз кеча?

— Уйқунгизни бузгим келмади. Шунинг учун деразангиз олдидан ҳам ўтмадим. Йўғасам, у шарпа сиз тарафдан эшитилган эди.

Насибанинг ўкириб йиғлаб юборишига оз қолди. Бироқ ҳаяжонини боса олмади: «Кетаман... Тоқат қилолмайман! Мен бу чолга келин бўлишга арзимайман!»

— Ота,— деди у.— Ҳали почтага бориб эдим. Опам билан гаплашсам, бир келиб кет, деди.

Ғўзапояни тиззасида синдираётган чол унга аяқайиб қолди. Туриб кафтларини бир-бирига сийпади:

— Нега боя айтмадингиз? Кел деган бўлса, албатта боришингиз керак.— У айвондан тушди.— Келинг, қовундан уч-тўртта саралаб олайлик.

Насиба яна лол қолди: нега бунақа одам бу?

— Ота, қовунингиз керак эмас!

Чол келинининг гапини эшитмади чоғи.

— Қовун керак эмас!— деди Насиба.— Мен...

Ўзим кетяпман! Ҳа-ҳа! — Эшикка ўгирилди-ю, устунни қучоқлади: — Кетаман!

Чол каловланиб супа пастига келди.

— Қизим, она қизим. Биров сизни хафа қилди-ми? Унақа деманг, жон болам. Мени ўлдириб, кетасиз бу ердан. Менинг чиқариб юборадиган келиним йўқ. Сиз менга келин ҳам эмас, менинг қизимсиз-ку? — Чолнинг ҳам кўнгли бузилдими, узун чопони ўнгирини олиб кўзини артди: — Йўқ-йўқ! — у ҳаяжон билан бошини қимирлатди: — Сиз кетиб қолсангиз, Мамаражаб келиб сўраса, унга нима деб жавоб берман? Ким сизни хафа қилди?

Насиба чолга гарангсиб тикилар, хаёли ўзида эмас эди: «Демак, кета олмайман! Қолар эканман... Лекин, ахир бари бир бир кунга бўлсаям кетишим керак-ку! Мен ёмонлик қилдим! Мен ўзимга ўзим жазо беришим керак-ку?!»

У шу қарорга келгач, кетиш сабабини чолга айтишдан мутлақо фойда йўқлигини англади.

— Айтинг, қизим, ё мен хафа қилдимми?

— Йўқ-йўқ...

— Унда ким ранжитди сизни? Гап нимада ўзи? Дардингизни менга айтинг-да, жон болам. Ҳа, — у хириллади. — Мен ёмон одамларнинг таъзирини бериб қўйишним биламан! Мени жудаям анойи деб ўйламанг, қизим. Танамда жоним бор экан, сизни бировга хафа қилдириб қўймайман.

Чолнинг вазоҳатини кўриб, Насиба ҳангу-манг бўлиб қолди. У ўзига таниш мулоим, ҳаммадан ўзини паст тутадиган хокисор Исҳоқ чолга ўхшамасди. Унинг ҳамиша ерга қарайдиган нурсиз кўзларидан шу топда ўт чақнар, вужудидан куч томарди гўё. Насиба уни илгари бундай ҳолатда кўрмаган эди, буни кўрди-ю, юраги орқасига тортиб кетди.

— Ростини айтайми? — деди у кулиб.

— Айтинг, — деди чол жонланиб.

— Анави... Барот чол сизни таҳқирлаганига чи-долмаяпман, — у қовоғини солиб, гўзапоя тарафга бошини бурди. — Тўғри-да! Сиздан мулоҳаза қилман, бўлмасам, ўзим у пиёнистанинг додини бериб қўярдим!

Исҳоқ чолнинг бўғинлари бўшашиб, мадори кетди: мунчаям олижаноб, меҳрибон келини бор! Тўғрида, Насиба ҳақиқий фарзанднинг ишини қиялпти. Барот чолнинг гаплари унгаям ўтиб кетган. Кеча кечаси, у билан алоқани узинг, дегани ҳам шундан-да...

— Болам, мен ўша билан алоқани узсам,— деди қария,— бўлдим?

— Ҳа. Лекин мен бари бир районга боришим керак, отажон! Ҳечқурса, бир-икки кунга... Унгача сиз... Сиз ҳам ўшанга ўзингизнинг ким эканингизни бир кўрсатиб қўйинг! Ахир, сиз қаердаю у қаерда, сизга тенг эмас у. Ҳозир замон бошқача, биров бировни хўрлайдиган замонлар ўтиб кетган.

Чол бош ирғади.

— А-а. Қачон келасиз?

— Келаман, отажон!

— Унгача мен... Хўп, майли,— деди чол.— А, кўчиш қачон? Кўчмаймизми, қизим?

— Кўчиш қочиб кетмайди. Айтмоқчи, кўчларни обориб жойлаштириш керак-ку? Бир ўзингиз қийналиб қолмайсизми?

— Энди...

Насиба шарт бурилиб, ичкарига кириб кетди. Шу топда ҳеч нарсани ўйлагиси келмас эди: бошига ғувиллаб қираётган ҳар хил фикр ва мулоҳазаларни қувлаб, шоша-пиша сандиғини очди. Кўйлақларини кўтарди-ю, «Қаерга обораман?» деб ўзидан сўради.

Шунда унга, аксинча, у ёқда алланима бордек туюлди. Уни кўриши керак. У нима?

...Лекин унинг ҳаётида битта нарса ҳал бўлди: ошиқ-маъшуқлик деганлари барҳам еди.

У гангиб эшикка қайтди: айтмоқчи, унинг Уктамга бўлган муҳаббати — муҳаббатмиди?

Насиба илтимос қилиб, қайнатасини шу ерда қолдирди. У билан илиқ хайрлашиб, кетди. Чинор тагига борганида томоғи бўғилди: «Хайр, чинор! Учрашувлар гувоҳи!» демоқчи бўлди-ю, ўзидан ўзи нафратланиб кетди: бас, бачканаликни бас қил!

Районга қатнайдиغان автобус ҳам уни кутгандек тириллаб турган экан, Насиба ичкарига кириши ҳамон жилди.

Ана, чойхона. Совхоз идораси... Клуб! Ҳаммом. Мактабми анави? Боғлар... Ана, картошкапоя. Карам узишяпти. У қанақа чанг бўлди? Шудгор...

Бошини қуйи солиб, чўлга чиқиб бораётганлари, текис асфальтда кетаётганларини ҳис этиб утираркан, йўловчилар ўзаро гаплаша бошлади. Насиба қараб, уларнинг кўпчилигини таниди. Ошхонанинг ошпази қизалоғини эмизиб ўтирар, рўмоли учи билан кўксини бекитганди.

— Районгами? — деди у.

— Районга, — деди Насиба. — Опам чақирибди.

Бу гапни яна икки кишига айтди ва назарида ҳақиқатан ҳам опаси чақиргандек бўлиб қолди.

### 37

— Ота, нега хомуш бўлиб ўтирибсиз? Келинингиз қани, кўринмайди? — сўради Ҳктам.

Урнидан туриб, қўл қовуштирган Исҳоқ чол ғарибона илжайди. Сўнг «газик»ка суяниб, у ёқ-бу ёққа асабий кўз ташлаётган йўл қурилиши бошлиғига бирдан хўмрайди.

— Гапиринг. Бу кишининг келгани ёқмадимми?

— Йўқ, йўқ, — чол Ҳктамга юзланди. — Биз кўчишга тайёрмиз, отам.

— Эшитдингизми? — бақириб юборди Ҳктам. — Абдуллаев, отамиз кўчамиз, деяптилар. Битта машина келтиринг, бу кишининг юкларини янги уйга обориб бериш керак бўлади.

Шунда Ҳктамнинг ёдига меҳмонлари тушди: Эминов уларнинг олдига бордимми? Иморатга олиб ўтдимми? Кеча қаттиқ тайинлаган эди.

— Ота, сиз янги уйни кўргансиз-а?

— Йўқ. Кўролганим йўқ.

— Яхши.

Булар қошига келиб, гаплари тугашини кутиб турган йўл қурилиши бошлиғи чолга қўлини узатди. Унинг пўстакдек қотиб кетган панжаларини қаттиқ қисиб қўйворди:

— Бу бошқа гап!— хитоб қилди у.— Шу ишни илгарироқ қилишингиз керак эди.

Сўнг шошиб, янги тушаётган йўлга қаради.

Уктам сигарета тутатиб, қаттиқ тортди:

— Кетдик, ота!— деди.— Уйни кўрасиз. Сизга албатта ёқади. Биз ёқмайдиган уй солмаймиз. Абдуллаев, сиз қоласизми?

— Мен бориб нима қиламан,— деди Абдуллаев. Бироқ шу заҳоти фикридан айнаиди:— Майли, мен ҳам бориб, отам билан қайтиб келаман бўлмасам.

Уктам машина ёнига бораркан, чолга маъноли тикилди:

— Уйни қелинингиз ҳам кўрса бўларди, ота?

Чолнинг пешанаси тиришди.

Уктам бир нохушликни сезди, слдинига юраги гурс-гурс уриб кетди, кейин ўзини босиб олди-да, чолдан ўсмоқчилаб сўради:

— Тинчликми?

Исҳоқ чол орқасига қараб олди-да, мунғайиб қолди, сўнг аллақандай паришонхотир ҳолда жавоб қилди:

— Энди... эрта-индин кепқолар. Келадилар. Сўз бериб кетдилар.

— Нима, ораларингдан бирон гап ўтдимми?

Чол индамади.

«Агар айтган бўлса, тамом,— ўйлади Уктам.— Ҳеч нарса билан ўзимни оқлолмайман... Айтган бўлса, нияти қора экан! Оиламни бузиш, ўзимни шарманда қилиш учун лоф урган экан, муҳаббат... севги деб!»

— Ота, жуда ғалати одамсиз-да, нега индамай-сиз?

Ниҳоят Исҳоқ чол Насибанинг кетиш сабабини айтиб берди.

— Шунақа деди, отам... Энди ўйлаб турибман. Бориб Барот чол билан бир гаплашиб қўйсамми, деб.

Уктамнинг таранглашиб кетган асаблари бирдан бўшашиб, енгил нафас олди, хаёлан Насибага раҳмат айтди. Лекин шу топда уни бошқа гумон чулғади: келмай қолса-чи?

— Ота, ўзи келаман, дедими?

— Ҳа, икки кунга кетдилар... Энди, оз-моз ҳайрон бўлиб қолдим-да. «Ҳе» йўқ, «бе» йўқ...

— Хавотир бўлмаг. Келади. Сабр қилинг,— деди Ҳктам.— Агар шу нарса учун келмай қолса, биз ўзимиз гаплашиб қўямиз у билан. Одам юборамиз! Эшитган қулоққа яхши эмас! Эри армияда бўлса...

Чол унга миннатдорчилик билдириб, таъзим қилди.

— Уйингизни бир кўрасиз энди!

— Майли.

— Кириглар машинага!— Аввал чол, кейин Абдуллаев кириб ўтиришди.— Ота, уч-тўртта эчкингиз бўларди. Чўпонлардами?

— Чўпонларда.

— Улар ҳам яқинда қайтишади... Қиш эрта тушармиш, эшитдингизми?

— Отам, мен ҳам бугун пайқадим.

— Ана!— деди Ҳктам ёнида ўтирган йўл қурилиши бошлиғига.— Қариялар билади! Ота, янги уйингизни олдида беш-тўрт сотих ер бор. Эски уйингиз бузилса, анча-мунча чўп чиқади. Обориб бир бурчакда қўра ясаб оласиз. Сизларнинг уйлариңиз типовойнинг энг четидагиси. Нарийғи адир! Молларни ўша ёқда ўтлатиш мумкин... Ундан кейин томорқага беда сепилган. Бир сув қуйсангиз, ўроққа кеп қолади.

Исҳоқ чол бош ирғади.

— Лекин, ота, қоровулликни қўйиб, бригадирлик қилсангиз ҳам бўлар экан полизга. Кўриб турибман ҳамма ишни ўзингиз қиляпсиз. Келинингизгаям раҳмат.

Чол ноқулай аҳволда жилмайди:

— Энди, шудгорга бир ёрдам берсангиз... Паланини йиғиб олсак ҳам бўлади, тупроққа қўшиб қайдатиб юборсаям зарар қилмайди. Лекин уч-тўрт бричка гўнг...

— Берамиз, ота, берамиз.

— Ота, сиз Бекатнинг эски одамларидан-а?— сўраб қолди Абдуллаев.

— Ҳа. Эскитдан шу ерда яшаб келамиз.

— Мана бу Ажинатепаларинг тўғрисида кўп ваҳимали гаплар бор экан, шу гаплар ростми?

— Қайдам,— деди чол.— Менга ҳеч нарса учрамаган.

— Унда яхши!— У бўйинини қашиб қўйиб, Ҳктам-

га қаради.— Уртоқ директор, Ажинатепанинг ҳам бир ёнини шилиб ўтамиз-да. Йўл тўғри тоққа чиқиб боради.

Уктамнинг хаёли Кампиркўл соҳилида қамиш ўраётганларга кетган эди: «Лесхоз билан бу сафар ҳам гаплашмадим-а. Унинг одамлари келиб жанжал кўтарса!.. Аллақачон катталар билан гаплашиб, шу кўлни совхоз ихтиёрига олсам бўларди. Жониқулов ҳам тўғри айтган эди, балиқчилик хўжалиги ташкил этиш учун бундан қулай жой йўқ, деб».

Совхоз раҳбарлари қишнинг вақтли тушувидан қанчалик хавотирланиб қолган бўлса-да, уларнинг ем-хашак жамғариши ёзда бошланган.

Лекин узоқ йили қиш қаттиқ келиб, ўттиз даража совуқ бўлгани, одамларнинг оғилидаги сигирлари ҳам хоҳ совуқдан, хоҳ очликдан тиришиб қолгани учун раҳбарлар юрак олдириб қўйшган эди.

## 38

— Қисқаси, шу совхоз чегарасидан чиқиб олсак, ишимиз юз бўлади!— дея Абдуллаев Уктамга бурилиб, юз қадамлар наридан ўтган йўлни кўрсатди.— Олти машина ёнма-ён юрса бўлади. Уртоқ директор, ҳали бизга раҳмат айтасиз! Яхши йўлнинг битта ҳикмати айтиб берайми?

— Айтинг,— деди Уктам.— Тўхтанг, ҳали нима дедингиз? Ажинатепани ҳам бузиб ўтамиз, дедингизми?

— Албатта. Ҳаммасини эмас-у, бир ёнини шилиб ўтамиз.

Уктамнинг юраги гуп-гуп уриб кетди: кеча бу тепа тўғрисида қанча гап бўлди?

— Йў-ўқ,— деди у.— Уртоқ Абдуллаев, бу масалани ўйлаб кўришингиз керак.

— Нимасини ўйлаб кўраман?

— Узи, ҳалиги... йўлнинг харитасида кўрсатилганми тепани бузиб ўтинглар, деб?

— Унақа гап йўқ. Менга қаранг, гапингизнинг тагида гап борга ўхшайдими?

— Ҳеч гап йўқ,— деди Уктам.

— Менга тўғрисиши айтинг, бир гап борми?

— Ҳар нарсадан гумонсирайверар экансиз-да!

— Мен гумонсирайдиган бўлиб қолдим. — Йўл қурилиш бошлиғи бирдан хўмрайди, чолга қараб олиб: — Тўхтатинг! — деди. — Тушаман. Бобой, ярим соатдан кейин кулбангизда учрашамиз... Уртоқ Умаралиев, бу кишининг юкини ташишиш ҳам ўзларингга. Бизда бўш машина йўқ. Умуман, бу нарса бизнинг вазифамиз эмас. Хайр!

Уктам Абдуллаевни тушириб енгил тортди: ахир, у ҳозир бориб, Мунирани кўрса, унга тепанинг бузилишини айтади. Ёнларида Абдуллаев бўлиб, Мунира унга тепага тегмаслик ҳақида гапириб қолсами, бу одам албатта уришиб кетади!

Уктам йўлда давом этди ва ўзини бекорчи, майда гапга ўралашиб юрган кишидек ҳис этди. «Бемаъни ташвишлар... Ишимда режа йўқ. Кутилмаган гап-сўзлар. Раҳмонов ҳам қизиқ экан. Уни тушуниш қийин. Лекин ёмон одаммас... Бас! Оқшом Эминов билан гаплашаман: боғни бузиш учун қулай пайт ҳозир... Кўчат олиб келгунчям беш-тўрт кун ўтади. Урмон хўжалигига букюртма бериш керак. Деновга бориб юраманми? Уларнинг кўчатини ҳавас учун экиш мумкин! — Уктам шу хаёллар билан борар экан, чўчиб кетди: — Кўчатлар икки йилда ҳосилга киради. Наҳотки, икки йил давомида қирқ гектар жойдан бир тийинлик фойда олмайман?»

— Ота, кўчатлар ҳосилга киргунча қатор ораларига арпа-буғдой секиб турсак ҳам бўлади-а?

— Нега бўлмасин?

— Маккажўхори-чи?

— Ундан эксаям бўлади, нима экса ҳам битаве-ради, отам. Фақат меҳнатни аямаса бас. Қайси кўчатларни айтяпсиз?

— Э, ўзим шундоқ.

Иморат пишиқ ғиштдан ишланган. Томи тунука-ли. Кичкина эшиги ёнида дарвозанинг ўрни — чап-параста қилиб хари қоқиб қўйилган. Қовли саҳни кенг, уч-тўрт туп шафтоли, икки туп олча бор. Олча-

нинг меваси териб олинмаган, тепа шохдагилари қоқ бўлган. Ерга сепилган беда тизза бўйи бўлиб қорайиб қолган. Иккита бўйрадек жойни зарпечак босган.

Иморат жами беш хонадан иборат бўлиб, ўртада ошхонаси ҳам бор. Айвони атрофи қўлбола панжара билан ўралган. Эшик-деразалари бўёқдан чиққан.

Умуман, иморат кўчиб киришга тахт бўлиб, киргувчи одамнинг андак меҳнат қилишига — тозалаш, супуриши ва у ё бу ерни оқлаб, дидига мос бўёқ билан безак беришгина қолган эди.

— Аनावи икки хонани кимга дедингиз, Омонжон?

— Ҳалиги чолга, — тушунтирди секретарь. — Кеча полизини кўрдик-ку?

— А-а, ярим соат таърифлаганингиз.

— Уша.

Мунира эркаклар қуршовида айвонда турар, бу уйга кириб жойлашишига ҳамон ишонмас эди, ахир, бут-бутун, чип-чиройли уй-а! Тагин пишиқ гиштдан ишланган. Девор орти — дала! Йироқда тоғ! Кўчанинг нариги бетидан Ажинатепа кўриниб туради.

Содиққа ҳам бу иморат чунон ёқиб кетган, бу ерда бир умр яшолмаслиги учун афсусда, шунинг учун ичида куяр эди.

— Қалай? — сўради Эминов. — Маъқулми?

— Ўртоқ Эминов, сизлар биз фуқароларни шоҳона қабул қилдингизлар, — деди Мунира. — Нарини ёғини ёғини. Кечирасиз, биз шаҳарликмиз, битта нарсани сўраб олсак. Ижара ҳақи қанчадан? Айтиб қўйсанингиз... биз тўлашга розимиз!

Эминов синиқ табассум қилди:

— Шу томонини келишмай турайлик. Агар шу ерда яшаб қолсангизлар, совхозимизнинг одами бўласизлар. Кейин келишиб кетармиз.

— Йўқ-йўқ, — деди Содиқ. — Ҳисобли дўст айрилмас, деган гаплар бор!

— Ҳим-м, ундай бўлса, айтаман. Биэда ижара ҳақи тўланмайди. Совхозда ишлаган кишининг маошидан ушлаб қолинади. Сизлар ташвиш торгманлар, бу ёғини бир гап бўлар.

Содиқ бош ирғади. Сўнг бурилиб шифтга, девор, деразаларга кўз ташлади. Эминов давом этди:

— Материал ўзимиздан чиққан. Гиштниям ўзимиз қуйдирганмиз. Фақат қурилиш ташкилотларидан одам олганмиз.

— Тузук-тузук. Мана, бизнинг хоним мактабинларда ишлаб қолса, бу кишиям совхознинг одами хисобланади. Биз-ку, бўлса-бўлмаса, шу ернинг одами миз. Айтганингиздек, пули тўғрисида кейиң гаплашаверамиз. Ҳозирча вақтинчага турибмиз, деб фараз қиламиз. Тўғрими?

— Жуда тўғри,— деди Мунира.

Улар кўчага қайтиб чиққанда, Мунира эрини четга тортиб, бу кеча дачада эмас, шу ерга келиб ётиш кераклигини айтди. Таклиф фавқулодда Содиққа маъқул бўлди: «Демак, кўчни олиб келиш керак. Демак... бир қисмини олиб келаман!»

Содиқ Эминовга мурожаат қилди:

— Омонжон, кўрпа-тўшагимизни ҳам келтириб қўйсак бўладими энди?

— Бўлмаса-чи? — деди партком. — Ҳозир идорага борайлик, машина ташкил қиламиз! Ёки, — Эминов маслаҳат сўраб унга боқди, — ишга шошяпсизми? Кейинроқ олиб келасизларми?

— Ишга албатта бориш керак. Лекин, дўстим, районда янги одамман, қайси ташкилотдан машина сўрайман.

— Бу гапингиз ҳам тўғри. Танимасни сийламас, дейдилар. Танишгунингизча сал қийин бўлади. Қани,

Идорага етиб бормасларидан, акация тагида турган Итолмас Эминовга пешвоз чиқди.

— Партком бобо, хўжайинни кўрмадингизми? — Жилмайиб, меҳмонлар билан ҳам сўрашган бўлди. — Йўқотиб қўйдим!

— Саҳар теплица тўғрисида гапираётганди. Уша ёққа бормадингми?

— Бирга эдик. Мискарнинг сигири боққа кирган экан. Шундан Уктам акамнинг жаҳли чиқиб кетди. Мен сигирларни иккинчи бўлимнинг гаражига қамаб келсам, у киши йўқ. Раҳмоновнинг шийпонига бориб сўрадим ҳам, йўқ дейишди.

Эминов келиб, унинг тирсагидан олди. Меҳмон-

ларга узрли қараш қилиб, идорага бошлади. Бурчакка ўтқазиб: «Жон ука, бир яхшилик қил,— деди.— «Газик»ни Уктам акангни ўзи ҳайдаб туради. Сен анави аравангни ол. Содиқ аканг билан шаҳарга тушиб, юкини олиб кел. Уктамжоннинг меҳмони булар... Менга ишонавер. Уктамжон сендан хурсанд бўлади».

Итолмасни ўлимга буюрганда ҳам, Уктамнинг номини эслатиш кифоя.

— Ундай бўлса, нимаям қилардик,— деди Итолмас.— Гаражга телефон қилиб қўясиз-да. Диспетчер тихирлик қилиб ўтирмасин.

— Узим айтаман, путёвка ёзиб беради.

— Путёвкам бор. Қўл қўйиб берса бўлди.

— Олам гулистон.

Эминов чиқиб, Содиққа:

— Машинаям ҳал бўлди!— деди.— Мана, йигитимиз бориб келади.

Содиқ Итолмасга зеҳн солиб қаради.

— Яхши,— деди.— Районда беш-тўрт минут куттириб қўяман, хафа бўлмаса...

— Э, кетдик, меҳмон ака!— деди Итолмас.— Кутсак кутибмиз-да!

Содиқ Эминовга ташаккур билдириб, хайрлашди. Хотинининг ҳам қўлини қисиб:

— Сизгаям муваффақият тилайман!— деди.— Тарих ўқитувчимиз бўш, деди... Ўзингизни бир кўрсатиб қўйинг,— сўнг овозини пасайтирди:— Бозорлик қилиш эсдан чиқмасин.

Мунира бош ирғаб табассум қилди.

Мунира бу ерда қолади! Аввал ишонмаган бўлса-да, энди ишонди! У мактабга жойлашишига ҳам ишонади. Ўқувчилари қанақа экан? Кучлими? Кучли бўлса керак. Қувватбеков шунча ўқитувчини са-

ралаб олибди, демак, ўқувчилари ҳам шуларга яраша бўлса керак.

Лекин Муниранинг уларга айтадиган янги гаплари кўп! Улар эшитмаган, ҳатто бутун ўқиш давомида билмай қолиши мумкин бўлган янгиликлари бор.

Мунирага, «Қадимги дунё тарихи»дан дарс бера-сиз, дедими Қувватбеков? Жуда соз! Айни Муниранинг фани у! Лекин Мунира у китобга кирмай қолган бошқа тарих — Урта Осиё, Ўзбекистоннинг антик тарихидан ҳам сабоқ беради.

У мактабда тарих тўғараги бор бўлса, унинг раҳбарлигини олади, талаб қилиб олади. Кейин тўғарак машғулотлари мавзуини белгилайди — ана ўша машғулотларда у болаларга Сурхон тарихи, қолаверса, мана шу кичкина қишлоқлари тарихидан гапни бошлайди.

Мунира бирдан Ажинатепани эслаб қолди: у тепа ўзи ўйлаганидек бўлса, бундан Термиз тарих музейини хабардор қилиш керак. Музей директори Мунирани яхши билади. Мунира Термиздалиқ вақтида ўқувчиларини музейга обориб юрар экан, у киши билан танишиб қолган. Эски Термизга саёҳатга боришганида ҳам ўша одам машина берган эди.

— Хўш, энди сиз нима қилмоқчисиз? — сўради Эминов.

Мунира учиб тушди:

— Узр. Мен... ҳозир уйга бораман. Хўжайин тайинлаб кетган ишлар бор, — кулди у. — Умуман, уйимизда қиладиган ишларимиз кўп! Кўч келишига шай қилиб қўйишим керак-да, уйни.

— Мактабга ўтиш эсингиздан чиқмасин.

— Ҳамма нарса эсдан чиқсаям, у нарса чиқмайди.

— Бўлмасам, хайр. Қўшнингизни чақирсангиз, ёрдам беради. Қачон қўшни топиб берасизлар, деб бошимизни қотирар эди.

Мунира муволишдан ўтиши билан клуб томонда «газик» кўринди. Эминов йўл ёқасига чиқди.

Уктам Исҳоқ чолни янги уй олдида тушириб, меҳмонларни кўрмагач, қўшни кампирнинг дарвозасини тақиллатиб: «Ҳеч ким келмадими бу уйга?» деб сўраган, гаранг кампир аллакимлар келиб, уйни кўриб, ҳали замон чиқиб кетишганини айтган, кейин Уктам:

— Отабой, кириб кўраверинг бўлмасам. Камчилиги йўқ! Мен ҳозир идорага бораман. Биронтасидан калитни бериб юбораман,— деб «газик»ни тор кўчага бурган эди.

У, йўл ёқасида Эминовни кўриб, машинани тўхтатди. Деразадан бошини чиқарди:

— Қалай? Нима бўлди?

— Уйни кўрсатдим,— деди Эминов.— Содиқ ака Термизга кетди, юкини олиб келади. Итолмасни қўшдим. Бошқа иложим бўлмади. Бўш машина йўқ.

— Яхши! Майли энди, бир одамгарчилик қилдик, бу ёғида ҳам ёрдам қилиб турайлик! Узлари ёмон одамларга ўхшамайди. Менинг узримни айтиб қўйдингизми? Сизларга учрашолмади, деб?

— Айтдим. Мунираҳон ҳам ҳозир уйга кетдилар.

— Жуда соз!.. Омон ака, ичкарига кириб, бир нарса эсимга тушиб қолди.

Эминов ичкарига кириб ўтирди.

— Хўш?

— Шу ўқувчиларга килограмм пахта учун беш тийиндан тўлаймизми?

— Шундай бўлади-да.

— Демак, бир тонна пахта етмиш-саксон сўмга тушади-да?

Эминов унга ғамгин кулимсиради.

— Уғрини қароқчи урди деганлари шу бўлади,— деди Уктам алам билан.— Биз ҳисоб-китобниям билмаймиз! Омон ака,— у ўртаниб нидо қилди.— Мен тан оламан, шу нарсадаям ўзим айбдорман! Ахир, Қувватбековни унатиш учун сизга қанча ялиндим? Узига-чи? Нима бало бўлди менга, ҳайронман... Ё ўшанда ваҳимага тушиб қолдимми?

— Йўқ,— деди партком секретари.— Сиз Раҳмо-

новнинг қўлда терилганда, тоннасига икки юз-уч юз кило пахта қўшилади, деганига учдингиз.

— Ахир, у тушмагур бошқа гаплар ҳам айтган эди-да.— У Эминовга бирдан тикилиб қолди:— Сиз унинг пайкалини оралаб кўрганмисиз?

— Йўқ.

— Ана! Майли! Бугун тушда хирмонга ўтасизми?

— Ҳа, мажлисда бўлишим керак.

— Ўша ерда пайкални ҳам кўрсатаман! Антиқа ишлар қилган у одам! Агар унинг иши инobatга олинса-ю, биз... пахтани кўпайтиришимизга тўғри келса, билмадим... Ишқилиб, ўша ерда гаплашамиз. Ҳозир қаерга боряпсиз?

— Қурбоннинг ўтовига ўтсамми, деб турибман.

— Утинг! Боринг. Шуларни яраштириб қўйинг, ака! Бу эски жанжал. Ўтган йилиям бир марта тўнгиллаб келган эди.

— Эслайман, Уктамжон. Кеча ўзиям қайта-қайта айтди, бир ёқли қилинглар, деб.

— Яхши... Бу оқшом, Омон ака, иккаламиз бир мириқиб гаплашиб олишимиз керак.

— Яна ўша боғ масаласидами?

Уктам «пуф» деб чўнтагидан сигарета чиқарди:

— Идорага бир кирайлик. Бухгалтир билан бир ҳисоб-китоб қилиб кўрайлик.

## 41

Мунира ҳовлисига кирибоқ, зинапояда ўтирган қарияни таниди.

— Саломалайкум. Сиз Исҳоқ бобо эмасми?

— Ўша, мен.— Чол қийналиб ўрnidан турди:— Ваалайкум ассалом, қизим.

— Буни қаранг, сизни кўрмасданоқ шунақа бўлсангиз керак, деб ўйловдим! Сиз ҳақингизда кўп гап эшитганман, отажон. Қалай, уй сизгаям маъқул бўлдими?

— Жуда... жуда яхши,— деди қария.— Албатта, ҳозирги қурувчилар нима қилишини яхши билишади.

— Сизнинг келинингиз ҳам бор-а? Қани у киши?

— У киши... у киши районга кетди, болам. Кеп қолади. Албатта, кеп қолади. Опалари чақирган... Бизда ўзи, иш деганиям санжоб бўлиб қолди.

Чол кўлида калити йўқлиги учун ўзига ажратилган хоналарни ҳануз кўролмаган экан. Мунира эшикларни очиб кўрсатди. Ошхонага ўтказиб, газни ёқди, водопроводни буради — қувурдан сариқ сув шовуллаб туша бошлади.

— Ҳали суви тиниб қолади. Отажон, бундай иморатлар жоннинг ҳузури, мен сизга айтсам.— Мунира жим қолди, сўнг кулимсиради: — Албатта, сизга анави уйингиз азиз бўлса керак?

Чол елкасини қисди, мунгланди ва хаёлан уйини кўз олдига келтириб, унинг бузилиши — ўрни бўм-бўш бўлиб қолишини энди тасаввур эта олмади.

— Қизим, мен бораёй бўлмасам.

— Кўчингизни оп келасизми?

— Шундай бўлади энди, уйни бузишса...

Исҳоқ чол кўчага чиққандан кейин ғалати бир ҳолга тушди: негадир ҳозир бориб Абдуллаев билан уришадигандай!

Совхоз идорасига яқинлашавериб, уришадиган кишиси бу ёқда — дачада эканига иқроор бўлди ва у томонга бурилганини билмай қолди. Аммо каштан дарахтига етганда, йўлда тракторнинг бўғиқ тариллаганини эшитиб, яна орқасига қайтди.

Уй ёнида иккита бульдозер шайланиб турар, биттасининг кабинасида чол бир-икки марта кўриб, ёқтирмай қолгани сочи узун, қизил жемперли йигит ўтирар эди.

— Яшанг, ота!— деди Абдуллаев.— Биз тайёрмиз.

Исҳоқ чол ҳовли саҳнига ўтди.

— Кўчишга кўчамиз-у,— деди у Абдуллаевга,— лекин келиним келиши керак. Унинг уйига қандоқ кираман мен?

— Э, худойим!— бирдан ўртаниб кетди йўл қурилиш бошлиғи.— Бундай баҳона ҳам бормиди ҳали! Ҳой,— у Исҳоқ бобонинг рўпарасига келиб туриб олди: — Нима қилай ҳозир? Ҳе!— у шағал уюми ортида машина кабинасидан тушаётган пакана, пучуқ йигитни чақирди.— Ҳасан! Бери кел! Кел, мана

бу мўйсафидга тушунтириб қўй. Бу одам нима қилаётганини ўзи ҳам билмайди. Ота! — бўғилиб, ўзи тушунтира кетди. — Йўл менинг шахсий томорқамдан ўтадиган йўл эмас, бу бир! Иккинчидан, бунинг планини ҳукумат тасдиқлаган. Учинчидан, бу йўлга ҳеч ким тўғаноқ бўлмаслиги керак. Уқдингизми? Тўртинчидан, бу кулбангиз бадалига давлат данғиллама уй тайин қилган. Бундан ортиқ яна нима керак сизга? Бу қишлоққа келиб, эсимниям йўқотиб қўйдим. Ота у ёғини сўрасангиз, қўлимизда ижроқўмнинг қарори бор! Сиздан бир оғиз сўраб ўтирмасдан уйингизга бульдозер солиб юборишгаям ҳаққим бор. Сизни сийлаганимиздан бу ишни шу пайтгача галга солиб келяпмиз...

Исҳоқ чол мунгайиб қолди.

— Ахир, мен рози бўлдим-ку, отам, — деди. — Фақат келиннинг молини қандай олиб чиқамиз, деяпман?

— Чақиринг биронта кампирни! Қўшнилар борми? Уф, бу Камчаткада қўшниям йўқ. Бўпти, сизга ярим соат вақт бераман. Биронта аёл кишини топинг! Келиннингизнинг уйини бўшатинг.

Исҳоқ чол Эски маҳаллага йўл олди. Муюлишга етганда, тугун кўтариб кетаётган Иқлима опани кўриб қолди.

— Саломалайкум, бека, — деди.

Иқлима опа тўхтаб, унга ғамгин қаради.

— Саломалайкум, Исҳоқ ака. Яхшимисиз? Саломатми? Мирзажондан хат-хабар келяптими? Ўзининг ҳам қайтар вақти бўп қолгандир?

— Ҳа. Хўдога шукур. Яқин орада қайтиб келади... Хат олиб турибман. Сизларгаям салом деб юборади.

Чолнинг негадир кўнгли бузилди.

— Синглим, шошмаяпсизми? — деди.

— Хизмат бор эдими?

— Ҳа. Озгина.

— Хўп, хўп.

— Шу... Келиним районга кетиб қолган эди, опаси чақирган денг. Уйни бузишмоқчи йўлчинойлар. Шунга... келиннинг нарсаларини чиқариш керак эди. Агар сизга бемалол бўлса...

— Чиқаришиб бераман-у, у ёғини ўзингиз...

— Ҳа-ҳа. Албатта.

Ўзбекистоннинг деса ҳам бўлади — ҳар бир маҳалласи, гузарида битта ёки иккита ғалати табиатли аёллар бўлади. Уларнинг номини бир жойда «дастурхончи» дейишса, бир жойда «кайвани» деб аташади. Иқлима опа бу қишлоқда ана шунақанги «опа»лардан эди.

Ўзи вақтида кундош устига тушган. Лекин кундошидан қолган болаларни вояга етказиб, шу билан бирга ўзининг ҳаётини ҳам гўё маҳалланинг тўй-томошаси борми, аза-йиғиси борми, маърака-маросими борми — ўшалар хизматига бағишлаган.

Улар олдинма-кетин орқага қайтиб келишар экан, Иқлима опа гап орасида қўшниси Қувватбековнинг аёли оғир ётганидан сўзлади.

Чол унга ўгирилиб қаради.

— Жуда ёмон ётибдимми?

— Жуда, — кўзига ёш олди опа. — Уғилчаси бор. Одамнинг раҳми келади... Эриям қандоқ яхши одам!

Чол бир нафас сукут қилди, сўнг бошини сарак-сарак қилиб жилди.

— Дард дегани одам танламас экан-да. Боёқиш! Эри кўп яхши одам! — Унинг чехраси бирдан ёришиб, тагин орқага қараб олди. — Мирзажоннинг тўйи эсингиздами, бека? Ўша одам ваъз айтиб, тўйни очган эди. Умрингдан барака топкур... Қаранг-а!

— Исҳоқ ака.

— Лаббай.

— Тагин узоқроқ жойга кетиб қолманг... Ростини айтяпман, узиладиганга ўхшайди боёқиш.

— Хаҳ! Наҳотки?

— Хўп денг.

Чол оғир хўрсишиб қўйди. Иқлима опанинг сўзига ишонмасдан иложи йўқ. Чунки бу аёлнинг тўй-томоша, ўлим-йитимларни кўравериб кўзи пишиб кетганини билади.

## 42

Бу вақтда Мунира дарвозадан кириб келган ёшгина ўсмирга ҳайратланиб қараб турар эди. Унинг бир қўлида бел, унисида ўроқ билан кетмон. Ўзи ўн саккиз ёшларда, битта кўзида оққина холи ҳам бор.

— Келинг,— деди Мунира.

— Мен қўшнингизман,— деди йигит.— Ана, деворнинг орқасида турамиз. Энам бор, қулоғи кар.

— Хўш?

— Сизга ёрдам бергани келдим-да.

Мунира алланечук бўлиб кетди: қизиқ одамлар бор-а жаҳонда! Қизиқ! Буларни ким тарбия қилган? Шундай бўлишни ким ўргатган буларга?

«Биз мактабда тарбия тўғрисида кўп гапирамиз-у, лекин болаларнинг вужудида энг яхши тарбия топганларга хос фазилатлар тўлиб-тошиб ётганини кўрмаймиз!»

— Раҳмат,— деди Мунира.— Раҳмат, жоним... Сиз ўқисангиз керак-а?

— Уқийман.— Йигит қўлидагиларни йўлгага ташлаб, ҳовлига зеҳн солди:— Ишни қаёқдан бошлаймиз, опа?— Шундай деб ўзи ҳам янги меҳмонга қизиқди:— Сиз районданмисиз?

— Термиздан,— деди Мунира.— Уқитувчиман... — у бир лаҳза иккиланиб турди-да, кейин сўради:— Сизларда тарих ўқитувчиси ким?

— Айнобиддин ака.

— Айнобиддин... У киши шу ерликми?

— Йўқ, Сарносиёдан. «Янги рўзгор» деган колхоздан. Фарғоналиклар дейишади уларни.

Мунира тек қотди:

— Ушаларданми?

— Ҳа.

Мунира кулимсиради, юраги тез-тез уриб кетди: у Чиғатойда туғилган бўлса-да, она томондан марғилонликларга чатишиб кетарди.

Бунинг ўз тарихи бор эди... Атоқли ёзувчи Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» асари дастлаб босилиб чиққанда, у Сурхондаги зиёлилар орасида ҳам машҳур бўлиб кетади ва айниқса ёш йигитлар ўртасида асардаги бош қаҳрамон Кумушбиби бокиралик, гўзаллик, вафодорлик ҳамда содиқ ёр тимсоли бўлиб қолади. Иш шунгача бориб етадики, Муниранинг туғилган қишлоғи — Чиғатойдан ҳам бир неча йигит, Кумушнинг юртидан қиз оламан, деб Марғилонга жўнайди.

Ушанда марғилонлик косибнинг қизи Бувичахон ҳам бу юртларга келиб қолган, ундан мана шу Мунира бунёдга келган эди.

— А-а, у кишининг исмларини Айнобиддин, де?

— Ҳа.

— Тўғри. Бундай исмлар бизда кам учрайди.

Шунда у ғалати бўлиб кетди: ўша одамнинг ўрнини олмоқчими? Ўрнини олса, у... нима қилади?

Айтмоқчи, Қувватбеков «Қадимги дунё тарихи»дан беш-тўрт соат дарс берамиз, деди-ку? Беш-тўрт соат — ҳеч нарса эмас!

Аёл анча енгил тортди.

— Хўш, ишни бошлаймизми энди?

— Агар сизга бемалол бўлса...

— Малоллиги борми, опа! Ишни тамомлаб келдик, нормани бажардик!

— Қанақа нормани?

— Пахтани айтяпман-да. Юз ўн килодан нормамиз бор. Териб бўлдим. Бошқалар ҳали териб ётишибди.

— Уқувчилар кўпми? Қайси синфлар теримга чиққан?

— Юқори синфлар. Саккиз, тўққиз, ўн... Бошқалари ўқиряпти. Энди териш керак бўлиб қолди-да. Ёрдам бердик. Ўзимизнинг совхоз экан.

— Исмнингиз нима?

— Холдор.

— Холдоржон, совхозга ёрдам бериш керак, бу яхши нарса. Лекин дарс қолади-ку? Дарсингизга ачинмайсизми?

Холдор елкасини қисди. Бошқа синфдошлари дарси қолгани учун ачинса ачинар, лекин Холдор эмас. Унинг, умуман, ўқишга ҳафсаласи кам, ўнни битириб олса, бўлди. Ё қўшни совхозга ўтиб, механизаторлик курсига киради, ёки бўлмасам, ана, ўзларида каттакон теплица қуриляпти. Унга ёш йигитлар боришмоқчи. Ўша ерга бориб ишлайверади.

— Хўш?— деди Мунира.— Жавоб беролмай қолдингиз бундай?

Муниранинг иши тигиз, вақти қисқа. Тезроқ уйни саранжом-сарипта қилиб, мактабга бориши керак.

Қувватбеков ғарчи «имтиҳон» ҳақида сўзламаган

бўлса-да ва Мунжра эрининг шундоқ саволига «билмадим», деб жавоб берган эса-да, ичида ишонади: у одам синаши мумкин!

Лекин... ўқитувчи одамнинг кўнглини билиш қийин экан-да, мана, у битта ўқувчига қизиқиб қолиб, варур ишларини ҳам унутиб, уни саволга тутяпти.

— Энди, опа,— Холдор диққат бўлгандек керишди,— мана, Бойбўрини олайлик. Унда бир мақсад бор.

— Бойбўри ким у?

— Битта синфдошим. Шоир бўлмоқчи. Сабоҳат опамиз ҳам «сендан шоир чиқади», дер эди унга.

— Сабоҳат опангиз Қувватбековнинг аёлларими?

— Уша киши.— Холдор хўрсиниб, давом этди: — Энди, мен нима қилай, менда унақа орзу йўқ.

— Албатта сизда шоир бўлиш орзуси йўқдир. Лекин...

— Бошқасиям йўқ-да!

— Ҳеч қанақа-я?

— Мен полвон бўлишни орзу қилардим. Лекин бунинг учун институтларга бориб ўқиб юриш шарт эмас.

— Нега? Нега энди... Ҳозир зўр полвонлар ҳам ўқиган бўлиши керак. Физкультура институти сизга яхшигина сабоқ бериши мумкин.

— Э, физкультура институтидан келган болаларни кўрдим.

— Хўш?

— Учтаси келган эди. Бултур қишда. Қишда совхозда иш кам бўлади-да... Гўнг чиқариш, ремонт-ремонт демаса, бошқа иш йўқ ҳисоби. Тўй кўп бўлади. Тўйларда кураш бўлади, биласиз. Физкультура институтидан ҳам полвон болалар келиб туради тўйларга. Гўл полвонларни уриб, пул ишлаб кетишади. Ушанда учтаси келиб, анча-мунча кишиларни йиқитди. Кейин биз ҳам чиқдик-да...

— Сиз уларни йиқитган бўлсангиз керак?

— Ха. Бўш экан. Амали кўп-у, ўзлари мўрт экан.

— Ушаларни йиқитган бўлсангиз, бошқаларини ҳам йиқитаман, деб ўйлайсизми?

— Ундай деб ўйламайман-у, лекин ўқиш шарт

бўлмаса керак. Нимагаки, менинг отам ҳам полвон ўтган. Отам ўзи полвонлар авлодидан. Э, тоза терган... Уша кишиям ўқимаган эди. Бизда полвонлар ҳеч қачон ўқишмаган.

— Чакки, чакки, — деди Мунира. — Бу фикр билан юрсангиз... полвон бўласиз — бўлмайсиз эмас, лекин ўртача бўласиз-да, ука! Хўп денг... Мен, масалан, чемпион бўлишингизни истардим.

— Опа, яшайверайлик-чи. Ким билади, ҳали биз гўрков бўлиб кетамизми, худо билади.

— Нима, қанақа гўрков?

— Эна уруғимиздан гўрковлар ҳам чиққан-да. Ҳалиям битта тоғам гўрков. Унинг шогирди йўқ. «Ўзбекнинг қабристонини гўрковсиз қоладими», деб жавраб юради. Энам ҳам тоғангни касбини ол, дейди...

Шундан кейин Холдор гўё гапга нуқта қўйди.

Ўроқни олиб, бедага оралади ва нариги четга ўтиб, қора тик кўйлагини ечди, шафтоли шохига илиб, елкасидан сирғалиб тушаётган майка тасмасини тўғрилаб қўйди-да, чўнқайди.

Худди чалғи билан ўраётгандек шиғ-шиғ этказиб бедани ўра кетди. У бедани тутамлаб ушламас, чап қўли уюлиб бораётган ўтқи номига тутиб турар, бутун ишни ўнг қўлидаги ўроқ бажарар эди.

Мунира йигитчанинг ишини бир оз кузатиб тургач, айвон панжарасига суянди.

«Қизиқ тақдирлар, — деб ўйлади. — Термизда одамларнинг ўйлаганини билиб бўлмайди. Ўзлариям айтишмайди. Холбуки уларнинг ҳам ўз қисмати бор. Бу ердагиларнинг эса қисмати дарров ошкор бўла қолади».

Сўнг унинг хаёли тагин анави йигитчага оғди: «Ажабо! Бунинг ҳам ичида дарди бор. Бир ҳисобда гўрковликни ҳам кимдир қилиши керак. Нима, эл гўрковсиз бўладими?!»

Қишлоқнинг мозори қандоқ экан?

Шунда кўз олдига Чигатойдаги кичкина қабристон келди. Ҳозир уни қабристон, дейишга Муниранинг тили ҳам бормайди, албатта.

Катта адир усти. Дўмпайган қабрлар. Уларни баҳорда кўкат босади, шунда бу ер қабристон экани

билинмай ҳам қолади. Тўғри, баъзи эски гўрлар устида узунчоқ оқиш тошлар бўлади. Уларда эски алифбеда ёзилган аллақандай ёзувлар бор.

Шуниси қизиқки, қишлоқ аҳли наврўз байрамни ана ўша қабристонда ўтказишади. Одам! Тўполон! Бир жойда кураш тушишяпти, бир жойда башанг кийинган қиз-жувонлар қур тутиб, чилдирма чалиб ўйин қилишяпти. Бир четда нишолдапазлар, каобпазлар, шираворпазлар! Кичкина болалар ҳам гужғон.

«Қизиқ-а,— биринчи марта ўша маросим ҳақида ўйлаб қолди Мунира.— Нега қабристонда ўтади у байрам? Бунинг маъноси бормикан? Ё... ё бошқа жой йўқмиди? Балки яшариш, туғилиш фаслидаги байрамни яшаб ўтганлар, ҳаётдан кўз юмганлар маконида ўтказишда ўзига хос бир маъно бордир?»

Бу таҳминнинг ўзиёқ унга сирни ошкор этгандек бўлиб, айвонга чиқди. Атрофга яна бир разм солиб, чуқур нафас олди:

— Холдоржон!— деди.

— Лаббай, опа.

— Хизмат бўлсаям... уйларингда битта пақир топиладими? Эски латтаям. Полларни ювмоқчийдим.— У соатига қаради.— Вақт кетиб қопти-ку? Жон ука, ўша нарсаларни олиб чиқинг. Мен ҳам бир куни бу хизматларингизни қайтараман.

— Э, опа-е!

Холдор ўроқни пол пуштасига ташлаб, майкасини тўғрилаб йўлкага чиқиб келди.

## 43

Текис йўл. Кафтдек. Лекин Итолмаснинг шалоқ машинаси шу йўлдаям машинага ўхшаб юрмас эди: шарақлайди, аллақаерлари қасир-қусур этади. Гоҳо бир томонга тортиб кетади.

Содиқ аламини ичига ютиб ўтирар эди. Жаҳл билан сигарета тутатиб олди:

— Менга қара,— деди Итолмасга.— Қайси машинани ҳайдайсан ўзинг? Буними, Уктамжоннинг машинасиними?

Итолмас кулиб қўйди:

— Иккаласини ҳам ҳайдайверамиз, ака.

— Йўқ, ҳар ҳолда... қайси учун маош тўлашади?

Итолмас унга илкис қаради.

— «Газик» учун, — деди. — «Газик» учун.

— Бу машина кимники?

— Ҳеч кимники. Списать қилинган!

Содиқ тумшайди: «Бу болаям ичидан пишган», деб ўйлади. Сигаретани сўриб, яқин-йироқларга қаради. Саксовуллар оппоқ попилдириқларини осилтириб турар, улар соқолдек селкиллар эди.

— Бу чўлларда кийик ҳам бўладими?

— Кийик... бу ерда ниға қилади. Кийик тоғда бўлади-да.— Шунда Итолмас: «Қўполлик қилдим, Уктам акамнинг меҳмони», деди ичида ва Содиққа майин қараб олди: — Тоғда кўп, — деди.— Айтишларига қараганда, бир вақтлар бу ерлардаям бўлган. Кейин қирилиб кетган. Ҳозир кийикнинг кўпи Куйтанда, Бойсунтовдаям бор. У ёқларга ўтмагансизми?

— Сен ўзинг қаердансан?

— Кенагасдан! Кенагасни биласизми? Уша қишлоқданман, ака. Кейин бу ёқларга сандирақлаб келиб қолганман. Кенагас яхши қишлоқ!

— Уктамжонга қандай бўлиб шофёр бўлгансан?

— Э-э,— яйраб кетди Итолмас.— Бунинг тарихи қизиқ, ака! Лекин Уктам акам ажойиб йигит. Йигит-да! Одамни қадрлайди.

— Хўш?— Содиқ ҳам табассум қилди: — Биронта мисол айтиб бер-чи, биз ҳам эшитайлик... Мен ҳам Уктамжоннинг қандай йигит эканини биламан!

Итолмас ўйланди: нимасини айтсин? Қизиқ, у Уктамни нега бунча яхши кўради? Унга суянади. Уни аяйди?

— Хўш?— деди Содиқ.

— Қишлоқдан кетганимдан кейин Шўрчида шофёрлик курсини битириб, битта раиснинг машинасини ҳайдаб юрган эдим,— ҳикоя қила бошлади Итолмас.— Раис ёмон одаммасдилару бир оз инжиқ эдилар. Ишга ўн минут кеч қолсам ҳам сассиқ гапириб ўтирардилар. Бир куни ўйлаб қолдим-да: иш соатим, хўш, етти соат. Нега мен суткалаб ишлайман? Яна-тагин ўн минут кеч қолсам, гап эштаман?

Ака, у киши машинада ухлаб олардилар, мен бўлсам, кўзим йўлда, уйқу нималигини билмасдим. Колхознинг майдони битта районникича келарди. Жуда ҳолдан тойган эдим. Бир куни ишга соат еттида келдим. У киши: «Нега олтига етиб келмадинг?» деб яна уришдилар. Индамадим. Шу куни далада бўлдик. Соат бешга яқин қишлоққа қайтдик. Йўлда Қорадара деган бир жой бор! Қоронги тез тушади. Уша ерга етганда, машинани тўхтатдим-да, ўтлоққа чиқиб ётдим... Қани, нима қилар экан каттамыз? Тепамга келди. «Кетмайман. Иш вақтим тугади. Ана, машинангиз», дедим. Раис бирпас жим турди-да, бир тепди.

— Нимани? Кимни?

— Мени-да... Узи машина ҳайдашни билмас эди. Индамай ётавердим. Яна бир тепган эди, туриб сўқдим. Жуда алами келиб турган экан, сола кетди. Ешини ҳурмат қилдим-да, бўлмасам-ку... Қочдим.

— Қочдинг?

— Қочдим. Қарасам, у қувиб келяпти. Тўхтади и. Шунда катта йўл ёқасига келиб қолган эдик. Бир «газик» тўхтади. Ичидан бир йигит тушди. Бизни ажратиб қўймоқчи бўлди. Раис унияма сўқди. Шунда у йигит... шу Уктам акам-да, гап нимада, деб суриштириб олдилар-да, «Мин машинага», дедилар менга. Мен ҳам машинага чиқдим. Шундан бери шу ерданман.— У ўйланиб давом этди:— Ушанда жуда хафа эдим, хўрлигим келган эди. Шунинг учунми, Уктам акам менга Хизрдек бўлиб қолди.

— Тузук. Уктамжон яхшилиқ қилган экан.

— Уктам акам ҳалол йигит, меҳмон. Тўғри сўзда! Ҳе, бурноғи йили, у киши худди директор бўлган йилларида қиш қаттиқ келмадими, ўшанда райкомга чақириб қолишди. Бордик. Мен ташқарида қолдим. Уктам акам ичкарига кириб кетди. Мажлис тамом бўлгандан кейин, илгарироқ чиққан икки кишининг гапини эшитдим. Уктам акамни ишдан қайдалади, дейишди. Кейин билсам, мажлисда сут масаласи қўйилган экан. «Бажарасанми?» деб сўрашибди. Кўп директорлар «бажарамиз», депти. Уктам акам: «Мол қирилиб кетди. Сут планини эллик процент бажараман!» деб туриб олибдилар. Ака, ишлаб юр-

ганингдан кейин ҳар хил гапларни эшитасан-да, киши: баъзи жойларда сутни сотиб олиб, давлатга топширадиганлар ҳам бор. Мана, мевани олинг! Мева кам бўлди, дейлик. Баҳорда дўл уриб кетади, жала бўлади. Хуллас, мева кам бўлсаям, баъзилар планни ошиғи билан бажариб туришади. Нимагаки, пункт билан келишиб, мева ўрнига пул ўтказишади.

Содиқ ўзини чарчагандек ҳис қилди: қизиқ, кимдан Ўктам ҳақида сўрамасин, шунақа гаплар қилишади.

Ё Ўктам буларга тайинлаб қўйганми?

•Ўктам пишиқ йигит, бу жўриниб турибди! Унинг кечаги ҳовлисидан бошқа ердаям ҳовлиси бўлиши керак. Аҳир, бутун бошли бир совхоз қўлида.

•Атай ўзини камбағал қилиб кўрсатади. Шофёр... шофёр албатта ўз каттасининг сирини бекитади-да! Ахир, бунинг кунини ўшанинг қўлида ўтиб турибди. Маошга қараб яшайдими бу болаям? Сира! Ўктам, бунга қарашиб туради!•

Содиқ мамнуният билан Итолмасга қаради.

— Яхши, Ўктамжон тузук.— деди.— Лекин уям сенинг қадрингга етса керак, а?

Итолмас камтарлик билан елкасини қисиб қўйди. Содиқ яна ўсмоқчилади:

— Бу машина списать қилинган, де?

Итолмас хаёлчанлик билан бош ирғади. Сўнг ҳушёр тортиб илжайди:

— Яқинда тузатиб олдим. Шу... Ўктам акам билан орамизда жиндак гап ўтган эди-да,— кулиб қўйди у.— Ака-ука орасида ҳар хил гаплар ўтади-ку? Шунда «газик»ни ташлаб, гаражга кетиб қолган эдим. Бу аравани тузатдим... Мана, кечадан бери яна «газик»ка ўтдим!

Содиқ йўлга тикилганича тек қотди. Сигаретанинг чўғли томонидан тишлаб туфлаб ташлади. Кулиб, Итолмаснинг елкасига уриб қўйди:

— Сен яхши йигит экансан, Итолмас... Яхши! Умуман, қишлоқларинг ҳам яхши! Қишлоқ одамлариям. Ҳаммаси менга ёқди.

— Энди бу ерда яшаб қоласизларми, ака?

— Албатта.

— Ҳа-а. Яхши.

Қувватбеков мактаб ўқувчиларини бир кунга бўлса ҳам пахта теримига чиқараман, деб сира ўйламаган, баъзи мактабларда шунақа ишлар бўлганини эшитганда, елка қисиб қўярди. Лекин иккинчи бўлимнинг йўл ёқасидаги пахталари очила бошлаган кунларнинг бирида совхоз директори билан партия ташкилоти секретари келиб, ўқувчиларни ўн кунга теримга опчиқиш ҳақида шунчалик ялиниб-ёлвориди, совхозда ишчи кучи етишмаётганлигидан нолиб, шунчалик таъсирли қилиб сўзладиларки, қишлоқ хўжалик ишларидан унчалик хабари бўлмаган Қувватбеков ўйланиб қолди:

«Бошқа ҳеч қандай илож йўқми?»

«Сира! — деди партком ундан кўзини узмай. — Аҳволимиз танг, Қадрбек ака. Сиздан бошқа илинжimiz йўқ. Шуниси ҳам борки, бошқа жойлардаям бунақа ишлар бўлиб туради, эшитган бўлсангиз керак... Ҳали ҳамма ишларимиз техникалаштирилган эмас.»

Ўктам ҳам Эминовнинг сўзини қувватлаб тушди, ҳатто қизишиб кетиб, ўзини ёмонлашгача бориб етди: «Айб менда бўлса керак. Ёшлиқ қилдим шекилли. Бунинг устига, совхознинг қуввати кам, терим машиналарини сотиб ололмайди!» деб тавалло қилди.

Қувватбеков шундай аҳволга тушдики, буларга ёрдам бермаса — ўқувчиларни камида бир ҳафтага теримга чиқармаса, деҳқонларнинг олти ой ёз қилган меҳнатларидан унган ҳосил оёқ ости бўлиб кетадигандек туюлди.

«Ха, унақада ўйлаб кўриш керак экан», деди.

...Ўйлаб кўриб, ўқитувчиларга маслаҳат солди. Ўқитувчилар нима дерди? Уларнинг қаттиққўл, бир соат дарс қолдирилса ҳам айбдорни сўроқ қиладиган директорлари, совхозга ёрдам бериш керак чоғи, деб тургандан кейин...

Ҳозир Қувватбеков мактаб парткоми секретари Хосият опа Аҳадова билан қолдирилган дарсларни қандоқ етказиб олиш хусусида маслаҳатлашиб ўтирар экан:

— Нигаям қилардик,— деди хўрсиниб.— Қўшимча дарс ташкил қилишдан ўзга чора йўқ. Ташкил қиламиз! Болалар ҳам анча-мунча дам олишди. Узлаштириб кетишади.

— Тўғри, бошқа йўли йўқ,— деди Аҳадова.

Сўнг қайси мактаб ўқувчилари теримга чиққанини бир-биридан сўрашди. Гап айланиб, маориф мудирига тақалди.

— Айтмоқчи, у киши бизникилар пахтага чиққанини билмайдими ҳалиям?

— Билмайди. Э, опа! У одам билсаям нима дер эди? Булар тўғри иш қилган бўлса керак, дейдида.— У «Казбек» олди, тутатди.— Шу чолга баъзан ачинаман,— деди ўйчан.— Қариб қолган, ўзи қасал. Лекин яна аччиғи чиқади-да кишининг. Ўзини билмайди! Бизнинг-ку у одам билан ишимиз йўқ. Лекин бошқа мактаб директорлари ҳам ундан куладиган бўлишган.

Аҳадова Қувватбековга яқин стулга ўтиб ўтирди:

— Эшитмадингизми, яқинда уни райкомга чақиришармиш,— деди.— Ҳа, Қадрбек... Усмонов айтиб қолди.

— Опа, миш-мишлар менинг қулоғимга келиб етмайди.

— А-а.

— Чақириб нима дермиш?

— Ким билади энди. Жониқулов Усмоновга қариндош бўлади. Улар тез-тез учрашиб туради...

— Опа, қўйинг ўша Усмоновни!

Партком секретари бояғи стулга ўтиб ўтирдию эшикка қараб олди.

— Чиқиб келайми, Қадрбек? Айнобиддинга бир нима бўлди дейман.

— Келади. Ювинаётган бўлса керак.— Қувватбеков бирдан столга қўлларини қўйиб олди.— Опа, шу йигитни бировга ўхшатаман. Бундан беш-олти йил бурун Термизда бир байрам бўлган эди, спорт байрами. Ушанда бир йигит байроқ олиб, сафнинг бошида борганди. Айнобиддинни кўрсам, нуқул ўша йигит ёдимга тушади.

Аҳадова кифтини учирди.

— Ҳар ҳолда шу йигитда бир сир бор,— давом

Эшик очилди. Барваста, оқ жужун кўйлак ичида йўгон пайли кўкраклари диркиллаб турган Баҳодиров кирди. Устарада қирилган бошидан қўқон дўпписини олиб, ўтирганларга салом берди.

— Келинг, — Қувватбеков унга ёнидан жой кўрсатди. Сўнг сумбатига зеҳн солиб қаради. — Айнобиддин, сиздан роса полвон чиқарди-да, шу йўлда кетсангиз.

Баҳодиров унга бақрайиб қолди. Ютиниб, у ёқ-бу ёққа қаради. Сўнг аллақандай таҳдид билан сўради.

— Қадрбек ака, бу ўзингизни гапингизми?

— Нима... ростми шу гап? Дарвоқе! — папиросини қайта тутатиб олди. — Бундан олти йил бурун Термиз стадионида спорт байрамида қўлида байроқ билан сафнинг олдида борган йигит сиз эмасми?

— Савол сўраб нима қиласиз, Қадрбек ака! Билсангиз, тўғриси айтиб қўя қолмайсизми?

— Нимани?

— Билмайсизми ҳали?

— Нимани?!

Баҳодиров энгил тортди.

— Энди... одам одамга ўхшар экан-да, ака, — деди. Сўнг ўйланиб қўшимча қилди: — Ҳа, энди... полвон бўламиз, деб ҳаракат қилганимизда бўлишимиз ҳам мумкин эди.

Қувватбеков жим қолди.

— Бўпти! — деди. — Бирон сирни бекитаётган бўлсангиз, майли. Ихтиёр ўзингизда. Лекин мени бошқа нарса қизиқтиради: сиз «Қадимги дунё тарихи»дан ҳам дарс берасиз. Лекин шу фандан билимингиз пухта эмас, тўғрими?

Баҳодир Қувватбековга бақрайиб қолди.

— Уша ўйинчоқни айтяпсизми? — деди.

— Ҳа... Уша ўйинчоқ тўғрисида гапингиз ҳам эсимдан чиққани йўқ.

— Ахир, айтдим-ку ўшанда, биз антик тарихни

ўтмаганмиз. Шунчаки бир обзор тариқасида ўтганмиз, деб.

— Обзор тариқасида... Сиз тарихчими?

— Майли... комиссия чақирингиз ҳам мумкин. «Урға асрлар тарихи», «Янги тарих», ўзимизнинг тарих — булардан савол-жавоб қилдирсангиз ҳам майли.

— Айнобиддин! — деди Қувватбеков. — Сиз тарихчи экансиз, мелоддан аввалги тарихимизни ҳам билишга мажбурсиз. Хўп, айтайлик, бошқа тарихлардан мутахассиссиз. Лекин бу ерда «Қадимги дунё тарихи»дан ҳам дарс берайсиз-ку?

— Китобда нима ёзилган бўлса...

— Китобни қўйинг! Китоб — нима у? Қанча материал сиғади унга?

— Унда, унда... — Баҳодиров энтикиб кетди: — Қадрбек ака, мен мақсадингизни тушуниб қолдим: шу дарсни мендан олмоқчимисиз? Кимга берасиз? Салимовгами? Қадимги тарих масаласида у мендан ҳам хароб-ку?

— Тўғри, — деди Қувватбеков. — Лекин бошқа бир киши бор. Уша кишига олиб беришни ўйлаб турибман. — У Аҳадовага қаради. — Бирон соат орасида келиб қолади у. Кетманг, опа. Бирга гаплашамиз. Баҳодиров, сиз ҳам бўлишингиз керак.

Баҳодировнинг танглайи қотиб, лабларини ялади.

— Ким экан у? — деди.

— Умуман, яхши тарихчи.

— Хўп, ака. Ихтиёр сизда, — деди Баҳодиров. — Бошқа дарсларни олсангиз ҳам майли. Бизнинг зоримиз бор-ку, зўримиз йўқ.

— Айнобиддин! Мен сизни атай хафа қилиш учун ёки у аёл менинг қариндошим бўлгани учун эски тарихни унга олиб бермоқчи бўлаётганим йўқ! Биз бу нарсаларнинг ҳаммасини йиғиштириб қўйиб, биринчи навбатда ўқувчиларимизни ўйлашимиз керак. Уларга мумкин қадар кўпроқ билим беришимиз керак. Вассалом! Ана шу ишларга бош бўлгин, деб мени бу ерга қўйиб қўйишибди... Уқдингизми? Мен бу жойни талаб қилиб олганим йўқ. Тақдирнинг тақозоси билан бу ёқларга келиб қолдим. Яқинда... Энди, ишлаш керак эканми, виждонан ишлаш керак-

да. Вазифа — болаларга яхши тарбия бериш, уларга кўпроқ билим беришимиз керак!— У стулни орқага суриб ўрнидан турди.— Ана шунга кўпроқ шароит яратилсин деб чопдик, бировлар билан уришдик. Ма-на... мактабимиз ҳам ўқиса бўладиган бўлиб қолди. Менинг фикрларимни тўғри тушунишингизни илти-мос қиламан сиздан.

Баҳодиров қўлларини бир-бирига ишқаб ютинди. Чехраси оғир касалнинг башарасидек аянчли тус олди.

— Кечирасиз, мен... қизиқ устида...— деди.— Мен сизга ишонаман, ишонмай ўлибманми, Қадрбек ака.— У бошини эгиб қолди. Қўллари билан тизза-сини сийпалаб, Қувватбековга ер остидан қаради.— Қадрбек ака, бошқа бир нарсанинг ҳам ростини айт-сам майлими?

— Нима у?

— Боя сиз,— жилмайди Баҳодиров,— мени бировга ўхшатдингиз-ку? Ўша одам ҳақиқатан ҳам мен эдим.— У Аҳадовага ҳам қараб олди.— Ҳа, опа... Қадрбек ака, кишининг бошидан ҳар хил гаплар ўтар экан-да.

— Унвонингиз ҳам борми?

— Спорт мастериман, ака. Бир йил область чем-пиони ҳам бўлганман.

Қувватбеков унга тикилди.

— Унақа бўлса, физкультура дарсидан уч-тўрт соат олмайсизми?

Айнобиддиннинг лаблари титраб кетди:

— Рост биланми?

— Рост! Кўриб турибсиз, спорт ишларимиз билан мақтанолмайман... Менга қаранг, қайси соҳада чем-пион бўлгансиз?

— Курашда... Самбода... Самбони ўзимизда бир қарич болалар ҳам билишади-ку? Ёшлиқда ўрганган эдик, Институтдаям самбо бўлимни битирдим.

— Институт?

— Ҳа.— Баҳодиров ўзини тутиб росмана ўтириб олди.— Ҳа, Қадрбек ака. Мен физкультура институ-тини ҳам битирганман. Энди, ростига кўчдик, айта-ман. Сарносиёда физкультура ўқитувчиси бўлиб ҳам ишлаганман... Лекин кейин битта бемаънининг гапи

билан мактабни ташлаб кетганман. Тошкентга бориб, Низомий пединститутига кирганман... Бизнинг тарих мана шундай, Қадрбек ака.

— Қизиқ одамлар бор! А, Хосият опа? — У ширин хўрсинди: — Шунинг учун нуқул ўзимизнинг спорт майдонимизда айланишиб юрар экансиз-да?

— Ҳа. Кўнгил тусаб туради.

— Унда яхши! Сиз физкультурадан ҳам беш-ўн соат дарс оласиз! Самбонинг ҳадислари эсан чиққани йўқми?

— Эсан чиқармиди... Лекин энди ўзимиз оғирлашиб қолдик.

— Бунинг аҳамияти йўқ. Болаларни ўргата оласизми? Шунақа тўғарак тузсак бўладими?

Баҳодиров ўрнидан туриб кетди:

— Қадрбек ака, — деди овози титраб.

Қувватбеков ҳайратланиб, унга қаради.

— Хўш?

— Қўлингизни беринг, жон ака.

Қувватбеков қўлини узатди-ю, аллақандай ёқимсиз нарсани сезиб, тортди.

— Утиринг. Утириб гапиринг, — деди.

Баҳодиров бошини сарак-сарак қилиб, стол қиррасига суянди.

— Раҳмат, ака, — деди. — Сўнг жойига қайтди. Хотиржам бўлиб, кўкрагини силади. — Уша ёқда, ўша ёқдаям самбодан тўғарагим бор эди. — Партком секретарига боқди. — Ҳа, опа... Яхши кўрар эдим. — Унинг кўзларига ёш қалқди. — Кечирасизлар. Ҳозир келаман.

— Яхши физрук чиқади бундан, — деди Қувватбеков табассум билан ва бирдан завқланиб кетди.

Стул суянчиғига ястаниб, қўлларини ёнига беҳол осилтирди: «Ҳаёт яхши! — деди. — Яхши... Қани эди. ҳамма ўз жойида бўлса. У ҳозир орзусига етди: орзуга етиш — қандай яхши!»

Аста-секин унинг қош-қовоғини булут босди. У тумшайди. Кафти билан юзини силаб: «Кетаман,

кетаман!» деди ва кетиши учун уч кун, кўпи билан тўрт кун қолганини ўйлади.

Сабоҳат кеча «едим» деган апельсинларни ҳам емаган экан. Бугун арталаб Қувватбеков уни таний олмади: овози зўрга чиқади.

Лекин у бир оғиз гапни аниқ қилиб айтди:

«Врач келсин».

Қувватбеков бирдан трубкани кўтарди, касалхона бош врачининг номерини терди.

— Шамшиддиновми бу? Э, ҳалиям ўтириб-сизми?

— Операция... чиқиб қолди,— деди врач дудуқланиб.— Энди бораман.

— Боринг-да! Кечадан бери сизга интиқ.

— Бораман... Уйқу дори керак дедими?

— Ҳа. Шошманг... Уйқу дори нимага керак унга? У кеча яхши ухлади-ку?

— Уртоқ Қувватбеков, сиз хотинингизни яхши билмайсиз.

— Тушунолмадим.

— Кейин айтиб бераман.

Шамшиддинов хонага кирганида ҳам, Сабоҳат кўзини очмаган эди. Врач имо билан Иқлима опага «тиқиллатманг ҳеч нарсани», деди. Ўзи стулни олиб, дераза тагига қўйди.

— Бўлмасам мен кетдим,— шивирлади опа.— Шошиб турибман. Кўнглим алағда бўлиб келиб эдим.

— Кетаверинг. Шошманг... Ўғли келса, бу ерга қўйманглар.

— Хўп, болам.

Врач «аптечка»ни дераза токчасига жойлаштириб, каравотга яқин борди. Сабоҳатга кўзи тушар-тушмас, чиғирилиб яна изига қайтди. Стулга ўтириб, боққа қаради. Тигиз ўсган олмаларнинг барглари тўкила бошлаган. Битта яланғоч шохнинг учида тиришиб қолган қизил олмани иккита чумчуқ ҳадеб чўқияпти. «Ҳе, куз келди,— ўйлади врач.— Воёкиш...»

У бирдан халати чўнтагига қўл солди. Ўзига «нега чақирди экан?» деган саволни бермоқчи бўлгани-

ни пайқаб, чалғимоқчи бўлди — киссасидан «ВТ» сигаретаси олиб, биттасини тутатди.

Сабоҳат кўзини очиб, врачни бир муддат танимай турди. Кейин ҳовлиқиб:

— Сизмисиз?— деди нимжон овозда ва қўзғалишга ҳаракат қилди.

Врач бошини қимирлатди.

— Узингизни уринтирманг.— У стулни каравот ёнига обориб қўйди. Утириб, беморга хотиржамлик билан тикилди-ю, юраги «шиг» этиб кетди: беморнинг кўзларида нур йўқ, лаблари жияги кўкара бошлаган эди.

— Ака, мен сизни... кўп кутдим,— энтикиб сўзлади Сабоҳат.— Ёки Қадрбек акам бир нима дедиларми?

— Йўқ.

Шунда у оғзини каппа-каппа очиб ютоқиб қолди. Врач кислород ёстиқчасини олиб, ҳаво сўриладиган жойини унинг оғзига тутди. Сабоҳат ютоқиб нафас олди. Ниҳоят, тинчиб:

— Яхши эмас,— деди гина билан.— Аҳволимни кўриб турибсиз. Гап шундаки,— у бирдан врачга тикилди,— ёки... нима демоқчи бўлаётганимни тушуниб турибсизми?

Шамшиддинов Қувватбеков кеча «уйқу дори» ҳақида гапириши ҳамон Сабоҳатнинг... бир вақтлар эрининг «Асти безни олдира кўрма», деб огоҳлантиришига қарамай иш тутган бу аёлнинг энди бундоқ ётишдан фойда йўқлигига ақли етиб, биратўла кўз юмиб қўяқолмоқчи эканини пайқаган эди.

Пайқагани учун ҳам бугун бу ерга келишга шовшилмаган. Қувватбековга ҳам «операция чиқиб қолди», деб баҳона қилган эди.

— Мен сизни бардошли, чидамли аёл деб уйлайман.

— Ҳамма нарсанинг ҳам чеки бўлади,— аччиқ шивирлади Сабоҳат.— Чеки бўлади... Энди фойдаси йўқ... Фойдаси йўқ, Қамар ака. Агар сиз жудаям олижаноб инсон бўлсангиз, мени бу азобдан тезроқ қутулишимга ёрдам беришингиз керак! Менга қаранг, Қамар ака... Мен ҳамма нарсани тушуниб ту-

рибман. Сиз ҳозир... йўқ дёрсиз. Лекин сизга ишонаман: сиз мард одамсиз!

Шамшиддинов бошини эгди: «Мард,— ўйлади у.— Мардманми? Мард бўлсам, истаган нарсамга эришдим-ку? Энди бу нарсага нуқта қўйишим керак-ку? Нега шундай қила олмайман... Наҳотки пулга ўрганиб қолдим?»

— Қамар ака, гапларимни эшитяпсизми? Мен бу ишга қасд қилганман. Энди орқага қайтиб бўлмайди... Биласиз-ку?! Наҳотки менинг сулайиб ётиб, аста-секинлик билан ўлишимни истасангиз? Бу катта шафқатсизлик бўлади. Шунинг учун илтимос қиламан, менга... бир пачка уйқу дори беринг. Мен ҳозироқ ича қолмайман. Йўқ. Онамни кўришим керак, у кишига тайинлайдиган гапларим бор. Сўнг баъзи бир шогирдларимгаям айтадиган гапларим бор. Иложи бўлса, Кампиркўлниям бир кўришим керак... ҳали қилинадиган ишлар бор. Лекин шундан кейин хотиржам бўламан... Ахир, одам дегани бошқаларниям қийнамаслиги керак-да, Қамар ака?

Шамшиддинов алланечук қимирлади.

— Сиз қизиқ аёлсиз,— деди, сўнг унга фавқулодда қизиқиш билан тикилди: — Айтинг-чи, ҳақиқатан бошқаларни қийнамасликни ҳам ўйлаяпсизми? Кечирасиз, сизнинг ташвишингиз ҳеч кимга оғир тушмайди. Айниқса эрингизга.

— Биладан. Жуда яхши биладан,— деди Сабоҳат энсаси қотгандек.— Мен ўлсам, у одам кўчада қолишини ҳам биладан. Албатта кўчада қолмайди! Тошқентга кетади... У, ахир, мени деб бу ерларда юрибди. Ўйлаб қаранг, у одамниям аяшиги керакми, йўқми?

— Дамингизни олинг.

Сабоҳат бир нафас шифтга тикилиб ётди.

— Ҳаёт яхши-я, Қамар ака! Лекин.— унинг лаблари тагин алланечук йиғилди: — Дори берасизми, йўқми?

— Бераман, бераман,— деди врач.— Агар сиз шу нарсани истасангиз, хўп.

Сабоҳат бирдан бўшашди, худди дорини ичган-у, кўзи уйқуга кетаётгандек бўлиб қолди.

Қамариддин унга ўйчан тикилиб ўтирарди: «Қи-

зиқ, — деб ўйлади ва бирдан отаси ёдига тушиб кетди: — У кишиям ҳеч нарсадан ачинмаган эди-я? Нега? Одамларга нафи текканидан қаноатдамиди? Мен-чи... мен ўшандоқ қолга тушганда, нима бўлман? Юрагимда ҳар қолда дард қолса керак. Ахир, мен одамларни беминнат даволамадим. Улар отамга ўрганишган эди: пулсиз даволанишга ўрганишган эди. Мен пул сўрадим. Уша даҳшатли дамда улар албатта: «Буям тузук эди-ку, лекин одамнинг қўлига қарар эди, дейишади. Қизиқ! Мен, ахир, давлат йиғишга мажбур бўлдим-ку?! Нега энди... кейинчалик бу ишимдан хижолат тортдим? Ҳамма вақт юрагим хижил бўлиб турди. Нега бундай?»

## 47

Исҳоқ чол кўл бўйидаги қари туронги тагида дарахтнинг ер бағирлаб ўсган сарғиш томирида ўтирар. у алланечук титроқ бир ҳолатда, паришон эди.

Орқасида гурс-гурс этиб қулаётган девор саси эшитилди. Бульдозер бўқирди, кимдир бақирди.

Исҳоқ чол ирғиб турди, сўқмоққа тушди.

Четан деворли қўра ёнига етганда, туриб қолди.

Унинг назари на уйининг қийшайиб турган деворига тушди, на ўзига қараб бир нималар дея ётган Абдуллаевга ва на чириган хариларни гўзапоя ортига ўтказишаётган йигитларга — у буларнинг ҳаммасини яхлит бир манзара ҳолида кўриб, қандайдир даҳшатли иш содир бўлаётганини ҳис этди.

Чол ёқасини пайпаслаб ушлади ва қўра деворига суянди, шу бўйи чўнқайиб ўтирди.

Тақир ерда чумолилар ғизиллаб чопишар, бир-бирига туишуғини тегизиб ўтиб кетишар эди.

«Қиш ғамида, — ўйлади қария. — Шуям қиш ғамида. Дон керак шунгайм».

Чолнинг бу митти жониворларга ҳаваси келиб кетди, биронтасини босиб олмадимми, деб ортига сурилди. Оёқларини кўтариб қаради ва ўрнидан турди.

Энди унинг назари равшан тортиб кетган эди. Энди нима бўлаётганини идрок этди. Эски уйи бузилапти. Анавилар — йўл қурувчилар. Ҳа, ўшалар-

ниям анча кун диққат қилди бу чол! Боёқишлар, чидашди... Ана, чолнинг кўчи ортилган машина. Янги уйига отланиб турибди.

— Ота, уйнинг плани бормиди ўзи? — сўради йўл қурувчиларнинг бошлиғи.

Чол илжайди:

— План... план бизда нима қилади? — шунда у бошқа бир нарсани эслади. Кампири қаво қилгандан кейин кимдир унга ҳазиллашиб: «Паспортни беринг. ЗАГСдан ўчирамиз», деди. Чол кампири билан эллик беш йил бир ёстиққа бош қўйиб, икки танали битта одам бўлиб юриб, ЗАГСдан ўтмаганини ўшанда эсловди. — Отам, бизда план-млан йўқ, — деди у.

— Яшанг! — Абдуллаев кулди. — Ўзим ҳам шундай деб ўйловдим.

— Э, отам-э.

## 48

Мунира мактабга борганида, йўлакда Баҳодиров уни қарши олиб, ўзини таништирди. Сўнг директор билан партия ташкилоти секретари далага кетишгани, ўқувчилар бугун мактабга қайтишлари учунми, белгиланган нормани вақтидан илгари териб қўйганлари сабабли, тушда ўтказиладиган мажлис ҳозир ўтаётганини айтди.

Мунира бу бақувват, гўлабир йигитга қандайдир ички завқ ва ҳадиксираш билан қулоқ солар эди.

— Бўлмасам улар вақтли қайтишар экан-да? — деди.

— Ҳа. Марҳамат, учительскаяга кирайлик.

Айнобиддин унга йўл кўрсатиб, ёнма-ён бўлди.

— Мактабларинг антиқа! — деди Мунира. — Нухасини экспериментал мактаблардан олишган дейман?

— Шундай... Кечирасиз, сиз қайси институтни битиргансиз?

— ТошДУни. Исмингиз Айнобиддин ака, а?

— Илгарияч эшитувмидингиз?

— Ҳали эшитдим. Битта ўқувчингиз айтди. Холдор деган.

— Полвонми?

— Полвон, полвон. Полвон келбатли бола.

Баҳодиров қадамини секинлатди.

Қувватбеков билан келишди: самбочилар тўғараги ташкил этмоқчи. Демак, тўғаракка биринчилар қаторида Холдорни таклиф этади. Шошма. Ёнингда сенинг «Қадимги дунё тарихи»дан дарсингни олади-ган ўқитувчи кетяпти! Ростдан ҳам кучли тарихчими бу?

Қувватбековнинг айтишича, Айнобиддинга қараганда шу аёл ўқувчиларга кўпроқ билим бера олэр экан!

Баҳодиров унга кўз қирини ташлади ва ўзи қизиқ ҳолга тушди! Нимасидир танишми бу аёлнинг?

— Кечирасиз, сиз ўзимизнинг Сурхондарёданми?

Мунира унга ялт этиб қаради:

— Чоғимда, сиз бу саволни бекорга бермадингиз?

— Нимангиздир фарғоналикларга ўхшаб кетар экан. Балки мен хато қилаётгандирман?

— Хато қилганингиз йўқ! Аямлар Марғилондан.

Баҳодиров тўхтаб қолди:

— Ана холос!

— Сиз ҳам ўша ёқданми?

— Ҳа-да, ҳа-да! Вақтида Йўлдош отанинг топшириғи билан келиб қолганмиз. Мен ўзим шатда туғилганман.

Ўқитувчилар хонаси кенг Тўрда иккита дераза. Деразалар орасида тувакка ўрнатилган ёш пальма дарахти. Чап томонда тошойна. Синф журналлари қўйиладиган серкатак шкаф

Айнобиддин Мунирага мулозамат кўрсагиб, стул қўйиб берди-да, у ўтиргач, сўради:

— Қадрбек акам билан илгаритдан таниш бўлсаларинг керак-а?

— Кеча совхоз директорининг уйида танишдик. Биз энди шу ерда яшаймиз экан. Агар,— у кулимсираб қўшимча қилди,— мактабингизга жойлаша олсам.

Айнобиддин: «Э, албатта жойлашасиз-да, бу масала ҳал бўлди-ку!» демоқчи эканини сезди-ю, ўзини босди, бу гапни ўзгартириб айтди.

— Сиз тўғрингизда Қадрбек акам яхши фикрда.

Албатта жойлашишингиз керак. Кечирасиз.— Баҳодиров Қувватбековнинг «директор» ёзувли лавҳа илинган эшигига қараб кетди.— Йўқ... эшик бек.— Тўхтади у.— Битта нарсани сизга кўрсатмоқчи эдим.

— Нима у?

— Шу, бир...— энди «ўйинчоқ» дейишдан ўзини тийди,— бир нарса эди. Майли, кейин кўрасиз. Сиз мелоддан аввалги тарихниям яхши билсангиз керак?

Мунира хижолатомуз кулимсиради:

— Яхши биламан, деб бўлмайди. Бу гапни дарслик ёзган кишилар ҳам айтолмаса керак. Хусусан, Ўрта Осиёнинг мелоддан аввалги тарихи энди очилляпти. Ўзингиз ҳам билсангиз керак: бизда археологик қазилма ишлари ниҳояти ўттизинчи йиллардан кейин бошланди!

— Кечирасиз, сўраганнинг айби йўқ, аянгиз қандай қилиб марғилонлик бўладилар?

— Бунинг тарихи узун.

— Чой қилайми?

— Керак эмас.

## 49

Шийпон олдидаги сувоқ қилинган майдонда қоп-қоп пахта қалашиб ётибди. Улар соясида ўқувчилар ўтиришибди. Бир-иккитаси қоплар устига ҳам чиқиб олган.

Майдон атрофини ўраган бир пахсалик девор олдида ўқитувчилар, нарироқда Ўктам билан Эминов.

Столча кўтариб келаётган Раҳмонов билан бўйни қийшиқ бригадир йўлда тўхташди. Сўнг Ўктамнинг имоси билан столни келтириб Қувватбековлар олдига қўйишди.

Ўктам Эминовга бош ирғади. Омон Эминов ўқитувчиларга табассум қилиб, столга яқинлашди. Чўтир юзини силаб қўйиб:

— Ҳурматли ўқувчилар,— деди.— Биз сиз азаматларни бир ҳафта далага чиқардик. Анча пахта-мизни териб бердинглар. Бунинг учун сизларга минг-минг ташаккур айтишдан ўзга иложимиз йўқ! Шу ўринда, ўртоқлар, биз айтишимиз керакки, сизларни

Ўқишдан қолдирганимиз учун жуда хижолатдамиз. Лекин бизнинг ҳам бошқа иложимиз йўқ эди. Энди, ўртоқлар, ўтган иш ўтди! Биз бу хижолатпазликни битта тасалли билан юва оламиз...— У ҳар тарафга қараб олди: — Гап шундаки, бир замонлар ота-оналаримиз бўйинларига этак илиб, қўлда пахта теришган. Мен шу нарсага аминманки, орадан ўн йил ўтсин, бировга «қўлда пахта терганмиз» десангизлар, ишонишмайди! Холбуки қўлда пахта териш нима эканини ўзларинг ҳам тажрибада кўрдингизлар. Тўғрими?

«Дуруст-ку?— ўйлади Уктам.— Калласи ишлайди. Уқитувчи-да! Саводи бор... Ақлли гап айтди! Ҳақиқатан ҳам ўтмишда ота-оналар қийналишган».

Сўнг хўрсиниб юборди: қийин бўлса, нега ўзинг қўлда тердирасан?

— Уртоқ Умаралиев, сиз гапирасизми?

Уктам ҳушёр тортиб кетди. Ўзига қизиқиш билан тикилиб турган ўқувчиларга қаради, уларнинг тақир ерда чордона қуриб ўтиришлари, кир бўлиб кетган афт-башараларига зеҳн солди-ю:

— Болалар, гапнинг пўст калласини айтсам...— у жимиб қолди: «Э, келаси йил буларни чиқармайман-ку?— кўнглидан кечирди.— Чиқишмайди ўзлариям. Пахта ўзимизда қолса, терим машинаси сотиб оламиз. Бузуғини тузатамиз... Бобоқуловнинг ўн олти гектар пахтасиниям Раҳмоновга ўтказиб бераман. Ана гап!» — Уртоқлар! — у нима демоқчи бўлганини эслади: — Гапнинг пўст калласини айтсам, айб бизда!.. Айб бизда-да. А, Эминов? Сизлар ўқишни билишларинг керак. Сизлар ўқиб, зўр-зўр кадрлар бўлиб келишларинг керак! Совхозимизда... бизда қанча саводли, обрўли кишилар бўлса, шунча яхши!

Эминов мийиғида жилмайиб қўйди. Лекин шу заҳоти: «Ҳар ҳолда мард бола», деб кўнглидан ўтказди.

Қувватбеков Уктамга тикилиб турар эди. Уктам: «Гап шул-да, энди. Раҳмат сизларга. Ҳақларингни оқшом ҳисоблаб чиқиб, эртага тўлаймиз!» — деб жойига қайтгач, Қувватбеков олдинга чиқди.

У чимирилиб, дам ўқувчиларга, дам улардан нарида ястаниб ётган пахтазорга қараб олиб:

— Мен бир нарсани эътироф этишим керак! — деб сўз бошлади. — Умаралиев рост гапирман, дедилар. Ҳақиқатан ҳам рост гапирдилар. Шу нарсани эсдан чиқармангларки, ҳар қандай раҳбар ҳам сиздамангидек ёш йигитчалар олдида «айб бизда», демайди. Бу нарса ҳам сизларга сабоқ бўлсин!.. Мен ишонаман, сизларнинг ораларингдан ҳам келажакда колхоз-совхоз раҳбарлари чиқади. Ушанда мен сизларнинг ҳам аввало ростгўй бўлишларингни, сўнг қайси соҳада ишланглар, раҳбар бўлманглар, ўша соҳага жон-жаҳдларинг билан киришишларингни иштайман. Бунинг бошқача завқи бўлади. Маънавий завқи бўлади! Энг муҳими, халқ олдида юзларинг ёруғ бўлади. Чунки халқимиз ҳамма вақт ўз раҳбарларига ишониб келган. Бу ҳол ҳар қадамда билинмайди, лекин жойи келганда, тикка турғизиб сўрашади: нима қилиб қўйдинг?

«Нима қилиб қўйдинг? — ўзига-ўзи деди Уктам. — Сенга халқ ишонади. Бу ҳар қадамда билинмайди... Мана бутун бошлиқ бир хўжаликни сенга бериб қўйишибди. Уни бой-бадавлат қилишинг ҳам мумкин, чўктириб қўйишинг ҳам... Қизиқ, шу директорнинг ўзи мактаб учун нима ишлар қилмади? Ҳеч нарсадан қайтмади. Мен нимадан қўрқаман? Ахир, мен ҳам йўлимнинг тўғри эканига ишонаман-ку? Икки йил қийналамиз, холос... Акс ҳолда, яна икки йил шу кетишда кетсак...»

Уктам мажлиснинг тугаётганига ҳам эътибор қилмади.

Унинг ёдига бошқа нарса тушиб кетган, ўшани эсдан чиқармай таҳлил қилиб олиши керак: ахир, уни Бошчорбоғдан Қосимов ҳузурига чақирганида: «Бекат оқсаб қолган. Шуни кўтариб берасиз. Иқтисоди пастлиги учун бошқа бирон совхозга бўлим қилиб бериш фикри ҳам йўқ эмас эди бизда. Лекин у ерда перспектива борга ўхшаб кўриняпти», деганди-ку?

Уктам... ҳаракат қилмади эмас, қилди, боғларни кўпайтирди. Чорвани яхшилади, подахоналарни қайта қурдирди. Полиз, сабзавотга аҳамият берди. Бир гектар жойга теплица қурдирыпти! Ундан ҳам камидан бир миллион сўмга яқин даромад қилади ҳали. Уни йўлатган нарса иккита бўлди: пахта ва эски боғ.

Балки совхознинг келажаги ўша нарсаларнинг қандоқ ҳал этилишига боғлиқдир?

Уктам брезент этигини ерга тап-тап уриб бориб, Қувватбековнинг тирсагидан олди.

— Домла, биздан хафа эмасмисиз?

— Мени алдаганингизни вақтида билганимда, бошқача иш қилардим, — деди Қувватбеков. — Мени гўл билиб... Уқитувчиларнинг бир ҳафталик маоши-ни ким тўлайди?

— Дарвоқе!

— Шунақа.

— Йўқ, йўқ, домлажон, бу қандоқ бўлди энди?

— Қўйинг. Бечора уқитувчилар маош олмаймиз, деган.

Уктамнинг юраги сиқилиб кетди: «Аблаҳман! — деди. — Чатоқ! Бечоралар. Яхши одамлар-э! Бизни ўйлашган! Биз бўлсак...»

— Домла, — деди у. — Узим... ўз ёнимдан тўлайми? Мен уй-жойимни сотиб, бировнинг уйига кириб ижарага ўтиришдан ҳам қайтмайман.

Қувватбеков унга бир нафас ўйчан қараб турди. Сўнг билинар-билимас жилмайиб:

— Сиз яхши йигитсиз, — деди. — Лекин яхши директор бўлишингиз...

— Бунинг учун нима қилишим керак, домла? Айтинг. Хўш?

Қувватбеков хўрсинди:

— Мен яхши олим бўлмоқчи эдим. Кўрмайсизми энди...

— Сиз яхши мактаб директорисиз.

— Ундай эмас. Айтмоқчи, Уктамжон, шу машинанингизни менга бир кунга бериб туринг. Зарур иш бор. Аёлим оғир ётибди. Ота-онасини Ола Чопондан оп келишимиз керак.

— Э! — Уктам ён-верига қаради. — Итолмас... Ҳой, Омон ака, Итолмас қачон келади?

Шийпон биқинида болалар қуршовида турган партком секретари:

— Кепқолар! — деди. — Йўлни кесиб ҳайдаган бўлса, икки-уч соатга қолмай етиб келади!

Уктам Қувватбековга юзланди:

— Шофёримиз Термизга кетган. Содиқ аканинг кўчини оп келгани кетган... Нима қилдик энди? Балки биронта шофёрни олиб, «газик» билан жўнатармиз. Шундай қилсак ҳам бўлади.

— Унақада,— деди Қувватбеков,— Ола Чопоннинг йўлини биладиган шофёр топиш керак. Бизнинг юк машинанинг шофёри у йўлларни биладию унга ишониб бўлмайди.

— Итолмас керак бўлди-да!

— Унақада кутамиз энди.

— Икки соат!

— Яхши. Итолмас келиши билан бизга жўнатсангиз. Уйга ёки мактабга... Меҳмонлар жойлашдими?

— Ҳа, уй бердик. Ана, Эминовнинг ўзи обориб кўрсатди. Эминов, берироқ келинг!

Қувватбеков Эминов томонга қараб Бойбўрига кўзи тушди. Уни имлаб четга чиқди.

## 50

Бойбўри тўққизинчи синфда ўқийди. Комсомол фаолларидан. Бунинг устига, шеър ёзади, адабиётни севади.

Шеър ёзади, адабиётни севади-ю, шеърнинг ҳам энг сўнгги — янги усулларига, ҳатто қофиясиз йўлларига қизиқади. Адабиётни ҳам саралаб ўқийди: ўтмиш ҳақида, ёхуд уруш ҳақида ёзилган китоблар — тенгдошларидан фарқли ўлароқ — Бойбўрига ёқмайди, ёққан тақдирдаям: «Биз янги замонда яшапмиз-ку? Шу куннинг гаплари керак-да», дейди.

Шунинг учун ҳам у Сабоҳатнинг доимо: «Шоир халқи халққа яқин бўлиши керак, унинг руҳини билиши керак. Халқнинг руҳи аввало унинг эртақларида, оғзаки ижодида акс этган», деган сўзларини кўпда қулоғига олмайди, «опа тилчи бўлгани учун шунақа деяпти-да», деб қўяди.

Лекин баъзан боболари юрти — Куйтантоғ устидаги овулга борганида, у ерда чорвадор бахшиларнинг дўмбирада куй чалиб, терма айтишларини эшитганида, чуқур сукутга толади; терманинг ҳар

бир сўзи, дўмбиранинг бўғиқ ноласи йигитчанинг қалбига яқин туюлади, уни зир титратади. Бироқ Куйтандан тушиб, янги қурилаётган совхозларга қадам қўйиши ҳамон тоғ устидаги туйғулар уни тарк этади.

«Ҳаёт бу, мана шу,— деб ўйлайди ва ўз ўйини мантиқ билан исботлайди ҳам.— Катта-катта подахоналар қуриляпти. Чорвачилик ҳам техникалашяпти. Яқин орада ўтовлар ҳам қолмайди. Ҳамма типовой уйларга кўчади. Дўмбира, ўлан айтишлар эскилик сарқити бўлиб қолади».

Бироқ... Сабоҳат опаси қизиқ-да!

«Шоир бўламан, десанг, халқ термаларини йиғ, ўрган! Оҳанги, товланишлари юрагингга сингсин!» — Опанинг унга берадиган маслаҳати шу.

— Ҳозир борайми, домла?

— Ҳозир,— деди Қувватбеков.

— Мунираҳон, «тарих кабинети»ни кўрасизми?

Мунира Баҳодиров билан суҳбат давомида ўзининг ишга олинишига ишониб бўлган, бу йигит андак хижолатда, андак андишада эканига ақли етган эди.

— Жоним билан!— деди у.— Кечирасиз, Айнобиддин ака, ҳим-м. «Қадимги дунё тарихи»дан сиз дарс берар экансиз. Уни менга олиб беришса, хафа бўлмайсизми?

Баҳодиров тек қолди.

— Биласизми, мен Қадрбек акамга ишонаман,— деди.— Уйлаб кўринг бу соҳада менга қараганда, сиз кўпроқ билим бера олар экансиз, мен нега хафа бўлай энди? Ахир, бизнинг мақсадимиз — ўқувчиларимизга кўпроқ билим бериш эмасми?!

Мунира анқайиб қолди.

— Узр, ўзингиз...— дудуқланиб ўрнидан турди,— ахир, Айнобиддин ака, сиз ҳам тарих факультетини бир ният билан битиргансиз-ку? Тарих фанини яхши кўрасизми ўзи?

Баҳодиров ғамгин жилмайди.

— Албатта, тарих қизиқтиради мениям,— деди.— Лекин, Мунираҳон, мени бошқа соҳа кўпроқ қизиқтирар экан. Спорт, спорт!— деди у ва Мунирага

тикилди: бу аёл ҳам спортга паст назар билан қараса-я? — Тўғрими? Ахир спорт ҳам муҳим соҳа-ку?

— Бунга шубҳа қилиш ҳам мумкинми? — деди Мунира. — Қадимги юнонлар спорт байрами ўтказишган! Аксарият эркеклар яланғоч ҳолда кўчага чиққан. Саф тортиб юришган. Ушанда, албатта, гавда тузилиши хунук бўлган эркеклар кўчага чиқмаган: уялишган. Демак, нима қилишганлар? Болани ёшликдан тарбия қилишган, одам жисмонан ҳам чиройли бўлиши керак, деб ҳисоблашган.

— Яшанг, яшанг! — Айнобиддин ҳаяжонланиб кетди. — Байрамлар ичида энг гўзали спорт байрами. Менинг ҳам фикрим шу. Инсон учун аввало нима керак? Соғлиқми, саломатликми? Спорт байрами — соғлиқ, саломатлик байрами. Раҳмат сизга. Менинг юрагимни тушундингиз. — У фан кабинетларининг калити илиб қўйилган ром томонга юрди-ю, тўхтади. — Нима бўлиб спортдан узоқлашиб кетганимни айтиб берайми?

— Майли... Бу жуда қизиқ.

Баҳодиров хўмрайиб дераза пастида турган курсига ўтирди,

— Бир ярамас бор эди, Сарносиёда. Мен бу ерга келганга қадар ўша ерда яшардим-да. Бир ўтиришда ўша одам сасиб қолди: «Тақсир, айтишларича, футболчиларнинг ақли оёғида бўлар эмиш, шу гап тўғрими? Унақада полвонларнинг ақли қаерида бўлади?» деди. Ўзи тузуккина одам эди. Ярамас! Мунира опа, чидай олмадим... Тоқат қилиб бўладими бу гапга? Мен биламан, мунақа гапларни бошқа ярамаслар ҳам айтади. Лекин ўзим ўз қулоғим билан биринчи марта эшитишим эди. Бунинг устига, ўзим ўша ердаги мактабда физкультура ўқитувчисиман. Яна-тагин кураш бўйича область чемпиономан... Нима қилиш керак? Ё мен тезлик қилдим, ё ичкилик сабаб бўлди, — жиндак-жиндак ичишиб ўтиргандик, — ишқилиб, туролмадим-да: «Ҳа, ака, полвонларнинг ақли билагада бўлади», деганимни биламан... Шу, қўл югуриб қопти. Қонга буланиб қолди. Ўзим чиқиб кетдим. Эркек одамга бир гап ёмон таъсир қилмасин экан. Мана, ўқисам ўқийман, дедим-да, Тошкентга кетвордим. Низомий пединститутига бориб, тарих-

география факультетига кирдим. Ростини айтсам, қайси факультетга кириш — менга фарқсиз эди.

Мунира бошини сарак-сарак қилди.

— Йўқ, йўқ! — деди Айнобиддин. — Соҳани ал-маштирганим билан бари бир спортдан совиб кетолмадим. Энди... қийин экан-да.

— Бу жуда яхши!

— Энди... эҳ! — Баҳодиров Мунирага фавқулудда кўзаларида қувонч билан боқди: — Менга физкультурадан ҳам дарс беришди!.. Сизга айтмадим ҳали. Тарих сивга ўтди, «Қадимги дунё тарихи». Менга физкультурадан беш-олти соат дарс берадиган бўлишди. Э, опа... Яхши кўраман! Бугун шунчалик хурсанд бўлдимки, асти қўяверасиз. Қадрбек ака жуда ақлли одам, сезгир. Мен онда-сонда майдонга ўтиб, турник-пурникка осилиб қоламан-да. Ўшанинг кўз остига олиб қўйган эканлар. Ҳали сиз келишингиздан олдинроқ... Хуллас, мен сизни мактабимизга келганингиз билан табриклайман!

## 51

«Тарих кабинети» йўлакнинг адоғида. Баҳодиров очиб, Мунирани таклиф этди.

Мунира Термизда ишлаганида ҳам, Сариқамиш-далик чоғидаям «тарих кабинети»га айрим эътибор билан қарар, хонани тарихий ҳужжатлар, суратлар билан аёлларга хос тарзда безар, уларнинг ҳаммаси бу хонада ўтиладиган машғулот мавзулари ва маъносини ифодалашга хизмат қиларди.

Бу кабинетда тўрда эски шкаф. Шкаф деразаси ортида «ГТО нормасини топширдингми?» деган ёзувли плакат. Шкаф устида ўрам-ўрам хариталар. Дераза тоқчасида мингбўғин ўсимлигининг нақши қолган бир палахса кўмир. Уртадаги столга қизил алвон ёпилган, унда-бунда партия съездларида ўқилган маъруза — брошюралар.

Шундоқ мақталган мактабнинг «тарих кабинети» шу?

Деразалар ўртасида битта ром. Унда граждандар уруши қаҳрамонларидан бири. — Абдулла Набиевга бағишлаб чиқарилган фотомонтаж.

Мунира ром қаршисида бир дам туриб қолди. Суратларга тикилди.

Биттасида кичкина қабр. Устида мармар тош ва гулчамбар. Атрофида пионерлар сукут сақлаб туришибди.

— Булар қаердан? Пионерлар?

Баҳодиров унинг ёнига келди:

— Уша ёқдан... Фаргонадан! Ҳар йили келишади. Зиёрат қилиб кетишади. Абдулла Набиев асли қўқонлик-ку?

Мунира Абдулла Набиевнинг Сурхондарёга Комсомол Марказий Комитетининг вакили бўлиб келгани-ю, Бойсунда комсомол ячейкаларини мустаҳкамлаш мақсадида чўлдан ўтиб бораётиб Беш Эркак довонида қурбон бўлгани — у ерда дам олиб ётган Салом Калта қўрбоши томонидан отиб ўлдирилиш тафсилотларини биларди.

Термиз «тарих музейи»да ишлайдиган битта рус аёлниг ҳикоя қилишича, Набиевнинг камари ҳамон кимнингдир қўлида сақланаётгани ҳақидаги миш-миш ҳам унга маълум эди.

Босмачилар уни отиб ташлаб кетишгач, овулдан тушган болалар мурдаларнинг кўзга яқин нарсаларини олишган, ўшанда биттаси Абдулла Набиевнинг камари билан тўппончаси ғилофини ҳам олган эмиш...

— Булар қўқонлик пионерлар, денг?

— Ҳа. Ўлдирилган жойи шу ерда. Кўмилган жойи Бойсунда. У ерда ҳайкалиям бор! Уша қотилдан қасос олган кишини ҳам биларсиз? Эшниёз амин. Салом Калтанинг бошини олган, кейин найзага санчиб Миршодига олиб ўтган. Э-э, қизиқ замонлар ўтган. Кейинчалик Эшниёз аминнинг ўзи ҳам йўқотиб юборилган.

Эшниёз бий номини Сурхонда яшаётган ҳар бир кекса-ёш билади, уни ўзларининг қаҳрамони сифатида эъзозлашади.

— Уша Эшниёз амин оқланиптимиш.

Мунира ялт этиб унга қаради:

— Рости биланми?

— Мана, совхоз парткоми Эминов гапириб қолди. Бойсунлик ўқитувчилар Москвагача ёзишибди,

Эшнӣёзнинг ўғлиям ариза ёзибди. Кейин оқлашибди.

— Йигирма еттинчи йилда биринчи марта «Меҳнат Қизил Байроқ ордени» олган...

— Билар экансиз.

— Оз-моз.

«Билиш керак, билиш керак,— ўйлади Мунира. — Камарини ҳам топиш керак бўлса. Бу ишнӣям кимдир қилиши керак-ку? Бу стендни ўзгартирмам... Каттароқ қиламан. Эмилов билан гаплашиш керак. Бойсунгаям хат ёзиш мумкин. Эшнӣёз амининг хотирасини тиклаш керак».

— Айнобиддин ака, ўзимизнинг «СССР тарихи», «Ўзбекистон тарихи»дан ким дарс беради?

— Мен... яна битта киши.

— Бир гаплашиб олар эканмиз-да. Яна нималарингиз бор?

— Нима бўларди, мана, брошюралар. Аनावи шкафда китоблар бор.— У илдамлаб бориб, шкафни очди. Китобларни олмоқчи бўлди-ю, чангини кўриб, қўлини тортди.— Ишқилиб, шулар-да. Энди, Мунираҳон, мен ўзимнинг кимлигимни айтдим. Кўра сиз, мен спортни кўтариб юбораман. Спорт зали, спорт кабинети... гуллатаман ҳали! Тўғарақлар ташкил қиламан!

Мунира китоблар устида турган бир ўрам эски қоғозларга тикилди.

— Улар нима?

— Декретлар. Тарихий обидаларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги декрет ҳам бор.

— Ушаларни олинг, ўшани!

Баҳодиров қоғоз ўрамини чиқариб, шкаф биқинида пуфлади. Столга келтириб очди. Ана, «Тарихий обидаларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги декрет». Лениннинг имзоси, 1918 йил.

Мунира азиз бир кишисининг пешанасини силаётгандек, декретни кафтида ёзиб, битгикларга тикилди. Ичидан тўлқинланиб келган қувонч унинг томоғини бўғди.

— Бу декрет, биласизми, Айнобиддин ака, бу қандай улуғ декрет!— деди.— Сизга бир мисол айтаман. Мана бу декрет ўн саккизинчи йилда чиқ-

қан! Ұн бешинчи йилда эса, инқилобдан атиги икки йил аввал иккита шахс орасида шундай суҳбат кечган... Балки эшитгандирсиз?

— Ким у? Кимлар?

— Туркистон генерал-губернатори билан археолог Вяткин.

— Негадир қулоғимга чалинмаган.

— Вяткин. Улуғ рус археологи! Улуғбек расадхонасини очган киши. Ана ўша киши бир кун геноерал-губернатор ҳузурига киради. «Жаноб губернатор! Самарқанддаги осори-атиқалар қулаб тушяпти. Уларни тиклаш керак, таъмирлаш керак», дейди. Чунки у билади: бу нарса бутун бир халқнинг ўтмиши, бойлиги, санъати... Вяткин жуда улуғ одам бўлган. Жудаям! Хуллас, жаноб губернатор нима деб жавоб беради? Ўша осори-атиқалар қанча тез емирилиб йўқ бўлса, бизга шунча яхши. Халқ ўзининг кимлигини билмагани яхши, деб жавоб беради... Бу сўзлардаги даҳшатни ҳис этяпсизми?! Бутун бир халқнинг ўтмишини йўққа чиқариш! Сўнгра унга «сен ёввойисан», дейиш.

— Ҳ-ҳ. Жуда ёмон-ку бу, а?

Мунира чуқур нафас олиб сукут қилди. Сўнг хотиржамлик билан ҳикоясини давом эттирди:

— Ўша воқеадан кейин икки йил ўтгач, инқилоб бўлди. Улуғ Октябрь революцияси ғалаба қозонди. Доҳиймиз Ленин ер халқниқи, сув халқниқи. Батан халқниқи деб декретлар чиқарди. Ана ўшандай улуғ ишлар қатори мана бу декретни ҳам чиқарди: ўтмиш обидалари, ёдгорликлари давлат муҳофазасига ўтди. Уларни тиклаш лозим. Буларни атай бузадиган кишилар жиноий жавобгарликка тортилади! Бу сўзларнинг маъносини ўйланг энди. Ҳақиқатан ҳам шундай бўляпти ҳозир! Лениннинг инқилобдан кейиноқ бир халқнинг... халқларнинг ўтмиши, осори-атиқаларини сақлаш, уни авлодларига етказиш, халққа ўзининг ўтмишини кўрсатиш тўғрисидаги бу фармонини қандай баҳолаш мумкин?

Мунира қўллари қалтираб, декретни олди. Доскага обориб ёпиштирди:

— Мана. Дарс маҳали бу декрет мана шундай жойда баралла кўриниб турса, қандай яхши!— У

декретни олиб, столга қайтди.— Биз ўйлашимиз керак, ўйлашимиз. Болаларни тарбия қилиш осон нарса эмас. Улар ҳозир бошқача замонда яшайпти. Утмишни билишмайди! Уни билдириш керак... Кўзларига кўрсатиб қўйиш керак. Ана ўшанда биз мақсадимизга етамиз: улар чинакамига тушунади, социализм нима, озодлик нима, тенглик нима — тушунишади! Ҳозир улар мана шу нарсаларга ўрганиб қолган. Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ деганларидек, тузумимизнинг, дунёимизнинг қадрига кўпда етавермаслиги ҳам мумкин.

## 52

Қум барханлари. Илонизи йўллар.

— Шу йўл билан тез етиб борамизми?

Итолмас бош ирғади:

— Ҳа. Областга шошилинич чақиришганида, Уктам акамни мана шу чўлдан олиб ўтаман. Ҳе, янги йўл битсин, ака. Термиз билан орамиз бир қадам бўлиб қолади.

— Шошма! Ҳозир тўғри совхозга борамизми?

— Ҳа-да. Сиз районга тушамиз, деганингиз учун у ёқдан юргандик.

— Йўқ-йўқ! Айтдим-ку, идорада ҳеч ким йўқ экан. Районга ҳайда, ука. Мен албатта шефимга учрашим керак... Ҳалиям кечикиб кетдингиз, деб ўтиради. Районга бур!

— Хўп.

— Районга ҳайда. Агар жуда шошаётган бўлсанг, мен районда қоламан. Сен кўч билан қишлоққа қайтаверасан.— Унга тикилди Содиқ.— Ушланиб қолишим мумкин-да. Кейин Уктамжонга бир қўнғироқ қилиб қўяман. Сенга малол келмаса, юкни бизнинг уйга обориб туширасан. Борганимдан кейин ўзим жойлаштириб оламан.

— Майли.

— Ҳайда тезроқ! Бўлганимизча бўлдик энди.

— Қишлоққа борганда, Кампиркўлда бир чўмилиасиз.

— Тўғри. Итолмас, ҳали келаётганимизда битта

гап айтдинг. Уктамжондек ажойиб йигит билан нега уришиб қолдинг? Айб ўзингдан ўтдимми?

— Айб биздан ўтмайди, ака.

— У... нима қилувди?

— Ҳе, энди... йигитчилик-да. Бўлади-да!— У бирдан Содиққа қаради.— Ҳеч гап ўтгани йўқ. Шундай... бўлади-да энди.

«Йигитчилик, деди. Демак, аёл билан боғлиқ».

— Майли, ука. Айтмасанг, айтма. Мен гапингни эшитиб ҳайрон бўлдим-да.

— Мана, шогирдингиз келди.

Сабоҳат беҳоллигиданми, анча вақт тин олиб қолган, врач эса кетишга шошилмас эди: нега кетсин?

Ахир, уни кўп йиллардан бери қийнаб келаётган бир муаммо шу ерда ечиладигандек бўлиб турибди-ку?

— Бойбўри!— деди Сабоҳат ва врачга ҳам ялт этиб қаради:— Беринг энди.

— Хўп-хўп.— Шамшиддинов ўрнидан турди. Дераза қошига келди. «Аптечка»ни очиб, кичкина катакчадан витамин тўла шишачани олди. Тиқинини очиб, тўрттасини кафтига тўкди. Сабоҳатнинг ёнига қайтди.— Мана. Бу бошқача... мазаси яхши, — деди.— Кечирасиз, Сабоҳат, наҳотки ҳаёт ширин бўлмаса?

Сабоҳат унга тикилди:

— Мендан куляпсизми? Келишдик-ку? Қани, менга беринг.

Сабоҳат қўлига олгач, бир нафас жим қолди: «Қадрбек акам тўғри айтган, бу яхши одаммас. Бари бир бермаслиги керак эди... Йўқ. Ахир, ўзим илтимос қилдим-ку? Куним битган! Ўзиям сезиб турибди».

Бойбўри нималар бўлаётганини кўриб, эшитиб турса-да, ҳеч нарсага тушунмас, у Сабоҳат опаси ўзига берадиган саволни кутар ва унга қандай қилса ишонарли жавоб беришини ўйлар эди.

— Ҳозир ичасизми?

Сабоҳат титради, табассум қилди:

— Йўқ. Раҳмат, Қамар ака...— унинг қошлари бирдан учди:— Кечирасиз, бир нарсани сўрасам. Сизда кўп огир касалларни даволайдиган дорилар бор. Уларни сотасиз... Майли сотсангиз! Лекин сиздан ололмаганлар, сизни танимайдиганлар қандай аҳволда? Сиз наҳотки ўшаларни ўйламасангиз?

Шамшиддинов Сабоҳатдан кутган энг муҳим гапини энди эшитгандек бўлди.

— Ўйлайман,— деди.

— Ўйлаган одам бошқача иш қиларди. Рай-здравгами, облздравгами ўз сирларини билдирарди. Эҳтимол уни илмий иш қиларди.— У/ғамгин хўрсинди.— Юрак касаллари, рақ касаллигига шифо топиш учун совет олимлари билан Америка олимлари шартнома тузишди-ю...

— Уша шартномани ўз ходимларимга ўқиб берганман.

— Илми бўлиб унга амал қилмаган киши тухум қўйиб бола очмаган товуққа ўхшар экан, дейди ҳазрат Навоий.

— Сабоҳатхон, ўзингизни ўйланг. Мен энди дориларим учун пул олмайдиган бўлдим! Ҳа... Ҳамма нарсам етарли, мерос ҳам қолдираман.

— Лекин билимингизни мерос қолдирмайсиз?

— Мен бу тўғрида ўйлаб кўрганам йўқ. Мени бошқа масалалар қизиқтиради. Сиз охириги саволимга жавоб беринг. Йўқ, бу йигитча билан гаплашиб олинг аввал.

## 53

Эминов пунктдан бўш қайтган машина кабинасида адирга чиқиб кетган эди.

Бу йигит мана шундай чексиз жойларда киши билмас ҳордиқ олади.

Хаёлида болалиги ўтган Миршоди, унинг теварагидаги паст-баланд тепаликлар, улар бориб туташган уфқ гавдаланаверади.

Сўнгра фикри майда моллар чанги каби тўзиб, аллақандай шовқин-суронларга йўғрилиб кетади. Бирданига кўз олдида етим болалар уйининг баланд

дарвозаси кўринади. Ҳовуз, унинг атрофига қўйилган оппоқ чойшабли каравотлар, ҳамма вақт бўккан нон ҳиди анқиб турадиган емакхона.

Эминов етим болалар уйда эсини таниган. Сўнгра мактаб, педтехникумда ўқиган. Техникумни битиргач, у ерда қоровул маошини ҳам олиб, икки йил ишлаган. Кейин институт. Стипендияга куни ўтмаган чоғлар. Вокзал, кўмир тушириш.

Эминов ҳаётида кўп одамларни кўрди. Қийналди, камситилган чоғлари ҳам кўп бўлди. Натижада анча сермулоҳаза ва эҳтиёткор бўлиб ўсди.

Йироқ адир устида Қурбонбердининг оқ ўтови ва капаси кўринди. Берироқда атрофи чипта девор билан қуршалган мол қўраси. Ўтов олдидаги ерўчоқдан тутун бурқсир эди.

«Уйда, аёли уйда», ўйлади у ва шофёрнинг тиззасига урди:

— Тўхтат машинангни! Бу ёғига пиёда кетаман!

У тушиб, шофёр билан хўшлашди.

Ёлғиз оёқ сўқмоқ. Эминов алланечук шаҳарча майин юриш билан ўтов сари йўл олди. Сўқмоқ бўйларида айиқтовонлар ўсган. Уларнинг тахир — ўткир ҳидлари димоққа уради. Теварак шу қадар кенг, бепоён кўринадики, унда-бунда чулдирашиб учаётган сўпитўрғайлар кишига ёлғизликдан нола чекаётгандек туюлади.

Йўлакай кавракни синдириб олиб, ён-веридаги похлардан холи қилди.

— Ҳў, бой бобо! — қўра ёнида туриб овоз берди у.

Кападан Қурбоннинг боши чиқди, сўнг ўзи ўрмалаб чиқди. Қаддини ростлаб тиржайди.

— Хаёл билан... Келаверинг. Ит йўқ.

Эминов каврак поясини ташлади.

— Мол қани?

— Жиянимиз суғоргани дарёга эндириб кетди.

Улар қўш қўллаб кўришишди. Қурбон уйга йўл бошлади. Эшик оғзида туриб, илтифот қилди:

— Утинг, партком бобо... Ечиниб ётасизми. Утаверинг. Бу кигизни нимага тўшаб қўйганмиз.

Эминов Қурбоннинг ўтовига биринчи кириши эди. Остонада тўхтаб жиҳозларга кўз солдию Қур-

боннинг аёли... ҳақиқатан ҳам иморатга ишқибоз эканига иқрор бўлди.

Тўрда бир тахмон юкнинг ёнида ёзув столи, устида телевизор. Телевизор устида «спидола» приёмниги. Унг ва сўл тарафларга сўзана тутилган.

Эминов тўрга ўтиб, кўрпачага ўтирди. Уй ичини тагин бир бор кўздан кечирди ва ичида хурсанд бўлиб кетди: бу ўтовга — қийшиқ увуқлар, эшик тепасига илиб қўйилган қорин, саноч ва ерга тўшалган гулдор кигизга мана бу телевизор билан радио жуда ярашар экан.

— Қурбон,— деди Эминов жойлашиб ўтириб.— Ҳамма нарсангни бут қилиб олибсан. Энди битта машина олишинг қолибди-да?

— Э, ака, машинаям бўлади. Ўзи шу кунларда машинам чиқиб ётибди. Келинингиз кетиб қолган.

— А?

— Ҳа. Кеча келсам, отланиб турибди... Бор, кетадиган бўлсанг, кет, дедим. Уям кетди-қолди.

Эминов чўпонга тикилди ва унинг ич-ичидан азобда эканини пайқади.

— Ҳечқиси йўқ, кеп қолади,— деди.

— Кемай қаёққа кетар эди... Отасининг уйида нима бор унга. Уй-жойи бу ерда бўлса...

У алам билан гапирар, чамаси ўз сўзларига ўзини ҳам ишонтирмоқчи бўлар эди.

Эминов чўпоннинг хотини ҳақ эканига ўтган йилиёқ амин бўлган эди: тўғри-да, чўпон дегани қачонгача ўтовда, қапада яшайди?

Қанчадан қанча чўпонлар иморатларга кўчиб ўтди. Ҳатто баъзилари яхшироқ иморатга ўтаман, деб талашди ҳам.

Қурбон бўлса, ўжар. Ўтов яхши, иморатда сиқилиб кетаман, дейди.

Шунда у бирдан Исҳоқ чолни эслаб қолди-ю, Қурбоннинг бу ишларини чолнинг эски кулбасидан кўчмайман, деб тихирлик қилганига ўхшатди.

— Қурбон,— деди Эминов ўйланиб.— Айтчи, мабодо келин келмай қолса, унда нима қиласан?

— Нимага келмас экан?— пўнғиллади у.— Келади.

— Сизлар бир-бирларингни севиб турмуш қургансизлар-а?

Чўпон очилиб кетди.

— Уни аста айтасизми! — деди ўрганиб. — Мактабда ўқиғич эди. Биз сал тилга тушиб қолдик. Чақириб, ўқувчилар билан учраштиришди комсомолдагилар. Шунда келинингиз бизга қизиқиб қолган экан. Учрашдик. Менгаям ёқиб қолди. Шу кезларда унинг гапи бўлакча эди: тоғларни севаман, даштларни севаман, деб юргич эди! Келди, кўрди. Бир йил яхши яшадик. Кейин айнади-да, ака... Ҳамма бало шундаки, менимча, районга тортаяпти! У шаҳарда катта бўлган. Ким билади, бу ерда чидай олмаптимми... Ундай десам, гапи бошқа.

— Тоғда қийналмадимми?

— Йўғ-э. Фақат бир марта полвон қўрқитибди. Ҳе, гап ундаям эмас. Шаҳарлигига боряпти-да! Жон ака, бир ёқли қилинг. Ҳозир тоза бошимни йўқотиб қўйдим. Ишдан ҳам кўнглим совиб бораяпти. Мол ҳам кўзимга кўринмай қолди. Тутуним чиқиб кетяпти. Яхши келдингиз. Ўзим ҳам сизни кутиб ётган эдим.

«Яхши кўради, ундан ажралиш ақлига сиғмайди ҳам», — Эминов шу хулосага келгач, сўради:

— Полвон қўрқитди дедингми?

— Айиқ-да.

— Э... Тоғда кўп ҳайвонларни ўз номи билан аташмайди-я?

— Ирим қилишадими, ўзимам билмайман. Бўриниям бўри демайди.

— Жондор дейди.

— Ҳа. Ака, нима қилдик энди?

## 54

Содиқ районда қолиб, «Болалар бўлими»ни излаб кетди. Боғнинг ичида экан. Чойхонадан ўтиб, бурчақда тескари қаратиб қурилган учта деразали уйчага етди. Айланиб ўтди. Эшиги... қулф.

Унинг бирдан жаҳли чиқиб кетди-ю, шу заҳоти ўринбосарининг йўқлигидан мамнун бўлди: ҳозир

бориб Ғиёсовга учрайди. Нега кеч қолдинг деса, ёрдамчимни кутиб идора оғзида узоқ ўтирдим, дейди.

Лекин у милиция дарвозасидан кириб, қорача кўзлари ола-кула сержант ўзининг ёрдамчиси экани, ҳозир Ғиёсовнинг ҳузуридан чиқиб келаётганини эшитди-ю: «Майли,— деди ичида.— Ростини айтавераман. Мени еб қўядими у саводсиз!»

— Сен шу ерда мени кута тур!— У бошлиқ ўринбосари кабинетига йўл олди.

Ғиёсов уни кечагидек очиқ чеҳра билан қабул қилди. Креслога ўтказиб, жилмайди:

— Ишлар қалай?

— Иш энди бўлади-да,— деди Содиқ.— Район ичини айланиб чиқдим. Бозорни кўрдим. Биласиз, бу нарсалар керак менга. Кинохонага мўраладим. Хуллас, бошқа ишларниям бир ёқли қилдим.

— Бекатга борибсан. Жойлашибсан. Аёлинг-иям мактабга жойлаштирибсан,— деди Ғиёсов.— Тўғрими? Директордан танишим бор демайсанми, кеча ўзим қўнғироқ қилиб, унга билдирардим!

Содиқ унга ёмон қаради.

— Мени кузатяпсиз-а? Биладан. Уктамжон билан ҳам тилингиз бирдир?— шундай деб жаҳл билан ўрнидан турди:— Менга ишонасизми? Ёки бу ердан кетайинми? Хўп. Жуда яхши билдик... Уста одам экансиз, бизнинг тарихимизни билиб опсиз. Бўлди-да, энди. Нима, умрида битта хато қилган киши яна ўша хатони такрорлайверадими? Мен ҳам одамман. Мендаям виждон бор. Яхшилик, ҳалоллик нималигини биладан. Биздан ҳамма вақт ана шу нарса талаб қилинади... Тўғри, ахлоқ нормасини бузадиганлар ҳам учрайди. Ўзим ҳам билмасдан бузганман. Лекин ёшлик қилганман. У ёғини сўрасангиз, ўша ишларда менинг айбим йўқ ҳисоби. Бир иш бўлди кетди-да.

Бошлиқ ўринбосари жилмайиб қўйди.

— Хўп, сенга бир нима дедимми?— деди.— Утир. Нега қизишасан?

— Унақа бўлса, мени кузатиб нима қиласиз?

— Ҳовлиқма. Сен шубҳаланадиган бўп қолган кўринасан. Сени кузатиш хаёлимдаям йўқ.

— Унда...

— Кеча Ўктамжон билан Бекатга борганинда, кимни кўриб эдинг? Маориф мудириними? Балли. Мен бугун эрталаб ўша одам билан гаплашдим. Аёлинг хусусида. Мактабга жойлаштириш керак-да... Эшитишимга қараганда, Мунираҳон яхши тарихчи эмиш. Ундай ўқитувчи ўз ишини қилиши керак-да?

— Раҳмат. Ўша киши айтиб бердиларми?

— Ҳа. Мен айтган гаплар бўлишини уям тахмин қилди.

Содиқ бирпас жиҳ ўтирди. Сигарета тутатди. Бошлиқ ўринбосари столидаги картон қутичадан қоғоз олиб, кулдон ясади.

Содиқ ҳовлига қайтиб чиққанида ёрдамчиси скамейкада ўтирарди. Ирғиб турди.

— Кетдик, — деди Содиқ. — Гараж қайси томонда?.. Майли, қўявер. Кейин келасан. Мотоциклини оласан. Танишларинг кўпдир? Биронта механикка кўрсатасан. Кетдик. Нега менга олайиб қарайсан?

— Йў-йў-йў, — деди сержант.

— Исминг нимаиди?

— Уроқ.

— Юр, Уроқбой!

Улар кўчага чиқишди.

Уроқбой бир жиҳати марҳум Муродовга қариндош бўлиб, у одамни ёшлигидан «Болалар бўлими»да кўрар, хонада фақат ўша одамгина бўлиши керакдай, унинг ўрнини ўзга киши олиши мумкин эмасдай туюлар эди.

Муродов тоғда адашиб қолган олти яшар болани топанан, деб отланиб чиққанда, Етим чўққи бетидаги зовда шотидан учиб кетиб нобуд бўлди.

— Хўш, бўлимда нима иш қиласизлар? Бир бошдан гапир. Тўхта, анави «Москвич» кимники, сариқ машинани айтяпман? Маориф мудириники эмасми?

— Ўша!

— Хўш? Нима иш қиласизлар?

55

— Бойбўри, дарагини топмадингми?

Бойбўри Сабоҳат билан врачнинг гап-сўзларидан энди қандайдир даҳшатга тушиб ўтирарди. Биттаси

ҳаёт ширин эмасми, дейди. Биттаси келишганмиз-ку, деди. Нима бало, Сабоҳат опаси ўлаяптими?

Бойбўри ҳушёр тортиб кетди.

— Йўқ, опажон,— деди пешанаси тиришиб.— Суриштирдим. Энам ҳам унақа расмни билмас экан. Айтганингиздек, бир вақтлар бўлар экан. Ҳозир йўқ.

«Бу бола бошқача. Бу бола изламайди. Бу бошқа руҳдаги бола», ўйлади Сабоҳат ва кўзларини катта очди.

— Сен ҳали ўзинг... севадиган шеърларнинг ҳам кадрига етмайсан!— бўғилиб шивирлади у.— Гўдак-сан. Ешинг ўтиб, бир жойга боргандан кейин буни ўйлаб қоласан... Сен ҳали адабиёт тарихини ҳам билмайсан. Шуни эсдан чиқарма, барча улуғ шоирлар эслари кирганда, халқ оғзаки ижодига қайтиш-га. Пушкин ҳам, Ҳамид Олимжон ҳам. Ҳамид Олимжоннинг услубидаги халқчилликнинг сирини нимада, биласанми? Ғафур Ғулломдаги содда дониш-мандлик нимадан?.. Ўзбекнинг «Алпомиши»ни чет элларда «Иллиада», «Одессея» дostonлари билан тенглаштиришади. Мен сенга узоқни яқин қилмоқчи эдим. Ҳозирдан ўрганиб борсанг, кейин енгил бўлади, дер эдим.

— Опажон, мен... мен халқ оғзаки ижодини ҳам яхши кўраман.

— Яхши кўрган киши бунақа бўлмайди! Ватан Ватанимни севаман! деб лоф-қоф урган кишида ҳам бу сўзларни айтмаёқ унинг учун жичча хизмат қилган кишилар улуғроқдир!

— Яқинда, каникулда Куйтаннинг устида бўлдим.

— Овулларингдами?

— Ҳа.

Сабоҳат беҳол тортиб кетди. Яна кислород си-миришга тўғри келди. Лекин шундан сўнг гапириш-га мажоли қолмагандек шифтга тикилиб қолди.

Ола Чопон... Йўқ, Ола Чопонда халқ қўшиқла-рини кам эшитган. Айниқса термаларни Қўшбулоқ. Уша машҳур Эшниёз бийнинг юрти! Утовлар, капалар. Дўнгликлар.

Сабоҳат оилада ёлғиз фарзанд бўлгани учун ота-

си унга «улим», деб мурожаат қилар ва қўшни қишлоқларга ҳам ўзи билан олиб чиқар эди. Отанинг ўзи ҳам гоҳо дўмбирада куй чалиб терма айтгани учун қўшиқчи бахшинамо кишилардан дўсти кўн эди. Улар сафарга чиққанда кўпинча тепалик устидаги хирмончилар ҳузурда тунаб қолишарди.

Ота хирмончилар билан гурунг қилар, Сабоҳат қапа ёки чайлада каттакон хум биқинида ғужанак бўлиб ётар, эркакларнинг секин гангир-гунгур суқбатига қулоқ тутар эди.

Ушанда осмон жуда яқин кўринар, юлдузлар оппоқ ярқираб турар, йироқлардан итларнинг чўзиб хуришлари эшитиларди. Атроф жимжит. Бу жимжитликни бузиб чигирткалар чириллар, ердан наमत ҳиди келар, унга қўшилиб ивиган ғумай, топталган буғдой ҳиди анқир эди.

Бўш қўйилган ҳўкизлар кутирлатиб дон ер, ондасонда пишқириб қўйишарди.

Сабоҳат қачон ухлаб, қачон уйғонганини билмас, уйқуси бузилганда, хирмончининг «майда-ё, майда» деб бошланадиган ҳорғин қўшиғи унинг қулоғига кирарди:

Майда, майда, майда бор.  
Бундай майда қайда бор,  
Бу хирмонни бўлган сўнг  
Ўтли, сувли сойга бор.  
Майда, майда, майда-ҳо.

Паст-пастгина тепалар,  
Унга ёмғир сепалар,  
Қадрингни билмаганлар  
Қабирғанга тепалар,  
Майда, майда, майда-ҳо

Қорнигинанг қозондай,  
Қиприқларинг сўзандай.  
Мўнгиллаган овозинг  
Мулла айтган азондай.  
Майда, майда, майда-ҳо,

Олтин туёқ олмасим,  
Ўзгир отдан қолмасим,  
Майда қилиб яначабер,  
Ишлаб чарчаб толмасим.  
Майда, майда, майда-ҳо.

Қўшиқ гоят бир алфозда босиқ айтилгани учун  
Сабоҳатни тагин ухлатиб қўяр эди.

56

Сабоҳат бошини бурди. Кўз ўнги айланиб кетди.  
Номаълум нуқтага тикилиб турди. Ниҳоят, хона  
равшан тортиб, ўзига тикилиб турган кишиларни  
кўрди: Бойбўри! Униси — врач.

«Врач... Нега кетмайди-я бу одам? Дорини берди-  
ку? Ё менинг қандай ўлишимни кутяптими? Қизиқ...  
Мен ахир, ҳали ўлмаслигим керак-ку?»

— Бойбўри.

— Опажон, эшитиб турибман. Нима қилай, яна  
суриштирайми?

— Йўқ, — шивирлади Сабоҳат. — Йўқ. Сен бош-  
қа иш қиласан. Бошқа иш... Мен васият қиламан.  
Энамлар, холамлар шу ерда садр тушишади. Била-  
санми? Ана шунда улар ўзлари садр қўшиғини ай-  
тишади! Сен бўлсанг бир чеккада ўтириб ёзиб ола-  
сан. Хўпми? Мени алдама... Илтимос! Қамар ака,  
сиз ҳам эшитдингиз-а гапимни? Бу болага тайин-  
ланг. Эсидан чиқиб қолса, эслатинг... Кейин ўша қў-  
шиқни ёзаётганингда, сўзларини тузатма, бузган  
бўласан! Қандай айтишса, шундай ёзиб ол. Бунда  
ҳикмат кўп. У жуда қадимги қўшиқ бўлгани учун  
ҳам қимматли, қимматли... сўзлар. Ташбеҳлар, ўх-  
шатишлар. Улар географик характерга эга. Унда  
одамларимизнинг ҳаёт тарзи ҳам акс этган бўлади.

Бойбўрининг йиғлагиси келди: ўлаётган одам  
ҳам шунақа бўладими? Айтмоқчи, опаси ўладими,  
а? Унга ким маслаҳат беради кейин?

Йигитча азбаройи ўқитувчисига раҳми келгани  
учун ҳам унга «Мен энди халқ йўлида ёзаман», дей-  
ишига оз қолди.

Шамшиддинов Сабоҳатнинг устига энгашиб қа-  
ради-да, аста қўлини олди, томирини кўрди: томир  
тўхтаб-тўхтаб, жуда секин урмоқда эди.

— Сабоҳат? — иккиланиб товуш чиқарди у.

Сабоҳат кўзини очди.

— Ҳа! Э, гапиринг... гапириб қолинг. Ҳали бир савол бермоқчи эдингиз. Нимайди у? У муҳим гап бўлса керак. Охирги савол дедингиз. Мен ҳам...

Шамшиддиновнинг энди савол бергиси йўқ эди.

— Хўш,— қистади Сабоҳат.— Айтинг энди.

— Сиз шундай нозик вақтда эл ғамини еб турибсиз,— деди врач.— Буни қандоқ тушунсам экан? Сиз шу ишни атай қилаяпсизми? Ёки?..

Сабоҳат кўзларини юмди: савол тўғри. Нега шунақа қилаяпти? Халқ ғамини ейиш? У бу нарсани сираям ўйлаётгани йўқ-ку? Садр тушиш маросими истеъмолдан чиқиб кетган. Баъзи жойлардагина қолган. Ўзи истеъмолдан чиқса майли, лекин маросимда айтиладиган қўшиқлар ҳам йўқ бўлиб кетади. Сабоҳатнинг истаги шуки, ўша қўшиқлар сақлаб қолинсин.

— Қизиқ,— деди у ниҳоят.— Ишонасизми, мен халқ ғамини ейиш ҳақида сираям ўйлаганим йўқ. Тўғри, ўша қўшиқлар халқнинг мулки, маънавий мулки... Лекин мен халққа хизмат қилишим керак, деб уларни сақлаш ҳақида гапирётганим йўқ сира!

— Ўзингиз беихтиёр шундай қилаяпсизми?

— Шунақа-да энди.

Шамшиддинов хабарлашиб туришга ваъда бериб, қўзғалди.

## 57

— Нима бўлади энди, партком бобо?

Қурбон бу саволни боя берганидаёқ Эминов нима қилса буларни яраштира олиши, бунинг устига, Қурбонберди ҳечқурса хотинининг истагини бажо келтириш учун бир ҳужра солишга рози бўлиши режасини тузиб қўйган эди.

— Дўстим, бу жанжалларинг эски, а?— деди Эминов.— Икки йилдан бери судралиб келасизлар.

— Шундай.

— Сирасини айтганда, бу гапни биров эшитса кулади. Жанжалга арзимади-да. Мен сенинг ўрнингда бўлсам, шундоқ меҳрибон, совуқ демай, иссиқ демай изимдан эргашиб юрадиган хотин учун бир эмас, иккита иморат солиб берардим. Ўша иморатда ўзим-

нинг яшашим шарт эмас! Лекин аёлимнинг истагини бажо келтирардим-да. Ахир бир вақтлар кишилар севимли ёрлари учун касрлар, қўшқлар қуришган!

— У замонларни қўйинг, ака. Ҳозирни гапиринг.

— Ҳозир ҳам шундай. Уйлаб кўр ўзинг. Районда эмас, областдаям донгдёр чўпонсан. Москваларни кўриб келгансан! Жаҳонгашта йигитсан!

— Энди, шу томонларига ўтмайлик-да.

— Дўстим, гапга тушунишни истамадинг,— бошлади у.— Энди мен сенга совхоз директорининг ҳам фикрини айтишим керак. Гап шундаки, биз ўйлай-ўйлай, сизлар ярашмас экансизлар, хўш... ажратиб қўйиш керак деган фикрга келдик.

Қурбон анқайиб қолди. У бу гапни ё тушунмади, ё чала эшитгандек эди. Эминов унинг бу ҳолатидан фойдаланиб, давом этди:

— Биз ҳам, дўстим, аёлингга жавр қилишни истамаймиз. Ҳуқуқда тенгсизлар. Бунинг устига, хотининг ҳам сенга ёрдамчи чўпон қилиб ўтқазилган. Уям ойлик олади... чўпон! Демак, биз иккалангаям бир кўз билан қарашга мажбурмиз. Хўш, бу фикрга қўшиласанми?

Қурбон ҳамон қотиб турарди.

Эминов унинг миқ этмаётганидан қўрқди. Лекин гапни бўшаштирмади:

— Кўриб турибсан, сизларнинг жанжалингни жамоатнинг ишигаям зарар етказаяпти. Мана, молдан ҳам совудим деб турибсан. Демак, сизларнинг оилаларинг жамият манфаатига зид келиб қоляпти. Ундай оила...

Қурбон бошини эгди, секин туриб, ташқарига чиқиб кетди. Эминов ҳам туфлисини кия солиб, ташқарига кетилди. Қайси кўз билан кўрсинки, Қурбон қападан кичкина бидон билан чиқиб, бидон оғзидан сабзини олиб ташлади-да, ичидаги суюқликни ўтовга қаратиб сепа бошлади. Атрофни керосин ҳиди тутиб кетди.

— Ҳой, ҳой!— Эминов югурди. Унга ёпишиб, бидонни тортиб олди. Четга иргитди.— Аҳмоқ бўлсан-ку?

— Ака, менга халақит бермаг,— дея чўпон

чўнқайиб ўтириб олди.— Бирларингни директор, бирларингни партком деб борибман олдингларга.— Алам билан Эминовга пастдан тикилди у.— Инсоф борми сизларда? Ахир, мен усиз қандай қилиб яшайман?

Эминов шунда ҳам паст тушмади:

— Ундай бўлса, сен ҳам гапга кўнгин-да! Нимага ўжарлик қиласан! Майли, икки хонали бир иморатни солиб қўй. Майли, хотининг кириб яшайверсин! Ўзинг қапада туравер. Қани, сабр қил-чи, у нима қилар экан.

Қурбоннинг кўзлари пирпиради. Синиқ илжайди.

— Бе, унда...

— Гап битта. Бу уйга ўт қўйганинг билан биров сенга маъқул иш қипсан, демайди. Қайтага устингдан кулади. Ўзингни ўзинг мазах қиласан. Қулоқ сол! Кейин бир умр аҳволинг ўнглаямайди. Ишонмайсанми? Жинни экан, уйига ўт қўйган чўпон шу, деб сени қўли билан кўрсатишади. Уруғларинг ичига бориб яшасанг, ҳам, мен ишонаман, сенга биров қиз бермайди.

## 58

Кун туш бўлди.

Йўлларда қатнов камайди. Чойхона ва ошхоналар гавжум. Совхоз идораси ортидаги боғда ҳам қушлар шовқини пасайди. Бутун атрофтеварақда ҳорғинлик ва эринчоқлик ҳукм сура бошлади.

Кампирқўл сокин, соҳилларига салқини уриб турибди. Кўл бўйидаги чолнинг кулбаси энди йўқ. Ғўзапоя, ёғочлар ҳам ташиб кетилган. Уйнинг ўрни алланечук сарғиш, зах. Четан қўра ёнида қовоқ-арининг ошқовоқдек ини тўнқарилиб ётибди. Кимдир этиги билан босган. Йўл қурувчиларнинг битта бульдозери ва юк машинаси шу ерда, йўл ёқасида турибди. Бошқалари Ажинатепадан нарида. Йўл қурувчиларининг ўзи кўчма вагон соясидаги қўлбола стол атрофида ўтириб тушликни кутишяпти. Вагоннинг биқинида, темир бочкадан ясалган ўчоқда қозон қайнаяпти.

— Ҳе, менга ёқмади бу қишлоқ! — деди Абдулаев. — Ҳали шу Ажинатепадан ҳам хавфим бор, болалар. Ҳе, Долварзинтепа устидаги гап-сўзларни эшитгансизлар-ку? Ухшатиб жаяжал кўтаришган эди мухбирлар!

Йигитлар бурилиб тепага қарашди.

— Нима, бундан ҳам тилла-танга чиқиб қолади дейсизми? — сўради Салим.

— Сочингни йиғиштир! Ўришингга сал қопти. — зарда қилди йўл қурилиш бошлиғи. — Ҳа, тилла-танга чиқади... Оласан. Оласан-а!

Салим ирғиб турди. Нарӣ ёққа ўтиб, қўлларини белига тираганча тепага боқди. Сўнг, — эринмаган одам, — тўғри тепага йўл олди. Лекин кўзтикалар қошига етганда оёғидаги кетасига қараб тўхтаб қолди. Сигарета тутатди ва бир-бир босиб орқага қайтди.

— Топдингми? Бизгаям бер, — деди соқоли ўсиб кетган, кир қалпоқли экскаваторчи йигит.

Салим унга нафрат билан қараб қўйди: уни ёмон кўради. Бу йигит кунига икки норма ишлайди, бунинг устига ирригация институтининг учинчи курс студенти.

Салим ким? Ун синф маълумоти бор, холос! Утган йили институтга бориб, йиқилиб келди. Чунки имтиҳонларга тайёргарлик кўра олмади. Акасининг деразаси ёнида ўтириб дарс тайёрлади. Лекин мудом икки кўзи нариги иморат деразасида. У ерда иккита қиз яшарди. Уларга шунча қарамай деса ҳам қараганини билмай қолар, сўнг жаҳли чиқиб, магнитофонда гарб қўшиқларини бақиртирарди...

Бу вақтда Қувватбеков, Аҳадова, Баҳодиров ва Муниралар кабинетда чой ичиб ўтиришар, стол четидаги доғли газетада иккита сомса ейилмай қолган эди.

Баҳодиров чойдан қуйиб, Қувватбековга узатди. Қувватбеков бош чайқаб, тортмасидан «казбек» олди. Тутатиб, даразанинг бир қанотини очиб қўйди.

Утирмоқчи бўлди-ю, сароб жимираётган ҳовлига қараб: «Сабоҳат қийналдими?» деб ўйлади. Шу заҳоти бурилиб, касалхонага қўнғироқ қилди. Шам-

шиддиновни, обед қилгани уйига кетган, дейишди. Қувватбеков унинг уйига қўнгироқ қилди.

— Нима гап? Янгилик йўқ?.. Эртагача гумон? Очiqроқ гапирсангиз-чи, ахир! Тўғри, ёнида бўлишим керак... Олачопонга одам юборганман. Йўқ, ҳаялламайман.

Қувватбеков хайр ҳам демай, аппаратга шақ эт-казиб босди, коммутаторни олди.

— Синглим, Умаралиев қаерда экан?— Қувватбеков унинг жавоб беришини кутаркан, ўтирганларга қия назар солди. Кўзи Мунирага тушди ва уни Сабоҳатга ўхшатди: «Соғлигида шунақа эди. Уйдаги расмидаям ўхшаб кетади... одам одамга ўхшайди,— шундай деб тагин унга қараб олди.— Одамлар яшаб юришибди-ку! Соғлом, тетик. Тавба!— У Аҳадовага ҳам кўз қирини ташлаб олди.— Шу аёлнинг ҳам ёши элликдан ўтиб кетган. Ўзи чекади, бекитиб чекади. Қизиқ, бу соппасоғ».— Лаббай! Ким? Ўктамжон, ҳа. Сўровдим. Шофёрингиз келмаган бўлса, ўзимизнинг грузовойни юбориб қўя қоламан. Шошмай иложим йўқ-да... Ўзим бориб келаман? Урнингизга мен директорлик қилиб тураманми? А? Ўктамжон? Раҳмат. Мен бошқа жойдан сўрайман. Хўп, хўп.

## 59

Райком секретари Қосимов ўрта яшар, калта дагал сочлари диккайган, ҳаракатчан одам. Шунинг учунми, сергайрат ёшларни яхши кўради. Ҳамма вақт уларни қўллаб-қувватлайди, улар ҳақида бирон нохуш гап эшитса, ҳукм чиқаришга шошилмайди.

Қувватбеков телефон қилганида, Қосимов ўз кабинетида учинчи секретари Шодиқул Жониқулов билан маориф мудирини Назаров тўғрисида гаплашиб ўтирарди.

— Қадрбек?— деди у ва дўстиянинг сўзларини бўлмаслик учун бир нафас жим қолди, кейин юзида жонланиш аксланди-да, давом этди: — Шунақа денг? Ҳозир машина жўнатайми? У қачон боради-ю, қачон келади. Шошманг!— У трубка микрофонини

бекитиб, Жониқуловга қаради.— Олачопсиз участка-  
сидаги ўрмончиларда рация борми?

— Бор. Энг катта участкамиз ўша-да, ўртоқ  
Қосимов. «Газик»ка ўрнатиб олган. Кучли аппарат.  
Саксон километргача олади.

Қосимов микрофондан кафтини олди.

— Қадрбек, ҳозир лесхознинг катталари билан  
гаплашамиз. Уша ёқдаги участка бошлиғида енгил  
машина бор. Уша машина ўтиб боради Олачопонга.

\* \* \*

Йўл қурувчилар ҳам тушлик овқатни еб туриш-  
ди. Ким машинасини, ким бульдозерини ҳайдаб йўл-  
га чиқди. Абдуллаев ҳам инженери Ҳасанбой билан  
юк машинаси кабинасига кирди.

Салим ўз бульдозери атрофида ўралашиб қолган  
эди. Улар орқасидан бақирди:

— Етиб бораман! Бу уйнинг куйгурнинг касали  
чиқиб қолди!

Карвон тепалик этагидаги саксовуллар ва сариқ  
толлар оралаб кетди. Салим улар кўздан ғойиб бўл-  
гунча қараб турди-да, сўнг кабинага кириб ўтирди.  
Бульдозерни шахд билан жилдирди.

Тепаликка етди. Кўзтиканларни босиб ўтиб, сўқ-  
моққа тушди, кейин тепанинг шимол томонига қара-  
тиб бурди. Бу тарафдан енгил шабада эсар, тепа  
бағрида ўсган хайригуллар эгилиб кўтарилар эди.  
Сўпитўрғайлар кўп. Улар машина босаман дегунча  
чулдириб туришади, кейин пир этиб учишади, ос-  
монда ўмбалоқ ошгандек бўлиб, тагин ярқин жойга  
қўнишади.

Одам кам юрганиданми, бу тарафда шапалоқ-  
шапалоқ баргларини ёзиб оқбарра ўсимликлари ҳам  
яллайиб ётар, бульдозер ғилдираклари босганда,  
шатиш-шутур овоз чиқарар ва улар орасидан гала-  
гала капалаклар, чивинлар учар эди.

Саксовулга етганда, Салим бульдозерни тўхтат-  
ди. Сакраб тушиб, қуш қўнмас тиканлари орасидан  
аҳтиёткорлик билан ўтди. Тепанинг бағрига кўз со-

либ кета бошлади. Баланд шўралар ўсган жойга етганда тўхтади. Уларнинг тепага тақалган тарафида ғор кўринар эди. Салим, илон-пилон учрамасин деб шўраларни оёғида қайириб, топтаб ғорга энгашди.

Одамлар бу жойда қачондир тупроқ олган. Кейин ғор босиб қолади дебми, ташлаб кетишган. Салим қаддини кўтараман деганда, ёнгинасидаги кесак ортида ётган малла ранг илон оловга тушган ҳўл ўтиндек «фиш» этган овоз чиқариб, бошини кўтарди.

Салим қочди. Илоннинг япалоқ бошидаги ёй ва унга ўтказилган патли ўқдек суратни кўзи илиб қолди.

У бульдозерига миниб, тепаликни ёқалатиб ҳайдай бошлади.

Иўлакай бир неча ғорларни кўрди, лекин энди пастга тушмади. Бульдозер гилдираклари устидан энгашиб қаради. Тепаликнинг нари томонига ўтди.

Олисида янги тушган иморатлар кўринар эди.

Бульдозерни изига қайтарди. Салимнинг ҳафсаласи пир бўлган эди. Бироқ дастлаб кўрган ғорига етганда, бульдозерни бирдан буриб ғорга қаратиб сурди. Бояги чарх илон рўпарадан ўзига отиладигандек бошини ҳам қилиб, тезликни оширди.

Бульдозернинг тумшуги ғор лабига гурсиллаб урилди. «Илон ичкарида қолди. Яна бир сурай!» У яна бир эмас, икки марта тислантириб олға сурди ва энди йўлга тушаман деганда тупроғи уваланиб турган ғорнинг шифти гурс этиб босиб тушди... ўрнидан девор очилди.

Салим тормозни босишни ҳам унутиб, анқайиб қолди: «Девор! Бу ерда девор нима қилади?» У машинани тўхтатиб, деворга тикилди.

Унда қандайдир суратлар бор эди.

«Ана аёл... Сочини юлаяптими? Униси эркак. Товут ҳам бор. Аёллар кўп-ку бу ерда? Йиғлашаяпти. Қизиқ. Бу нима ўзи?»

Салим бошини силкитди. Бир кўнгли ўзига шундоқ кўринаётгандек бўлди: ахир, тепа тўғрисида қанча гап эшитди у ҳам?

Бекатга келиб, мана шу Оқдарё ёқасига қўнишганидан бери кам деганда ҳар оқшом шу тепа тўғрисида гап бўлади.

У бир кеча: «Агар қирқин қизлар давра олиб ўйнаётганини кўрсам, худо урсин, чиқиб бораман!» деб аҳд ҳам қилганди.

60

— Назаров масаласини нима қилдик энди? Ун-гонга ёзамизми?

— Албатта!.. Лекин анави гапни ётиги билан айтиш керак.

— Хўп.— Жониқулов ўрнидан турди-ю, яна ўтирди.— Ҳозир битта гап чиқиб қолди, ўртоқ Қосимов. Лесхознинг каттаси илтимос қилди. Бекатда бир кўл бор-ку?

— Кампиркўлми?

— Уша. Лесхозники ҳисобланар экан-у, лекин вақтида қозик четроққа қоқилган экан. Шунинг учун кўлдан совхоз ҳам, лесхоз ҳам фойдалана олмай келаркан. Шунинг бизга ўтказиб берсанглар, десапти. Балиқчилик хўжалиги ташкил этармиш!— Секретарь илҳом билан давом этди: — Бу жуда яхши ташаббус! Жуда катта фойдали иш қилган бўлади улар. Ҳозир Умаралиев нима қилаяпти? Ҳеч нарса. Кўп иш қилса, бир гектар, ярим гектар еридаги қамишини ўриб олиб, хашак тайёрлайди. Умуман, у йигит...

— Хўш?

— Энди, сиз уни... ёш деб қўллайсиз, биламан, ўзингиз ишга тортгансиз, бу ёғиям бор. Лекин, жудаям ночор бола-да. Мана, икки йилдан бери пичоқ-ка илинадиган бир иш қилгани йўқ. Ҳатто бурноғи йил, хўв, сут масаласида кўпларни бузиб қўйишига сал қолди. Сўнгра унинг пахтага муносабати... жиддий масала, ўртоқ Қосимов!

— Жониқулов,— кулимсиради Қосимов,— кўрган кўзингиз шу бола бўп қопти. Сизга жудаям ёқмайди дейман?

— Менга ишни қотирган одамлар ёқади, ўртоқ Қосимов. Узингиз биласиз-ку.

— Мен ишонаман, вақти келиб, у ҳам ишни эплаб кетади. У дўмбира чертиб юргани йўқ. Узоқ-

дан эшитиб юрибман. Унинг ҳам ўйлагани бордир... Сабр қилайлик-чи. Эҳтимол ўзи келиб, ариза бериб қолар?

Жониқулов кулимсиради.

— Майли. Демак, ОблОНО билан гаплашаман. Кўлни нима қиламиз?

— Қандай жойлар лесхозга ўтиши керак, қандай жойлар колхоз-совхозларга ўтиши керак, бу тўғрида кўрсатма бордир? Адашмасам, бу масалада қарор ҳам чиққан.

— Албатта-да!

— Бошқарма билан гаплашиш керак бўлади.

Жониқулов хўрсинди, чиқиб кетди.

\* \* \*

Уктам боғни айланиб, яна шийпон ёнидаги чиқди. Катта майдон, лойсувоқ қилинган. Унга ёйиб қўйилган бўйраларда олмақоқилар. Бўлакланган олмаларни тагин келтириб тўкишаяпти, иккита қиз ёйиб юрибди.

Уктам бир-бир босиб цемент ҳовуз бўйига борди. У негадир ҳаяжонда, хурсанд эканини ҳам, хафа эканини ҳам билмас, ҳаётида катта бир ўзгариш юз бера бошлагандай эди.

Ҳовуз сувга лиммо-лим. Сатҳида олмалар қалқиб юрибди. Четда оёқларини кериб турган иккита барваста йигит олмаларни куракда олиб, «пат-пат» қилиб ишлаб турган машина дўлига ташлайди. Олмалар у ерда чирпирак бўлиб, бошқа хоначага ўтади ва нари томондан иккига бўлакляниб тушади — тагида қўлбола замбиллар.

Уктам бу олма қирққич машина ишини соатлаб томоша қилишдан чарчамайди.

Уктам бирдан атрофига аланглаб қаради: «Эминов қаерда? Э, чўпоннинг уйига кетган!»

У билан маслаҳат қилиши керак. Ҳали боғда айланиб юрганида, ўша олмазорни буздириб янги кўчат эктираркан, битта муҳим нарсага жуда ҳам эътибор қилиши лозимлигини пайқаб қолган эди: айтайлик, олма кўчатларини қатор-қатор қилиб эктирди ҳам, орасига маккажўхори, лавлаги, пиёз сеп-

тирди ҳам. Яхши! Олма кўчатлари икки йилда ҳосилга ҳам кирди, давлат планлари ортиғи билан бажарила бошланди ҳам.

Уктамнинг юзи ёруғ.

Лекин, лекин, орадан яна йигирма йил, ёки ўттиз йил ўтди дейлик. Хўш, ундан кейин нима бўлади?

Олма дарахтлари яна қарийдими, йўқми?! Ушанда уларни тагин қўпориб ташлаб, жойига ялғитдан кўчат ўтказиш керак бўладими?

Ҳеч!

Уктам бошқача йўл тутишга қарор қилган эди: қатор оралари, мисол учун, олти метр, ёки тўрт метрдан бўлса, Уктам уни саккиз метрдан қилдириб, олма тупларини ҳам бир-биридан олисроқда ўтқаздиради. Бу усулда олмалар бир жиҳатдан эркин ўсади, яхши етилади. Иккинчи томондан... Уктам ҳар уч йил, тўрт йилдан кейин анави оралиқ жойларга янги кўчат ўтқазиб боради. Бу кўчатлар вояга етиб, қариган олмаларнинг ўрнини босаверади.

Шундай қилса, бу олмazor юз йилдаям эскирмайди.

## 61

Мунира курсида бўшашиб ўтирар, эри келтирган ашқал-дашқалларга қарагиси ҳам келмас эди.

«Мен нима ғамдаю у нима ғамда.— Укинч билан ўйларди аёл.— Садқайи эркак кет. Ғурури ҳам йўқ, андишаси ҳам. Биламан, нарсаларни атай ташлаб келган. Ичида нимадир бор... Ушанда пулни ўмарганда, кетаманга тушиб қояган эди. Унинг бир ўйлаб қўйган нарсаси бор. Сираси, биз ахир бошқа-бошқа одамлармиз! Истак, интилишларимиз бир-бирига зид. Во, ажаб! Давлат, пул шу қадар ширинми? Нега у бунақа?! Оламда бошқа катта-катта нарсалар бор-ку? Унинг учун ҳаётда ҳеч нарса муқаддас эмас, у инсон қиёфасидаги... Нега ўйламас эҳаҳ-а?!»

Мунира гангиб ўрнидан турди: «Бунақалар ҳамма вақт бўлса керак. Бундан кейин ҳам бўлади. Акс ҳолда одамзод ҳозиргача фариштага айланиб кетар эди. Айниқса бизда. Тўғри яшаш учун ҳамма шароит бор. Бу ўз қўлимизда... Хар ҳолда мен бахтли-

ман! Бу бахтиёрликни у ҳеч қачон тушунма олмайди. Эҳтимол, уям ўз мақсадларига етишса, ўзини бахтли ҳис қилар?! Сўз... Тушунчаларни ўз номи билан атаб бўлмайди. Шўрлик сўз, яхшиликка ҳам, ёмонликка ҳам ёпинчиқ бўлаверади».

Адоқдаги девор устига бир гала чуғурчиқ келиб қўнди. Дод солгандек чуғурлашиб, бир-иккитаси пастга ҳам учиб тушди. Сўнг биттаси ҳавога кўтарилган эди, бошқаси ҳам гурр этиб унга қўшилди.

Аёл кўчага чиқди.

Салқин туша бошлаган, олис Сувсизтоғдаа шабада эсар эди. Тоғ бунча тиниқ? Осмони бунча кенг?

Муниранинг негадир кўнгли бузилди. У йўл ёқасидаги чанг босган ажириқлар, букчайиб ўсган қари тут дарахти, уфқни тўсиб турган Ажизатепани ҳам қучиб бағрига босгиси келди: «Ҳаёт, яхши, яхши!» — деди.

Унинг ҳеч нарса ҳақида ўйлагиси келмас эди.

Гангиб йўл ўртасида юриб бораркан, йироқдаги чинор остида таниш биров кўрингандек бўлди.

Партком секретарими? Шу аёл билан тузик гаплаша олмади.

Негадир хомуш кўринади-я? Лекин кўзларида қанча меҳр-шафқат бор!

Мунира илдамлади. Таажжуб! Аёл ҳам унга томон юриб келарди. Яқинлашди, яқинлашди. Уша! Уша.

— Опажон, йўл бўлсин?

— Сизни кўрай деб боряпман, жоним,— деди Аҳадова.— Мени афв этасиз, ушланиб қолдим. Кейин сизни йўқотдим. Уйга бордим, томоғимдан овқат ўтмади. Қани, уйингизни бир кўрсатинг.

— Кўрсатаман. Марҳамат. Лекин... сизни меҳр-меҳр қилолмайман. Уйимда ҳеч нарса йўқ!

— Хаҳ! Овқатландингизми?

Мунира аёлга тикилди.

— Йўқ.

— Унда,— Аҳадова Муниранинг тирсагидан олиб олди,— бизникига борамиз. Беш минутлик йўл! Яна қайтиб келамиз.

— Опажон...

— Хўп денг.

Аҳадова қотма, эркаксифат аёл. Ёши эллик иккиларда бор. У мактабда рус тилидан дарс беради. Эри Термизда яшайди, учувчи. Учта ўғли бор, турли шаҳарларда. Биттаси Москвада — Ҳарбий Академияда.

Хосият опа бу ерда кўп зерикади. Лекин Термизга эрини кўргани борганда ҳам бир кундан ортиқ тура олмайди. Унинг ёлғиз онаси бўларди, боғлари эски гузарда эди. Онаси ўлди, боғлари бузилди.

Аҳадова янги уйга кўчиш, ёки участка қилиш ҳақида қайғурмади ҳам. Бир вақтлар қишлоқ советининг идораси, бўлиб, кейинчалик мусофир ўқитувчилар яшайдиган уйга кўчиб ўтди.

Аҳадованинг уйи ёлғиз зиёли аёл яшайдиган уй эди. Каравот ҳам битта, ошхонадаги сочиқ ҳам. Қозон ҳам кичкина. Фақат тўрда деворга тутилган сўзана ўстига илиб қўйилган қора костюмгина бу хонадонга эркак кишининг ҳам даҳли борлигини кўрсатиб туради.

Китоблар, китоблар... Диванда ҳам, столда ҳам, дераза токчасида ҳам.

— Ҳафтада бир келадилар, — кулимсиради Аҳадова. — Нима қилиб берай? Қуймоқми? Ҳозир сизни қовурдоқ билан меҳмон қиламан! — Опа кулиб ошхонага кетди. — Боболаримиз чорвадор ўтган-да. Катта-катта қоринларга қовурдоқни ёғи билан солиб қўйишарди. Кўнгил тусаганда, олиб ер эдик! — Опа бир тақсимча тўла қовурдоқ олиб келди: — Бойсуя томонда Омонхона деган қишлоқ бор. Ўша ерда табиий холодильник бор. Ғор-да! Зина билан тушилади. Ёзнинг жазирамасида ҳам у ер муздек бўлади. Чорвадорлар қорин-қорин гўшти борми, мойи борми, ўша ғорга киритиб қўядилар. Тасаввур қиласизми, ғорнинг оғзи очиқ. Лекин биронта киши ҳам у ерга кирмайди! Ҳозир ҳам шундай. Айтишларича, бегона одам кириб, ўғирлик қилса, ғордан қайтиб чиқолмас эмиш. Одамларда инсоф бор-да, тўғрими?

— Тўғри, опажон. Ўғилларингиз ҳам келиб турадими?

— Соғинганда. Э, қўйинг! Қаерда бўлсаям омон бўлишсин, доғини кўрмайин. Лекин баъзан хафа бўлиб кетаман. Нега туғдим ўшларни, дейман.

- Бари бир сиз бахтлисиз, опажон!
- Қовурдоққа қаранг.
- Утиринг ўзингиз ҳам.
- Ҳозир нон олиб келаман.
- Опажон...
- Лаббай.
- Баҳодиров ҳам яхши киши экан-а?
- Яхши. Бизда ёмон одамлар йўқ, жоним.—  
Аҳадова тахсимчада нон келтириб қўйди, ўзи ҳам ўтирди.— Лекин у йигит бошқача! Бизда қўнғирот деган элимиз бор-да, биласиз-ку, нимага баён бераяпман. Анча кескин, бир сўзли! Айнобиддин таги фарғоналик бўлсаям, ўшалар орасида катта бўлган. Шунинг учун зўмроқ.
- Кечирасиз, ўртоқ Қувватбековни уйда нималар бўляпти?
- О, уни аста сўрамаёг.
- У кишининг аёли бир нима бўлиб қолса... ўзалари бу ердан кетадими?
- Шунақа дейди. Бугун ҳам айтди. Биз ҳам ҳайронмиз. Лекин ҳар кимнинг ихтиёри ўзида. Ўша аёли туфайли бу ерларга келиб қолган-да! Лекин роса ишлади бечора.

Исҳоқ чол тоғдан тушган таниш чўпоннинг овулига кетган эди.

Тўртта эчкисини ҳайдаб: «Кечгача кутаман. Келмаса, ўзим районга тушиб бораман», деб келаркан, эчкилар сурувда юриб арқонга ўрганмаганми, бири-бирини судраб йўлдан чиқди. Уралашиб қолди. Қария арқоннинг бир учини ечган эди, бир эчки шаталок отиб қочди. Саксовулзорга кириб кетди.

Чол қолган молларни қўйиб, қочокнинг кетидан тушди. Тутгунича кўп овора бўлди. Лекин қайтиб келаётганида, мўъжизанинг устидан чиқди.

Ажинатепанинг очилиб қолган бағридан бир неча «аёллар» унга бақрайиб қараб турар, бамисоли ҳозир девордан тушадию шўразор оралаб келадигандек эди.

Қария ёқасини ушлади.

Эчки тагин унинг қўлидан чиқиб қочди.

Мунира билан Аҳадова уйга қайтиб келишлари билан чол ҳовлиқиб уларга пешвоз чиқди.

— Қизим, мен бир сирли кўрдим,— деди.— Ана, тепада. Тавба қилдим.

— Тепада?!

— Ҳа. Биттаси трактор солган чоғи, тепанинг бир бетидан анча жой ўпирилиб тушибди, ғалати расмлар кўриниб турибди. Менга шундай кўринди-ми, дедим. Берироққа келиб қарадим ҳам, ўша-ўша.

— Отажон,— унинг билагидан ушлади Мунира.— Юринг.

Сал вақт ўтмай, учовлон букчайиб ўсган саксовул ёнида суратларга тикилиб туришар эди.

— Нима бу ўзи?— тилга кирди Аҳадова.— Рембрант чизиб кетганми, ёки Микеланжело?

— Йўқ-йўқ,— Мунира нега йўқ деганини ўзи ҳам фаҳмламасди.— Бу бошқа...

— Анави хотиннинг бошидаги нима?

Мунира тепароқдаги ёлғиз аёлни энди кўрди. У бошига дур-гавҳарлар билан нақшланган тожга ўхшаш нарса кийган бўлиб, ундай тагин иккита қулоқсимон нарса чиқиб турар эди.

Мунира энтикиб кетди.

— Отажон, мелоддан аввал туркийларнинг байроғида бўри сурати бўлган. Гуннлар Европага борганда, уларнинг бошлиқлари расмини худди мана шу суратдагидек қилиб чизишган! Олис авлодларимиз ўзларининг келиб чиқишини бўрига боғлашган. Сизга ғалати туюладими? Шунақа... Вой, нега қараб турибмиз? Бунга беркитиш керак. Ҳавога учиб кетади. Отажон, одамларга хабар бериш керак. Йўл қурувчилар қаердайкин, отажон?

— Қўшхонаси мана шу ерда, дарё бўйида. Бориб келайми?

— Жон отажон, шундай қилинг. Бульдозери борми, эксковатори борми, ҳайдатиб келинг!

Чол тепа пастидан йўртиб кетди.

— Отажон, садр тушишни кўрганмисиз?

— Бир замонлар.

— Худди ўша нарса тасвирланган бу суратда. Уртадаги аёл айтувчи бўлса керак.

— Эҳтимол.

— Ана, холос! Кеча Умаралининг уйида йўқ адингиз, шу урф тўғрисидаям кўп гап бўлганди. Айтмоқчи, Қувватбековнинг хотини садр қўшиғини ёзиб олмоқчи экан-а?

— Рост, — Аҳадова ҳаяжонланиб кетди.

— Опажон, ўша кишиниям бир кўришимиз керак... Йўл қурувчилар қўшхонасида бўлмаса-чи?

— Тўғри айтасиз. Ҳозир у ерда нима қилишади. Ишда-да. Ҳе, йўлнинг этагида!

— Борайлик... Йўқ. Буни шундай ташлаб кетиб бўлмайди. Қизиқ, бу ишни ким қилди-я? Атай қилишган, опажон. Бўлмасам нега бу ерга трактор келиши керак?

— Мунираҳон, бу нима сир ўзи?

— О, жоним опам! Бунда гап кўп!

— Шошманг. Унақа бўлса, сиз шу ердан жилманг. Мен ўзим бориб, уларни айтиб келаман.

Мунира Аҳадовани ўпиб олди.

— Раҳмат.

Аҳадова ҳам кетди. Мунир саксовул танасига суяниб қолди.

«Ажабо! Ажинатепа! Мана Ажинатепанинг сири. Бу тепалик ҳам музейга айланиши керак... Долварзинтепага ўхшаб зиёратгоҳ бўлиши керак. Албатта бу жой учун ҳам давлат маблағ ажратади. Ленин... ўша декретни чиқарганда, мана бунақа обидалар борлигини ҳам ўйлаганмикан? Во, ажаб! Бу ергаям туристлар келади. Ажойиб меҳмонхона тушади, машиналар бекати бўлади. Бекат — қандай ноёб жой бу! Мен, мен... ўқувчиларимни бу ерга олиб келаман! Ҳозир ёнимда бўлишганда эди. Майли, кейин ҳам олиб келаман. Мана, уларнинг олис ўтмиши. Уларнинг санъаткор боболаридан қолган ёдгорликлар! Ўша замонларда ўлкамиз нақадар остин-устун бўлган-а? Қанча кўтарилиш, пасайишларни кўрган. Топталган, ўзлигини эсдан чиқарган. Лекин ўзлигини яна таний бошлаган. Сенинг келажагинг порлоқ!»

Исҳоқ чол қайтиб кетди.

— Ҳеч ким йўқ, болам.

— Унда... сиз шу ерда бўлинг отажон. Мен дарров қайтаман!

Мунира ҳам йўлга тушди.

«Тавба қилдим,— ўйлар эди чол.— Қирқин қизлар... шулар эмасми? Ё шуларнинг руҳими?»

## 63

Бир соат орасида Ажинатепанинг ўпирилиб тулган бағри ёпилди. Унга тупроқ тортган бульдозерчилар: «Бу — Салимнинг иши», дейишди.

Абдуллаев райкомга чақирилганидан сал кейин Салим ҳам «кетаман»га тушиб, ҳамроҳларининг «маошингни ол» дейишларига ҳам қарамай районга қатнайдиغان автобусда жўнаб юборган экан.

— У бола ўзи бўлмас эди,— деди илженер Ҳасанбой.— Икки марта бульдозери билан йўқолиб қолди. Суриштирсак, қўшни қишлоқда одамларнинг срини текислаб юрган экан. Ушандаёқ унинг жавосини бермоқчи эдик.

Булар қайтишаётганда, Эминовга йўлиқишди. У воқеани билиб, Муниранинг қўлини қисди ва:

— Хафа бўлаверманг!— деди.— Бир ҳисобда тепанинг сири бира тўла ошкор бўлибди-ку.

Кейин бу янгиликни улардан бири райкомга, бири Термиз музейига, бошқаси мактаб директорига хабар бергани тарқалишди.

— Абдуллаев нима дер экан энди?— кулди йўл қурувчилардан бири.— Нуқул қишлоқни ёмонлаб ирим қилаётган эди.

\* \* \*

Шамшиддинов Қувватбековнинг кўча эшигига яқин борганда, ёнғоқ остидаги скамейкада унинг ўзини кўрди.

«Ўлиб-нетиб қолдими?— кўнглидан кечирди у.— Витаминни дори деб ичган бўлса, дори ўрнига ўтиб кетишим ҳеч гапмас, Йўқ, онамни кутаман деди-ку».

— Қадрбек ака, бу ерда ўтирибсиз?

— Келинг, келинг...— Қувватбеков нарига сурилди-ю, врачга чақчайиб қаради.— У гапрмаяпти! Шунга ҳайрон бўлиб, сизга қўнгироқ қилдим.

— Ўзи шундоқ бўлади,— врач скамейкага ўтирди.— Ҳали кўзидан нур ҳам кетаётган эди.

Қувватбеков бирдан энгашиб олди. Бошини сарак-сарак қияди.

— Тўғри, — деди. — Демак, яқин қопти-да?

— Телефонда айтдим-ку.

— Оналари тезроқ келсайди!

— Одам юборган бўлсангиз, келишади.

— Қамариддин, ланж одамсиз-а! Ҳеч маҳал ҳаяжонга тушасизми? Еки ўликларни кўравериб, этингиз ўлиб, юрагингиз ҳам тош бўлиб кетганми?

— Йўқ, Қадербек ака.

— Қўйинг... кечирасиз, сиз нимага ўйчан кўринасиз? Ҳаётда нимани истайсиз? Биламан, бой бўлмоқчи экансиз, бўлибсиз. Сизга ҳозир ҳамма нарса етарли. Лекин ғамгин кўринасиз?

— Қадербек ака, бу сўзингизда жон бор. Ҳим-м, мана, сиз файласуф одамсиз. Кўп ўқигансиз. Мен ҳам одамнинг физиологиясини, биологиясини биламан-у, психикасига қолганда, ожизман...

Қувватбеков қаддини ростлаб олди.

— Чатоқ, — деди шошиб. — Сиз айниқса ўша нарсани билишингиз керак! Бусиз ҳеч қачон касални қиёмига етказиб даволай олмайсиз. Бир вақтлар мен рак тўғрисида бир рисола ни ўқиган эдим. Унда америкаликларнинг рак касалларини тузатиш устидаги тажрибалари ёзилган. Ушанда айтиладики, битта машҳур профессор баъзиларга рак эканини очиқ-ойдин айтиб, кейин беморни муолажа қилар экан.

— Бу қийин, — деди Шамшиддинов. — Эҳтимол Америкада бу усул иш берар. Лекин бизда... мумкинмас! Биринчидан, бизнинг ахлоқимиз, беморга унинг касали рак эканини айтишга йўл қўймайди. Ҳатто беморнинг ўзи сөзса ҳам, уни чалғитамиз... Тўғри, энди, баъзи истиснолар бўлади. Қолаверса бизнинг шарқ одамлари анча қизиққон, серҳаяжон келади. Бизникилар ўша профессор даволаган беморлардек совуққон эмас.

— Бекор гап!

— Сиз шундай дейсиз-да.

— Шундай дейишга асосим ҳам бор. Бунга менинг хотиним ҳам мисол бўла олади. У ҳам шарқ аёли! Лекин...

— Ҳа энди, мен хато қилаётган бўлишим мум-

кин. Ваъзан кишининг феълу атвори, табиати миждо-  
ви ҳам кўп нарсани ҳал қилади.

— Ётиқоди ҳам!

— Узр, мен ҳали сиздан бошқа нарсани сўра-  
моқчийдим. Мана, айтайлик, мен билиб туриб ёқим-  
сиз иш қилдим... Уғирлик қилдим. Ишим унди. Ле-  
кин мен аима учун тагин ўша ишимдан хафа бўла-  
ман? Бунда менинг ўзимга боғлиқ бўлмаган бир са-  
баб борми?

Қувватбеков ғамгин кулимсираб кўча одоғига қа-  
ради.

— Унда одам экансиз!— деди.— Ҳа. Сиз мактаб-  
даёқ битта қонунни ўқиган бўлсангиз керак. Яъни  
жамият қарама-қарши кучлар кураши ва бирлиги-  
дан ҳаракат қилади, а? Шундай. Сиз, бу кучларни  
жамиятнинг фақат ўзида бор, улар қолоқлик билан  
илгорлик, саводсизлик билан ўқимишлилик, хуллас,  
яхшилик билан ёмонлик орасида юзага чиқади, деб  
ўйлайсизми? Йўқ! Бу қарама-қаршилик инсоннинг  
ўзида ҳам мавжуд. Унинг мияси ўзи шундоқ тузил-  
ган: у ишонади, айни чоғда шубҳаланади, у севади,  
нафратланади — мана шу бир-бирига қарама-қарши  
бўлган туйғулар уни ҳаракатга келтиради. Инсонни  
қўяверинг, табиатдаги бошқа ҳамма мавжудот ҳам  
яхшиликни ҳис этади ва ёмонликни инкор этади.  
Итни уриб кўринг-чи? Вангиллайди, сизни тишлай-  
ди. Бошини силанг-чи? Думини ликиллатади, сизга  
дўст бўлади. Демак, мана шу нарсаларни ҳис этади.  
Хўш, ўғирлик қилиб қўйиб, тагин бу ишингиздан  
ранжишингиз сабаби маълум бўлдими?.. Лекин, бит-  
та «лекини»ини ҳам айтишим керак. Сиз ўша ишин-  
гиздан ранжибсиз экан, демак, ҳали сизда яхшилик  
уругидан бор!

## 64

— Қурбон билан гаплашдингизми?

Эминов ҳикоясини тугатган эди, эшик тақиллади.

— Кираверинг!— деди Уктам.

Нонвойларга ўхшаб оппоқ соқолининг учлари сар-  
гайган, сўррайган қария ичкарига кирди ва қўлини

кўксида қовуштириб тўхтади. У Қошим мискар, аниқроғи, пайвадчи эди.

• Уктамнинг бирдан ҳафсаласи пир бўлди:

— Молни подага қўшасизми?

— Уртоқ директор,— деди мискар тавозе билан.— Мен ўша молларни семиртириб сўйиб сотиб, рўзгоримга яратаман. Хўпми? Сиздан бир сўм сўрамайман. Чилангар деб беш-тўрт сўм маош тайинлаб қўйибсиз, шунга қаноат қилиб юрибман.

— Утган йили ўғил тўйи қилиб, кўпқарисига йигирмата улоқ бердингиз. Унга пулни қаердан топдингиз?

— Унда мен мискар эдим. Даромадим яхши эди. Мисдан нақшинкор буюмлар қилиб сотар эдим. Энди бозорим касодга учради. Ҳамма алюминий товоқ-қошиққа ўтиб олди. Биласиз-ку.

Уктам кулимсиради-ю, яна унга ялт этиб қаради.

— А-а,— деди.— Шунақа бўлди-я? Лекин районда, Тошкент томонларда мис идишлар қадрланади. А, Омон ака?

— Шунинг учун ўғилларимга тайинлаганман,— деди мискар.— Мен ўлганимдан кейин бу ерда турманглар. Тошкентгами, Самарқандгами, ишқилиб, ҳунарнинг қадрига етадиган шаҳарларга кетинглар деб.

— Энди, ҳар ҳолда молгаям эҳтиёт бўлиш керак-да. Кўчатни пайҳон қилиб юрибди! Кўчатни. Инсоф керак-да!

— Болалар пахтада эди.

— Бўпти... Иккинчи бўлимга боринг, мени айтди денг. Беришади сигирларингизни.

— Омон бўлинг.

Мискар тавозе билан чиқиб кетди.

— Қизиқ-а,— деди Уктам.— Мис идишлар... ҳам санъат-ку, Омон ака?

— Мен бу нарсани яхши биламан,— деди Эминов.— Бир гал ўзигаям айтганман. Районга кўчинг деб. Райондаги маиший хизмат кўрсатиш корхонасининг ҳам, артелнинг ҳам бунақа одамлар билан иши йўқ. Жониқуловга фақат янгилик керак.

Уктам кеча Жониқулов билан учрашганини эслади.

- Омон ака, ўша одам менга чап бўлиб қолган,— деди.— Жонимни чиқаряпти.  
— Қизишманг.— Эминов унга мулойим боқди.  
— Бўпти. Борамизми боққа?

65

Мактабнинг илмий мудирини Усмонов Қувватбековнинг кўчасига етганда, машинани қолдириб: «Кетма! Керак бўласан!» деди шофёрга ва ўзи кўчага кирди.

Иқлима опанинг дарвозасидан Аҳадова чиқиб қолди.

— Ассалому алайкум, Хосият опа. Мен андак ушланиб қолдим. Маош масаласини ҳал қилдим. Ичкарида нима гап?

Партком секретари кўзлари киртайиб узоқларга қаради.

— Э, ука, Сабоҳат тилдан қолди.

— Ана холос.

Аҳадова Қувватбековнинг эшигига йўналди.

Усмонов мактаб директори Иқлима опаникида ўтирганини тусмоллади. Бироқ шу аҳволда киргиси келмади: эрталабдан бери бу ерда кўринмади. Энди Қувватбековни мамнун қиладиган бир нарса билан унга рўпара бўлсин-да!

Одамларни бу ердаги аҳволдан огоҳ, қилиш ҳам яхши иш.

Йўқ, Усмонов бошқа иш қилади.

У изига қайта солиб, кўчага чиқди. Шофёрга қарамай, кабинага кириб ўтирди.

— Мозорга ҳайда, ука, мозорга!— деди.

Бекатнинг кабристони Ажинатепадан уч чақирим шимолда. Нишоб бетда. Атрофи паҳса девор билан ўралган. Деворнинг кўп жойлари нураб мол ўтгудек бўлиб қолган. Лойхонада ўсган бир неча туп қайрағоч билан жийда дарахтлари сувсизликдан жингиртоб бўлиб қолган.

Ёдгор қария пакана, кўзлари ола-кула киши. Ёши ўтиб қолган. Унинг тақводорлигини ҳам, замонавий одам эканини ҳам билиш қийин. Дарвозадан кирган ерда қўнқайган ҳужраси деворида харита осиглиқ.

Бурчакдаги михга марҳумларни кўмгани ҳақиға ўлик эгалари берган пулдан идораға топширганини билдирадиган қоғозлар ўтказиб қўйилган.

Чол кўпинча кулбанинг қибла тарафидаги ёғоч каравотида эски китобларни мутолаа қилиб ўтиради.

Усмонов ҳаллослаб кириб келди. Чол муқовасига жилд тикилган китобни ёстиғи тагига қўйиб, каравотдан тушди.

— Келинг, тинчликми, иним?

— Бир кори хайр билан келдик, ота.

— Хўп, ўтирсинлар.

Ёдгор чол кишилар билан гурунглашишни ёқтиради. Бироқ мазорға келгувчилар узоқ ўтиришмайди. Айтадиганини айтиб кетиб қолишади.

— Вақт зиқ-да, ота.

Усмонов каравот четига омонат ўтирди. Чол ҳам унинг рўпарасидан жой олди. Иккаласи бир дам сукут қилиб, фотиҳа ўқишди. Сўнг Ёдгор қария Усмоновга бошдан, оёқ разм солди-да:

— Иним, бир гапни сўрасам, майлими? — деди. — Малол келмаса айтинг-чи, қабристон қандоқ бўлиши керак? Мана, сиз ўқиган одам кўринасиз. Қаранг. Бай-бай... Бир замонлар ўзбекнинг қабристони кўп табаррук жой бўлгич эди. Одамлар саховатини аямасди. Камбағал ҳам келиб, бир жойни чўқилаб бир нима ўтказиб кетар эди. Ҳозир ҳамма тўқ, маъмурчилик. Бошқа жойдагиларни билмайман-у, лекин бизда, кўриб турибсиз, қабристон кундан кунга хароб бўлиб борапти. Шарқираб сув оққан ариқлар қуриди. Одамлар қизиқ! Гўрлар тепасига темир панжара ўрнатиб кетишни эсдан чиқаришмайди, ҳолбуки бу панжараларнинг ҳеч бир фойдаси йўқ. Панжара бу ёқда — гўрнинг айвонида, лаҳм эса у ёқда. Зиёрат қилгани келган одамлар нақ ўликнинг устида туриб, панжарага тикилишади. Ҳа, майли. Менинг бунга қаршилигим йўқ. Аммо лекин ўйлаш керак-да.

— Шунақами? Ўлик бошқа ёқда, панжара бошқа ёқда, денг?

— Шунақа.

— Буни ўйлаб кўриш керак экан. Лекин мазор-

ни обод қилиш билан тегишли ташкилотлар шуғулланади, ота.

— Аттанг... Ҳали ўлигимизниям давлат кўмади дейдиган пайтлар келади, чамамда.

— Ота, менинг вақтим тигиз.

— Ундоқ бўлса, битта иш қиласиз.

— Ҳўш?

— Ҳу, янги тушган иморатлар бор-ку?

— Ҳа.

— Шунинг четидаги уйдан битта ўтасиз.

— Битта ўтсак, у ёғи Холдорларнинг уйи.

— Уни танийсизми?

— Бизнинг ўқувчимиз-ку.

Ёдгор қария туриб кетди. У кўпдан бери излаб-истаб юрган кишисини кўргандек эди.

## 66

Содиқ ишдан қайтиб келганда, ҳовли озода, стол-стул шкаф ва каравотлар ҳам хоҳаларга киритиб жойлаштирилган, лекин Муниранинг ўзи йўқ эди. Кўчага чиқиб, у ёқ-бу ёққа қаради.

Йўлнинг у бетидаги супургизор ёқасида чўнқайиб ўтирган қария ўрнидан турди. Содиқ унга тикилди, у Содиққа.

Чолнинг сўниқ, чучмал илжайиб туриши Содиққа бирдан ёқмади-да, ичкарига қайтиб кирди. Йўлкада тўхтаб, тагин ҳовлига разм солди.

«Яхши,— деб кўнглидан кечирди.— Яхши. Албатта бу ерда яшаш яхши-да! Яшаса бўлади... Лекин қачонгача?!»

У бугун айтарли иш қилмаган бўлса-да, ўзини жуда чарчагандек сезар эди. Беш-ўнта делони варақлади. Ўзини қизиқтирадиган нарса кўрмади. Бунинг устига, бари ёш болаларнинг делоси.

• Шунинг учунми, ишнинг тугашини ҳам кутмай, ёрдамчиси билан хайрлашди.

Исҳоқ чол ҳозир Қувватбековнинг уйига ўтишини ҳам, кеч тушмасдан районга бориб келишини ҳам билмай ўйлашиб ўтирар эди. Форма кийган йигитни кўриб, кечаги воқеа ёдига тушиб кетди.

«Уша келган одам ким эди? — деди ўзига ўзи. — Нега келади?»

Шундай деб унинг баттар жаҳли чиқди: мана мелиса! Узининг қўшниси. Номаълум одам уйи атрофида айланганини шу кишига айтмаса, кимга айтади?

— Ассалому алайкум, — дея эшикдан кирди.

Содиқ унга бурилиб қаради. Ҳафсаласизлик билан:

— Келинг, ота, — деди.

— Қўшни эканмиз.

— Ҳа. Шунақа бўлиб қолди. Хафа бўлмайсиз энди! — овозини кўтарди Содиқ. — Биз ҳам меҳмонмиз.

— О, отам! Бу оламда ҳаммамиз ҳам меҳмонмиз.

— Тўғри айтасиз. Кечирасиз, бизнинг аёлимиз қаерга кетди?

— Бозорлик қиламан, деб кетдилар-а. Ҳали замон кеп қоладилар.

— Қувватбековнинг хотини қалай экан?

— Э, асти сўраманг.

Қувватбеков Иқлима опанинг айвонида Аҳадова ва тушдан кейин дарси бўлмаган тагин бир-иккита ўқитувчию уч-тўртта маҳалладошлари қуршовида ўтирар эди.

Усмонов дарвозада кўринди. Илдамлаб келиб одамлар билан кўришди. Сўнг Қувватбековнинг ёнига ўтириб, унга дилкашлик билан боқди-да:

— Кайфиятингиз қалай? — деб аста сўради.

— Кўрмаяпсизми? — деди Қувватбеков. — Нега эрталабдан бери йўқсиз?

— Ҳали келиб кетувдим. Баъзи ишлар билан бўлиб... Районда ҳам...

— Катталар чақирса, оёғингизни қўлингизга олиб югурасиз-а!

— Қадрбек ака, уларнинг нима учун чақиришганини билсангиз, ўзингиз ҳам ҳайрон бўласиз.

— Хўш?

— Шу ерда айтаверайми?

— Менинг булардан яширадиган сирим йўқ.

— Анави Кампирқўлда балиқчилик хўжалиги ташкил этишмоқчи эканлар. Шунга жой масаласи

ҳал бўлмапти. Уртоқ Жониқуловнинг айтишича, совхоз директоридан бино сўраш нияти йўқ. Шунинг учун...

— Биздан сўрамоқчимиз?

— Ҳа. Учта синфни бўшатиб беришса бўларди дейишяпти.

— Ким? Жониқуловми?! Эси жойидами у одамнинг?

Бу гап Қувватбековнинг ақлига сиғмади: «Қизиқ, нима учун? Мен ҳали ўлганим йўқ-ку?! Бу ёқда коллектив бор. Энди кабинет системасига ўтаяпмиз-ку? Бу қанақаси? Тентак! Нега шуларни ўйламайди? Ё ўртача мактаблар қуриб, ўқитиб ўрганиб қолишганми?!»

— Бориб айтинг! Бу нарсани ёдидан чиқарсин!— деди Қувватбеков.— Бўлмасам жанжаллашиб қоламиз. Совхоз катталари билан гаплашадими, бошқаси биланми, гаплашаверсин! Бировлар учун бизни қурбон қилмасин!

Усмонов бўшашибгина ўрнидан турди.

Қувватбеков тескари қаради. Усмонов супадан тушиб, каловланиб кўчага чиқди-ю, яна қайтиб мўралади. Иқлима опани имлади. Дарвоза ортига ўтқазиб, ўзининг мозорга боргани, гўр қаздириш учун битта ўқувчисини ҳам топиб юборганини айтди.

Опа унга гина билан қаради.

— Огажон, шошиб нима қилардингиз?

— Ахир...

— Вари бир-да. Биров эшик-са, нима дейди.

— Шундайми? Дарвоқе...— илмий мудир кўчага йўл олди.

У энди қабр устида сўзлаш учун иккита-учта болани тайёрлай олмагани, районга гул учун ҳам одам жўнатмаганидан хурсанд эди.

## 67

Содиқ муҳим бир нарсани эслаб қолди: ахир, шу чолнинг келини ҳам Бошчорбоғдан-ку? Уктамнинг қишлоғидан.

Эҳтимол Уктам юрган аёл ўша қишлоқдадир?

— Ота, келинингиз кўринмайди?

— Районга опалариникига тушиб кетди. Бугун келиб қолади. Мен сизга бошқа бир сирни айтмоқчийдим, болам. Шу денг, кечаси бизнинг уйга одам келди. Бегона одам, ким билади, ўғрими у. Ҳар қалай эри армияда бўлган бир келинчакнинг уйи атрофида бегона киши изғиса, яхши эмас-да? Чиқсам, чинор остидан бир машина жўнаб қолди. Уша одам ўтириб кетди-ёв, деб ўйладим.

— Қанақа машина экан у?

— Ҳалиги совхоз катталари минадиган машина бор-ку, беш кишилик. Ушандан эди.

Совхозда ҳозир битта «газик» юради.

— Ҳим-м, бирон кишидан гумонингиз борми?

— Кимдан гумон қилардим, болам. Йўл қурувчилар эмасми, деб қолдим. Бегона болалар.

— Йўл қурувчиларда енгил машина борми?

— Шу ёғи билмайман-а.

«Уктамники бўлиши керак. Кеча келган бўлса...»

— Ушанда соат нечалар бор эди?

— Ярим кечадан ўтиб қолган эди.

«Биз дачага келгандан кейин кептимикан?»

— Ота, келиним қаёққа кетди дедингиз?

— Районга.

— Опасини кўришганими?

— Ҳа-да. Кўпдан бери кўрмаган эдилар! Келадилар.

— Менга қаранг.

— Қулоғим сизда.

— Нимага мундай ғалати бўлиб кетдингиз?

— Узим, шу...

— Ҳим-м, келинингизда бирон ўзгариш сездингизми?

— Биздан хафа бўлдилар-да. Барот чол бор-ку, уша учун. У бизни сўқади, биз жим турамыз. Шундан хафа бўлди келиним.

— Келинга анови гапниям айтдингизми? У нима деди?

— У кишиям ҳайрон бўлди.

«Ҳар ҳолда шу орада бир гап бор. Бир гап бор.. Итолмас Уктам билан уришган. Нега машинани Уктам миниб юрган? Чолнинг келини Уктамга ҳамқишлоқ».

— Хўш, нима қилмоқчисиз энди?

— Районга тушиб чиқсам деяпман. Келинни олиб келсам. Иш билан бўлиб, ўзим ҳам кўпдан бери улардан хабар ололмадим.

— Ота, кечирасиз, яна бир нарсани сўрасам: совхоз директорининг муносабати қалай сизга?

— У киши жуда олижаноб одам, ўғлим.

— Ҳим-м. Хўп, битта олижаноблигини айтиб берилг-чи?

— Масалан, одамнинг райига қарайди. Эски уйдан бизни кўчинг демаган одам қолмади. Аммо директор бир оғиз ҳам гапирмади. Йўғасам йўл қурувчилар ҳам роса жанжал қилишди.

— А-а. Бу — олижаноблик.

— Ҳа-да. Мана, кеча ўзим рози бўлдим кўчишга. Бугун келдик.

«Чолнинг уйи четда. Уктам агар чолнинг келини билан юрган бўлса, унга албатта ўшандоқ хилват жой маъқул».

Содиққа бу нарса ҳам дафъатан топилдиқ бўлиб туюлди.

Энди Итолмас билан гаплашиши керак. Кеча машинани у минганми, Уктамми? Йўқ. У ярамас ҳеч нарсани айтмайди.

Балки келиннинг ўзи билан учрашиш керакдир? Йўқ, йўқ! Келаман деб кетибди-ку?

— Ота, мен бир кўчаларни айланиб келай. Насиб бўлса, ўша одамнинг ким эканини аниқлаймиз.

— Лекин, кейин...

— Нима «кейин?»

— Ўзи билан гаплашиб қулоғини тортиб қўйсангиз. Киши билмаса. Ахир бу гап ёйилиб кетса, келиннинг шаънигаям тегадими, деб қўрқаман.

Содиқ кулимсиради: агар ўша киши Уктам бўлса албатта сирни ёймайди-да! Албатта! Унинг ўзи билан гаплашади, фақат ўзи билан! Чунки у... айтганига юрмаса, сирни элга ёяман деб қўрқитади! Бундан бошқача иш қилиши ҳам мумкинми?

— Хотиржам бўлинг, ота,— деди у табассум билан.

Агар шу тусмоли рост бўлиб чиқса борми! Унда, уйда... бир соат ҳам бу ерда турмайди. Бир соат ҳам!

Уктамдан оладиганини оладию Гиёсов билан илиққина хўшлашади. Амакисига ҳам бир оғиз гапирмай, Самарқанд қаердасан, деб учади.

Содиқ бирдан ўз-ўзидан ҳайратга тушди: Самарқанд ҳам, Шоҳиста хоним ҳам жуда йироқларда қолиб кетгандек туюлди. Бу туйғунинг ўзиданоқ у қўриб кетди: йўқ-йўқ!

Шоҳиста билан учрашмаса ҳам ўша шаҳарга болади. Ехуд бошқа бир шаҳарга кетади. Чунки Сурхондарёда уни-нг ризқи қийилди ҳисоб. Болалар бўлимида қанча вақт ишлайди? Қачон кўтарилади юқорироқ лавозимга?

Гиёсовлар ҳам унга ишонмайди албатта.

Содиқ бирданига кўчага чиқиш фикридан қайтиб, уйга кирди.

Жиҳозларга паришонҳол тикилди: ҳаммаси жой-жойида. «Тузук-ку? — қувониб кетди у. — Молнинг учдан бирига ҳам қаноат қилибди».

Лекин бу ўй ҳам уни тинчитмади: нега Самарқандга бориш фикри совугандек туюлди унга? Биринки марта пул топаман деб оғзи куйгани учун бу сафар ҳам иккиланаяптими? Шунинг учун ҳафсаласи пир бўляптими?

## 68

Қувватбеков Сабоҳатнинг ёнига кириб, биров ўтирди. Лекин бундай ўтираверишда ҳеч қандай маъно йўқлиги учун кабинетига чиқди-да, юрагида ҳозир туғён қилаётган туйғуларни тиндиришга интилиб кўрди. Сўнг Тошкент сафарига қачон жўнаш, жўнаш олдида нималар қилиш ва шунга ўхшаш муаммолар устида ўйлади, бироқ диққатини тўплай олмади.

«Мактабни қолдириб кетиб бўлмайди,— деди у ўзига ўзи.— Кетсам, дарров учта синфга эгалик қилишади! Биров сабр қилиш керак. Сабоҳатнинг етгиси ўтсин... Дарвоқе, қирқи ҳам ўтиши керак-ку? Анча кун қолиб кетар эканман... Қиш тушади».

Унинг хаёлида бир манзара гавдаленди.

Ўтган йили қалин қор тушганда, Сабоҳат билан қишлоқнинг тор кўчасидан тоққа қараб узоқ юриш-

ган, сийраклашиб қолган олмазорга бориб қолишган эди..

Қуён изларини кўришди. Бир жуфт саъвани анчагача қувлашди. Кейин қари олма шохида ҳурпайиб турган бир каклик кўринди. Унинг каклик эканига ишонмай, узоқ томоша қилишди. Қор отишди. Каклик қимир этмади. Чамаси у музлаб қолган қирғийми, бургутми қўрқитиб қўйган эди.

Шу манзара унинг хаёлига келди.

Сўнг жиддий тортиб, ҳали нимани ўйлаётганини эсламоқчи бўлди.

«Ҳа-я! Мактаб... Э, қолса қолар. Мен бир умрга ишлайман, деб солдирдимми уни? Кимдир биров директор бўлиб келар-да... Ҳар ҳолда дуруст бир одам келса керак. Уқитувчилар ҳам ўзгариб қолишди. Ҳар қанақа директорни сиғдиришмайди».

Шунда ёдига Баҳодировнинг бугун айтган гапи тушиб кетди: наҳотки у кетса?

Қувватбеков хўрсиниб, «казбек» тутатди. Уридан туриб нари-берига юрди ва бирдан таққа тўхтади: нега ваҳима қилаяпти? Улмаган жондан умид дейдилар-ку?!

Кўчада машина сигнал берди. Қувватбеков у оддий машиналарнинг сигнали эмаслигини билиб, ташқарига чиқди.

Салдан сўнг у Қосимов ва Назаров билан қайтиб кирди.

— Менга қаранг,— деди Қосимов.

Қувватбеков унга ҳорғин қаради.

— Қовоғингизни очинг,— деди у.— Биз келаётиб врач билан гаплашдик, касали оғир-ку, қўрқинчли-мас деди.

— Узларингни ишларияг қалай?— хўрсинди Қувватбеков.— Асаджон, чарчамайпсизми?

— Чарчасак ҳам нима қилардик.— Қосимов кулди.— Чарчаганга яраша иш унса денг.— У маориф мудирига қараб олди.— Айтмоқчи, Қодир акани пенсияга чиқаряпмиз.

Қувватбеков Назаровга ялт этиб қаради. Назаров ғамгин кулимсиради.

— Шунақа бўп қолдимми?

— Ҳа,— деди Қосимов.— Қодир ака кўп йил иш

бердилар. Энди бу кишига дам беришимиз ҳам керак-да. Лекин битта дозик жойи бор. Уринларига тузук бир директорни тавсия этмагунча бўшатмаймиз.

— Мана, ўзлари-да— деди Назаров кулимсираб.— Қадрбекдан муносиброқ номзод борми?

Қувватбеков хўмрайди. Сўнг бошини эгиб, бир дам хомуш ўтирди. Кейин бу суҳбатни изсиз унутгандек:

— Мен ўзимни ўзим тушунмаяпман, Асаджон,— деди дўстига боқиб.— Мен кетишим керак. Лекин бу ёқда ишлар кўп.— У тиззасига қарс этказиб урди.— Менинг қисматим эртага ҳал бўлади! Сабоҳатдан... кейин ҳал бўлади. Сиз ўрнингизга бошқа кишини топинг, Қодир ака.

Улар тагин бироз ўтиргач, Қувватбековга оғир бўлишни, ҳар нарсани ўйламасликни тайинлаб қўзғалишди.

Қосимов Ажинатепани кўриб, кейин совхоз директори билан учрашмоқчи экан. Назаров «Маҳмуд Қошғарий»га кириб, ўқитувчилар билан сўрашиб чиқажагини айтган эди, Қувватбеков бирдан:

— Жониқуловнинг планидан хабарингиз борми,— деди.

Бугун Жониқулов Назаровдан «хафа бўлмаслигини» сўраб келганида, уяга ҳам ўша мактабдан учта синфни олмоқчи эканларини сўзлаган. Назаров «бу нарсани фақат Қувватбеков ҳал қилади», деган эди.

— ЙўҒа.

Қувватбеков Усмонов етказган хабарни айтиб берди. Қосимов бир нафас сукут қилди-да:

— Йўқ,— деди.— У хом гап. Эҳтимол Кампиркўл совхозга ўтиб кетар.

## 69

Назаров Қувватбековнинг уйида «Маҳмуд Қошғарий»га кираман, деб йўлига айтган эди.

Касалхонага бориб қолди. Дарвозага етганда: «Машинасини сўрайман. Мени районга элтиб ташласин», деб ўйлади. Ичкарига кирди-ю, ўз-ўзидан хафа бўлиб кетди. Шампиддинов тагин дори сўраб келдингизми деса, нима дейди?

У муҳим бир нарсани унутиб қолдирган кишидек орқасига қайтди.

Кўчага чиққанда, врачнинг ўзига дуч келди.

Шамшиддинов унга тикилди ва кулиб юборди.

— Нимага куласиз?— ранжиб сўради Назаров.

— Учрашганимизни қаранг. Ўзим сизга телефон қилмоқчи эдим. Юринг ичкарига. Сизни биратўла даволайман.

— А?

— Шунақа.

\* \* \*

— Бозорлик қилиб келяпсизми?

— Ҳа,— деди Мунира.— Афсуски декчани ҳам олиб келмапсиз, кастрюлкада овқат қиламан энди.

— Бу пичингми?

— Уф. Ростини айтинг, кўчнинг қолганини ўзингиз ташлаб келдингизми ёки дадангиз олиб қолдиларми? Мен хафа бўлаётганим йўқ. Худо ҳаққи, кўнглимга келгани йўқ.

— Нега энди кўнглингизга келмади?

— Ахир...

— Биламан. Шу нарсалар ҳам менга бўлаверади, деб ўйлаяпсиз. Менинг кетишимни биласиз.

Мунира анграйиб қолди.

Дарвоқе, нега бу нарсани ёдидан чиқаради? Ахир, эри билан бошқа-бошқа одам эканлари аллақачонлар маълум бўлиб қолган. Эри ўша магазинчидан пулни ўмаргандаям аллақайёққа отлана бошлаган эди. Умуман, Содиқнинг бир кунмас, бир кун ўзидан ажралиб кетишини яхши билади-ку?

Ўзи ҳам бу нарсага аллақачон рози бўлган-ку?

— Кечирасиз,— деди Мунира.— Биламан. Эсимдан чиққан экан. Лекин илтимос қиламан, мени тўғри тушунинг. Мен ўша нарсани ўйлаганим учун кўчнинг учдан бири ҳам келмаганига ачинмаётганим йўқ.

— Хўш, нега ачинмаяпсиз бўлмасам? Ё назарингиз илмаяптими? Бу ерда қизиқроқ нарсалар бор эканми? Билиб қўйинг, мен ҳамма нарсага рози бўлсам бўламан-у, лекин шу ерда ишлаб анави хо-

тини ўлаётган кишига тегишингизга рози бўла олмайман.

Мунира бўшашиб кетди.

Ахир, Қувватбековни шунчаки ҳурмат қилади-ку? Унинг билими, ишчанлигига тан беради. Севимли аёли ўлаётгани учун юрак-юрагидан ачинапти! Шу тобда ўшанинг уйига бормоқчи, аёлини кўрмоқчи. Иложи бўлса, у қўшигига қизиқадигани садр тушиш маросими суратини Ажинатепада кўргани, бу расм минг-минг йиллик тарихга эга эканини айтмоқчи-ку?

Наҳотки Мунира ўша эркакка... Эри бўла туриб, шуни ўйлаш?

— Содиқ ака, мени таҳқирлаш учун бошқа гап тополмадингизми?

— Нима?

— Биласизми, ҳозир нимани ўйлаб қолдим. Ажралмасимиздан бурун шу гапни айтяпсиз, мен ишонман, сиз ўзингиз биронтасини топиб қўйгансиз! Топгандаям дидингизга мос, сизнинг...

Мунира ошхонага чиқиб кетди.

Содиқ сигаретани тутатиб турар экан, яна анча қизишиб кетганига иқрор бўлди: бунақа демаслиги керак эди. Унинг кўнглини баттар совутди.

«Совуса совупти-да! Қачонгача бу аёлнинг олдида тилим қисик бўлиб юради?»

Содиқ шундай деди-ю, аёли билан ўзи ўртасидаги энг катта фарқни жиҳоят англагандек бўлди.

Зағчалар кўп. Дув-дув учишади, синиқ овозда чағиллаб дарахтларнинг учки шохларига қўнишади. Бир нечаси пастда дик-дик сакраб юришибди, хазонлар орасидан алланарсаларни излашади.

Қари олма дарахтининг икки шохида шундоқ ўсиб чиққан япроқлари жунжикиб қолган гунчалар, бутоқларга ёпишиб турган олмалар ҳам ғўралигида қоқ бўлган. Шохлар танаси қизғиш, пўстлоғи торс-торс ёрилган.

— Бу чумолига қаранг... Олмани шу қуритган! Рак-да бу, бориб турган раkning ўзи!

Уктам пўстлоғни кўчирган эди, қипиқдек қипқирил бир нима тўкилди.

Уктамнинг кўнгли бузилди.

— Шўрлик! Бунинг тили йўқки, дод деса,— деди.— Бепарво туришини қаранг! Шулар жуда чидамли-я?

Эминов соатига қаради.

— Уктамжон, энди қайтсакмикан?

— Борамиз-да.

— Уктамжон, Раҳмонов хўмрайиб юрган эди, пахтани пунктга жўнатдимикан?

— Жўнатмасдан шохи борми! Улади... Э, уни ўйламанг. Дарди бошқа. Лекин, Омон ака, унинг ғалати планлари бор. Бугун аттанг мажлис билан бўлиб, сизга баъзи нарсаларни кўрсатолмадим. Эртага кўрсатаман. Менга қаранг, шу одам вақтида агроном бўлганми?

— Агроном бўлган... Лекин ўзбошимча дейишадди. Мен ҳам уни яхши билмайман.

— Қулоқ солинг, насиб бўлса... Катталар пахтани бари бир сендан олмаймиз, кўпайтирасан, деб шарт қўйишса бу йил ҳам, мен Бобоқуловнинг участкасидаги пахтаэиям Раҳмоновга бераман. Кейин унга ўзинг биласан, дейман.

— Унда ўзимиз ҳам бўйнимизга фартуқ илиб, пахта терар эканмиз-да.

— Йўқ-йўқ... Ҳов баҳорда менга қўйиб беринглар, лекин машина киритмаймиз дегани эсингиздами? Бу йил бошқача шарт қўямиз-да: терим машинасини киритасан. Ҳамда қирқ центнер ҳосил олиб берасан, деймиз. Худо урсин, шу ишни қила олади.

— Қилса бу йил қиларди, Уктамжон.

— Ана, сиз у одамни билмайсиз дедим-ку?

Улар идорага қайтишганида қош қорая бошлаган, идора пештоқида ёнган чироқ остида совхоз ишчилар комитетининг раиси, иккита зоотехник, сабзавотчилик бригадасининг бошлиғи ва тагин бир неча киши ўзaro гаплашиб туришар эди.

Уктам брезент этигини қоқиб, шляпасини олди. Улар билан кўришиб, шу ердаёқ тегишли масалалар бўйича савол-жавоб қила кетди:

Теплица қай аҳволда? Картошкadan қанча кавланди? Ут босган жойларидан қанча чиқади? Беда

Ўриляптими? Кампиркўл бўйига бугун ўта олмади — Бобоқуловнинг одамлари нима иш қилишди?

Э, Жаслиқулов келдими? Ўрмон хўжалигининг каттаси ҳамми? Раҳмонов қани? Бу кеча ухламас ухламасин-у, кам деганда, ўттиз тонна пахтани пунктга етказиши керак-а!

Мол қўралари, уларнинг ремонтини...

Ниҳоят, Уктам ичкарига йўл олди. Кабинетини очиб кирган эди, орқасидан етиб келган Бобоқулов:

— Ҳали соат тўртларда райком секретари ўртоқ Қосимов келдилар! — деди.

Уктам жиддий тортиб кетди.

— Сизни сўрадилар. Кечроқ борар экансиз... Наряддан кейин.

— Нимага келганлигини билмадингизми?

— Чамамда Қувватбековнинг аёлини кўргани келишган. Енида маориф мудирини ҳам бор эди. Кейин маориф мудирини қолдириб, ўзлари янги тушаётган йўлга бордилар. Ярим соатлардан кейин районга ўтиб кетдилар. Чоғимда Ажинатепа тарафдаям бўлдилар. Тағларида «Волга».

«Бир гап бор, — ўйлади Уктам. — Ўзи, беш-ўн кундан бери кўришмаган эдим. Боёқиш. Мени ўғлидек кўради. Мен ярамас... Мен у одамнинг ишончини оқламадим. Нима бўлса бўлар, айтганини қилайми?»

Уктам жойига бориб ўтирди.

Бошқалар ҳам бири-кетин кириб келишди. Эминов ҳам кирганди, Уктам шаҳарлик меҳмонларни эслаб қолди. Юраги гуп-гуп уриб кетди: улардан хабар ололмади.

«Бу оқшом ҳам биттамыз уйимизга чақирсак бўларди», деб ўйлади-да, ҳисоботни райкомга бериб бўлгач, уларнинг уйига кириб ўтишни кўнглига туғиб қўйди.

Эшик очилди. Биров кирди. Уктам унга парво қилмади. У салом берди.

— Э, Итолмас! Улма! — бақириб юборди Уктам ўқувчиларга тўланадиган ҳақни кўзда тутиб кечираркан, бош кўтариб. — Опкелдингми?

Итолмас жилмайди.

— Опкелдик. Бир эмас, иккита машина бўлиб оя келдик. Домла райком билан ҳам гаплашган экан-

лар, у киши ўша ёқдаги лесхознинг катталарига қўнгироқ қилибдилар. Уларнинг ҳам машинаси тушиб келди. Сал кечга қолдик. Биласиз-ку аёлларни. Даҳмазаси кўп. Лекин ҳаммасини олиб келдик.

— Бу ёқда домланинг уйи тинчми?

— Сув томизяпти дейишди.

— Уртоқлар!— Уктам бирдан ходимларига мурожаат қилди. Фаоллар унинг нима демоқчилигини сўзсиз тушунишди.

## 71

Қувватбековнинг кўча эшиги оғзида айниқса ўқувчилар кўп, ўқитувчилар ёнгоқ остидаги скамейкада ўтиришибди.

Холдор муюлишдан ўтиб тўхтади. Ҳорғинлик билан Иқлима опанинг дарвозаси тепасидаги чироқ нурида кўринаётганларга тикилди. Болалар орасида турган Бойбўри унга ялт этиб қаради-да, алланечук гижиниб қўрадан чиқди.

Унинг қаршисида шу тобда синфдоши эмас... гўрковнинг жияни келмоқда эди!

— Ҳа?— деди у.

— Э,— деди Холдор ва елкаси оша орқага қараб қўйди.— Бу ерда тинчликми?

— Тинчлик,— деди Бойбўри.— Сабоҳат опам кўзини очди.

— Усмонов нимага ҳовлиқиб юрибди? Тинч қўймади мениям, гўр қазиб берасан деб.

— Секин, секин.

— Қани ўзи?

— У одамнинг гапига парво қилма.

Холдор хўрсиниб четга чиқди. Девор тагида чўнқайиб ўтирди. Бошқа ўқитувчилар қатори Баҳодиров ҳам болаларга қараб ўтирарди. Холдорнинг келбатига бир нафас ўйчан тикилиб турди-да, унинг олдига келди.

\* \* \*

Итолмас машинани энди йўлга туширган эди, чироқ нурида Содиқнинг ўзини кўриб қолди. Рўпарасига етказиб, тўхтатди: .

— Йўл бўлсин?

— Э, сенмисан? Ўзинг қаёққа боряпсан?

— Сизнинг уйингизга. Ўктам акам хабар олиб кел-чи, дедилар. Нима топшириқ бор, деб боряпманда.

— Ҳим-м, ўзлари қаерда?

— Нарядда.

Содиқ бирдан унга тикилиб қолди-да, шошилиб машинани айланиб ўтди. Ичкарига кириб ўтириб олди.

— Қаёққа.

Содиқ ўйланиб:

— Ҳе, йўл ёқасидаги чинор бор-ку,— деди.— Ушанга ҳайда-чи.

Итолмас гангиб машинани бура бошлади.

— Ҳайрон бўляпсанми?

Итолмас машинани йўлга тўғрилаб, тормозни босди.

— Нима қиласиз у ерда?

«Бўлди. Шу боланинг ўзи келган,— ўйлади Содиқ.— Унда фойдаси йўқ... Фойдаси бўлмаса, ҳеч қурса буни қўрқитиш мумкин-ку? Кейин Ўктам ҳақида гап олиш мумкин бўлар?»

Содиқ унга бурилиб олди. Итолмаснинг рулда турган қўлига кафтини қўйди.

— Кеча у ерга келганинг йўқми?— деди.— Ростини айт. Мен барибир биламан.

— Мен... нега борар эканман?

— Унда ким борган эди бўлмасам? Ўктамжонми? Шошилма. Мен сенинг оғзингдан эшитмоқчиман, йўғасам айтдим-ку, биламан деб. Хўш? Сен мард, очиқ сўзлайдиган йигитсан.

— Бошимни айлантирманг! Мақсадингиз нима? Ўктам акамнинг кетига тушиб бу ерга келганмисиз? Сиз ҳам ростини айтманг. Унақанги зўр йигит оламга битта келади... Ўктам акам сизнинг ғамингизни еб юрсаю сиз мунақа қилсангиз!

Содиқ хўрсинди: бу боладан гап олиш қийин.

Бу болани қўрқита олмайди ҳам! Ўша машҳур Кенагаз бибининг невараси шу бўлса, ҳеч нарсадан тап тортмайди бу!.. Ҳали Ўктамга бориб, «бу одамдан қўрққулик» дейиши ҳам мумкин. Унда Ўктам

Содиқдан гумонсираб қолади. Содиқ ҳеч қачон мақсадига етолмайди!

— Нимага бақирасан?— дўқ қилиб юборди у.— Узи, умуман, сизлар сергумон одамларга ўхшаб кўриняпсизлар... Биз нарсани сўраб ҳам бўлмас экан.

— Мақсадингиз нима?

— Эҳтимол, чолнинг келини билан Уктам акангни алоқаси бордир,— давом этди у хотиржамлик билан.— Эҳтимол, Уктамжон шунинг учун кеча машинани миниб келгандир?

— Келгани йўқ!

— Унда сен келганмидинг?

— Ҳа!— деди Итолмас.— Мен эдим!

Содиқ унга тикилиб қаради ва кеча Уктамнинг келганига унда ҳеч қандай гумон қолмади.

— Ҳайда машинангни. Уйга борамиз... Йўқ!— У ҳозир қаерга боришини билмас эди.— Мундай қиламиз,— деди.— Магазинга ҳайда. Кечаси ишлайдигани борми? У-бу нарса олайлик.

Итолмас машинани идора тарафга ҳайдади. Ундан ўтказиб клубга етганда, бирдан чапга бурди.

— Қаёққа?

— Гап бор.

«Газик» таниш йўлка адоғига етиб, дача эшиги оғзида тўхтади. Итолмас пастга тушди.

— Нима керак? Ароқми, коньякми? Айтаверишг. Уктам акам уларга лозим нарсани етказиб бер деганлар.

Содиқ алланечук бўшашди: яхши йигит ўша бола...

— Энди, кўчадаң олсак ҳам бўларди-ку,— чайналди у.— Орқага қайтайлик. Янганг ҳам кунимиз совхозга қолди деяётган эди. Бу ердан яна егулик оборганимизни кўрса, ранжийди. Уйда ҳамма нарса бор. Фақат ичкилик йўқ.

— Унда фақат ичкилик олиб чиқаман.

Содиқ сукутга толди. Итолмас дачага кириб кетди.

Дарахт шохларида қушлар чуғури. Хазон, лойқа ҳиди димоққа уради. Ичкарида чол нимадир деб бақирди. Содиқ деразадан бошини чиқарди, сўнг пастга тушди-ю, шу заҳоти яна кириб ўтирди. Энди эшикни очиб қўйди.

«Девор орқасида кўп ишлар бўлган,— деб ўйлади беихтиёр. Кейин бу гапга бирдан ишонди ва Уктамга нисбатан кўнглида пайдо бўлган илиқлик тагин ғашлик билан алмашинди.— Ўзини оппоқ қилиб кўрсатади. Чолнинг келини билан юрар экан-ку?.. У кўп ишлар қилган. Фақат сездирмайди!»

Итолмас қайтиб чиқди. Қўлидаги ялтираб турган икки шишани ўриндиғи орқасидаги халтага солиб қўйди.

— Ичкарида ким бор? Чол бақирдимми? Сенга бақиргани йўқми, нега олаяпсан деб?

— Э, чолнинг нима иши бор!

Итолмас машинани буриб олди. Ҳайлаб кетар экан, алланечук ишшайди.

— Исҳоқ чол келибди!— деди... деди-ю, Содиққа тикилиб қаради.— Унга гапирадиган гапингиз йўқми?

— Нега келибди экан? Сен ҳеч нарса демардингми?

— Мен нима дер эдим... Барот чол билан гижиллашиб ётибди. Бунақа одати йўқ эди.

«Келини туфайли,— кўнглида ўтказди Содиқ.— Чол сизни сўқади, деб хафа бўлган экан Шунга келган шекилли... Анави сирни бировга билдирмаса гўрғайди. Э, уни бировга айтармиди? Ҳеч кимга билдирманг, деб ўзи ялинди-ку?»

## 72

Кўча бурилишига етганда, Баҳодиров Холдорнинг қўлини қўйвормай, четга тортди. Девор оша осилиб турган беҳи тагида улар юзма-юз бўлишди.

— Гапир. Ўқимасдан ҳам чемпион бўлмоқчимисан?

— Бизнинг бобойлар ўқимай полвон бўлишган, домла. Ўтган йили тўртта самбист келди...— Холдор Мунира опасига айтган ҳикояни Баҳодировга ҳам айтиб берди.— Ушалар ким бўлади энди?

— Сен шунақа ўзига бино қўйган полвонмисан?

- Йўқ, энди... Ҳар ҳолда...
- Ҳали сизиям йиқитаман дерсан?
- Сиз ўқитувчим, домла.
- Юр, бу ёққа!

Баҳодиров девор бурчагидаги қоронғи ерга тикилди.

— Ҳозир иккаламиз олишамиз. Сен мени йиқитсанг, сен ҳақсан. Мен йиқитсам, мен ҳақман.

Холдор ўқитувчисининг курашга тушганини сира кўрмаган эди: кулимсиради.

Баҳодиров у билан қўл ушлаши ҳамоно йигитнинг кучига тан берди. Битта қоқма қиламан деб ўзининг учиб тушишига оз қолдики, йигитчанинг кураш ҳадисларидан ҳам етарли даражада хабардор эканига иқроп бўлди.

Ниҳоят:

— Мени ушла!— деди.

Холдор ушлади.

— Бўлдими?

— Бўлди.

Баҳодиров қаддини ғоз тутиб, йигитнинг елкасидан гижимлаб олди. Сўнг шундай тез ҳаракат билан бурилди ва шундоқ тез энгашиб уни тортдики, Холдор ўқитувчининг бошидан ошиб, чалқанча тушганини билмай қолди.

Баҳодиров қажоатланиб, қўлини белига тиради. Холдор секин ўрnidан турди. Баҳодиров уни яна ташланади, деб ўйловди. Йўқ, у бошини эгиб чекинди. Деворга суянди.

— Кел.

— Урдингиз-ку.

— Ана шундай бўлади.

\* \* \*

«Газик»ни кўчада қолдириб киришди. Айвон чироғи ёниқ, аммо ичкари қоронғи эди. «Яна кетиб қолдими?» ўйлади Содиқ ва бировни урадигандек бўлиб, зинага интилди.

— Келавер!

— Ака, мен қайтай.

— Борасан... ўзинг чарчаб келибсан. Тоққа бориб келишининг ўзи бўладими. Хали замон наряд та-

мом бўлса, Уктамжон ҳам келиб қолади. Ваъда бердими?

— Ҳа.

Итолмас «газик» ташқарида бўлгани ҳолда бировнинг уйига кириб бемалол яйраб ўтиришга ўрганмаган, бунинг устига Уктам: «Узоқлаб кетма, кейин районга тушамиз-а?» деган эди.

Энг муҳими — бу ғалати меҳмоннинг Уктам акиси сиридан воқиф бўлаёзгани, лекин, ўзи айбни бўйнига олиб, меҳмонни хотиржам қилганини Уктам акасига айтиши керак!

Итолмас оғриниб, айвонга чиққанда, ўзининг ҳам қачон бўлмасин мана шундай бир уйга эга бўлиши, Кенагасдан ёлғиз онасини олиб келиши ва уйланиш истаги ёдига тушиб, кайфи анча кўтарилиб кетди.

Содиқ залнинг ҳам чироғини ёқди. Ошхонага ўтиб, у ердаги чироқни ҳам ёққанди, столдаги хатга кўзи тушди:

«Аҳадова опа келдилар. Қувватбековнинг аёллини кўргани кетдик. Мунира».

«Кўргани... У қаяпти. Шундай пайтда бормаса, нима бўларкан? Майли. Ҳамма иш охирлаб келаяпти. Айтмоқчи, менинг тақдирим ҳам шу кеча ҳал бўлиши мумкин-ку? Шундай бўлса... Менга деса, Қувватбековнинг уйига кириб ўтирмайдими?»

У бари бир ўзини боса олмади. Қўли қичиб, столга муштлади.

— Марҳамат, ука! Утир. Мен сенга бир маслаҳат берайми?

— Хўш?

— Ҳали уйланганинг йўқ, а?

— Яна ўша гапми?

— Йўқ, йўқ. Мея сендан каттаман, беш-тўрт кўйлакни аввалроқ йиртганман. Уйланмаган бўлсанг, сенга насиҳатим шулки, сираям ўзингдан ақлли қизга уйланма.

Итолмас паришонлик билан унга тикилди: кизиқ гап?

— Ҳа, — деди Содиқ уқтириб. — Шу гапим ҳамма вақт қулоғингда бўлсин. Ўзинг шофёр боласан... Е ўқиш ниятинг борми?

— Қўқон техникумига...  
 — Автодарожний техникумига кирмоқчимисан?  
 — Шундай ният ҳам йўқ эмас.  
 — Ушани битириб, ГАИнинг бошлиғи бўлган чоғингдаям институтни битирган қизга уйланма... Жон-жон деб тегадиганлари ҳам бўлади. Ҳозир ўқиган кўп қизларнинг ҳоли хароб, Хўп деявер!— Мен биламан-да.— У «коньяк» шишасини олиб, ёзувига қаради. Шкаф томонга йўналди.— Ўзим билан ўқиган қизларнинг бир нечаси ҳалиям турмушга чиқолмай юришипти. Олий маълумотли йигитлар уларга уйланмади, чунки ёшроғини кўзлашди. Улар эса ўзларидан пастига тегишни истамади. Шунақаларнинг биронтасига дуч келсанг борми, елкангга тўқим уриб, миниб олишади. Уқиган қиздан қоч.— У шкафдан рюмка олиб келди.— Ҳим-м, мен, масала, хотиним ўқимишли, деб нолимайман. Лекин нолиб юрган ўртоқларим бор. Бу гаплар — сенга насиҳат.

## 73

Мунира Қувватбековнинг хотини ўлим тўшагида ётганини билса-да, бу қадар аҳволга тушиб қолган, деб ўйламаган эди.

Одамзод ҳам шунчалик бўладими? Қуруқ суяк. Билаклари билак эмас, тери битган суяк. Унда кўм-кўк томирлар.

Бироқ чеҳраси сокин, хотиржам. Ниҳоят, орзусига етиб, ором олаётгандай.

«Ўлим ҳар ҳолда даҳшат,— ўйлади у.— Одам одамликдан чиқади. Ҳали нималар деган экан-а? Васият қилганмикан?»

Сабоҳатнинг онаси Шафоат опа Мунирага бир нафас ўйча-я боқиб турди-да, Аҳадовани ҳам қўшиб, сўрига таклиф этди.

Мунира кўрпачага чиқиб ўтирганда-я кейин Шафоат опага тикилиб, унинг сўзларини диққат билан эшита бошлади, токи бу аёлнинг киму нималарни ўйлаши ҳақида жиндек тасаввурга эга бўлса-ю, анави беморнинг асл қиёфасини кўз олдига келтира олса?

Шунда дарвозада турганлар алланечук чекинишди. Ёшгина бола чопиб кирди. Супа пастига етди-да, аёлларга аланглаб қаради.

Шафоат опа пастга тушди, ярим энгашиб қўлини узатди.

— Кел, моманг айлансин, Алишер.

— Момажон!

Бола отилиб келиб, унинг бағрига кирди. Буви уни кўтариб юзларидан, сочларидан ўпди. Яна ўпди ва кўзлари намланди.

— Опаларга салом бер,— деди.

— Салом, салом, — деди Алишер.

«Бу отасига кам ўхшайди,— кўнглидан ўтказди Мунира.— Нимасидир аясига ўхшаб кетади. Қовоқлари кенг. Бурни отасиникидай. Алишер. Яхши исм қўйишган экан».

Шунда Сабоҳат тўғрисида билган нарсалари Муниранинг ёдига туша бошлади: тилшунос. Халқ оғзаки ижодига қизиққан. Ҳатто Аҳадованинг айтишича, мактабга Маҳмуд Қошғарий номини бериш фикри ҳам шу аёлдан чиққан ва бу номни қўйиш жуда ўринли бўлишини исботлаб олти бетлик изоҳ хати ёзган. Хат ўқитувчилар советида муҳокама қилиниб, район ижроия комитетига оширилган. «Ном маъқуллансин!» деб ижроком қарор чиқариб берган. Сўнгра Қувватбеков «Маҳмуд Қошғарий» номини ион чироқларида ёздириб келган.

Мунира хаёл билан бўлиб, Шафоат опанинг айвонга чиқиб кетганини пайқамай қолди. Пайқагач, Аҳадовага қаради. Партком секретари Қувватбековнинг кабинети деразасига тикилиб турарди.

Мунира тушунди: опа ўзини тутолмапти.

— Турамизми? — шивирлади у Аҳадовага.

— Майли, жоним.

Сабоҳатнинг холалари ва Иқлима опанинг қистовига ҳам қарамай, Сабоҳатга шифо тилаб қўзғалишди.

Кўча. Чироқлар. Ёнгоқ остида Усмонов билан Қувватбеков гаплашиб ўтиришар эди. Буларни кўриб, ўринларидан туришди.

— Қадрбек, биз энди қайтайлик, ука,— деди Аҳадова унга яқинлашиб.— Ҳар нарсани ўйламанг.

— Йўқ, йўқ, нимани ўйлар эдим. Шунақа... Иложимиз қанча. Келгачларингга раҳмат! Айтмоқчи,— у шошиб, ўрнидан турди.— Опа, оз-моз гаплашиб олишимиз керак,— деди.— Мени мактаб ўйлатапти. Ҳар хил гаплар! Бугун Қосимов ҳам келиб кетди. У ёқда Жониқулов ҳалигидай қилибди. Бу аҳволда... мактаб нима бўлади?

Аҳадова тумтайиб олди. Қувватбековнинг «кета-ман» дегани опани ҳам хафа қилиб қўйган эди.

— Мунираҳон, яқинроқ юринг. Мен сизга ақл бўлишга ожизлик қиламан, ука,— деди у.— Майли. Биз йўлингизни тўса олмаймиз. Ихтиёр ўзингизда. Олим бўлмоқчи экансиз. Бўлинг илоҳим! Доктор наук бўлинг. Биз фахрланамиз... Лекин биз ўқитувчилар сиздай олим фозил кишиям четдаги бир мактабга директор бўлиб келар экан-да деб, бунинг устига, қилган ишларингизни кўриб, бошимиз осмонга етиб юрган эдик. Олим бўлиш мумкиндир. Лекин сиздақа ишбилармон, меҳрибон директор, ўқитувчи бўлиш... кўп қийин...

Қувватбеков бирдан унинг фикрига қўшилди:

— Бу тўғри... Олим бўлиш қийинмас, опа. Кешининг бошқа ташвиши бўлмайди. Фикр-эйтибор бир томонга йўналган бўлади. Фақат кўп ўйлаш, мулоҳаза қилишга тўғри келади. Лекин... фалсафаям анча ўзгариб боряпти ҳозир! Физика, химия, табиий фанларда ўзгаришлар катта. Одам психологияси қайта текшириляпти, янги фанлар пайдо бўлди. Шунинг учун оламда фалсафий оқимлар ҳам кўпайди.

Қувватбеков шу маънода кўп гапирди.

Улар кўчага чиқиб қолишди.

— Айтмоқчи,— у бирдан чимирилди,— Ажина-тепага биронта қоровул қўйиб қўйилдими?

— Йўғ-а.

— Қўйдириш керак, Хосият опа. Агар совхозда одам бўлмаса, мен қоровулимизга айтаман.

— Яхши,— деди Аҳадова.— Ўзим бориб чолга тайинлайман.

— Тайинланг.

— Қадрбек, узр, ука... Сабоҳат нималар деди?

— Садр қўшиғини ёзиб ололмаган эди. Шуни

васият қилди. Садр тушишсин, деди. Расм ижрә этилсин учун эмас, қўшиғи учун. Войбўри ёзиб оладиган бўлди. Шунақа бўлади-да энди.

Қувватбеков қайтиб кетди. Аёллар катта йўлга чиқишди.

— Уф,— деди Аҳадова.— Ҳалиям дим-а? Ҳолбуки, куни кеча қиш барвақт тушар экан, деб ваҳима қилишганди.

— Мен бу ернинг об-ҳавосини яхши билмайман, опажа.

— Энди билиб кетасиз.

— Опажон, ҳаёт ширин, гўзал. Лекин унинг қонунлари жуда шафқатсиз-а. Биламан, ҳамма нарса сабабли, табиий ёки фавқулодда бўлиб кўринади. Аммо мана шу нарсаларнинг ўзи ҳаётнинг қонунларини акс эттирмайдими?

— Ҳе,— деди Аҳадова.— Сизнинг ҳам кўнглингиз бўш экан. Мен бўлганимча бўлдим, синглим. Ҳали сўрида ўтирганда, чиқиб Термизга кетиб юборгим ҳам келди.

— Йўқ-йўқ. Сиз ҳеч қаёққа кетмайсиз. Ҳеч ким кетмайди бу ердан!

Аҳадова пешонасини силади.

— Қадрбек кетаман деганида, авваллари жим турардим...

— Ҳали гапирдингиз.

— Ҳа.

— Опажон, бизникига бормайсизми?

— Кеч бўлди.

Мунира битта ўзи уйи томонга борар экан, тагин уфқни тўсиб турган Ажинатепага кўзи тушди.

«Бу қанақа аёл? Тавба!— ҳайрат билан деди ўзига ўзи.— Садр тушинглар депти... Қўшиғи керак. Тўғри, қўшиғи керак! Ундай қадимий қўшиқлар йўқолмаслиги керак.— Ўзининг ҳам ёдига ҳар хил нарсалар тушиб кетди: идора ортидаги боғ тарихи. Ажинатепа. Афсоналари... Кампиркўл! Унинг сири. Тарих кабинетигаги ҳужжатлар. Лениннинг декрети. Абдулла Набиев, Эшниёз амин...— Ҳе, бу қизиқ бўлди-ку? Бу ёқда икки минг йил бурунги таомил ўз сирини ошкор қилиб турсаю у ёқда бир муаллима аёл ўша таомилдаги қўшиқни сўраб турса. Бунда

қанақа алоқа бор-а?! Фавқулодда бир ҳол бу. Лекин ҳаётнинг қонуни ана шунда эмасми?»

У бирдан қадамини тезлатди: яна эри кутаётган бўлса!

Аҳадова ҳам мактаб томонга борар экан: «Эртага телефон қиламан. Келсин. Самолётини ташласин! Қариди. Келмаса, нима дейишни ўзим биламан», дерди.

## 74

Чоллар дачадан чиқишди. Барот чол хўмрайиб олган. Исҳоқ чолнинг кайфи чоғ эди.

У ҳам тил чиқарди: азбаройи келинининг бир гапи баҳона бўлиб, юрагини очди. Барот чолдан ўзининг кам эмаслигини айтди.

У ҳозир бекатга бориб, автобустга чиқади. Ярим соатдан кейин қарабсизки, районда.

— Қолаверинг,— деди у тўхтаб.— Мени кузатиб юрманг, ўртоқ!— Шундай деб унга энди раҳми келиб кетди.— Баротбой, мен сизни ёмон демайман... сираям. Улибманми, минг йиллик ўртоқмиз. Болаликда қандоқ эдик, биласиз-ку? Фақат кейинчалик ўзингиз... Мен айтмоқчиманки, мен ҳам одамман, ўртоқ! Исҳоқ гап кўтарар экан, деб оёқ ости қилавериш яхши эмас. Тўғрими?

— Гапиравер.

— Яна битта нарса мени ўйлатади. Шу ерда дастёрчилик қилиб юриш сизга кўп ҳам ярашмайди. Барот чол бошини кўтарди.

— Ишинг бўлмасин!

— Хўп... Аммо лекин ўйлаб қоламан-да. Қанийди сиздаги фарзандлар менда бўлса. Менда битта! У ҳам дуненинг қайси бир бурчагида юрибди. Невара кўришни орзу қиламан. Ушанинг қўлидан битта таҳорат суви олсам дейман. Сизда бўлса бир эмас, тўртта невара бор!

— Бўлдими?

— Айтдим қўйдим-да.

— Йўлингдан қолма.

Исҳоқ чол бир нафас ўйланиб турди-да, кетди.

Барот чол унинг ортидаёв ёвқараш қилди. Уч-тўрт қадам босди ҳам. Сўнг дачага қайтиб кириб, ҳовуз бўйида тўхтади ва ўзини бирданига сувга отганини билмай қолди. Муз!.. У ҳаприқиб сув юзасига чиқди. Нега сувга ташлаганига ҳайрон бўлиб ва Исҳоқ отани сўкиб, қирғоққа қараб сузди. Чинор танасидан ушлаб чиқиб олди. Жонидан совуқ ўтиб кетиб, ёйгламоқдан бери бўлди.

Дийдираб чайлага борди. Сандиқ биқинидан ту-гунчани ва қора чопонни олиб, болохонага кўтарилди. Душга кириб, қайта кийиниб тушди. У ўзича кулимсиради. Сўнгра шоша-пиша тагин тепага чиқди. Холодильникни очиб, икки пиёла ичилган «коньяк»ни олди, у ёқ-бу ёққа қараб, оғзидан си-мирди.

Бирпасдан кейин у сўрида ўтирар, кўзларини катта очиб тева-рак-атрофга қарар эди. Исҳоқ чол-нинг келиб кетгани, айтган аччиқ сўзлари энди унга галати туюлди: ҳозир борибоқ кечирим сўраса, Исҳоқ чол уни афв этадигандай туюлди.

У алланечук бўлиб ўрнидан ҳам турди-ю, яна жойига ўтирди. Сўнг ойнаванд шийпонга йўл олди. Чироқни ёқди. Шаҳд билан биллиард ўйнай бошла-ди. Соққаларни зарб билан урар, соққалар чуқур-чаларга тушмай, столдан сакраб чиқиб кетарди.

«Районга борсам-чи?— У кийни узатганича ту-риб қолди.— Йўқ, болаларим кулди. Энди кеч бўлди... Улар ҳам кунини кўриб юрибди-ку? Менга зор бўл-са, биттаси келиб ҳолимдан хабар оларди-да. Мен-дан бешишган улар... Бормайман. Бориб, уларнинг кўнглини хижил қиламан яна.

Лекин ҳовлини сотганим чакки бўлди.

Мен ўзи омади юришмаган одамман. Келдим юр-тим деб! Лекин кўникмадим. Яна қайтиб кетолма-сам. Аросат».

У ташқарига қайтиб чиқди. «Емон кўраман» де-ди. Исҳоқ чолни назарда тутар эди. Нега? Узи ҳам билмайди. Уйли-жойли, ҳаёти бир изда кетаётган қарияларни ёқтирмайди. Иложи бўлса, уларни тиш-лаб-тишлаб олса!

Едгор қария эса, бошқа олам...

Исҳоқ чол бориб, автобусга кирди. Орқага ўтиб

Ўтирди. Бир кўнгли ҳозир полизга бориш, тутлар тагида устига супурги босиб қўйилган қовунлардан беш-тўрттасини олишни ҳам ўйлади. Лекин келинининг фавқулодда кетиб қолиши! Йўқ, уни тезроқ кўриши керак.

«Иш билан районга тушган эдим, дейман-да».

Автобус титраб, бўғиқ овоз чиқариб турар, лекин шофёрдан дарак йўқ эди. Исҳоқ чол ичкарига кириб ўтирди-да, деразадан йўлга қарай бошлади.

Барот чолнинг гапларидан эзилиб юрар эди! Мана, уни қайтариб ташлаш ҳам мумкин экан-ку? У ҳеч нарса дея олмай ҳам қолди. Нима дея оларди?! Аввал ўзи одам қаторига кирсин, ана ундан кейин...

Келини рост гапни айтди: замон бошқача. Қипсиниб, таъзим қилиб, ҳамманинг гапини кўтариб юрадган замон эмас.

Исҳоқ чол қарияларга хос улуғворлик билан бошини эгиб, кўзини юмиб қолди. Хаёлидан нималар ўтди?.. У бошини кўтариб, ёнверига қараганда нигоҳида ғайри-табиий шижоат, ғайрат ва ғурур кўринар эди. Бу ғурур унда ҳозир пайдо бўлдимми? Еки илгаритдан бор эди-ю, энди юзага чиқдимми?

## 75

Йўл ёқасида уч киши илдамлаб келмоқда. Чол уларга қараб биттасини таниди: совхознинг врачлари у.

Шамшиддинов маориф мудирининг тирсагидан ушлаб олган. Шамшод олдинда ясси тошни тепиб сакратиб келар эди.

Автобусга етиб тўхташди. Назаров симёғоч тепасидан тушиб турган чироқ ёруғига соатини тутиб қаради.

— Ҳў, саккиздан ошибди! Шунча ўтирибман-а? Уктамжон кўрса, «сизга нима бўлди ўзи?» дейди... Ушани бир кўриш керак эди-да.

— Бошқа вақт,— деди врач.— Эртага кўрасиз.

— Нега?

— Келасиз-ку?

— Оҳ, оҳ!— деди Назаров.— Э, олло!— шундай деб Шамшодга қараб олди. Кейин врачнинг била-

гиги қисиб қўйиб, тисланди.— Ўғлингиз ҳамма нарсани тушунадиган бўлган. Унинг олдида ҳар қандай гапни айтиб бўлмайди, оғажон.

— Рост,— деди врач. Кейин алланечук ҳурпайиб тўнғиллади:— Уни сиз ҳам кўп сийламанг... Кеча Қувватбеков мени мактабга чақирган эди. Шунинг учун. Битта ўқитувчи Шамшодга сенлаб гапирган экан, Шамшод «нега сенлайсиз?» дебди. Бунинг гапийам тўғри-да? Кимсан, маориф мудир сизлаб турганда, аллақандай ўқитувчи сенласа ёқадими?

Назаров бурилиб, Шамшодга тикилди. У симёғоч ортида, ҳамон япалоқ тош билан овора эди.

— Унақада эҳтиёт бўлиш керак экан,— деди Назаров.— Лекин жуда зийрак-а, ўғлигиз?

— Уни сенлаб гапиринг.

Назаров ўйланиб, қўлидаги газетага ўралган нарсани кўрсатди.

— Буни ўзингиз кўрсатгандай қиламан-да?

— Ҳа. Қўрқманг. Фақат суюқроқ қилинг.

— Хўп-хўп.— Назаров сирли илжайди.— Қамаржон, нима бўлди ўзи? Бугун жуда бошқачасиз?

— Хайр, домла.

— Хўп-хўп. «Москвич»ни минмай келганимга қараг! Уртоқ Қосимов бирга кетамиз, деб қолдилар...

Врач ўғлини чақирди. Назаров Шамшодга илжайди, унга қўл узатди.

— Хайр. Яхши қол.

— Сенга яхши қол деяптилар,— деди врач.— Сен ҳам яхши етиб боринг, де!

Шамшод алланарса деди.

Автобус кетди. Ота-бола йўлга тушдилар. Тор кўчага етганда, Шамшод Назаровнинг сансирганидан гап очди.

— Иззатталаб бўлма!— врач таққа тўхтади. Дафъатан чўнқайиб, ўғлининг кафтидан ушлади.— Баъзилар мениям ҳурмат қилганидан эмас, менга ишлари тушиб турганидан сизлашади. Йўғасам, ўша одамлар мени ёмон кўришлари ҳам мумкин. Сабабини сен тушунмайсан. Шун билиб қўйки, одам дегани аввал бировларнинг ҳурматига лойиқ бўлиши керак. Меҳр-муҳаббатига арзийдиган бўлиши керак.

Унинг учун ҳаётининг энг муҳим бир масаласи ҳал бўлган эди: ўша ишларидан хижолат чеккан экан, демак, шундоқ бўлиши лозим экан.

У энди ҳеч нарсани ўйламай яшайди. Кўнгли туссаган ишни қилади. Масалан, қонтепардан Назаровга беришни истади — берди. Кейин нима бўлишини ўйлаб ўтирмади. Ҳозир у Куйтан ва Бойсунтоғда ўсгувчи қонтепарни қай йўл билан топиш мумкинлиги ҳақида мақола ёзиб, газетага юбормоқчи! Юборади ҳам. Уни биров илм қилмоқчи бўлса — қилаверсин.

У бунақа сирли гиёҳларнинг ўттиздан кўп турини билади.

Вақти келганда ўзи ҳам уларни биронта илмий иш қилар. Бироқ ҳозир номаълум, чунки институтда ўқиб юрган чоғларида табобатдан илмий иш қилганларни кўп кўрган. Улар роса овора бўлишган.

Умуман, илмий иш қилиб, илмий даража олиш — кўп машаққатли иш.

## 76

Мунира уйига тез етиб келган бўлса-да, эшикдан кириб, ошхона деразасида Содиқнинг қорасини кўрди-ю, эри билан орасида ўтган бояги гап-сўзлари ёдига тушиб тўхтаб қолди.

«Бу бегона меъна... Ким билан ўтирибди у?»

Мунира беихтиёр ҳовлиқиб кетди: эрининг нотаиш, номаълум кишилар билан хилватда алоқа қилишларидан юраги олиниб қолган!

— Саломалайкум,— ошхонага мўралади у ва меҳмон йигитнинг қизариб кетган кўзлари, чўкик ёноқларига тикилиб, аллаичук бўлди.

— Салом, янгажон!— ирғиб турди у.

Муниранинг юрагига илиқлик кирди. У билан кўришди ва эрига қарамай чойнакни ушлади: совуқ. Чой қайнатишмабди. Мана бу коньякни ичишган. «Экстра»ни ҳам ярим қилишган.

У эри билан яна жанжал бўлишини тусмоллаб унга қаровди, Содиқнинг чеҳрасида фақат истеҳзо аломатини кўрди. Мастга ўхшамайди. Кам ичган.

— Ушланиб қолдим,— деди Мунира ниҳоят.— Хатни ўқидингизми?

— Ўқидим,— илжайди Содиқ.— Қалай экан у киши? Ҳали яшайдиганми?

Итолмас бошини қаттиқ силкитиб:

— Ким у?— деди.— А-а... Қувватбековнинг уйига бордингизми, янга? Лекин, Содиқжон ака, Қувватбековнинг хотини битта-да. Жуда ажойиб! Мен бугун, бугун...

— Биладан,— деди Содиқ.— Утир!

Мунира ҳайрон бўлди: буйруқ қилаяптими эри?

— Хўп, ака. Нима десангиз шу!— Итолмас тап этиб стулга чўкди. Сўнг бошини икки қўллаб ушлаб қисди, гўё шу ҳаракати билан ичимликнинг таъсирига чиқариб юборадигандай бўлди.

— Овқат едингларми?

— Едик!— Содиқ ирғиб турди.— Итолмас, Уктамжон кечикдилар энди. Ўзимиз борамиз.

— Нима гап ўзи, Содиқ ака? Тинчликми?

— Тинчлик. Қолганини кейин биласиз!— У бир нарсани сургандек бўлиб жилди. Мунирага рўпара бўлди. Тишларни маҳкам қисиб хўрсинди ва аёлининг атлас кўйлағини туртиб турган бўлиқ кўкракларини, енгини тўлдириб турган таранг билакларига разм солди.— Яхши.— Бирдан аёлининг қўлидан ушлади.— Сиз энди ўтира турасиз! Мана!— У: «Нарсалар! Ана стол, стул! Бари сизга», демоқчи эди. Итолмаснинг довдираб кетганини кўриб, унга интилди. Ушлаб олди.— Ўзингни тут! Э, кенагас! Яна кенагас эмиш. Бу киши кенагаслардан, хоним! Зўр уруғдан.

Итолмас Содиққа эргашиб йўлакка чиқди-ю, яна қайтиб ошхонага кирди.

— Янгажон! Эрингизга айтинг. Уктам акам қандоқ инсон-а?!

— Нима бўлди?

Содиқ отилиб кирди. Итолмаснинг қўлидан тортиб, Мунирани бурчакка суриб юборди. Судралиб чиқишди.

— Содиқ ака!

— Бақирма. Кир уйга.

— Нима бўлди? Нима гап?

— Э, сени...

Содиқ Итолмасни судраб цемент йўлкага тушди. Эшикка қараб йўналди. Мунира айвон бўйлаб четга-ча борди.

— Содиқ ака.

Содиқ чиқиб, эшикни қаттиқ ёпди.

77

— Мен машинани қандай ҳайдайман? Йўқ. Мен рулга ўтирмайман! Илтимос қилманг!

Содиқ «Илтимос қилмайман ҳам», деди ичида ва унинг билагидан қисиб, машинага қаратди.

— Ўзим ҳайдайман.

— Ўзингиз? Майли... Э, сиз мелиса-ку? Йўқ, ака!— Итолмаснинг боши айланиб кетди: Термиз йўлида бу одам унга нима саволларни берган эди? Икки ердая маош олар экансан, деб писанда қилганди ҳам.

Шу одамга, шу одамга ҳамма сирни очиб қўйдими? Қани, шу одамнинг афтига бир қарасин-чи! Тузук... Ахир, у Уктамга ёрдам бермоқчи-ку? «Лозим бўлса, жонимни аямайман! У менга жуда одамгарчилик қилди, мен ҳам унга қайтиришим керак!» деди-ку?

— Бўлмасам!— Содиқ бирдан жиддий тортиб, унга тикилди.— Гап мундай. Сен ҳозир машинага кирасан-у, ухлайсан. Мен Уктамжон билан учрашман. Ҳалиги масалани ҳал қилиш керак. Агар кечиксам-у, Насиба милицияга ўтган бўлса, ё судга ариза ташлаган бўлса... кейин кеч бўлади! Мен кетдим. Сен ухла! Лекин машинани жилдирсанг, биласан-а?

— Биламан!

— Қани ичкарига кир.

— Хўп бўлади.

— Итолмас, мен сендай виждонли шофёрни биринчи кўришим. Раҳмат. Ҳали рулга ўтир деганда, чиндан ҳам сени синамоқчи бўлган эдим.

— Э, ака!

Содиқ кетганидан кейин Итолмас бир нафас қотиб ўтирди-да, пастга тушиб, қайд қилди. Анча енгил тортиб, машинага кирди-ю, ўз-ўзидаёй ҳайрон бўлди: «Нега бу ерда ўтирибман? Нима бало бўлди менга? Уктам акам районга кетиши керак эди-ку?»

78

Уктам дачада, болхона зали деразасидан ташқарида қўққисдан бошланган қуюннинг шовқинига қулоқ солиб, хирмондаги пахталар сочилиб кетганини, ғамлаб қўйилган хашаклар тўзигини ва бир неча кўчатга шикаст етганини ҳис этиб турар экан, бундан юрагининг аллақаери жиз-жиз этаётган бўлса-да, вужудида ғалати бир шижоат сезар эди.

— Содиқ ака, кизиқ бўлди-ку? — деди Уктам. — Бу шамол қаёқдан келди?

— Сиз биласиз-да, — жилмайди Содиқ.

— Утган куни афғон бўлган эди. Бу — бошқача... Қараю! Адашиб келганга ўхшайди. Тавба! Лекин бу ярамас кўп иш кўрсатиб кетади. — У бирдан соатига қаради. — Содиқ ака, мени кечирасиз. Мен ҳозир райкомга боришим керак. Уртоқ Қосимов бугун ўзлари тайинлаб кетган эканлар. Мана, соат тўққиздан ошаяпти! Унга етиб бормасам бўлмас! Сводкани ҳам топширмадим, ўзим олиб бораман.

Содиқ жилмайди. Шунга баробар жаҳли чиқди. «Шошма! Бу ёқда қисматинг ҳал бўлиб турибди-ку, бола! — Содиқ унга тикилди. — Лекин ўзи ёмон одам эмас. Ишлиям қилади. Бироз ҳовлиқмароқ... Бунинг албатта бошқа участкаси бор! Бўлмасам-чи? Агар бўлмаса, энди бўлдиради».

— Уктамжон, муҳим бир масалада сиз билан гаплашмоқчи бўлиб келдим.

— Нима бўлди?

— Тинчлик, тинчлик, — деди Содиқ ва унга тикилиб боқди. — Лекин бу тинчлик, дўстим, бояги мўътадил ҳавога ўхшайди. Изидан мана шунақанги бир довул турмаса, деб қўрқаман. Аниқроғи, қўрқаяпман. Сизнинг ташвишиягиз менинг бошимга тушиб қолди, Уктамжон! Ҳайрон бўлаяпсизми? Ҳай-

рон бўлманг... Сиз ўйлаб кўринг. Ҳамма ишингиз жойидамикан? Совхоз ишларини назарда тутаётганим йўқ. Шахсий ҳаётингиздаги, хўш, ишларингиз жойидами? Сизга гап тегиши мумкин бўлган бироята ноҳўя ҳаракат қилиб қўймаганмисиз? Ўйлаб кўринг!

Уктам Содиқнинг гапи давомида ҳар хил ҳолатга тушиб, шу ҳолатлар боғлиқ мулоҳазалар думидан ушладим деганда, бошқасига ўтиб келаётган эди. Бирдан ҳушёр тортиб кетди. «Шахсий ҳаётингиз?».

Унинг кўзи олдига хотини Майрамгул келди. У тинч. Касал-пасал эмас! Қизи қайнотасияникида. Йўғ-а, хато деди-ку? Хато...

Уктам бирдан тилсиз қотди; ҳа, унинг хатоси бор. Хатоси шундаки, Насиба билан яқин бўлиб қолди. Вақтида алоқасини узмади. Ниҳоят, узди! Лекин у ҳозир районда...

Хатоси шу!

— Содиқ ака,— деди Уктам дўриллаб.— Сизни биламан, орган одамисиз! Сиз албатта оилали эркакларнинг ҳамма вақт ҳалол бўлишини талаб қиласиз. Бу нарсани йўлдаёқ билган эдим.

— Раҳмат.— Содиқ унинг сўзини илиб олди.— Мен ҳам ўша пайтдаёқ шунақа бир хатойингиз борлигини сезган эдим.

Уктам унга ёвқараш қилди.

— Нега... ўша пайтда айтмадингиз?

— Вақтимас эди. Сўнгра мен бу нарсанинг тагига етишим керак эди. Ахир тагига етсамгина сизга ёрдам бера олишим мумкин бўларди-да?

— Қаянақа ёрдам? А-а... сиз уни районга боради, иш қўзғайди, деб ўйлайсизми?

Содиқнинг кўзлари уккининг кўзларидек ялтираб кетди.

— Балли!— деди. Сўнг бу сирнинг тагига етиш учун шунчалик ўйлагани, асабланганига пушаймон бўлди: осон экан-ку? Ўзи айтиб қўйди-ку?

Ё мени синаяптими? Бу пишиқ бола. Ёки ҳақиқатан ҳам соддами?

— Кириш сўзига ўрин қолдирмаганингиз учун раҳмат!— Содиқ шойиб давом этди (токи, у гапидан тониб қолмасин! Темирни қизигида боссин!) — Мен

ана шу нарсадан хавотирга тушиб қолдим, Уктамжон. Гап шундаки, бу нарса сизга анчайин ҳал бўлиб кетадиган ишдек кўринса ҳам, аслида ёмон... Ёмон гап-сўзларга сабаб бўлиши мумкин! Унда директорлигингиз ҳам хавф остида қолади. Совет, партия, хўжалик раҳбарларининг аввало ахлоқига қаралади. Мен биламан: баъзи раҳбар кадрлар мана шундай хатоси билан урилиб кетган. Бунинг устига, сиз эри армияда бўлган, яъни совет чегарасини қўриқлаётган бир кишининг хотини билан юргансиз... У билан қачондан бошлаб юргансиз, бунинг аҳамияти йўқ. Факт шундан иборатки, эри армияда бўлган чоғида у билан юргансиз! Тўғри, кеча у билан хайрлашдингиз. У районга кетди... Лекин бу иш шу ҳолида босилиб кетади, деб ким айта олади?

— У гап қўзғайди дейсизми? — Уктам кўзларини юмиб очди, бошини қаттиқ силкитди. — Шошманг, Содиқ ака! Сиз бу гапларни қаердан билдингиз? Сиз ўзи, қизиқ! Мен ростдан айтишим керак, бари гапингиз тўғри. Шундай бўлди... Лекин сиз буни қандай қилиб билдингиз?

— Уктамжон, қандай қилиб билганимни суриштириб ўтирсангиз, вақт кетади. Шундоқ экан, бу ишнинг охирини ўйлашимиз керак бўлади.

— Сиз ўзи билан ҳам гаплашдингизми?

— Гаплашганим йўқ!

— Йў, энди подадан олдин чанг чиқариб юрсак...

— Чанг чиқмайди!

## 79

Қувватбеков айвон лабида устунга суяниб турар эди.

«Ёмғир ёғади», деди ичида ва биринчи марта энг тўғри, бўладиган гапни айтгандек сездди ўзини: ажабо! Бугун тушдан бери у паришонмиди? У оғзига келган гапни гапирдими? Қалласига келган нарсани сўзладими?

Кўп иккиланди...

Ҳатто яқин орада Тошкентга қайтиб бориши ҳам гумон бўлиб кўринди.

Йўқ, ўйлаб кўриши керак! Жиддий ўйлаши керак! Диққатини бир жойга тўплаши керак.

«Мана, ёмғир ёгади,— деди ўзини синамоқчидек.— Ёмғир. Кейин ерлар ҳўл бўлади, лой бўлади. Кампиркўл...»

Бирдан унинг кўз олдида ёмғирда жимир-жимир қилаётган катта сув намоён бўлди. Ҳув, узоқда қорайиб кўринаётган нарсалар нима? Урдаклар. Қамишлар намхуш. Ниманингдир ҳиди келаяпти. Э, қамишга ўт қўйипти-ку болалар.

— Дада!

Қувватбеков чўчиб тушди. Ёнида ўғли.

— Алишер?— У Алишерни даст кўтариб олди. Беихтиёр супадан пастга тушди-ю, ёмғир ёгаётгандек яна чекилди. Сўнг қорайиб турган осмонга қараб хўрсинди.

Шунда унинг ёдига тагин Жониқулов, унинг мактабдан учта синф хонасини олиш тўғрисидаги гапи тушди. Ҳозир мактабга боради!

Қувватбеков ҳозир мактабга бормаса, ўша учта синфни Жониқулов биратўла кўтариб алақаёққа олиб кетадигандек туюлди. Ортига қараганди, эшик оғзида мунғайиб турган Шафоат опани кўрди.

— Ҳа, опа?

— Алишер зерикди. Бир айлантириб келмайсизми?— Опа супа лабига келди.— Шунақа қилинг. Узингиз ҳам ёзилиб қайтасиз. Бизга алағда бўлманг. Қўрқадиган ҳеч нарса йўқ. Боринг, болам.

— Ҳаво айнаб қолди-я?

— Ҳа,— деди опа.— Қишдан нишона бу.

Қувватбеков бир кўнгли елкасига нимадир илиб олишни ҳам ўйлади. Лекин:

— Майли, биз айланиб келайлик!— дея эшик томонга юрди.

Кўча. Уша кўча. Анавилар — тераклар. Қаттиқ шилдираяпти. Ёмғир ёгади. Қувватбеков, ёмғир ёгса, Иқлима опанинг дарвозаси тагига ўтадигандек бирикки қадам босди. Сўнг жадалроқ юришни истади.

Токи ёмғир ёққунигача мактабга етиб олсин. Мактаб зинасига етса, бас! Тепада айвонча бор, тагида тураверади.

Қувватбеков мактабга яқинлашиб бораркан,

эраги ҳаприқиб кетди: ўзининг мактаби... Ўзи қурдирган! Пойдеворини қўйишдан тортиб, алибастр сувоғигача тепасида бўлган. Йўл-йўлакай қанча ўзгаришлар киритди. Мактаб битган куни қувонгани! Жами ўқитувчилар, совхознинг бари раҳбарларини уйига чақирди. Зиёфат берди. Гўё ўзининг туғилган куни ёки оиласидаги каттакон бир шодиёналикни нишонламоқда эди!

Ана шундан кейин мактабда дарс берадиган ўқитувчилар ҳам баланд савияли бўлиши керак, деган фикрга келган ва иккиланмай «имтиҳон» бошлаган эди.

Ўшанда биринчи синфларга ўқувчи қабул қилар экан, уларнинг ота-оналари билан ҳам суҳбатлашган эди.

Кетиб қолса, у ўқувчилар... қизиқ! Ўқитувчилар уни ёмон кўриб қолишади. Баъзилар ёмон қарай бошлади ҳам. Дунёнинг ишлари ғалати: бировнинг сенга бўлган меҳри, бир пайт қарабсаяки, газабга айланибди! Нега? Азбаройи сени севгани учун.

«Майли. Кўникиб кетишади ҳали. Унутишади ҳам!»

Шундан кейин Қувватбеков ўзини анча хотиржам ҳис қилди ва энди Тошкентга борганида, у ерда ўтажак ҳаёти тўғрисида ҳам ўйлашга эҳтиёж сизди: у бориб, қаерда яшайди? Икки хонали квартирасини топшириб юборган. У қайтиб бориши ҳамано дарров уй бера қолишмаса керак?

Қувватбеков институтдан ўзини анча узоқлашгандек сизди. Лекин яна ўзининг руҳини кўтарди: ҳечқиси йўқ.

— Кетдик.

У Алишернинг қўлидан ушлаб, салмоқли қадамлар билан йўлкага тушди. Мана, ёш-ёш арчалар! Буларни район ўрмон хўжалигидан олиб келиб эктирган.

Яхши кўради буларни! Мактабини ҳам... Ҳа-ҳа! Ўқитувчиларию ўқувчиларини ҳам! Уларни деб бировлар билан талашди, уришди.

Совхоз ҳаётини ҳам оз-оз ўрганди. Раҳбарлари билан иноқ бўлди.

Маориф... район! Райком.

Қувватбеков тагин бир фикрга келолмай, аниқроги, фикрларини бир ерда тўплаб, муқим бир якунга кела олмай, изига қайтди.

— Хўш, унда нима қилишим керак?

Бу йигит унга ҳақиқатан ҳам кўп яхшиликлар қилди. Содиқ унинг тузини еди, у Содиқнинг оиласига уй берди. Ҳатто, ана, меҳмонлардан хабар ол, деб шофёрини ҳам юборибди.

Бу йигитнинг Содиққа ихлоси баланд!

Тўғри, Уктамнинг бу олижанобликлари тагида ўзига, фақат ўзига маълум бўлган бир мақсади ҳам борлигига Содиқ шубҳа қилмайди: ўша мақсад худди мана шу — Насиба билан алоқаси қўзғаладиган бўлса, уни бости-бости қилиш экани ҳам эҳтимолдан узоқ эмас.

Лекин барибир қўққисдан ундан пул сўраса... ёхуд пул бермасанг, сирингни фош этаман деса, у қандай ҳолга тушади? Ахир, Содиқ унга ҳозиргина ўзини дўст деб, унинг ташвишидан қайғуга тушган киши қилиб кўрсатди.

Дарвоқе, у ёқда, Содиқнинг иштирокисиз ҳам сирнинг очилиб қолиши мумкинлигини Уктам тушунди-ку? Гапни ўша томондан айлантириб келсамикан? Унда... Пул кимларга керак дейиши лозим?

Албатта Абдушокир Ғиёсовни ўртага қўйиш лозим бўлади. Ёки бошқа кишиними? Бошқа биронтасининг номини таваккал айтиб қўйсаю у Уктамга яқин киши бўлиб чиқса-чи? Ўша тузук. Айтмоқчи, бу бола пул беришга қандай қарар экан? Пул! Ким тушунмайди буни?

Нафсиламри, Содиқ ҳозирнинг ўзидаёқ беш-олти оғиз гапи билан ишни бости-бости қилиш фақат пулга боғлиқ эканига шама қилмадимиз?

Уктам соатига қаради.

— Уктамжон, бизнинг шефимиз ўртоқ Ғиёсов... сиз у кишини биласизми?

— Салом-алигимиз бор, ҳар қалай.

— Мен у кишини яхши биламан. Бу ерга келишимдан аввалроқ ҳам билар эдим. Бошқа бир сирни ҳам айтиб қўяй сизга. Болалар бўлимида икки-уч ой ишлаганимдан кейин ўша одамнинг ўрлига ўтқазил-

моқчи мени. Амакимнинг кимлигини биласиз. У ёғни гапириб ўтирмайман. Тўғри, у киши менга жиндаккига қариндош-уруғчилик қиладилар. Лекин бу сиз мумкин эмас.

— Биладан, биладан,— деди Уктам — Тушунтириб ўтирманг! Ҳар қалай бир киши қўллаб қувватласа яхши. Мениям... Қосимовнинг ўзи тавсия этган эди директорликка.

— Айтмоқчиманки, Уктамжон, ана ўша Ғиёсовни қўлга олиш керак.

— Йўр-э! Қандай қилиб? Йўғ-э... Ҳовлиқиб кетяпмиз.

— Мен ҳар ҳолда ўзимни ўйламаяпман, Уктамжон. Бундай мавзуда сиз билан бундай гаплашиб ўтирганимни бизникилардан бирови сезиб қолсами! Бошим кетади.

Уктам чуқур хўрсинди. Кафтларини бир-бирга қарс этказиб урди.

— Содиқ ака, шу гапга нуқта қўяйлик. Жон ака! Ҳақиқатан ҳам сизни қийнаб қўйдим... Падаримга лаънат менинг! Уйламай еган оғримай ўлади дейдилар. Агар Насиба номардлик қилса, мен ҳам гапирман-да! Нима, мен унга ваъда берибманми, сени оламан деб?

— Уктамжон, қизишманг! Ҳозир мардлик қиламан деб кўкракка урадиган замон эмас. Ақл билан иш кўрадиган замон. Бу бир! Иккинчидан, сиздек олижаноб, олийҳиммат ёш бир директорнинг арзимас бир нарса устидан беобрў бўлишини мен асло истамайман! Бунга виждоним йўл қўймайди! Шунинг учун бу ишнинг олдини олинг. Шаънингизни ҳимоя қилинг, деб сиздан талаб қиламан. Уқдингизми?— у хафа бўлган кишидек ўрнидан туриб нарига кетди.— Кишини тушуниш керак-да.

— Содиқ ака!

Содиқ ўғирилди ва Уктамнинг қўлга тушганини туйди: у қаттиқ ҳаяжода, Содиқнинг сўзлари унга таъсир қилган эди.

У отилиб келиб, Содиқни қучди. Юзидаа чўлп-чўлп ўпиб олди. Кейин:

— Нима қилишим керак?— деди ва қўлларини чўнтагига солиб, эшикка қаради.

Содиқ шошмасдан келиб жойига ўтирди. -  
— Бунинг битта йўли бор, Уктамжон!

81

Ташқарида шамол тинган, дарахтлар қилт этмас, нари ёқдаги богда ҳам майналарнинг чуғур-чуғури пасайиб қолган эди.

Итолмас эшикдан кириб, у ёқ-бу ёққа аланглади, болохонада чироқ ёниб турганини кўрдию ўша «ёққа интилди. Лекин сўрида супургини тиззалари орасига ҳассага ўхшатиб қўйиб ўтирган Барот чол:

— Ҳай-ҳай!— деб ўрнидан турди.

— Уктам акам шу ердами?

— Шу ерда. Лекин ўзлари ҳеч ким кирмасин, бизга халақит бермасин деган.

— Ким бор? Кечаги меҳмон борми?

— Ҳа.

Итолмас сўрига бориб ўтирди.

Агар бу одам Уктам акасига ёмонлик қиладиган бўлса... Итолмас ўз айбини ювиш учун ҳам уни бир балага гирифтор этади.

«Ахир, ўзи билар экан-ку? — ўртаниб кетди у.— Мен унга ялиндим холос. Уктам акамга гап тегмасин дедим. Шу! Ё тонишим керакмиди? Қандай тониб бўлади? Ҳамма нарсани аниқ-аниқ қилиб айтиб берди-ку? Қизиқ, қайси гўрдан билдийкин-а? Ё чол билиб юрган-у, бунга айтганмикан? Агар шундай қилган бўлса, у чолни... Ярамас, писмиқ... Айтса, шу бегонага айтадимиз? Менга айтарди-да. Балки бунинг мелиса бўлгани учун айтгандир?»

Сўнг хотиржам бўлиб, сўрига чўзилди.

— Қалайсиз, ота?

— Қалайи эмас, мисман.

— Ҳе, сизга маза. Сизга аслида Беғамбой деб от қўйиш керак. Хафа бўлманг.

Чол жавоб бермади. Итолмас гўжанак бўлиб олди ва шу кўйи ухлаб қолди.

Барот чол Итолмасга бироз қараб турди-да, чополини ечиб унинг устига ёпди. Супургини кўтариб эшик томонга юрди.

Боққа чиқди. Тагин ёдига Исҳоқ чол тушиб, кўча җарафга қаради. Идора деразасидан чироқ нури тушиб турар, ичкарида бир неча кишининг сояси кўринар эди.

Омон Эминов Бобоқуловни топтириб келиб ўтказиб қўйган. шу тобда Раҳмонов билан гаплашмоқда эди.

— Уктамжонда мана шундай режалар ҳам йўқ эмас,— деди у табассум билан.— Эшитяпсизми, Бобоқулов?

— Кар эмасман, бобо,— деди Бобоқулов.— Менга қолса, бутун бўлимни олинглар. Айтман-ку, битта йилқи уюрига бош бўлсам, армолим йўқ! Бойсундаги битта совхозда йилқичилик кўпайтирилибди. Қимиз ишлаб чиқаришар экан. Ўша совхозга кетаман.

Эминов унга бир нафас ўйчан тикилиб турди-да:

— Шунчалик яхши кўрасизми отни?— деди.

Бобоқулов шишиниб, алланечук ютинди:

— Э!..— Сўнг энтикиб кетди.— Адирда йилқиларнинг гуруллаб чопганини эсласам, юрагим ёрилади. Айғир яхши нарса-да. Бир уюрни бир ўзи эп-лаб юради.— У ғамгин кулимсиради.— Шунда битта бегона от кўришиб қолса борми!— У Раҳмоновга қаради:— Еб ташлайди-я!

Раҳмонов мийиғида кулиб қўйди.

— Хўш,— деди партком секретари Раҳмоновга.— Уйлаб кўрасизми?

— Лекин бирон ишни бузиб қўйсам...

— Бузмайсиз-да. Агар бузсангиз, бу ердан ҳам кетасиз! Кейин сизга характеристикани ўзим ёзиб бераман... Гап тамом. Энди сизни огоҳлантириб қўяй: анави экспериментни бас қиласиз. У нарса ҳали жорий қилингани йўқ. Тўғрими? Бизда бошқа янгиликлар бор. Бунинг учун Термиздаги агрохимия лабораториясига борасиз. У ерда илмий нуқтаи назардан исботланган ҳар турли ишлар бор. Папкаларда ётибди. Ана ўшалардан энг маъқулини олиб келиб, бирон жойда синаб кўрсангиз, бошқа гап. Бузга қаршилигимиз йўқ. Шунда ҳам биринчи навбатда давлат планини тўлдириш ҳақида ўйлашингиз керак!

Раҳмослов чиқиб кетгандан кейин, то дала ший-пониға етгунча парткомнинг сўзларини салмоқлаб кўрди, ҳа, унинг айтганини қилади.

Бу одамнинг феъли ғалати.

Тузук-тузук ишларда юрганида ҳам, ишга битта янгилик киритаман дейди-да, кўпинча ўша ишни бузиб қўяди. Лекин ўша янгиликни қилмаса туролмайди ҳам, ҳаёти бекорга, мақсадсиз ва зерикашда ўтаётгандек бўлаверади.

\* \* \*

Эшик ланг очилиб, Қурбонберди кириб келди. Бобоқулов унга ҳайратланиб қараб четланди ва чўпон партком секретари томонга ўтар экан, унинг қўймучи дўмпайиб турганини кўрди.

«Дўмбира! Дўмбираси! Дўмбирани сопидан белбоққа қистириб қўймаса, қаерга қўяди?»

Қурбон партком билан кўришиб, дераза тагидаги стулга ўтирди. Сийрак мўйлов чиққан лабларида истеҳзоли табассум ўйнади.

— Хўш? — деди Эминов. — Яна гап топиб келдингми?

— Э, йўғ-э! — деди Қурбон. — Кулмайсизми?

— Нимага?

— Уша айтганингиз бўладиган бўлди. Айтдингиз-ку, ҳеч бўлмаса, меҳмонлар учун бир бошпана соб қўйгин деб. Шунга келишдик хотин билаҳ. Қистовга олиб қўймади... Эрта-мертан қиш тушади, ҳеч бўлмаса пойдеворини об қўйинг, деди. Мен уй солиб кўрган бўлмасам. Ташвиши ҳам кўп бўлса керак. Ёишт дегани бор, семон дегани, тахта, ёғоч. Шуйтиб бошингизни қогиргали келдим.

— Берироқ ўтир. Бобоқулов, сизга жавоб.

«Ташқарида кутамаи Қурбонни», ўйлади бўлим бошлиғи ва чиқиб кетди.

Бу вақтда мактаб қоровули уйдан чиқиб, Ажи-натепага яқинлашиб қолган, ўз-ўзидан қалтираб, ҳассисини қўлида ўнглаб борар, ҳассага суяниб ўргатган одам ҳозир икки оёқда қандоқ шипиллаб кетаётганини сезмас эди.

Чол тепага рўпара бўлди. Тўхтади-да, тиканвордан ҳам қандоқ ўтганини билмай, саксовулзорга етди.

Йироқда, Оқдарё бўйида гулхан кўринди. Атрофида одамлар қораси кўзга ташланар эди. «Опанинг айтганлари — шулар», ўйлади чол. Ушаларнинг қўшхонасида ётиб, тепага қўриқчилик қилади.

## 82

Уктам Ғиёсовга пул бериши кераклигини эшитиб гангиб қолган эди: ўша одам оладими? Қайси юз билан олади? Кейин Уктамнинг сирини яширади, кейин виждони қийналмай юраверади, а?

У ирғиб туриб дераза ёнига борди. Трубкани юлқиб кўтарган эди, бу ёқда Содиқ:

— Кимга? — деди.

— Ғиёсовга.

Содиқ столни пайпаслади, қўли пичоққа тегди. Пичоқни олиб, ўчидан турди.

— Нима дейсан унга?

Уктам унинг хатти-ҳаракатларини кўриб турган бўлса-да, мақсадини тушунолмади.

— Ифлос экан-ку у? — бақириб юборди у.— Уни ҳозир боплайман. Одаммас экан! — Трубкани аппаратга ташлаб юборди. Алпанг-талпанг юриб, Содиқнинг қошига келди.— Тўғрими гапим? Тавба! Лекин сиздан ҳам хафа бўлдим, Содиқ ака. Шундоқ одамнинг кимлигини била туриб, унинг гирибонидан бўғиш ўрнига пора бериш керак дейсиз!

— Сиз учун қиялмат бу ишни, Уктам.

— Э, мени қўйинг... Шу айбим учун мени ишдан бўшатадиган бўлса бўшатсин! Минг розиман! Ахир, нима қипман мен? Уйи куйсин ўша аёлнинг! Хўп, майли. У номардлик қиладиган бўлса, майли, пешонамдан кўрдим. Лекин бу гапни бас қилайлик... Сизга раҳмат. Сиз менга дўстсиз.

Содиқ Уктамни бундоқ аҳволга тушади деб ўйлабмиди?

Битта ишни бузиб ҳам қўйди: пулдан гап очиб, Ғиёсовни ёмонотлиқ қилди. Бу бола бу гапни шу

қолда қолдирмаса керак. Райком секретари яқин одами экан, унга айтиши ҳам мумкин.

— Уктамжон, ҳовлиқманг,— деди Содиқ босиқлик билан.— Биринчидан, мен Ғиёсов пул сўради деганим йўқ. Иш унинг қўлига ўтиб қолса...

Уктам беҳолланиб курсига ўтирди. Шу заҳоти соатига қаради.

— Хўп, Содиқ ака, мен кетишим керак. Ҳим-м, бошқа гапингиз йўқми?

— Бор.

— Хўш?

— Сиз бу сирнинг ошкор бўлиб қолишидан қўрқмайсизми?

— Айтдим-ку, Содиқ ака.

— Ғиёсовни қўйинг, мен умуман айтяпман.

— Энди, шу иш юзасидан шарманда бўлсам, алам қилади албатта.

— Балли!

— Лекин ҳеч нарса бўлмаса керак.

— Яна бир минут ўтиринг... Шу ишни биронта яқин одамингиз бориб очса-чи?

— Ким?

Содиқ унга хотиржамгина қаради.

— Мен.

— Сиз.

— Ҳа, мен.

Содиқ энди одам қиёфасидаги йиртқичга айланган эди! У, ўша таниш магазинчи билан ҳам узоқ гаплашгач, охирида унга худди шундай совуқ қараган, овози ҳам темир жарангидай совуқ ва хотиржам эди.

— Қўйинг-э,— Уктам эшикка ўгирилди. Лекин шу он тагин унга қаради, кулимсиради.— Нима деганингиз бу?

— Бу,— Содиқ пинак бузмади,— сирингизни очишим мумкин, деганим... Жим ўтиринг. Бу сирни бошқа киши эмас, худди мен бориб айтаман. Лекин айтмаслигим ҳам мумкин.

Уктам унга қараб қолди. Сўнг синиқ-титроқ жилмайди:

— Содиқ ака?

Содиқ сигарета тутатди.

— Лекин айтмаслигим ҳам мумкин. Бунинг учун ўша пулни ҳозир келтириб менга беришингиз керак.

— Содиқ ака...

— Қулогим сизда. Тушунмадингизми?

Ўктам бошини ушлаб қолди. Аста орқасига бурилди ва қарс этказиб пешонасига урди.

— Ўктамжон, ҳайрон бўлманг,— деди Содиқ унинг рўпарасига ўтиб.— Сираям ҳайрон бўлманг. Мен сизга яхшилик қилишим керак. Албатта сизга бир яхшилик қиламан ҳам. Лекин ҳозирги масала — бошқа масала.

— Аблаҳ.

— Фойдаси йўқ... минг сўм сиз учун ҳеч нарса эмас.

— Ярамас. Демак, Гиёсовга деганинг ҳам ёлгон?

— Ёлгон.

— Ахир менга дўст эдинг-ку, хунаса! Йўлда нималар дегандинг? Ҳар қадамда дўст деб...

— Мен сизни ҳурмат қиламан.

— Ҳурмат қилмай қўя қол!

— Қичқирма.

— Тавба! Бу қандай одам?— Ўктам қалтираб Содиқнинг ёнига келди.— Сиз... нега бунақа қиляпсиз? Мен қулоқларимга ишонмаяпман.

— Ишонинг. Сиз соддасиз, анча покизасиз, Ўктамжон. Шунинг учун ҳозир сўзларимдан лол қолдингиз. Мен сиздақа эмасман. Мен сизнинг аксингизман, десам ҳам бўлади. Менинг яна битта одатим борки, бир ишни қиламан дедимми, қиламан. Районда сиз билан фавқулодда учрашганимда, бир оғиз сўзингиздан боя айтганим — айбингиз борлигини билгандим. Ҳатто ундан ҳам аввалроқ: бир қиз билан бир йигит йўлни кесиб чиқди-ку, ўшанда пайқанган эдим. Сираси, шунинг учун ҳам бу ёққа келдим. Омадим бор экан, тезда бу сирнинг тагига етдим. Қандай қилиб билиб олганимни ҳам айтишим мумкин. Ундан уни, бундан буни илиб олдим. Охири, ҳали шофёрингизни ичирдим. Тахмин қилган гапларим рост экан. Мана, ниҳоят, сиз билан учрашдик.

— Пулни келтириб берсам, нима қаласан?

— У ёғи билан ишингиз бўлмасин.

Уктамни титроқ босди, кўзларига қон қуюлиб, қулоқлари шанғиллаб кетди. Ҳзи унга интилдими, ёки муштуми чўзилдими — Содиқни оёғи остида кўрди. У типирчилар эди! Бошига тепмоқ учун оёғини кўтаргани кўйи, унинг энтикиб ёлворганини эшитди: «Бас, бўлди. Бас!»

Уктам беихтиёр чекинди. Стулни тепиб юбориб, нари кетди. У нима қилишини билмас, ҳамон хаёли ўзида эмас эди. Содиқ тиззалаб, оғзини ушлаб ўрнидан турди. Энгашганича ваннахонага йўл олди.

Унинг бирдан йиғлагиси келиб, тескари қаради.

Қадам товушлари эшитилди. Содиқ столнинг ёнига келиб тўхтади. Бурнини тортди. Сўнг пиёла шиқиллади. Кейин холодильник эшиги очилди.

Уктам ўгирилди.

Содиқ яримлаган «Экстра»ни олиб қайтмоқда эди.

— Мумкинми?— деди у.— Бу охиргиси. Мен энди кетаман.

Уктам секин юриб стол ёнига келди. Шунда Содиқнинг лаби шишиб чиққани, чап кўзининг атрофи қизарганини кўрди. Сочлари ҳўл.

Содиқ пиёлага арақ қуйиб, унга узатди.

— Олинг.

Уктам олмади.

— Майли,— Содиқ бир нафас пиёлага қараб турди-да, шитоб билан кўтариб бўшатди. Ютиниб, оғзини кафти билан артди.— Уктам, сизга раҳмат,— деди.— Бошқа гапим йўқ. Сиз менинг хотинимга ўхшар экансиз!

— Н-нима?

— Одам сифатида... Уф. Хайр энди!— У эшик ёнига бориб, яна тўхтади.— Мендан хафа бўлманг, Уктам. Ахир мен сиздан хафа эмасман. Лекин битта нарсани билинг, мунчалик содда бўлманг, бир кунмас, бир кун чинакамига панд еб қоласиз.

Бир неча минутдан сўнг у уйида, Муниранинг қаршисида турар эди.

— Кетамиз.

Мунира кулимсиради.

У эрининг бояги қилигиданоқ бир шумликни сезган ва у чиқиб кетгач, энди оралари узилганига имон келтирган эди.

— Нималар деяписиз?— деди у.— Қаёққа бораман? Шу ерни ташлаб-а? Сизга эргашиб юриб, нима топдим? Фақат қийналдим, ўқиндим. Сизга ялиндим, хўрландим. Мени қўйинг энди, йўлимиз бошқа-бошқа.

— Ахир, мен сен истагандай бўлишим мумкин! Бу ўз қўлимда.

— Унда шу ерда қолинг.

— Йўқ. Фақат бу ерда қололмайман!

— Демак, бу ерда ҳам эски дардингиз қўзиб, шарманда бўлгансиз. Энди қочмоқчисиз! Йўқ, Содиқ ака, мен энди сизга ишонмайман.

— Охирги марта.

— Мен бу ердан ҳеч қаёққа кетмайман!

Ҳа, ҳаммаси тугади. Мунира қолади. Эҳтимол, у Қувватбековга тегар. Унга тегмаса, бошқаси топилади-ку?

...Ўзи нима қилади энди? Қаерга боради? Яна амакисига йўлиқадими? Йўқ...

Содиқ кўчага қайтиб чиқди ва бугун оқшом ўша Самарқанду Шоҳистахон билан боғлиқ орзуси ҳам аллақандай саробга ўхшаб, олисларда қолиб кетгандек туюлганини эслаб, бирдан даҳшатга тушди: унда нима бўлади?

Бирдан унинг ичи бўм-бўш бўлиб қолди. Сўнгги илинжи ҳам йўққа чиққандек эди. Содиқ бошини эгиб жадаллаб кетди.

## 83

Қувватбеков Алишерни қўйиб, яна кўчага чиқди. Ёнгоқ остидаги скамейкага келиб ўтирди. «Наҳотки буткул қолиб кетсам?» деди ва ўзини даҳшат босаётганини сезиб, титраб кетди.

Лекин юрагида бу ерда қолишига ишониб бўлган эди. Ана шу нарса тажовуз қилмасин учун у шошиб бошини кўтарди, ўзини чалғитмоқчи бўлиб маориф ва Қосимовнинг бугунги таклифини эшлашга тиришди.

У ўзини хаёлан маориф идорасида, Қодир Назаровнинг курсисида кўрди... Атрофида мактаб директорлари, методист ўқитувчилар! Улар билан қизгин суҳбат олиб борапти. Қайси бирининг мактабида ўзлаштириш плани юз фоиз бўлгани ҳолда, ўқувчиларнинг билими паст.

Бу хаёл кутилмаганда ўзига ёқиб кетди ва мактаблардаги энг муҳим муаммолар нималар ўзи, деб ўйлай бошлади. РайОНОнинг ўша кунги сессиясида анави мактаб директори: «Хўш, мажбурий таълим биздан нимани талаб қилади? Жаъми ўқувчилар ўрта маълумотли бўлсин дейдими? Демак, нима қилишимиз керак? Иккичи ўқувчини ҳам ўнинчини битқаздиришимиз керак! Шундай бўладими?» деганди.

«Йўқ, уни синфида қолдириш керак! — деди Қувватбеков. — Буям кам, унинг бир йиллик ўқишига давлат томонидан сарфланган маблағни ўша боланинг ота-онасидан ундириб олиш керак!

Йўқ, қаттиқ кетдим. Оз-моз ўйлаб олиш керак, — эътироз билдирди у ўзига. — Ўқувчига аввало яхши таълим бермоқ керак. Бунинг учун аввало ўқитувчиларнинг ўзлари саводхон, эътиқодли, ҳалол одамлар бўлмоғи керак! Бунинг учун... Иш кўп экан, жуда кўп экан. Ўз фанини севадими, ўз касбини севадими — ишласин! Йўғасам... Яна жамжал чиқади. Райком билан маслаҳат қилиш лозим бўлади. Аммо Жониқулов билан бир уришишим бор. Ўзи ақлли одам кўринади-ю... ё мансабпарастми? Нега энди ўзи идеология секретари бўлиб туриб мактабнинг ёнини олмайди-ю, ўрмон хўжалигига ён босади? Районнинг бошқа ишларига ҳам аралашса керак. Демак, у ўзини кўрсатмоқчи. Қосимов оғир одам, мулоҳазали одам...

Назаров ҳаётдан орқада қолди. Начора? Бир кун келиб, мен ҳам орқада қолсам керак... Йўқ, бу қайғули ҳол: ҳаёт билан қадам-бақадам бориш мумкин.

Балки педагогикадан илмий иш қилиш керак бўлар?»

Шунда Қувватбеков ўзини район марказида ҳис қилгани учунми, кўнгли аллақандай кенгайиб кетётганини пайқайди.

Бу кўнгилга бирданига атрофида ястаниб ётган Бекат қишлоғи ҳам, мактаб, атрофдаги қум барханлари ҳам сиғиб кетди. Айни пайтда кўзлари равшан тортди.

Шунда хаёлан бурилиб, уйи тарафга қаради-ю, ҳовлиси жуда кичкина бўлиб кўринди ва ўзининг бундоқ ўтириши ҳам ўзига бачканалик бўлиб туюлди.

У қисматини ҳаётнинг табиий оқимига қўйиб бергандек бир ҳолатда ўрнидан турди.

## 84

— Хуллас, Уктам ака...

— ...Унинг гапларини тасдиқладинг?

— Ҳа,— Итолмас пиқиллаб нари сурилди. Уктамга қўрқиб қаради.

Уктам кулди-да, унинг кифтидан меҳр билан қучди.

— Биз соддамиз, ука, соддамиз,— деди овози титраб.— Мабодо менга бир нима бўлса... Менга қара! Бу қийналишлардан кўра, бу ердан бира тўла кета қолсак-чи?

— Совхоз нима бўлади?

— Совхоз,— Уктам тумшайиб рўпарасидаги номаълум нуқтага тикилди.— Бошқа биттаси директор бўлиб келади,— деди ўзига ҳам уқтираётгандек.— У менга қараганда ишбилармон бўлади. Мен ўзим совхозга фавқулодда келиб қолганман-ку, ука. Қосимов билан Бошчорбоғда учрашмаганда, ҳозиро аграномлигимни қилиб юраверар эдим.— У хўрсияди: ҳали кўп ишлар қилмоқчи эди.

У бу тўғрида ўйлаганда, совхознинг келгусидаги қиёфаси кўз ўнгиди аниқ гавдаланар эди.

Тоғ бағрида олмазор шовуллаб турибди! Оппоқ гулли шохлар тагида асал ари қутилари. Теваракда асал ариллар. Бу митти жониворлар ҳам совхоз иқтисоди учун гуллар косасидан шарбат йиғади.

Пастликда катта дала шийпони. Шийпон олдида бир неча цемент ҳовузлар. Саф-саф машиналар. Шийпонда қизлар. Чуғурлашиб олмаларни саралаш-

япти. Шийпон яқинидаги майдон сап-сариқ — унда олмақоқилар.

Уктам совхознинг ўзида каттакон холодильник қурдиришни ҳам ўйларди: мевалар ачиб кетмаслиги учун ўша холодильникда сақланиши керак ва шу ернинг ўзидан тегишли жойларга жўнатилиши лозим.

Бу ёқда совхоз қиёфаси ҳам тамом ўзгариб, бўлган: хутор системасидан ном-нишон қолмаган.

Кампиркўлда балиқчилик хўжалиги бор. Сабзавот майдонлари кенгайиб кетган. Теплицанинг ўзидан ҳам аллақанча даромад оқиб турибди.

Эҳтимол, Бобоқуловга йилқи уюри ҳам тузиб берармиди. Ахир, совхозда боғ илмини биладиган агрономлар кўпайиб қолгач, Бобоқуловга нима қолади?

— Совхоз, совхоз! — деди Уктам. — Кўряпсанку, оддий битта лўттивозга алданиб ўтирибман. У ёқда опангиз ҳам ишқал чиқариши мумкин... Бу ёқда совуқ тушаяпти. Пахта терилмаган. Жураевдан терим машинаси оп келгнш керак. Эртага ҳашарчилар келади. Уларнинг ичида ҳам бир-иккита район раҳбарлари бўлади. Ҳеч қурса ўшаларнинг кўзи тушмайдими анави пайкалга? Жониқулов бўлса-бўлмаса келади. — У бошини эгиб қолди: ҳашарчилар учун иссиқ овқат қилишни ҳам рабкоп бошлиқларига тайинлаганди. Эртага ўзи уларни кутиб олиши керак эди. — Уша ерда ичиндаги ҳамма гапни Қосимовга айтаман. Ҳаммасини айтаман! Ё мени ишдан бўшатсин! Бўшатиб юборсин-э... Танқидлар ҳам етиб ортади энди. Битта олмазорни буза олмас эканман, директор бўлиб нима қилдим? — Бу гапи бирдан ўзига таъсир қилиб кетди. — Ҳақиқатан ҳам агар Қосимов шу фикримга қўшылмаса, ишдан бўшайман, деб ўзим ариза бераман!

Бўшатиб юборса. Кейин, яна бир директор келади дейлик. У пахтани кўпайтиради... Кўпайтиролмайдди, ер йўқ! Гектар бошига тушадиган ҳосилни кўпайтиради, холос. Олмазорли нима қилади? Менку ўшани бир ёқли қилолмаяпман, унга йўл бўлсин! ▶

— Итолмас!— Уктам ўрнидан турди.— Мен битта иш қиламан! Кетсам ҳам, қолсам ҳам, шу ишни қиламан.

— Нима у, ака?

— Юр.

— Райкомга бормаймизми?

— Оббо... Борамиз-да! Кечроқ борамиз. Улар ўн иккигача ишлашади. Ҳечқиси йўқ. Ҳечқиси йўқ. Энди менга бари бир!

Уктам олдинда, Итолмас орқада идорага етишди.

— Сен машинангни қўш! Мен ҳозир чиқаман.

Уктам йўлакка кириб, ўз хонаси томон бораркан, у ёқдан келаётган ғалати қўшиқни эшитиб тўхтаб қолди.

Ичкарида Бобоқулов дўмбира чертар ва куйга мос қилиб, «Алломиш» достонидан Бойчибор таърифни айтар эди:

Аввал қулоқ солгин айтган тиллара,  
Сенга насиб қилмас Барчин гуллар-а,  
Чопа берсанг олтойчалик йўллара,  
Ингранса, ўзади ўзбекнинг оти,  
Қувлик қилиб, бир шумликни кўзласанг,  
Пойганинг бошида тортиб бойласанг,  
Ун беш кун илгари берман ҳайдасанг,  
Бўшанса, ўзади ўзбекнинг оти.  
Йилқичинда ўзи келган синлидир,  
Товушқон туёқли, марол беллидир,  
Аросат кунда ажаб ҳоллидир,  
Асл тулпор экан ўзбекнинг оти.

Уктамнинг кўнгли бузилиб кетди, кўзлари чақнади. Юрганини сирли ифтихор туйғуси эгаллади. «Қани ўша отлар? қорабайирлар?» деди ва эшикни эшикни очди.

Эминов тўрда кулимсираб ўтирар, Бобоқулов дўмбира сопини силар, Қурбон илжайиб бўйинини қашир эди.

— О! Маишат бу ерда экан-ку?

Ҳамма ўрнидан туриб кетди.

— Биз бир келиб эдик,— деди Қурбонберди.

Бобоқулов айб устида қўлга тушгандек четланди. Эминов кулимсираб Уктамга жойини бўшатди.

— Утинг, Уктамжон, Қурбон қурилиш материал сўраб келибди. Иморат солмоқчи.

Ўктам бурилди.

— Шундайми?— Ҳовлиқиб, ушга қўл узатди.— Табриклайман. Иш дегани мундоқ бўпти... Бўпти. Бу ишни эртагаёқ ҳал қиламиз.— У столи ёнига ўтди ва бирдан жиддий тортди.— Ҳа, йилқичи?— деди Бобоқуловга.— Ҳим, сизнинг ишингиз ҳам эртага ҳал бўлар! Ҳозир сиз учун бошқа бир иш бор! Ҳозир гаражга борасиз. Ана, машина ташқарида турибди. Нечта тракторчи бўлса, барига айтинг, ҳеч қаёққа кетмасин, биз ҳам ҳозир етиб борамиз! Бу кеча зарил бир иш бор экан денг! Кейин, бир кунлик меҳнатларингга икки кунлик ҳақ тўлашар эканлар денг. Хўпми?

Бобоқулов елкасини қисди. Эминовга қия қаради.

Эминов уни тўхтатди:

— Шошманг. Уктамжон, нима гап?

Уктам жойига ўтди.

— Нега қараб турибсиз? Боринг дедим-ку!— дўқ қилди Бобоқуловга.— Йўлакай теплицагаям кириб ўтинг, картошкапоягаям қаранг. Уша ерлардаям иккита трактор бор.

— Улар ҳам гаражга борсинми?

— Ҳа! Менинг номимдан айтинг! Гап бор экан денг.— У Эминовга юзланди.— Ҳалиги масалада...

— Ҳалиги?

— Ҳа.

— Уктамжон!

— Худо хайрингизни берсин. Мени бир марта йўлдан қайтарманг! Бир марта. Бўлди!— У Қурбонга қараб чимирилди.— Сен нега ўтирибсан?

— Ҳайрон бўлиб...

— Боравер. Узинг хурсандмисан? Яша! Молга эҳтиёт бўл.— Чўпон чиқиши билан ирғиб туриб, Эминовга рўпара бўлди.— Қулоқ солинг. Утиринг!— Узи ҳам ўтирди.— Сигаретадан олинг.— У тутатиб, Эминовга тикилди.— Биринчидан, сизга айтишим керакки, меҳмонимиз аблаҳ одам экан. Ҳайдаб юбордим. Кетмаса, эртага ўзим изини қуритамаж. Содиқ акани айтяпман. Сабабини сўраманг, ҳали бафуржа гапириб бераман.

Ўқтам шошиб трубкани кўтарди. Қулоғига тутди-ю, иккиланиб жойига қўйди.

— Иккинчидан, шу нарсани яхши билингки, Омон ака, мен ишни эплотмадим! Мен ҳозир ишдан бўшашга тайёрман! Афсус емайман. Лекин бўшатмай қолдиришса, марра меники. Мана шунинг учун ҳам ўша ишни қилишим шарт! Ҳайдалсам... ахир, янги келган директорга йўл очаманку ҳечқурса? Биз ким бўлмайлик, совхознинг келажагини ҳам ўйлашимиз керак-да, ахир!

Эминов ўтирганча қолаверди. У Ўқтамга эътироз билдиришидан фойда йўқлигига ишонган эди.

\* \* \*

Шу кеча Сувсизтоғ ўнгиридаги олмазорда алла-маҳалгача тракторлар ишлади Қатор-қатор қари олмаларни йиқитди, холи жойга ташиб чиқди.

Бекат аҳли эртасига Қувватбековнинг эшиги эғзида тўпланганда, кеча нима воқеа бўлганини билишди. Биров маъқул деди, биров номаъқул деди. Мактаб қоровули Исҳоқ чолга: «Жудо шафқатсизлик қилибду шу директор! Узбек боласи-да!» — деди.

— Уям бир ишни билиб қилар-да, — деди Исҳоқ чол. — Олмани қўйинг. Одам ўлиб кетди-ку бу ёқда.

Эшик оғзи, кўчанинг бир бўлаги одамга тўла эди. Қувватбековнинг аёли саҳарда узилган. Аҳадова билан илмий мудир район ташкилотларига қўнғироқ қилишган. Қувватбековга яқин барча кишилар йиғилиб келишган эди.

Назаров скамейкада ўтирибди. Нуқул гарданини уқалайди: қон босими кўтарилган чоғи. Шамшиддинов ичкарида. Гўрковнинг талаби билан Сабоҳатнинг нима касалдан вафот этгани тўғрисида блокнотини тиззасига қўйиб, «Справка» ёзипти.

Абдушокир Ғиёсов билан Уроқбой четда.

— Ҳалигининг хотинини кўрдингми? — сўради Ғиёсов. — Шу ерда.

— А-а, — деди Уроқбой ва оғзини бекитиб кулди. — Ўша одамнинг Муродовни жойига ўтиришига сира ишонмаган эдим.

Мунира билан Аҳадова Қувватбековнинг кабинетда.

Қувватбековнинг ўзи эшик оғзида, стулда ўтирибди. Эғнида чопон, белида қийиқ, бошида дўппи.

Йўл қурилишининг бошлиғи билан Қурбонберди ҳам шу ерда. Совхоз раҳбарлари ҳам машиналарда етиб келишгач, келадиган бошқа одам қолмади.

Сабоҳатни чиқаришди. Хотин-халаж йиғи-сигиси билан тор кўча оғзида қолди.

Олдинда Қувватбеков. Бошини эгиб, қўлларини ортида қовуштириб боради. Орқада тобут лопиллайди, қўлдан-қўлга ўтади. Лекин битта чўпини елкасига қўйиб олган Баҳодиров жойини ҳеч кимга бўшатмайди.

Қуёш ярқираб нур сочади. Кеча ёққан ёмғирда ювинган дов-дарахтлар ял-ял товланади. Осмонда чуғурчуқлар ва чумчуқлар қувнаб учишади.

Қабристон кўринди. Эшик оғзида Ёдгор қария букчайиб турибди, ёнида битта йигит бор.

Расм-русумлар бажо келтирилиб, марҳум қабрга қўйилди. Тупроқ тортилгач, Исҳоқ чол ўртага чиқиб:

— Бу қандоқ аёл эди?— деб сўради.

— Яхши, яхши,— деб жавоб берди оломон.

Усмонов орқада қолиб, гўрков билан ҳисоб-китоб қилди ва Холдорга маъноли қараб хайрлашди.

— Бўпти, мен ҳам кетаман,— деди Холдор.

— Ахир... биласан-ку ўзинг, жиян?

— Йўқ, тоға! Ҳукумат омон бўлса, сизга одам топиб беради. Мозор гўрковсиз қолмайди.

Чол мўлтираб қараб қолди.

У ёқда, Қувватбековнинг ҳовлисида мўъжиза юз бермоқда. Мунира айтгани минг-минг йил аввалги халқ таомили бажо келтирилмоқда эди.

Войбўри эшикдан кираверишдаги туйнук қошида ўтириб, мотам қўшиғини ёзиб олмоқда:

— Укўздарё<sup>1</sup> гум<sup>2</sup> экан, гум кан;  
Лабларияда чим экан, чим экан,  
Сабоҳатим кўринмас, кўринмас,  
Йўқ бўлгани чин экан, чин экан.

Қора рўмол қўлимда, қўлимда,  
Қараб қолдим йўлингта, йўлингта.

<sup>1</sup> Амударёнинг мелоддан аввалги номи. (туркча).

<sup>2</sup> Чуқур.

Сариқ рўмол қўлимда, қўлимда,  
Саргайиб қолдим йўлингга йўлингга.  
— Уввв..

— Минган отинг минали, минали,  
Ели, думи хинали, хинали.  
Сабоҳатой ёш кетди, ёш кетди,  
Худойимдан гинали, гинали.  
— Уввв..

— Холажоним ув деди, ув деди,  
Жом косада сув деди, сув деди.  
Сабоҳатдан айрилдим, айрилдим,  
Тақдиримда шул деди, шул деди.

Мотам маросими тугади. Мозордан қайтишган эркаклар ичкарига кириб фотиҳа ўқишгач, тарқала бошлади.

— Битта машина қолди, — деди Эминов Иқлима опага. — Керак бўлади.

Ўктам Қувватбековнинг ёнида бир нафас қотиб турди-да, бирдан уни қучиб ўпди. Сўнг шошиб, «газик» томонга кетди.

У эшикни очган ҳам эди, Иқлима опанинг дарвозасидан Насиба чиқиб қолди. Ўктам унга қаради, у Ўктамга. Сўнг Насиба алланечук ҳушёр тортиб унга тагин бир қур кўз ташлади-да, қандайдир елкасини қисди ва деворнинг бузилган жойидан ўтди кетди.

Ўктам гангиб ичкарига кирди, ўзини таҳқирлагандай ҳис этиб: «Менга бегонага қарагандай қаради-я? — деди. — Қизиқ. Кечаги Насиба!»

Ана шунда у бошқа нарсани кашф этди: «Дарвоқе, у мени севармиди? Баъзан ғалати бўлиб... кимгадир айтиши керак бўлган гарини менга айтгандек бўлар эди».

— Ўктам ака, қаёққа ҳайдай?

— Идорага.

Идорага боргунча Ўктамнинг ҳам хаёлини бошқа нарсалар эгаллаб олди. У совхозни ўйлар эди.

1975 йил, Тошкент.

**Холмирзаев Шукур.**

**Сўнгги бекат. Роман. т., «Ёш гвардия», 1976.  
248 б.**

**Халмирзаев Шукур. Конечная остановка.**

**На узбекском языке**

**Шукур Халмирзаев**

## **КОНЕЧНАЯ ОСТАНОВКА**

**Издательство «Еш гвардия» Ташкент — 1976**

**Редактор Э. Усмонов  
Рисом В. Кайдалов  
Расмлар редактори К. Алиев  
Техн. редактор Л. Вуркина  
Корректор М. Тоиров**

**Босмакхонага берилди 20/V-1976 й. Босишга рухсат этилди 8/XII-1976 й.  
Формати 84×108<sup>1/2</sup> Восма листи 7,75. Шартли босма листи 13.12. Намуна  
лист 11,85. Тиражи 60000. I- завод 30000. P- 09787.  
Шартнома № 182-75. Қогов № 3.**

**Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти. Тош-  
кент, Навоий кўчаси, 80. Заказ 103. Баҳоси 48 т.**

**Ўзбекистон ССР Министрлар советининг нашриётлар, полиграфия ва  
китоб савдоси ишлари бўйича Давлат комитетининг 1- босмакхонаси.  
Ташкент. Ҳамза кўчаси, 21.**